



Т.Ш.ЭШНАЗАРОВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ҒАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИ
АСОСЛАРИ**

*Давлат бюджетининг ғазна ижроси,
унинг механизмлари, бухгалтерия ҳисоби
ва автоматлаштирилган ахборот тизими*

Тошкент –2012

9. 95

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент Молия институти

Т.Ш. ЭШНАЗАРОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҒАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИ АСОСЛАРИ

*(Давлат бюжетининг ғазна ижроси, унинг механизмлари,
бухгалтерия ҳисоби ва автоматлаштирилган
ахборот тизими)*

7045

11030

Тошкент
«IQTISOD-MOLIYA»
2012

УДК 336.14(575.1)
ББК 65.261.3(5Ў)
Э99

Тақризчилар: иқтисод фанлари доктори, профессор **Н.Х.Ҳайдаров;**
иқтисод фанлари доктори, профессор **Ё.Абдуллаев;**
иқтисод фанлари доктори, профессор **О.Олимжонов**

Иқтисод фанлари доктори, профессор **А.В.Ваҳобовнинг** умумий раҳбарлиги остида

Эшназаров Т.Ш.

Э99 Ўзбекистон Республикасида **ғазначилик тизими асослари.** (Давлат бюджетнинг ғазна ижроси, унинг механизмлари, бухгалтерия ҳисоби ва автоматлаштирилган ахборот тизими) (ўқув қўлланма). –Т.: «**IQTISOD-MOLIYA**», 2012. -304 б.

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ғазна ижроси, давлат сектори ҳисоби ва ҳисоботи, ғазначиликнинг автоматлаштирилган ахборот тизимига бағишланган бўлиб, у ғазна ижроси ва уни татбиқ этиш бўйича ривожланган ва ўтиш даври мамлакатлари ғазначилиги тажрибаси, халқаро молиявий институтлар мутахассислари ҳамкорлигида олиб борилган иланиш ва амалий ишларга таяниб ёзилган.

Қўлланма талабалар, магистрантлар, аспирантлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, амалиётчи мутахассислар ва барча китобхонларга мўлжалланган.

Қўлланма Тошкент Молия институти илмий-услубий Кенгашининг қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

УДК 336.14(575.1)
ББК 65.261.3(5Ў)

ISBN 978-9943-13-343-3

© «**IQTISOD-MOLIYA**», 2012
© Т.Ш. Эшназаров, 2012

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ислохотларининг асосий йўналишларидан бири давлат молиясини ислох этиш, ҳисоб ва ҳисобот тизимини халқаро стандарт андозаларига мос келтириш, давлат молиявий ресурсларининг бошқарилиши ва назорат қилинишини, уларнинг бюджет пул маблағларининг тартибга солинган оқимини таъминлаш ва-колатига эга бўлган ижроия ҳокимиятнинг бир органида марказлашувини таъминловчи янги институтларни ташкил этиш, уни такомиллаштириш ва шу асосда бюджет-солиқ сиёсатини либераллаштириш тамойилларига амал қилган ҳолда тўғри юриштишдан иборатдир.

Бюджет бугунги кунда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ҳолатининг барометри бўлиб қолмоқда. Иқтисодий барқарорлик кўп жиҳатдан бюджет тизимининг такомиллашганига, бюджет ижроси ва бюджет соҳасидаги ўзаро муносабатлар оптималлашганига, барча даражадаги бюджетлар номутаносиблигини тенглаштиришнинг аниқ ишловчи механизми барпо этилишига боғлиқ. Мамлакатда давлат молиясини бошқаришни ислох қилиш ва бюджет ғазна ижроси тизимининг ташкил этилиши, айнан, ушбу мақсадларни муваффақиятли ҳал этишга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 апрелдаги “Давлат молиясини бошқаришни ислох қилиш лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 144-сонли қарори ғазначилик тизимини яратиш борасида биринчи қадам бўлган бўлса, 2004 йил августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши уни ташкил этиш чора-тадбирларини жадаллаштириш зарурлигини белгилаб берди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон

Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги 610-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244-сонли ва 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ -532-сонли қарорлари билан Давлат бюджети ғазна ижросининг механизмларини жорий этиш босқичма-босқич давом эттирилди.

2007 йил 28 февралдан эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-594-сонли «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ янги институционал тизим – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилик институти ва унинг ҳудудий бўлинмаларига асос солинди.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси услубий ва ташкилий жиҳатдан қаралганда ҳам мукамал жараён ҳисобланади. Бу тизимни тўлиқ ва чуқур ўрганиб чиқмаслик, унинг ишлаш принципларига риоя этмаслик унинг нафақат ишлаш самарадорлигини пасайтиради, балки бюджет ижросини нотўғри талқин этишга ҳам олиб келади.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда Давлат бюджети ижросини амалга оширишда ғазна ижросининг тегишли тартиблари ҳамда ғазначилик органлари ролини аниқлаш бўйича илмий ва назарий ишланмаларнинг жиддий орқада қолаётгани кузатилмоқда.

Қўлланмада ғазначилик тизимининг моҳияти ва уни ташкил этишнинг заруриятлари ва ишлаш тамойилларини ёритиб беришга ҳаракат қилинган. Ғазначиликни ташкил қилиш, бюджетнинг ғазна ижроси ва уни босқисма-босқич татбиқ этиш, ижро механизмлари, жумладан, Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини кассавий режалаштириш ва бюджет маблағларини бошқариш, Давлат бюджети ғазна ижроси бухгалтерия ҳисоби ва унинг халқаро андозалари, шунингдек, халқаро андозалар асосида ишланган бюджет таснифи ва унинг моддалари билан умумлаштирилган умумий бюджет бухгалтерия ҳисоби режаси ҳам берилган.

Қўлланманинг асосий мақсади – кенг жамоатчиликда давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш натижаси ўлароқ, Давлат бюджети ижросининг ғазна тизими, унинг ижро этиш унсурлари, ташкил этиш тамойиллари тўғрисида

аниқ тасаввур ҳосил қилиш ҳамда ўқув юртларида Ғазначилик тизимига малакали кадрларни тайёрлашга кўмаклашишдан иборат. Шунингдек, мазкур ишда ғазначилик органлари томонидан бажарилаётган ва келгусида бажарилиши кўзда тутилаётган функционал вазифалар кенг ва аниқ баён этилиб, ушбу органларнинг бюджетни ижро этиш жараёнидаги роли алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Муаллиф Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ташаббуси билан Давлат бюджети ғазначилик тизимини яратиш ва ташкил этишда жонбозлик кўрсатган, ўз меҳнат ва билимларини аямаган бир гуруҳ инсонлар, жумладан, В.Кильберг, Ж.Қўчқоров, Р.Мирзаева, Т. Дадажонов ва бошқаларга ўз миннатдорчилигини изҳор этади.

Муаллиф мазкур китоб тўғрисида билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни мамнунат билан қабул қилади.

•

1 БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МОЛИЯСИ ТИЗИМИДАГИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР ВА ФАЗНАЧИЛИК ИНСТИТУТИ

1-боб. Ўзбекистон Республикаси давлат молияси тизимидаги ислохотлар ва чет эл тажрибалари

1.1. Давлат молияси соҳасидаги институционал ислохотлар ва янги тизимларни шакллантиришнинг муҳим йўналишлари

1991 йилда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши республикамизнинг ўз ривожланиш йўлини танлаш ҳуқуқини таъминлади ва, бир вақтнинг ўзида, унинг олдига мустақил мамлакат бюджетини тузиш, халқ хўжалигини қайта қуриш, уни бозор муносабатларига асосланган, сифат жиҳатдан янги ҳолатга ўтказиш билан боғлиқ кўплаб муаммоларни қўйди. Бунда мамлакат Президенти И.Каримов айтганларидек... "мураккаб ўтиш даврида қабул қилинган қонунларнинг амалда бажарилишини таъминлай оладиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишга қодир бўлган ижро ҳокимиятининг самарали тизими ва тузилмаларини яратиш муҳим аҳамиятга эга эди"¹

Мамлакатнинг иқтисодиёти собиқ иттифоқ республикаларидан олиб келинадиган биринчи навбатдаги маҳсулотларга боғлиқлиги мамлакат савдо балансининг ёмонлашуви ва

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий мажлис. Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2007 й. 31 август.

нархларнинг тезда кўтарилишига сабаб бўлди. Бунда давлатнинг иқтисодий тартибга солувчи ва бош ислохотчи сифатида бошқарувнинг марказлашган режа тизимини ўзида намён этган маъмурий-бўйруқбозлик ва бюрократик тизимнинг ўзагини ташкил этувчи ва собиқ СССР манфаатларидан келиб чиққан ҳолда республикага хом ашё базаси ролини бажариш юкланган институтлар ўрнига, бутун иқтисодий муваффақиятли ислох қилишнинг энг муҳим натижаси сифатида собитқадам макроиқтисодий барқарорликни таъминловчи чуқур таркибий институционал ўзгаришларни амалга ошириш, бозор институтларини ташкил этиш ҳамда иқтисодийнинг ўзига хос моделини шакллантириш ва яратиши лозим эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов айтганларидек, “Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделимиз республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъаналар, урф-одатлар, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодни бирёқлама, бесунақай ривожлантиришнинг мудҳиш меросига барҳам беришга асосланади”¹. Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда биринчидан, институционал йўналишларга, яъни миллий иқтисодий бошқаришни тартибга солиш институтларини тузиш ёки шакллантириш, яъни институционал ислохотларга эътибор қаратилди.

Миллий иқтисодий ислох қилиш жараёнида институционал ислохотларни давлатнинг иқтисодий сиёсатига таъсири нафақат иқтисодий сиёсатни эркинлаштириш, балки молия тизимни институционал ўзгартириш учун глобаллашув оқибатларини ҳисобга олишдан ҳам иборат. Молиявий оқимларнинг аниқлигини таъминловчи молиявий тизимнинг институционал таркибини яратиш давлат сиёсатининг муҳим унсури ҳисобланади, бу молияни тартибга солиш ва назорат қилиш органлари томонидан белгиланадиган муайян ахборотдан эркин фойдаланишни назарда тутувчи эркин молия бозори фаолият кўрсатишининг муҳим шarti ҳисобланади.


- Институционал ислохотлар молия тизимининг тегишли таркибини ўзгартиришни, янги расмий ва норасмий инсти-

¹ Каримов, И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Тошкент: Ўзбекистон. 1997. 188 б.

тутларни шакллантиришни, мавжуд институтлар мазмунини ўзгартиришни ёки алоҳида институтларнинг фаолият соҳасини кенгайтиришни англатади.

Давлат сингари молия тизими ҳам демократик қурилиш давлат тамойиллари асосида қурилган бўлиб, мураккаб, кўп поғонали, у ёки бу белгилар бўйича иерархик таркибланган, турли молиявий ресурслар ва молиялаш манбаларига эга бўлган тизимни ўзида намоён этади. Молия тизимининг таркиби, функциялари, бўғинлари ва унсурларининг ўзаро боғлиқлиги у собиқ СССР таркибидаги республикадан ҳозирги вақтда марказлашган тарзда бошқариладиган иқтисодиёт ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган функцияларни бажаришда давлатнинг ролини сақлаб қолган ҳолда молияни эркинлаштириш тамойилларига асосланиб ривожланувчи иқтисодиёт унсурларини ўзида уйғунлаштирган мустақил давлатгача босиб ўтган тарихий йўл билан белгиланади. Молия тизими фақатгина сўнгги 10-15 йил мобайнида ана шундай кўринишга эга бўлди, бу биринчи навбатда, хўжалик юритишнинг бозор тамойилларига ўтиш билан боғлиқ. Узоқ вақтгача у ташкилотнинг бошқа хилини ўзида намоён этди. Унинг асоси иккита кичик тизим – умумдавлат молияси ҳамда корхоналар ва халқ хўжалиги тармоқлари молиясидан ташкил топган. Бугун молия муносабатларининг йиғиндиси юқори даражадаги регламентация билан ажралиб турди, молия тизимининг барча бўғинлари идоравий норматив ҳужжатларга, йўриқномаларга, низомларга амал қилади.

Соддалаштирилган кўринишда молия тизими доирасида унинг таркибини ҳосил қилувчи бир неча даражаларни йириклаштирилган тарзда ажратиш мумкин (1.1 расм).



1.1-расм. Молия тизимининг таркиби

Албатта, молия тизими маъмурий иқтисодиёт унсурларига асосланган ҳолда намуна сифатида республикамизга давлат қурилиши бўйича яқин бўлган ва шу билан бирга, институционал таркиб бўйича фарқ қилувчи молия тизимларга эга бўлган давлатларнинг молия тизимларидан фойдаланди. Миллий фарқларга қарамасдан иқтисодиёт фаолият кўрсатишининг умумий бозор тамойиллари ва ривожланиб бораётган молиявий глобаллашув жараёни турли давлатлар молия тизимлари институционал таркибини ташкил этиш тамойилларининг ягоналигини белгилаб беради.

Молия тизимининг муҳим бўғини сифатида давлат молияси шаклланиш усули ва мақсадига қараб Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига (давлат мақсадли пенсия жамғармаси, йўл жамғармаси ва ҳоказолар), давлат суғуртаси, шунингдек, давлат молияси таркибида давлат кредитига ажратилади.

Давлат молияси тизими — бу молиявий операцияларни таъминлаш таркибий ва функционал органларининг ягона мажмуи бўлиб, операциялар ёрдамида улар пул маблағларини жамғаради ва харажатларни амалга оширади. Ушбу соҳа мамлакат молия тизимида муҳим ўрин тутаяди, бу ҳол ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш заруратини белгилаб беради.

Хўжалик юритувчи субъектлар, корхоналар ва ташкилотлар молиясининг таркибида тижорат ташкилотларининг молияси ва нотижорат ташкилотларининг молияси ажратилади. Давлат молияси ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг катта қисмини қайта тақсимлаш воситаси ҳисобланади: Японияда — 1/3, Франция, Нидерландия, Норвегияда — 1/2, Швецияда — 2/3, Россияда — 1/3¹, Ўзбекистонда эса охириги йилларда Давлат бюджети орқали 35-40² фоизи, миллий даромаднинг эса 1/3 га яқини тақсимланмоқда. Молия тизими алоҳида бўғинларининг молиявий муносабатлари соҳасини кўриб чиқаётиб, Давлат бюджети унинг марказий ва асосий

¹ Приоритеты государственного регулирования экономики. Ростов-на-Дону: СКАГС, 1998. С.34.

² С.В. Чепель и др. “Макроэкономика”—М.: 2007. С.22-39.

бўғини эканлигини таъкидлаш лозим. Давлат мавжуд бўлишининг моддий асосини таъминловчи иқтисодий муносабатлар соҳаси сифатида давлат бюджети жамият сиёсий ташкилотининг вужудга келиши билан бир вақтда пайдо бўлди ва ривожланди. Давлат тузилмаларининг пайдо бўлиши, улар функцияларининг ривожланиши даромадларнинг янги турларини ҳосил қилиш ва улардан умумдавлат эҳтиёжларида фойдаланиш кўринишида миллий даромадни қайта тақсимлашнинг янги муносабатларини келтириб чиқарди. Ҳозирги вақтда давлат молия оқимларининг бюджет тизими поғоналари бўйлаб ҳаракати доирасида уларнинг аниқлигини таъминлаш мавжуд молия институтларига ва уларнинг воситаларига таянади. Асосан ушбу институтлар бюджет тизими доирасида молиявий оқимлар ва ресурсларнинг аниқлигини таъминлашга қодир. Бироқ уларнинг турли молиявий институтлар орқали ҳаракати жараёнида мувофиқлаштириш зарурати пайдо бўлади.

Иқтисодиётнинг улуши бозор орқали, шу жумладан, талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда молиявий бозор орқали шаклландиган бозор хўжалиги шароитида бюджет сиёсати молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш иқтисодий воситаси сифатида ўз таъсири соҳасини қисқартиради, бироқ аниқ мақсадга йўналтирилган иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг асосий воситаларидан бири бўлиб қолади.

Давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий функцияси унинг фаолиятининг муҳим томонларидан бирини акс эттиради. Бюджет нафақат иқтисодиётни ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга, балки бюджет маблағлари ижтимоий соҳада илғор ўзгаришларни амалга ошириш учун зарур база бўлиб хизмат қилади. Бунда ижтимоий инфратузилма тармоқлари аҳамиятининг ортиши уларни ривожлантириш йўллари ва, ўз навбатида, молиялаш манбаларини қидириб топиш заруратини белгилаб беради. Жамият аъзоларининг ижтимоий эҳтиёжларини молиялаш учун мустақкам моддий асосни яратиш зарур, лекин бюджетсиз бунга эришиб бўлмайди.

Давлат бюджети иқтисодий восита сифатида ижтимоий ишлаб чиқаришга сон ва сифат жиҳатдан таъсир этишга қодир.

Сон жиҳатдан таъсир этиши бюджет молиявий ресурсларини пропорциялар билан тақсимлаш билан белгиланса, сифат жиҳатдан қайта ишлаб чиқариш жараёнида иштирокчиларнинг молиявий ҳолатига молиявий муносабат шакллари ташкил қилиш билан белгиланади. Айнан сифат жиҳатдан бюджетнинг таъсири молиявий ресурсларни ташкил этиш, йўналтириш ва ишлатиш принцип ва методларини хўжалик субъектларининг иқтисодий манфаатларига узвий боғланса иқтисодиётни ривожланишига тurtки бўлади. Бу эса бюджетни молия тизимида иқтисодиётни тартибга солишдаги ўрнининг муҳимлигини белгилайди. Шу билан бир қаторда, бюджет давлатнинг марказлашган маблағлари тушумини ва унга бўлган талаб тўғрисида аниқ маълумот бера олади. Шунинг учун ҳам биз бир қанча олимларнинг фикридан келиб чиқиб, В.М.Родионованинг Давлат бюджетининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида қуйидаги фикрларига қўшилаемиз.

Жумладан: Давлат бюджети бу жамият ва унинг худудлари талабини қондириш мақсадида давлат қўлида йиғилган миллий даромадини қайта тақсимлаш иқтисодий шаклидир.

Бундан ташқари, М.В.Родионова “Давлат бюджетини халқ хўжалигини, ижтимоий маданий тадбирларни мудофаа ва давлат бошқарувини молиялаштириш мақсадида миллий даромадни қайта тақсимлаш натижасида бюджет жамғармасини ташкил қилишдаги давлат билан ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ўртасидаги пул муносабатлари”¹ деб белгилайди. Шу билан бир қаторда, Т.Маликов ҳам бир қатор олимларнинг фикридан келиб чиқиб, “Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотни тақсимлашда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар билан давлатнинг молиявий режасидан иборат”² деган мулоҳазани ўртага ташлайди.

Шундай қилиб, олимларнинг ҳар хил қарашларини таҳлил қилиб ҳамда умумлаштириб “Давлат бюджети” тўғрисидаги тушунчани қуйидагича талқин қилаемиз. Давлат бюджети – бу иқтисодий категория сифатида, жамиятнинг маълум бир

¹ Родионова В.М. Финансы. – М.: Финансы и статистика, 1993. с.298.

² Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2007. 83 б.

даражадаги талабларини қондириш мақсадида давлат ва ишлаб чиқариш субъектлари ўртасидаги давлат пул маблағлари жамғармасини ташкил этиш, тақсимлаш ва ишлатиш жараёнидаги молиявий муносабатлардир.


Бюджет муносабатларини шакллантиришда бюджет ўзида асосий икки жараёни, яъни бюджетни тузиш ва тартибга солиш ҳамда уни ижросини намоён этади. Бюджет жараёни ва уларнинг унсурлари 1.2-расмда берилган. Бизнингча, бюджет жараёнининг мана шу бирлиги бюджетнинг иқтисодий категория сифатида туб моҳиятини аниқлаб қолмай, балки унинг қайта тақсимлаш унсури эканлигини ҳам очиб беради. Амалиётда бу ҳолат бюджет жамғармаси пул маблағларини сарфлашда кўринади. Бюджет жараёни бюджетни режалаштиришнинг асосий шакли сифатида ҳокимият органларининг Давлат бюджети ва унга қиравчи бюджетларни тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, улар ижросини назорат қилиш, бюджетлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш бўйича қонун ҳужжатлари билан белгиланган фаолиятни ўзида намоён этади.

Шундай қилиб, бюджетни қайта ишлаб чиқариш жараёнига туртки берувчи, ижтимоий дастурларни, ижтимоий товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, фан ва техника тараққиётини рағбатлантириш, структуравий муаммоларни ечиш, давлат муҳофаасини таъминлаш ва давлатнинг бошқа функцияларини амалга ошириш имкониятини яратиб берадиган муҳим зарурият ҳамда восита деб қараш мумкин.

Нисбатан қисқа вақт ичида Ўзбекистонда бюджет муносабатлари чуқур ўзгаришларни бошдан кечирди. Бунда иқтисодиётни ва бюджет муносабатларини ислоҳ қилиш эволюцион ривожланиш тамойиллари бўйича ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари ривожланиши билан боғлиқ равишда амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, бозор иқтисодиёти (ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бошқа ҳар қандай ташкилоти сингари) муайян тизимли яхлитлик ҳисобланади. Уни Ўзбекистон шароитида мажбурий ҳисобланган қатор умумий унсурларни таъминлаган ҳолда амалга ошириш мумкин, чунки ушбу унсурларсиз ва уларнинг ўзаро боғлиқлигисиз тизим шаклланиб, фаолият

кўрсата олмайди. Шу муносабат билан мамлакат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш тамойиллари бозор тамойилларига асосланган иқтисодиётни ташкил этиш ва бошқаришни шакллантиришга йўналтирилган сиёсатнинг муҳим ва ажралмас таркибий қисмларидан бири сифатида кўриб чиқи-лиши лозим.



1.2-расм. Бюджет жараёни ва уларнинг унсурлари

Бу билан ислоҳ қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими доимий равишда такомиллашиб бориши белгиланади. Давлат, вилоятлар ва маҳаллий бюджетларнинг шаффофлигини таъминлаш, бюджетни шакллантириш, ижро этиш ва мониторингини юритишни ташкил этишга

замонавий ахборот тизимларини жорий этиш, жамоатчиликни бюджет жараёнига жалб этиш даражасини ошириш қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг энг устувор йўналишлари жумласига киради.

Бюджет муносабатларини янада ислоҳ қилиш замирида бюджет жараёнини такомиллаштириш зарурати, яъни олдинда турган молия йили учун Давлат бюджетининг режасини қабул қилиш тартиботларини ҳам кўриб чиқиш ётади.

Кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси Давлат бюджетини ўрта ва узоқ муддатли режалаштиришнинг устунлигини кўрсатмоқда, унда бюджет чекловлари прогноз қилинаётган даврда содир бўладиган иқтисодий конъюнктуранинг ўзгаришлари замирида белгиланади. Бу билан давлат молиявий сиёсатининг барқарорлигига эришилади ҳамда ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш давлат дастурларида кескин ўзгаришларнинг олди олинади. Давлат бюджети маблағларини олувчилар ҳар йили режалаштирилаётган йил учун белгиланган чекловлар доирасида бюджетлар лойиҳаларини тақдим этишлари лозим. Бюджет миллий иқтисодиётда бўлиши мумкин бўлган иқтисодий вазиятнинг ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши, бу олдинда турган йиллар учун прогнозларни ўзгартириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бюджетдан молиялашнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатли стратегияларининг асосида назарда тутилаётган йил учун давлат молиявий ресурсларини аниқлаш ётади. Прогноз қилинаётган давлат молиявий ресурслари доирасида уларни сарфлашнинг устувор йўналишлари шакллантирилиб, сўнгра улар дастурларга ва лойиҳаларга бўлинади. Ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврга мўлжалланган мамлакатнинг макронқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши Давлат бюджетини ўрта муддатли режалаштиришни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шу билан бир қаторда Дастурий мақсадли молиялаш ва ўрта муддатли бюджет сиёсатини уйғунлаштириш нафақат бюджет маблағларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг стратегик йўналишларига сафарбар этиш, харажатларни мақсадларга қараб ва вақтга кўра оптималлаштириш, балки давлат бюджет харажатларининг самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Қабул қилинган давлат молиявий ресурслари муносабатлари билан боғлиқ бўлган жумладан, бюджет муносабатлари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш ва уларни бузиш ҳаракатларини олдини олишга йўналтирилган молия аудити тизимини жорий этиш давлат молияси ва бюджет тизими тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг муҳим институционал йўналиши ҳисобланади. Бунда у икки йўналишни, яъни ички аудит ва ташқи аудитни ўз ичига олиши лозим. Давлат молияси соҳасида аудитнинг амалдаги тизими мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан маълум бир даврни ўз ичига олган текширув сифатида Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бошқармаси ва Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси зиммасига юклатилган.

Давлатнинг актив ва пассивлари ҳамда мажбуриятларини жумладан, бюджет, ва бюджет маблағлари билан боғлиқ бўлган фаолиятни тартибли ва самарали юритиш воситаларининг йиғиндисини сифатида давлат молияси аудити институти (ички ва ташқи назорат тизими) қонун ҳужжатларининг талабларига амал қилинишини; бюджет ва бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларининг ишончлилиги, аниқлиги ва тўлиқлигини текшириш; хатолар ва бузиб кўрсатишларнинг олдини олиш; буйруқлар ва фармойишларни бажариш; мулкнинг буглигини таъминлаш ва раҳбарият сиёсатига қатъий амал қилиш; товламачилик ва хатоларни аниқлаш; ишончли молиявий ахборотни ўз вақтида тайёрлашни назарда тутувчи мақсадларнинг амалга оширилишига кўмаклашишга хизмат қилади.

Республикамизда ҳозирги кунда ҳўжалик субъектларининг фаолияти аудити мавжуд бўлишига қарамасдан, молия аудити тизими қонун ҳужжатлари нуқтаи назардан ҳам аудитни ташкил қилиш методологиясини яратиш ва такомиллаштириш юзасидан ҳам янада ривожланишни талаб қилади. Биринчи навбатда тизимнинг ривожланиши давлат молияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг ижросига самарали ва амалий таъсир этиш механизминини яхшилашга йўналтирилади. Улар томонидан амалга ошириладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари, давлат томонидан

ташқил этилган ёки давлат улуши бўлган хўжалик корхоналари ва маҳаллий бюджетлар ижросининг мониторинги ва назорати нафақат давлатга тегишли ва Давлат бюджети маблағларидан мақсадли фойдаланиш масалаларини, балки уларнинг ижтимоий нормативларга, харажатларнинг самарадорлигига ва, биринчи галда, ушбу маблағларни сарфлашнинг дастурий вазифаларини амалга оширишга мос келишини қамраб олади.

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг муҳим жиҳати давлат ва бюджет маблағларини сарфлаш нуқтаи назаридан давлат, минтақавий маъмуриятлар ва бюджет ташкилотларининг эҳтиёжлари учун товарлар ва хизматлар харид қилиш тартибини белгилаб берувчи такомиллашган “Давлат хариди тўғрисида”ги ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ҳисобланади. Давлат сектори ва минтақавий бошқарув органлари ўз фаолиятининг кўлами бўйича товарлар ва хизматларнинг йирик истеъмолчиси сифатида иштирок этади. Аксарият мамлакатларда мавжуд бўлган давлат эҳтиёжлари учун товарлар ва хизматларни харид қилиш тартибини, йирик инвестиция лойиҳалари учун тендерларни ташқил этиш қоидаларини тартибга солувчи давлат томонидан товарлар ва хизматлар харид қилишининг қонунчилик асосларини уларнинг Ўзбекистон шароитида қўллаш имконияти нуқтаи назаридан ўрганиб чиқилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Харидлар тендер тартиби ва нархлар мониторингининг ўрнатилиши, давлат маблағларидан олинадиган самаранинг ошишига, маҳаллий ҳокимият органларига ва бюджет ташкилотларига бўлган ишончнинг ортишига, ўз навбатида, уларга бюджет ваколатларини ўтказиш учун катта имкониятлар яратилишига хизмат қилиши ва бу ҳам фазначилик тизимини асосий йўналишларидан бирига айланади.

Шу билан бир қаторда бюджет таснифи, давлат сектори ва бюджет ҳисобини юритиш тартибини халқаро стандартларга мослаб такомиллаштириш давлат молияси, жумладан, бюджет тизимини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши ҳисобланиб, у минтақавий маъмуриятлар ва бюджет маблағларини тақсимловчилар фаолиятининг шаффофлигини кафолатловчи, давлат молиявий ресурслари ва бюджет жараёнининг барча босқич-

ларида молиявий ахборотнинг зарур ва ишончли ҳажмини таъминловчи ишончли ва амалий воситага айланади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш давлат молиясини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади, чунки иқтисодиёт ва аҳоли ижтимоий турмушининг барча соҳаларидаги ислоҳотлар кучли қонунчилик асосисиз самарасиздир. Ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларининг унификацияланиши такрорланиш ёки зиддиятларни истисно этган ҳолда мавжуд қонун ҳужжатлари ва йўриқнома тусидаги материалларни ягона тизимга келтирувчи ягона “Давлат бюджет кодекси”нинг қабул қилинишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, давлат молиясини ислоҳ қилиш учун қуйидаги учта омил зарур.

Биринчидан, ислоҳотлар давлатнинг маблағларини, активларини ва мажбуриятларини бошқаришнинг мамлакат ривожланишига кўмаклашувчи замонавий, ягона ва самарали тизимини ташкил этишга йўналтирилиши лозим.

Иккинчидан, давлат молиясини ислоҳ қилиш қамраб олиниши ва вақт горизонти бўйича амалга оширилаётган солиқ-бюджет ислоҳотларига қараганда анча кенг. Солиқ базаси ва бюджет тартиботларининг ўзгариши бошқа фундаментал: таркибий (давлат, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги институционал ўзгаришлар) ва функционал силжишлар ташқарисида самарали бўла олмайди. Пировардида гап давлат молияси моделининг глобал ўзгариши ҳақида бораёпти.

Учинчидан, режалаштирилаётган таркибий (табiiй монополиялар, ҳарбий, пенсия, ижтимоий таъминот, тиббиёт, таълим тизимлари ва б.) ислоҳотларни уларни амалга ошириш учун зарур бўлган харажатларни ва кўзланган самараларни мувофиқлаштириб, бунда давлатнинг ташқи ва ички мажбуриятлари ва активларини баҳолаган ҳолда ягона тизимга боғлаш талаб этилади. Бундай вазифани фақат мамлакат молия сиёсатининг ўрта ва узоқ муддатли мақсадларига эришишга йўналтирилган давлат бошқарувининг барча усулларидан фойдаланган ҳолда жорий бюджетни режалаштириш доирасидан ташқарига чиқиб ҳал этилиши мумкин.

Ислоҳотлар жараёнида уларга эришиш механизмлари яратилиши лозим бўлган бюджет тизимининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

а) мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжлари, амалга оширилаётган (табиий монополиялар, мудофа, ижтимоий таъминот, коммунал ва бошқа соҳалардаги) таркибий ўзгаришлар “нархи” ва самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда аҳолига ва иқтисодиётга нисбатан давлат мажбуриятларининг ҳажми ва таркибини аниқлаш;

б) иқтисодиёт ва аҳолига умумий бюджет юқининг уларни оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш имкониятларига мос келишини таъминлаш, солиқ тўловчиларнинг асосий гуруҳларига тенг (ресурсларга ва иқтисодий фаолликка мутаносиб) юкламага эришиш;

в) давлатнинг режалаштирилаётган мажбуриятлари билан унинг солиқ базасининг имкониятлари, шунингдек, давлат қарзларининг мақсадга мувофиқ даражаси ва таркиби ўртасидаги динамик балансларни шакллантириш.

Солиқ-бюджет ислоҳотининг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда молиявий стратегияни шакллантириш олдинги ўринда туриши керак. У давлат молия тизимининг истиқболий мақсадларини унинг жорий бюджет эҳтиёжлари билан; ташқи ва ички қарзлар миқдори ва қийматини уларнинг самарадорлиги ва давлатнинг тўлов қобилияти билан; ҳокимиятнинг барча бўғинларининг жавобгарлик даражаси ва бюджет ваколатларини улар ихтиёридаги мавжуд ресурслар ва имкониятлар билан боғлаши лозим.

Бизнингча, бюджетни ислоҳ қилиш босқичлари қуйидагича белгиланиши мумкин. Биринчи босқич – ислоҳотларни жорий этиш. Мақсад - бюджет тизимини ислоҳ қилиш учун шароитларни таъминлаш. Мазкур босқичда қуйидагилар таъминланиши лозим: бюджет ислоҳотларининг таркибий қисмларини ҳисобга олган ҳолда “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонунга ва Солиқ кодексига аниқликлар киритиш; ёки мукамал “Давлат бюджети кодекси”ни ишлаб чиқиш, барча даражадаги бюджетларни тузиш тартиботларини келишиш тизимини шакллантириш (умумлаштирилган бюджетни режалаштириш тизимига ўтиш), бюджет тизимининг барча

(бюджетдан маблағ олувчилар) даражаларида ғазначиликнинг марказлашган технологиясига асосланиб ишлаб чиқиш ва уни тўлиқ тизимини қуриш; ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият ўртасида доимий равишда амал қилувчи келишиш тартиботларини йўлга қўйиш, бюджет жараёнининг узлуксиз ва изчил хусусиятга эга бўлишини таъминлаш.

Иккинчи босқич – асосий. Мақсад – замонавий самарали бюджет тизимини барпо этиш. Ушбу мақсадга эришиш қуйидагиларни назарда тутади:

– бюджет тизими барча унсурларининг ўзаро ва давлат фаолиятини таъминлашнинг бошқа асосий тизимлари билан туташуви;

– бюджетларнинг “шаффофлиги”, яъни «транспарентлигига» эришиш йўли билан бюджетни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиботларининг мазмундорлигини ошириш;

– халқ хўжалиги ва бюджетни прогноз қилиш тизимини ислоҳ қилиш (мустақил идорадан ташқари экспертиза режимига ўтказиш), уни фаоллаштириш; унга маҳаллий ўзини ўзи бошқариш даражасини, давлат қарзининг барча турлари, бюджет оқимлари ва қарзларни киритиш йўли билан тўлиқ жипс-лаштирилган бюджетни режалаштиришга ўтиш;

– жамият даромадларининг таркиби билан солиқ солиш таркиби ўртасидаги номуносибликка барҳам бериш, иқтисодий фаоллик ҳамда ишлаб чиқариш ва истеъмол субъектларига фискал юкнининг муносиблигини кафолатлаш мақсадида солиқ тизимини ўзгартириш;

– ғазначилик органларининг Ягона Ғазна ҳисобварағига асосланган давлат молиявий ресурсларини бошқариш бўйича функцияларини изчил (босқичма-босқич) кенгайтириш.

Учинчи босқич – бюджет тизимининг салоҳиятини амалга ошириш. Мақсад – бюджет сиёсатининг узлуксизлигини ва изчиллигини таъминлаш, мувазанатлашган иқтисодий ўсиш асосларини яратиш.

Ушбу стратегия доирасида давлат молиясининг ягоналиги ва самарадорлигини таъминлашнинг қуйидаги йўналишларини амалга ошириш зарур.

1. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжлари, амалга оширилаётган таркибий ислохотлар

самарадорлигининг қийматини ҳисобга олган ҳолда аҳолига ва иқтисодийётта нисбатан давлат мажбуриятларининг ҳажми ва таркибини аниқлаш.

Давлатнинг режалаштирилаётган мажбуриятлари ва унинг солиқ базаси имкониятлари ўртасида динамик балансларни шакллантириш, шунингдек, давлатнинг ташқи ва ички қарзларининг мақсадга мувофиқ даражаси ва таркибини аниқлаш.

2. Давлат молиясига хизмат кўрсатишнинг ягона тартибига ўтиш, бюджет тизимининг тўлиқ шаффофлигини таъминлаш учун маблағларни олувчигача етказишда кечикишларга, улардан мақсадсиз фойдаланишга барҳам бериб, бюджетлараро муносабатларнинг самарадорлигини оширган ҳолда ҳокимиятнинг барча даражаларидаги бюджет ва бюджетдан ташқари фондларнинг даромадлар ва харажатлар ҳисобва-рақларини хизмат кўрсатиш учун Ҳазначиликка ўтказиш.

Ҳазначилик тизими ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, Давлат бюджетини ижро этишнинг самарали ва амалий механизми ҳисобланиб, унда давлат даромадлари ва харажатлари бўйича барча операциялар Молия вазирлиги Ҳазначилиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганларидек “Давлат бюджетини бажаришга қаратилган Ҳазначилик хизмати институтини ривожлантириш ва мустақамлаш бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини анча оширади”¹.

Ҳазначилик тизимининг ривожланиши солиқ органларининг, шунингдек, бюджет ижросининг барча даражаларидаги молия органларининг ишини умумлаштиради ва қисқартиради. Янги шароитда уларнинг бутун фаолияти давлатнинг молиявий маблағларини Ягона давлат хазинасида жамлашга қаратилади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий —иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2008. 9 февраль.

Миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февраль “Давлат бюджетининг фазна ижроси тизimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан Фазначилик институтини ташкил этилиши ва уни ривожлантирилиши мамлакат иқтисодиётининг маъмурий-режали тизимдан бозор муносабатларига ўтиши кейинги босқичининг мантиқий якуни ҳисобланади. Лекин мазкур институтнинг мақсадга мувофиқлигини ҳозирча ҳамма ҳам тушуниб етганича йўқ.

Айримларнинг фикрига кўра, иқтисодиётнинг ислоҳ қилиниши янги тузилмаларнинг пайдо бўлишига олиб келди, бир молиявий орган негизида параллел равишда фаолият юритувчи бир неча давлат тузилмалари (молия, солиқ, монополияга қарши кураш, фазначилик органлари) ташкил этилди. Ушбу тузилмаларни бир-бири билан таққослаб бўлмайди. Масалан, солиқ органларининг асосий вазифаси солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини, солиқлар ва йиғимларнинг келиб тушиши таъминланишини назорат қилишдан иборат. Келиб тушган солиқларни бюджетлараро тақсимлаш ва давлат бюджетининг даромад ҳисобварақларини тасарруф этиш иккинчи даражали вазифага айланади. Натижада бу бюджетлар ҳисобварақларидаги даромадларга даромадларни ўтказиш тезкорлигининг пасайишига олиб келади. Юқорида санаб ўтилган тузилмалардан ҳеч бири давлатнинг бюджет ва бюджетдан гашқари маблағларидан фойдаланишни назорат қилмайди. Ушбу вазифа фақат фазначилик ва унинг таркибий бўлинмалари зиммасига юклатилади. Демак, солиқ ва фазначилик органларининг фаолияти бир-бирини такрорламайди.

Таъкидлаш лозимки, фазначилик фаолияти ижтимоий молия тизимида мустақил институт ҳисобланади ва унинг ролини ўрганишга нисбатан жиддий эътиборни талаб қилади. Шунингдек, Фазначилик органларининг ташкил этилиши мамлакат иқтисодиётининг маъмурий-режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишдаги босқичнинг мантиқий якуни ҳисобланади.

Умуман давлат молия тизимидаги институционал ислохотларнинг муҳим мақсади — давлат молиясини жумладан,

бюджетни фискал-тақсимлаш механизмидан иқтисодиётни ривожлантириш ва уни давлат томонидан тартибга солишда асосий воситага айлантиришдан иборат деб айтиш мумкин.

1.2. Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини ташкил этиш зарурати

Турли мамлакатлар иқтисодий ривожланишининг ўтиш босқичларида давлат молиявий ресурслари, шу жумладан, бюджет оқимларини бошқаришнинг янги шакллари танилаётганлиги зарурати юзага келади. Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири ҳам давлат молия тизимида давлат молиявий оқимларини тўлақонли бошқаришни ва ҳисоб-китобини олиб боришни таъминлайдиган янги институтларни ташкил қилишдан иборатдир.

Бу эса, албатта, қуйидаги вазифаларнинг амалга оширилишини тақозо этади:

- давлатнинг молиявий ресурслари (актив ва пассивлар) ҳисоб-китобини юритиш ва вақтинчалик бўш турган молиявий маблағларидан янада самарали фойдаланиш;

- Давлат бюджети ва барча даражадаги бюджетларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли ижросини таъминлаш;

- товар ва хизмат етказиб берувчиларнинг харажатларини тўғридан-тўғри тўлаш йўли билан бюджет харажатларининг газна тизими орқали янада тезкор амалга ошириш;

- давлат маблағларининг келиб тушиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш;

- бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш ҳамда молия ва солиқ органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

- солиқлар йиғимини кўпайтириш, солиқларни олиш ва уларни йиғилувчанлигини таъминлаш услубиятини такомиллаштириш ҳисобига бюджетларнинг даромад базасини ошириш;

- маблағларни ижтимоий соҳага йўналтиришга, барча даражадаги бюджетларда ижтимоий йўналишлардаги моддаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминлаш;

- Давлат молиявий ресурслари, жумладан, барча даражадаги бюджетларнинг ҳолати бўйича ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва уни таҳлил қилишнинг тезкорлигини ошириш, шунингдек, Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг касса ижроси юзасидан ҳар кунлик мониторингни юритиш;
- асосланмаган кредиторлик ва дебиторлик қарзларига йўл қўймаслик ва уларни камайтириш;
- бозор муносабатлари шароитида тижорат банкларини уларга хос бўлмаган Давлат бюджетининг касса ижроси, ҳисоб юритиш ва бюджет ижроси тўғрисида ҳисоботлар тайёрлаш вазифаларидан озод этиш;
- бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши юзасидан уч бўғинли, яъни дастлабки, жорий ва кейинги назоратни амалга ошириш.

Фазначилик тизимининг жорий этилиши давлатнинг молиявий ресурслари жумладан, бюджет ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, давлат мақсадли жамғармаларнинг маблағларини Марказий банкда очиладиган **Ягона ғазна ҳисобварағи (ЯҒҲ)**да ёки бирламчи босқичда ҳудудий ғазна ҳисобварақларида бирлаштириш йўли билан бюджетдан маблағ олувчилар ҳисобварақларидаги фойдаланилмаган қолдиқлар кўринишидаги бюджет маблағларининг мақсадсиз фойдаланилишининг олдини олиш имконини беради. 2004 йилда чорак ўртасидаги ҳолатга кўра банк ҳисобварақларидаги бюджет маблағларининг ҳар кунлик қолдиқлари 165,6 млрд. сўмни, чорак охирида ўртача — 139,9 млрд. сўмни, банк ҳисобварақларидаги бюджет маблағларининг ўртача ойлик қолдиқлари эса — 133,4 млрд. сўмни ташкил қилди.

2005 йил 1 июндан эътиборан Самарқанд вилоятининг Самарқанд ва Тойлоқ туманларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва улар харажатларини тўлаш борасида бюджет ғазна ижросининг элементлари жорий этила бошланди. 2004 йилда бюджет маблағларининг ўртача ойлик қолдиқлари мазкур туманларда молиялашнинг ўртача ойлик ҳажмига нисбатан 54,6 фоизни ташкил қилди. Фазначилик элементларини жорий этиш даврида ушбу кўрсаткич ўртача 35,7 фоизни ташкил этган. 2005 йилда мазкур

кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати Самарқанд ва Тойлоқ туманларида ўтган йиллардаги худди шу кўрсаткичларнинг 75 фоизини ташкил қилди, яъни ғазна тизимининг жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда банк ҳисобварақларидаги бюджет маблағларининг вақтинча фойдаланилмаётган қолдиқлари 25 фоизга қисқарган. 2004 йил маълумотларига асосланиб, бюджет маблағларининг ўртача ойлик қолдиқлари 100,1 млрд. сўмни ташкил қилди (133,4 млрд. сўмнинг 75 фоизи). Тижорат банкларида талаб қилиб олинadиган депозитлар учун йиллик 14 фоизлик жорий фоиз ставкасида ЯҒҲни жорий этишдан кўриладиган самара тахминан 14,0 млрд. сўмни ташкил қилади.

Бундан ташқари, кассани режалоштириш ҳамда барча даражадаги бюджетлар ва мақсадли жамғармаларни қамраб олувчи пул маблағларини бошқариш механизмини жорий этиш йўли билан бюджет тақчиллигини молиялаштириш учун маблағларни ўзлаштириш харажатлари оптималлаштирилади.

Жумладан, Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети томонидан даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса узилишларига 2004 йилда республика бюджетидан вилоят бюджет даромадларининг ўн фоизи ва 2005 йилда етти фоизи миқдорига яқин ссудалар жалб қилинган бўлса, 2006 йилда бюджетнинг ҳудудий ғазна ҳисобварағи ташкил этилгандан сўнг тушган тушумларнинг самарали бошқарилиши натижасида бюджет харажатларини ўз вақтида маблағ билан таъминлашга эришилиб, республика бюджетидан вақтинчалик ссудалар жалб қилинмади.

2007 йилда Бухоро ва Наманган вилоятлари ҳам юқори бюджет ссудаларисиз бюджет харажатларини ўз вақтида маблағ билан таъминлашга эришди. Бундан ташқари, тўртинчи гуруҳ яъни, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлардан ташқари харажатлар бўйича кредиторлик қарзлари таҳлили шуни кўрсатдики, 2005 йилдан тажриба тариқасида олинган Самарқанд вилояти бюджет харажатларида юз фоиз, 2006 йилдан босқичма-босқич ўтган вилоятларда жумладан, Қорақалпоғистон республикаси, Бухоро Наманган вилоятларида ҳам юз фоиз, Тошкент шаҳрида эса 2003 йилга нисбатан бирмунча, жумладан, 6364.7 млн.сўм камайишига эришилди 1.1-жадвалга қаранг.

Ғазначилик ижросига ўтган ҳудудларнинг дебитор ва кредитор қарзлари

Худудлар номи	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил
	Кредитор 4 гуруҳ	Кредитор 4 гуруҳ	Кредитор 4 гуруҳ	Кредитор 4 гуруҳ	Кредитор 4 гуруҳ
Коракалпоғистон Республикаси	214.2	107.7	50.1	0	0
Бухоро вилояти	939.8	1073.7	106.6	0	0
Наманган вилояти	695.3	1910.7	110.3	0	0
Самарқанд вилояти	576.6	16.3	0	0	0
Тошкент ш.	8173.0	115.3	635.7	938.0	1808.3

Республика иқтисодийотидаги бозор жараёнларининг ривожланиши марказлашган давлат банк тизимининг таназзулга юз тутиши ва тижорат банкларининг ташкил этилиши билан аҳамиятли бўлди. Ушбу даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (МБ) пул-кредит муомаласи масалаларига эътиборни кучайтирган ҳолда, барча даражадаги бюджетлар ижроси масалаларини назорат қилишни сусайтириб юборди. Бунинг оқибатида бюджет маблағларининг банк ҳисоби заифлашди, жойлардаги тижорат банклари эса нафақат бюджет маблағларидан фойдаланилишини назорат қилишдан четлатилди балки улар бундай назоратнинг мавжуд бўлмаслигидан манфаатдор ҳам эди.

Барча даражадаги бюджетларнинг харажатлари соҳасида амалдаги тизим молиявий маблағларнинг фақат молия органларининг ҳисобварақларидан бюджет маблағларини тақсимловчилар ҳисобварақларига ўтказилиши босқичида тезкор қайд этилишига йўл қўяди ва касса харажатлари, ушбу маблағларнинг мақсадли ўтказилиши ҳақида тезкор ахборот олиш имконини бермайди, демак, у мазкур операцияларни самарали назорат қила олмайди. Турли даражадаги бюджетлар маблағлари келиб тушиши ва сарфланишининг давлат томонидан назорат қилинмаслиги, ушбу маблағларнинг батафсил ҳисобга олинмаслиги, барча тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ киритиш, бюджет маблағларининг бюджет таснифига мувофиқ мақсадли сарфланиши, бюджетдан маблағ олувчи

барча ташкилотлар ҳамда мансабдор ва жисмоний шахслар учун мажбурий бўлган ва қатъий тартиб ҳисобланган бюджет интизомининг заифлашувиغا олиб келди.

Бундан ташқари, бюджет маблағларининг тақчиллиги шароитида барча даражадаги бюджетлар газна ижросининг ташкил этилиши молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун улар билан найранг қилинишига йўл қўймайди. Давлатнинг барча даражадаги бюджетларга хос бўлган молиявий ресурсларидан фойдаланиш бўйича амал қилган механизми ўтиш даврида қуйидаги камчиликларга эга бўлди:

- янгича иқтисодий шароитларга яхши мослашмаганлик;
- бюджетнинг «ошкоралиги»ни ҳамда бюджет маблағларидан мақсадли, оқилона фойдаланилиши устидан самарали назоратни таъминлашга қодир эмаслик;

- кўп поғонали тузилмага эгалик;
- тезкорликнинг етишмаслиги;
- пул маблағларини самарали бошқариш имкониятининг сезиларли даражада чекланганлиги, бюджет ва бюджетдан ташқари ташкилотларнинг банк ҳисобварақларидаги қолдиқлар кўринишидаги вақтинча бўш турган давлат молиявий ресурсларидан унумли фойдалана билмаслик, яъни улар билан операцияларни амалга оширишнинг қийинлиги. Бюджет маблағларининг тақчиллиги бу ресурслардан мақсадсиз фойдаланиш учун имконият яратади;

- бюджет маблағларининг мақсадли фойдаланилиши устидан дастлабки ва жорий назоратни амалга ошириш имкониятининг мавжуд эмаслиги. Бу эса замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, барча даражадаги бюджет даромадлари ва харажатларини бошқариш самарадорлигини ошириш, бюджет маблағлари айланиш суръатини ошириш, шунингдек, давлат дастурларини молиялаштиришда тезкорликни кучайтириш, давлат маблағларининг келиб тушиши, улардан мақсадли ва тежамли фойдаланилиши устидан назоратни қатъийлаштириш учун Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини жорий этишни тақозо этади. Уни амалга ошириш ва ташкил этиш биринчи гада бюджет оқимларини бошқариш борасидаги ваколатлар-

нинг қайта тақсимланиши билан изоҳланади, чунки бу кўп-лаб органлар ва тузилмаларнинг манфаатларига дахлдордир.

Биринчидан, республика бюджетининг бош тақсимловчиларида (вазирлик ва идораларда) бюджетдан ажратиладиган маблағларни фақат ўзига бўйсунувчи муассасалар бўйича тақсимлаш ҳуқуқи устунлик қилади. Ҳазначилик ташкил этилиши билан улар ҳисобварақлар бўйича бюджет маблағлари молиявий оқимларини бошқариш имкониятини йўқотади.

Иккинчидан, бевосита бюджетдан маблағ олувчилар бу маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши юзасидан қатъий назоратга олинади.

Учинчидан, тижорат банкларининг айланмаси фойдаланиладиган, катта пул маблағларидан иборат бюджет даромадлари ва маблағлари бўйича ҳисобварақларнинг барчаси ёпилади.

Тўртинчидан, бюджет пул маблағларининг банклардаги ҳисобварақлар бўйича ўтиши муддатларини назорат қилиш имконияти пайдо бўлади.

Бешинчидан, республика бюджетидан дотациялар, субвенциялар, субсидиялар, бюджет ссудалари, бюджет кредитлари ва бошқа кўринишдаги маблағлар олувчи маҳаллий ижроия органлари уларнинг мақсадсиз сарфланиши юзасидан қарорларни яқка ўзи қабул қилиш имкониятидан маҳрум бўлади. Шундай қилиб, Ҳазначилик органлари, давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Давлат бюджетини ижро этиш жараёни иштирокчиларининг ҳаракатини назорат остига қўяди.

Шу билан бир қаторда, улар тузиладиган шартномалар ҳамда товарлар етказиб берилганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни Ҳазначиликда мажбурий рўйхатдан ўтказиш йўли билан бюджет ташкилотлари томонидан етказиб берувчилар олдида кўзда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида молиявий мажбуриятларнинг қабул қилинишини таъминлайди.

1.2-жадвал таҳлилидан кўриниб турибдики, тажриба бошланган 2005 йилда Самарқанд вилояти ва айрим республика ташкилотлари бўйича 17927 та шартномалар қабул қилиниб, шундан 1212 таси қайтарилган бўлса, қабул қилинган мажбуриятлар бўйича олиб келинган 24977 та ¹ўлов ҳужжатларидан 1139 таси, ёки 2.0 млрд. сўмга яқин, 2006 йилда 1.4-жадвалдан

кўриниб турибдики газна тизимига ўтган 6000 дан ортиқ маҳаллий бюджетлардан маблағ олувчилардан 100 мингдан ортиқ шартнома қабул қилиниб, шундан 90 мингдан ортиғи рўйхатдан ўтказилган бўлса, 300 мингдан ортиқ тўлов ҳужжатларидан 12 мингдан ортиғи 12.9 млрд.сум амалдаги тартибларга зид бўлганлиги сабабли тўлаб берилмаган. Ёки 2008 йил биринчи январига босқисма-босқич газна ижроси элементлари билан қамраб олинган бутун республика ва вилоятлар бюджетидан маблағ оладиган бюджетдан маблағ олувчилар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак қуйидагиларни кўрамиз.

1.2-жадвал

**Шартномалар ва тўлов топшириқномалари тўғрисида
01.01.2006 йил ҳолатига таҳлилий
М А Ё Л У М О Т**

млн.сўм

№	Худудлар номи	Бюджетдан маблағ олувчилар	Шартномалар сони		Тўлов топшириқномалари			
			Рўйхатдан ўтказилган	Қайтган	Ўтказилган		Қайтарилган	
					Сони	Суммаси	Сони	Суммаси
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	Самарқанд вилояти Молия бошқармаси	178	2826	150	5019	4703,2	131	81,9
2	Самарқанд шаҳри	88	1126	58	1895	994,6	38	13,8
3	Каттақўрғон шаҳри	35	511	6	451	338,2	27	1,7
4	Оқдарё тумани	24	264	22	512	88,1	110	1,6
5	Булунгур тумани	20	159	8	491	48,7	31	0,7
6	Жомбой тумани	29	242	6	418	192,2	33	1,2
7	Ишғиҳон тумани	19	260	24	614	313,6	110	1,9

1	2	3	4	5	6	7	8	9
8	Каттақургон тумани	35	267	18	615	296,0	32	0,9
9	Қўшработ тумани	22	144	2	200	81,2	2	0,8
10	Нарпай тумани	15	151	22	332	168,5	8	0,7
11	Нуробод тумани	16	70		333	32,5	28	1,1
12	Пайарик тумани	32	338	26	519	290,9	31	1,4
13	Пастдаргом тумани	35	203		726	857,8	4	0,7
14	Пахтачи тумани	15	177	14	290	95,9	38	1,3
15	Самарканд тумани	19	224		822	750,1	24	2,2
16	Тайлоқ тумани	19	212	25	817	330,0	59	2,7
17	Ургут тумани	26	287	145	422	327,3	64	3,3
18	Жами	627	7461	526	14476	9909,4	770	117,9
19	Тошкент шаҳрида жойлашган республика бюджетидан молиялаштирилувчи	599	9255	686	10597	13490,5	369	1386,5
	Жами	1226	17927	1212	25073	23399,9	1139	1504,4

Республика миқёсида 21 мингдан ортиқ бюджетдан маблағ олувчиларнинг 26 мингдан зиёд бюджет бирликларидан 20 мингдан ортиқ шартномалар нотўғри бўлганлиги учун қайтарилган.

Жумладан, мақсадсиз тақдим қилинганлиги учун 2 мингга яқин, 2 мингдан ортиқ кўзда тутилган смета харажатларига нисбатан ортиқча тузилганлиги учун ва жами 79 млрд. сўмдан ортиқ сумма қайтарилган ёки мақсадсиз сарфланишининг олди олиб қолинди.

Агар бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатларини тўлаб бериш бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 75 млрд. сўмдан

Давлат бюджетидан маблағ олувчиларнинг шартномаларини рўйхатдан ўтказиш харажатларини
тўлаб бериш юзасидан тажриба тариқасида ўтказилган вилоятларни
2007 йил январ ҳолатига тахлилий

М А Ё Л У М О Т И

Худудлар номи	Бюджет- дан маб- лағ олув- чилар сони	Шартномалар				Тўлов топшириқномалари			
		Рўйхатдан ўтказилган		Қайтарилган		Тўлаб берилган		Қайтарилган	
		Сони	Суммаси	Сони	Суммаси	Сони	Суммаси	Сони	Суммаси
Қорақолпоғистон Республикаси	788	26 901,00	484	1202,4	3999	23438,7	1071	492,8	
Бухоро вилояти	610	25027,0	665	1153,9	28619	24304,6	828	795,0	
Наманган вилояти	801	32259,0	892	5407,3	35874	31544,0	2188	2106,9	
Самарқанд вилояти	660	47807,1	1 633	4344, 2	70502	243634,8	1478	1588,3	
Сирдарё вилояти	643	14705,1	722	2234,0	17795	13370,6	1108	1351,5	
Сурхандарё вилояти	585	19592,3	897	1470,0	27960	17129,7	1220	2278,3	
Хоразм вилояти	812	21421,2	486	0,824	28980	22 455,5	1914	1079,0	
Ташкент шаҳри жамии	1388	7066,5	2983	12647,3	35152	89645,8	2430	3214,1	
	6887	255482,6	8762	33116,8	304844	565016,9	12237	12905,9	

ортиқ 47534 та тўлов топшириқномалари тўлаб берилмай қайтарилган.

2007 йилда минтақавий фазначилик органлари томонидан 540.7 млрд. сўм миқдоридаги шартномаларга эга бўлган 11290 та бюджетдан маблағ олувчилар рўйхатга олиш учун қабул қилиниб, шундан 19,4 млрд. сўм, яъни 3,6 фоизи бюджет ташкилотларига тўғрилаш учун қайтарилди.

Бюджет ташкилотларининг текширилган тўлов топшириқлари умумий сонидан 14.1млрд.сўмга яқини, яъни 1,0 фоизи рўйхатга олинган шартномаларга мос келмаслиги ва бошқа сабабларга кўра тўловларсиз қайтарилди. 2007 йилда ташкилотларига тўғрилаш учун қайтарилган шартномалар улуши 70 фоизга, қайтарилган тўлов топшириқларининг сони эса 2006 йилга нисбатан 3 мартага қисқарди (1.4-жадвал).

Жумладан, шартнома орқали амалга ошириладиган тўловларни шартномасиз тақдим қилинганлиги учун 3393 та, шартномада кўзда тутилганига нисбатан ортиқчалиги учун 3098 та, харажатлар сметасида кўзда тутилганига нисбатан ортиқчалиги учун (шартномасиз амалга ошириладиган тўловлар учун) 2628 та, ҳисоб – фактура суммасидан ортиқчалиги учун 1504 та, нархнинг юқорилиги учун 745 та, жами 75527 млн.сўм қайтарилган ёки мақсадсиз сарфланишининг олди олиб қолинган.

Бу ерда биз фақатгина (Самарқанд, Бухоро, Наманган, Тошкент шаҳри бюджетларидан ташқари) Давлат бюджетининг ғазна ижроси баъзи элементлари билан қамраб олинган ҳолатларнигина таҳлил қилдик. Республика ва вилоят бюджетлари тўлиқ ғазна ижроси билан қамраб олинса ягона ёки ҳудудлар ғазна ҳисоб варағлари очилса бюджетнинг пул маблағларини айланиш даражаси, яъни бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатларини ўз вақтида таъминлаб бериш камида 3-4 баробарига ошади.

Ҳазначиликнинг фаолият кўрсатиши ва такомиллаштириш бюджет ташкилотларининг харажатлар тўловини етказиб берувчилар ҳисобварақларига, бюджетдан маблағ олувчилар ҳисобварақларини четлаб ўтган ҳолда, тўғридан-тўғри амалга ошириш тартибини киритиш орқали тўловларнинг манзилли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайди. Пировардида

маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш хавфи қисқаради. 2004 йил якунларига кўра, мақсадсиз фойдаланилган маблағларнинг аниқланган суммаси 8,3 млрд. сўмни ташкил қилган.

Давлат бюджети йжросининг газна тизимига ўтилиши Ўзбекистон Республикаси учун кейинги йилларда устувор вазифалардан бирига айланади.

1.4-жадвал

2008 йил 1 январ ҳолатига кўра рўйхатга олинган ва қайтарилган шартномалар ҳамда бюджетдан маблағ олувчиларнинг тўлаш учун тасдиқланган харажатлари нисбати

Минтақалар номи	Бюджетдан маблағ олувчиларнинг жами сони	Шартномалар			Тўлов топшириқлари		
		рўйхатга олинган, млрд. сўм	қайтарилган, млрд. сўм	Рўйхатга олинган ва қайтарилган шартномалар нисбати, %	рўйхатга олинган, млрд. сўм	қайтарилган, млрд. сўм	Рўйхатга олинган ва қайтарилган нисбати, %
Қорақалпоғистон Республикаси	1511,0	58,1	1,9	3,3	86,9	1,0	1,5
Бухоро	1889,0	69,7	2,0	2,8	196,0	1,3	0,7
Наманган	1363,0	74,9	2,1	2,8	284,7	1,6	0,6
Самарқанд	1915,0	98,7	1,6	1,6	328,0	2,3	0,7
Сурхондарё	1088,0	45,6	1,9	4,2	31,5	1,9	6,0
Сирдарё	1554,0	57,3	1,9	3,3	59,8	1,0	1,7
Хоразм	1115,0	52,8	5,1	9,7	53,9	1,7	3,2
Тошкент ш.	855,0	83,8	3,1	3,7	362,4	3,0	0,8
8 та минтақа бўйича жами	11290,0	540,7	19,4	3,6	1403,5	14,1	1,0

1.3. Давлат молиясини бошқариш тизимида Фазначилик институтини ташкил этиш

«Фазна» ва «фазначилик» тушунчалари турли мамлакатларда турлича ифодаланади. Агар фазнанинг йиллар мобайнида турли мамлакатлар илмий мероси, анъаналари ва идоравий маданиятининг бир қисми ҳисобланган жамоат институти сифатида ривожланганлигини ҳисобга олсак, ушбу тушунчанинг турлича талқин этилиши табиий ҳолдир.

Фазнага бағишланган энг қадимий манбаларда мазкур атама баъзан кенг ва баъзан эса анча тор маъноларда қўлланилган. Кенг маънода у, фазнага тўлиқ ўтказилган даромад, қолаверса олтин, қимматбаҳо тошлар ва металллар ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барча турларини ўз ичига оларди. Тор маънода фазна деганда ваколатли амалдорлар пул сақлайдиган, пул қўйилмалари келиб тушадиган ва муайян мақсадлар учун тўловлар амалга ошириладиган жой тушунилган. «Арташастра»да бош фазначи тўлов жараёнига раҳбарлик қилиш учун эга бўлиши лозим бўлган хусусиятлар санаб ўтилган ва ҳатто фазнанинг меъморий чизмаси ҳам келтирилган.

Фазначилик (ўша вақтда мавжуд бўлган кўринишида) бир неча вазифаларни амалга оширар эди. У мамлакат бойлигининг сақланиши, давлатга тўловлар тўпланиши ва давлат тўловларини амалга оширадиган жой ҳам эди; у тангаларнинг зарб қилиниши устидан қироллик томонидан назорат қилинишига жавоб берарди, шунингдек, ҳисоб юритиш идорасининг ролини ҳам ўйнади.

Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўз даврида, мамлакатда Чингизий хонлардан фарқли ўлароқ, молия ва солиқ сиёсатини ишлаб чиққан. Солиқ ва йиғимларни йиғиш, уларни харажатлаш тартиблари асрлар давомида не-не подшоҳу хон ва амирларга дастуруламал бўлган. Бу ҳақдаги маълумотлар «Темур тузуклари»да аниқ ва батафсил баён этилган. Булар биринчидан, мамлакатда девонбегига (Бош вазир) бўйсунувчи давлат даромадлари ва харажатларини бошқарадиган молия вазири фаолиятида давлатнинг даромад ҳамда харажатлари қиримчиқим дафтарларида рўйхатга олиниб, доимий равишда назорат остига олинганлигини кўрсатса, иккинчидан, мамлакатнинг

даромад манбалари (солиқ турлари) ҳамда давлат харажатларини амалга ошириш тизими ишлаб чиқилганлигида кўринади. Жумладан, солиқлар тизимида мамлакат эҳтиёжи учун фуқаролардан доимий равишда йиғиладиган асосий солиқлар, маъмурлар эҳтиёжи учун йиғиладиган йиғимлар ва фавқулодда ҳолларда аҳолидан йиғиладиган йиғимлар бўлган, харажатларга умумкўшин харажатлари (амирлар, мингбоши ва бошқа кўшин сипоҳий ва навкарларнинг маоши ва уларга бериладиган совға ва инъомлар), давлат маъмурларини сақлаш харажатлари (уларнинг маошлари, уларга бериладиган совға ва инъомлар), фавқулодда харажатлар ва шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш харажатлари киради. Ҳаттоки мамлакат газнасининг ўзи ҳам қисмларга бўлиб бошқарилган. Яъни, подшоҳлик газнаси, вилоятлардан тушган даромадлар газнаси ва махсус газна. Ҳар бир газнанинг тушум ва харажати мунтазам равишда ҳисобга олиб борилган. Демак шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Амир Темур салтанатида ҳам давлат газнасининг бошқарилиши тизим сифатида йўлга қўйилган. Бошқа мамлакатларда эса, айрим ҳолатларда газна банк секторидан ажралмаган ҳолда аҳолидан омонатларни қабул қиладиган банк муассасасига айланган. XII асрда Франция ҳукумати хусусий банкчиларга катта миқдордаги давлат қарзини тўлашга мажбур бўлиб, газнага банк функцияларини топширди ва шу йўл билан воситачини (яъни хусусий банкчини) сиқиб чиқариш ҳисобидан газнанинг функцияларини кенгайтириш орқали ўз харажатларини пасайтириш йўлини туган. Агар давлат хазинасига тегишли мол-мулк ёки маблағлар йўқолса, газначиларнинг хусусий маблағлари ҳисобидан ундирилган ва бу ҳолатнинг айрим кўринишлари ҳозирда ҳам Франция газначилиги фаолиятида сақланиб қолганлигини айтиб ўтиш керак.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, ҳозирги вақтда бир гуруҳ мамлакатларда давлатнинг иқтисодий ва молиявий сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун масъул бўлган кенг функцияли «газна тизимлари» мавжуд. Мазкур гуруҳга Австралия, Буюк Британия, Кения, Янги Зеландия, Танзания, АҚШ газначилиги киради (уларга бошқа мамлакатлардаги молия вазирликлари тўғри келади). Улар мажбуриятларининг кенг доирасига баъзан (давлатга келиб тушадиган ва ундан

амалга ошириладиган) тўловлар ҳам киради, лекин ушбу функция асосий бўлмай, балки қўшимча функция ҳисобланади.

Бошқа кўплаб мамлакатларда фазнанинг функциялари бир нечта. Масалан, Аргентинанинг молиявий бошқарув ва жамоат секторини аудит қилиш тўғрисидаги сўнгги қонунига кўра (1992), фазначилик тизимига жамоат секторидан тушумларни йиғиш, тўловлар оқимлари ҳамда ҳосил бўладиган нақд активларни сақлаш билан боғлиқ агентликлар, меъёрлар ва тартиботлар киради (72-модда). Ушбу таъриф фазна векселларини чиқаришни ҳисобга олмаганда, давлат қарзларини бошқаришни фазнанинг функцияларидан истисно этади. Бундай ҳилдаги фазначилик кўплаб мамлакатларда учрайди, лекин ҳар бир мамлакатда улар ўзига хос функцияларга эга. Айрим мамлакатларда фазна мамлакат қарзи, қимматбаҳо металллар ва бошқа активларнинг сақланиши учун жавоб беради. Баъзи мамлакатларда у тўловни амалга оширишдан олдинги талабларнинг текширилишини амалга оширувчи бошқарув аппарати сифатида фаолият кўрсатади, учинчи турдаги мамлакатларда фазначилик ҳисоботларнинг тўғри тузилиши учун ҳам жавоб беради. Бу жараёнларнинг барчасида банк тизими билан ўзаро ҳамкорлик яққол кўзга ташланади. Фазначилик турли мамлакатларда турлича функцияларни бажарганлиги учун Халқаро валюта жамғармаси ходими А.Премчанд уни “давлат тўловлари тизими”¹ деб аташни таклиф этган бўлса, Россия давлатининг иқтисодчи олими, профессор И.Г. Акперов бошчилигида нашр этилган “Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации” ўқув қулланмасида эса “фазначилик ҳудудий тамойилга асосланган Россия федерацияси молия вазирлиги тузилмасидаги яхлит давлат молия органи”² деб тариф берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг фазна ижроси тўғрисида»ги қонунига асосан “Давлат бюджетининг фазна ижроси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган махсус

¹ А.Премчанд. *Управление государственными расходами. 1994 Международный Валютный Фонд, 1994*

² И.Г. Акперов И.А. Коноплева, С.П. Головач и др. «Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации», учеб. пособие. М.: Финансы и статистика, 2002г, 196 с.

ваколатли молия органи ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлардаги ҳудудий бўлимлари томонидан амалга оширилади”¹.

Мазкур тизимни ташкил этиш ва такомиллаштириш учун ҳар қандай уриниш, мамлакатнинг муайян вазифалари ва шароитларига жавоб бериши зарур. Бизнингча Ҳазначиликнинг ташкилий тузилиши, биринчи гада, ўзида Давлат бюджетини ижро этиш вазифаларини босқичма босқич ҳал этишнинг бутун механизмини акс эттирмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг Давлат бюджетининг ғазна ижросига босқичма-босқич ўтказиш ҳақидаги банди, амалиётда ғазна ижросига қўйилган биринчи қадам бўлди.

Натижада Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги таркибида 2005 йил апрель ойдан, вазирликнинг 51-сонли буйруғига асосан Давлат бюджети ғазна ижросининг ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларини тайёрлаш ва уни амалга ошириш мақсадида бошқарма ва Самарқанд вилояти молия бошқармаси Самарқанд ва Тойлоқ тумани молия бўлимлари таркибида бўлимлар ташкил этилди.

Бошқарма томонидан Давлат бюджети ғазна ижросининг икки, яъни бюджетдан маблағ олувчиларнинг товар (хизмат) етказиб берувчилар билан тузган мажбуриятларини (шартнома, контракт) рўйхатдан ўтказиш ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар тўловини назорат қилиш унсурини (механизм) амалга ошириш тартибини ўзида мужассамлаштирган вақтинчалик низом ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари 2006 йилда, маҳаллий бюджетларнинг ғазна ҳисоби тўғрисида, бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини очиш ва ёпиш тўғрисида ва бюджет ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида вақтинчалик қоидалар ишлаб чиқилиб амалиётга киритилди ҳамда Давлат бюд-

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги қонуни 6-модда.Т:Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами, 41 б. (иловага қаранг).

жети ғазна ижроси бухгалтерия ҳисоби ягона бухгалтерия ҳисоблар режасига асос солинди. бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар (ҳарбий Бошқарма ва унинг вилоят молия органлари таркибида очилган ҳудудий бўлинмалари томонидан 2005-2006 йиллар етмиш фоиз мажмуа ташкилотларидан ташқари) бюджетнинг ғазна ижроси унсурлари билан қамраб олинди.

2006 йилнинг июнь ойидан Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳри ва Иштихон туманлари бюджетида бюджетнинг ғазна ижроси билан қамраб олиш синов тариқасида бошланиб, 2007 йилнинг биринчи январь ҳолатига Самарқанд, Бухоро, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳри ва 2010 йилга келиб қолган вилоятлар маҳаллий бюджетларига ҳудудий ғазна ҳисобварақлари очилиб, бюджетнинг биринчи босқич (бюджет харажатлари) ғазна ижросига ўтказилди. Шунингдек, бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари қамраб олинди.

Ғазначилик тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида, юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-594-сонли қарорига мувофиқ мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош Ғазначилиги, вилоятлар бўйича 15 та ғазначилик бошқармаси ҳамда туман ва шаҳарларда 199 та ғазначилик бўлимини ўз ичига олувчи Ғазначилик органларининг ягона марказлашган тизими ташкил этилиб, унинг вазифа ва функциялари белгилаб берилди.

Ғазначилик тизимини Ғазначилик органларининг бутун йиғиндиси ташкил этади. Ғазначилик органларининг ташкилий тузилиши марказлашган, кўп поғонали ва иерархик бўлиши, Ғазначиликнинг ҳудудий тузилиши мавжуд маъмурий-ҳудудий бўлинишга мос бўлиши талаб этилади.

Ташкилий-функционал тузилма иерархиянинг учта даражасини ўзида мужассам этган:

1-даража – ЎзР Молия вазирлигининг Бош Ғазначилиги;

2-даража – ЎзР вилоятлари бўйича бошқармалар;

3-даража – туманлар ва шаҳарлар бўлинмалари.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Бош Ғазначилигини лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси

молия вазирининг ўринбосари ҳисобланадиган бошлиқ бошқаради.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар Фазначилик органларини Фазначилик бошлиғининг тақдимига кўра молия вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва эгаллаб турган лавозимидан озод қилинадиган раҳбарлар бошқаради.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича Фазначилик органлари Ўзбекистон Республикасининг герби тасвирланган муҳрга эга бўлган мустақил юридик шахс мақомига эга.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилик блок-схемаси қуйидаги 1.1-чизмада келтирилган.

Фазначилик органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– Давлат бюджетининг касса ижроси, жумладан, тушадиган даромадларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш, бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметалари ижроси ва Давлат бюджети ижроси тўғрисида ҳисобот тузиш;

– Давлат бюджети маблағларини ягона фазначилик ҳисоб рақами, шунингдек, тегишли бюджетлар даромадлари ва харажатлари ўртасидаги касса узилишларининг олдини олишни таъминлайдиган ҳудудий фазначилик ҳисоб рақамларини жорий этиш орқали бошқариш;

– бюджет ташкилотларининг товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар билан шартномаларини, шунингдек, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш бўйича буюртмачиларнинг шартномалари харажатлар сметасида кўрсатилган суммалар ва мақсадларга мувофиқ тузилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш асосида мазкур шартномаларни мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этиш орқали бюджет ташкилотларининг мақсадга номувофиқ, асоссиз харажатларининг олдини олиш;

– бюджет ташкилотларини, шу жумладан, муҳофаа ва хавфсизлик тузилмаларини молиялашга йўналтириладиган бюджет маблағларидан фойдаланишни мақбуллаштириш устидан мониторингни амалга ошириш, бунда улар томонидан

тузилаётган шартномаларнинг сифати таъминланишини, уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нарх-наво ечимини назарда тутиш ҳамда воситачилик хизматларидан воз кечиш;

– харажатлар сметаси ва рўйхатга олинган шартномаларда назарда тutilган қатъий суммалар доирасида товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчиларнинг бевосита ҳисоб рақамларига бюджет маблағлари олувчилар номидан ва уларнинг топшириги бўйича тўловларни амалга ошириш орқали тўлов интизомига сўзсиз риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

– Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, Давлат бюджети ижроси ҳақида ахборот йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини ижро этиш;

– Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг йиғма ҳисобини юритиш;

– Ғазначиликнинг қўйи органлари ишига раҳбарлик қилиш, улардан тезкор ахборот ҳамда давлат бюджетининг даромадлари ва маблағлари тўғрисида маълумот олиш;

– амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ғазначиликнинг қўйи органлари томонидан бюджетнинг ижро этилишини таъминлаш.

Ғазначилик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни бажаради:

– бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа тўловлар, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет ташкилотлари томонидан нақд пул маблағлари билан тўланадиган бошқа тўловларни тўлаш учун Ғазначиликнинг банк ҳисоб рақамларига маблағлар ўтказиши;

– Давлат бюджетида улар учун маблағлар назарда тutilган юридик ва жисмоний шахсларнинг банк ҳисоб рақамларига суднинг қарори бўйича ягона ғазначилик ҳисоб рақамидан ёки Ғазначиликнинг бошқа ҳисоб рақамларидан маблағлар ўтказиши, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тutilган тартибда давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор

Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Ҳазначилигининг бошлиғи - молия вазирининг
ўринбосари

Ҳазначилик бошлиғининг
биринчи ўринбосари

Методология,
молиявий
ресурслар ва
хисоб-
китобларни
тартибга солиш
бошқармаси

Методология,
Давлат
бюджетининг
газна ижроси
бўлими

Давлат бюджети
газна ижросини
таҳлил ва
назорат қилиш
бошқармаси

Давлат
бюджетининг
газна ижросини
жамлама таҳлил
қилиш бўлими


Ҳазначилик
бошлиғининг
ўринбосари - Амалиёт
бошқармаси бошлиғи

Амалиёт бошқармаси

Ҳуқуқий
мажбуриятларни
руйхатга олиш ва
нархлар мониторинги
бўлими

Юрист-
маслаҳатчи

Иш
юритувчи
нозир



1.1-чизма. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначчилик ва мунававӣ ташкилӣ тузилмаси

шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракат-сизлиги натижасида фуқароларга ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш учун маблағлар ўтказади;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига кунлик асосида ягона ғазначилик ҳисоб рақамида ва ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамларида маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги ахборотни электрон шаклда тақдим этади;

– бюджетдан маблағ олувчиларга улар учун Ғазначиликда ёки унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган шахсий ҳисоб рақамларидан кўчирмалар, уларнинг ҳаражатларини қоплашга бюджет маблағлари ўтказилганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни тақдим этади;

– манбалар бўйича тегишли бюджетлар даромадлари тушуми ҳисобини юритади;

– Давлат бюджети ижроси жараёнида республика бюджети даромадлари тушуми ва ҳаражатларнинг қисқа муддатли прогнозларини тузади;

– молия органларининг топшириғи бўйича юқори бюджетларда назарда тутилган режали дотациялар, субвенциялар, бюджет ссудалари суммасини ва бошқа тўловларни қуйи бюджетларнинг шахсий ғазначилик ҳисоб рақамларига ўтказади;

– бюджет ташкилотлари ва буюртмачиларнинг шартномалари ҳаражатлар сметасида кўрсатилган суммалар доирасида ва мақсадларга мувофиқ тузилиши устидан қаттиқ назорат қилиш асосида шартномаларни рўйхатдан ўтказади;

– бюджетдан маблағ олувчилар номидан рўйхатга олинган шартномаларда ёки бюджет маблағларини юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатларда назарда тутилган суммалар доирасида товарларни етказиб берувчилар (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар)нинг бевосита банк ҳисоб рақамларига тўловларни амалга оширади;

– бюджет ташкилотларини, жумладан, мудофаа ва хавфсизлик тузилмаларини молиялаштиришга йўналтириладиган бюджет маблағларидан фойдаланишни мақбуллаштириш юзасидан мониторинг олиб боради, бунда улар томонидан тузилаётган шартномаларнинг сифати таъминланишини,

уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нарх-наво ечимини ҳамда қоидага кўра, воситачилик хизматларидан воз кечишни назарда тутати;

– счёт-фактуралар ва товарлар етказиб берилиши (ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши) ҳолатини тасдиқлайдиган ёки бюджетдан маблағ олувчиларга солиқлар, йиғимлар ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар учун бюджет маблағларини ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатлар асосида бюджет маблағи олувчиларнинг молиявий мажбуриятлари ҳисобини юритади;

– бирламчи ҳужжатлар асосида Давлат бюджети ғазна ижросининг таҳлилий ва синтетик бухгалтерия ҳисобини юритади;

– Давлат бюджетининг ижро этилиши ҳақида ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш асосида Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисида ҳисобот тузади ва ушбу ҳисоботни белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади;

– қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатади, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини ижро этади;

– ўзининг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини таҳлил қилади ва мувофиқлаштиради;

– меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ва методологик материалларни, шу жумладан, Фазначилик ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган операцияларни мақбуллаштириш, Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоботларни такомиллаштириш масалалари бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ва методологик материалларни ишлаб чиқишда қатнашади;

– Фазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари малақасини ошириш ишларини ташкил этади ва амалга оширади.

Фазначиликнинг асосий функцияси Фазначиликнинг қуйи органлари орқали Давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантириш ва маблағлари сарфланиши тўғрисидаги барча қарорларнинг ижросини таъминлашдан иборат.

Шундай қилиб, давлат бюджетининг ижроси бўйича ҳар қандай ҳаракатлар Фазначилик органлари томонидан фақат ваколатли органлар Давлат бюджетини ижро этиш масалалари бўйича ҳуқуқий муносабатлар доирасида қабул қилган ҳужжатлар асосида амалга оширилиши мумкин.

Бизнингча Фазначилик органларининг қўшимча вазифалари ва функциялари қуйидагича бўлиши керак ва улар қуйидагиларни таъминлайди:

- Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг молиявий ижроси;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг тасарруфидаги давлат молиявий ресурсларининг ҳаракати бўйича операциялар ҳисобини юритиш;

- давлат молиявий ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

- давлат молиявий ресурсларининг келиб тушиши ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш;

- давлат молиявий ресурсларини қисқа муддатли режалаштириш;

- республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасида даромадларнинг тақсимланиши;

- Давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар ҳисобини юритиш;

- қайтариш ва тўлов асосида давлат молиявий ресурсларини жойлаштириш;

- Давлат бюджетининг ижросини яхшилаш мақсадида Марказий банк, бошқа вазирликлар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

- Марказий банк ва бошқа ваколатли банклар билан бирга давлатнинг ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш. Шунингдек, давлатнинг актив ҳамда пассив ва мажбуриятларининг тўлиқ ҳисоб-китобини амалга ошириш;

- Давлат улуши бўлган ва бўлмаган хўжалик субъектларига ҳам хизмат кўрсатиш.

Ижро этишнинг барча даражаларида бюджетнинг сарфланишини назорат қилиш функцияси Фазначилик органлари зиммасига юклатилган муҳим функциялардан бири ҳисобла-

нади. Фазначилик органлари мазкур функцияларга мувофиқ бош тақсимловчилар, бюджет маблағларининг тақсимловчилари, бюджетдан маблағ олувчилар ва ижро этилаётган бюджетлар ва давлат бюджетдан ташқари жамғармаларининг бюджетлари бўйича бюджет жараёни бошқа иштирокчиларининг бюджет маблағлари билан операциялари бўйича олдиндан ва жорий назоратни амалга оширади. Фазначилик назорат функцияларини амалга ошириш жараёнида ижроия ҳокимиятнинг бошқа органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Фазначилик органлари назорат фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- бюджет маблағларининг тақсимловчилари, бюджетдан маблағ олувчилар томонидан Давлат бюджети маблағларининг мақсадли сарфланишини олдиндан ва жорий назорат қилиш;

- юқори турувчи органлар томонидан Фазначилик ҳудудий органларининг Давлат бюджетини ижро этишда амалдаги қонун ҳужжатларига ва меъёрий ҳужжатларга амал қилиниши юзасидан текширилиши.

Дастлабки назорат товарлар ва хизматлар етказиб берувчилари олдида мажбуриятларни қабул қилиш (шартномалар тузиш ва б.) босқичида амалга оширилади. Бунда Фазначилик шартнома бўйича тўлов мақсади ва шартларининг бюджетдан маблағ ажратиш режаларида кўзда тутилган ҳажмларга мос келишини тезкор текширишни амалга оширади.

Харажатларни жорий назорат қилиш бюджет ташкилотларининг мажбуриятлар бўйича тўлов ҳужжатларини қайта ишлаш ва тасдиқлаш чоғидаги тартиботлар орқали амалга оширилади. Бюджет маблағларини фақат тўлов ва бошқа ҳужжатларнинг тасдиқланган харажатлар сметасига мос келиши текширилганидан сўнг сарфлашга руҳсат этилади. Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса тариқасида фазначиликка институт сифатида қуйидагича таъриф бериш мумкин, яъни **Фазначилик Давлат бюджетининг ижросини (давлат мақсадли жамғармалари ҳам), давлатнинг даромадлари ва харажатлари ҳисобини олиб борилиши ҳамда давлат харажатларига молиявий ресурсларни етарли бўлишини таъминлаш учун масъул бўлган махсус давлат тузилмасидир.**

1.4. Чет мамлакатларда ғазначилик тизимининг ташкил этилиши

Ғазначилик тизимининг вужудга келиш даврида давлат молиясини бошқаришни ташкил этиш ва давлат бюджетини ижро этишда хорижий, хусусан, МДХ мамлакатларининг, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий экспертларнинг тажрибаси Ўзбекистон ғазначилик тизимини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон улар тажрибасидан оддий нусха олмайди, чунки мамлакатимиз давлат бошқарувини ташкил этиш, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни бошқариш соҳасида ўзига хос йўналишга эга. Бироқ бу ҳол ғазначилик тизимини ташкил этиш борасидаги халқаро тажрибани ўрганишнинг аҳамиятини умуман пасайтирмайди.

Мазкур тизимни яратиш ва ривожлантиришда чет мамлакатлар томонидан кўрсатиладиган ёрдамни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Ҳар бир шаклнинг ўзига хос кучли ва заиф томонлари мавжуд, демак, тизимни такомиллаштириш учун ҳар қандай уриниш мамлакатнинг муайян вазифалари ва шароитларига жавоб бериши зарур.

АҚШ бюджети ижросида ғазначиликнинг роли. 1789 йил 2 сентябрдаги Конгресснинг биринчи сессиясида қабул қилинган қонунга (1 Stat. 65; 31 U.S.C. 1001) асосан, шунингдек, АҚШ Сенати ва Вакиллар палатасининг қарорига кўра, ғазначилик доимий равишда фаолият кўрсатувчи орган сифатида ташкил этилган бўлиб, унда қуйидаги шахслар ўз мажбуриятларини ўташади: ғазначилик котиби (ушбу идора бошлиғи), назоратчи, аудитор, ғазначи, рўйхатга олувчи ва котиб ёрдамчиси (у ғазначилик котиби томонидан тайинланади).

Ғазначилик котиби қасамёдини биринчи бўлиб 1789 йил 11 сентябрда Александр Гамильтон қабул қилган бўлиб, у ўз мажбуриятини 1795 йилгача адо этди. Мустақиллик учун уруш йилларида ҳосил бўлган катта миқдордаги қарз муаммоларини ҳал этишда айнан бу инсоннинг роли катта. Конгрессда қилган маърузасида у давлатни молиявий соғломлаштириш асосларини кўрсатиб берди. А. Гамильтон давлат кредитига бўлган ишончни қайтариш учун 75 млн. доллар миқдоридаги давлат қарзининг тўлиқ тўланишини талаб қилди. Шунингдек,

у давлат даромадларининг асосини ривожлантириш заруратини олдиндан кўра билди. Унинг молия соҳасидаги сиёсати туфайли Ҳукумат номидан пул чиқарувчи АҚШ банкига кўплаб инвестициялар киритилди.

Ун йилликлар мобайнида фазначиликнинг функциялари сезиларли даражада кенгайди ва мураккаблашди. Ҳозирги вақтда фазначилик даромадларни йиғиш ва ҳисобини юритиш, пул белгиларини яратиш, иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш соҳасида АҚШнинг асосий молиявий муассасаси ҳисобланади. Фазначилик (Treasure Department) давлат маблағларининг барча тушумлари ва уларнинг тўланишини назорат қилади. Фазначилик таркибига Солиқ бошқармаси ва Божхона бошқармаси киради. Ушбу бўлинмалар орқали барча солиқ ва божхона тўловлари, божлари, шунингдек, алоҳида муассасалар хизматлари учун тўловни йиғади. Фазначилик Федерал захира тизимида бош ҳисобварақлар йиғилади ва у Ҳукуматнинг ҳисобварақларини ҳам назорат қилади. Даромадлар ва тушумларни йиғиш эса банк тизими орқали амалга оширилади. АҚШ фазначилиги учта асосий функцияни бажаради.

1. Фазначилик котиби Президентнинг асосий иқтисодий маслаҳатчиси сифатида мамлакат ички ва ташқи молиявий сиёсатини ишлаб чиқади, солиқ сиёсатини амалга ошириб, давлат қарзини бошқариш юзасидан тавсиялар киритади.

2. АҚШ ҳукуматининг молиявий агенти сифатида давлатга молиявий хизмат кўрсатиш бўйича қатор функцияларни бажаради:

- давлат пул маблағларини ҳисобга олиш;
- давлат номидан чеклар чиқариш ва уларга ишлов бериш;
- жамғарма облигациялари ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш ва сотиш;
- солиқ тушумлари ва божхона тўловларини йиғиш;
- миллий банклар фаолиятини назорат қилиш;
- тангаларни зарб қилиш, қоғоз пул ва почта маркаларини чиқариш.

3. Фазначилик қонунни қўллаш ваколатига эга бўлган (lawenforcement) ташкилот сифатида Президент, вице-президент, уларнинг оиласи ва ушбу лавозимларга номзодларни кўриқлаш билан шуғулланади. У товламачилар, контрабан-

дачилар, бутлегерлар (спиртли ичимликлар билан ноқонуний савдо қилувчилар) ва давлат чеклари ёки қимматли қоғозларни қалбакилаштирувчи шахсларни сўроқ қилади ва жазолайди, шунингдек, ўқотар¹ қурол ва портловчи моддаларнинг сотилиши устидан назорат ўрнатади ҳамда қонунчилик ижросини назорат қилиш соҳасида 60 дан ортиқ федерал ташкилот ходимларини тайёрлайди.

Юқорида санаб ўтилган фаолиятга қўшимча равишда, фазначилик котиби халқаро ташкилотларда АҚШ ҳукумати-нинг бош вакили вазифасини бажаради. У Халқаро валюта жамғармасида, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкида, Америка ривожланиш банкида, Осиё тараққиёт банкида, Африка ривожланиш банкида Қўшма Штатлар номидан бошқарувчи ҳисобланади. У шунингдек, кўп сонли қўмиталар ва кенгашларнинг, хусусан, қариялар учун ишонч жамғармаси ва табиий офат қурбонлари бўлган шахслар учун ишончли суғурта жамғармаси сингари федерал ишончли жамғармаларнинг бошқарув кенгашлари аъзоси ҳисобланади.

Фазначилик котибининг ўринбосарига қуйидагилар бўйсунди:

- котибнинг ички молиявий сиёсат бўйича ёрдамчиси, унга, ўз навбатида, котибларнинг сармоя бозоридаги сиёсат, қарзни бошқариш масалалари бўйича ёрдамчиларининг ўринбосарлари;

- котибнинг иқтисодий сиёсат бўйича ёрдамчиси; унга ички сиёсат соҳасида иқтисодий таҳлил ва халқаро иқтисодий муносабатлар бўйича ўинбосарлар;

- котибнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси ҳамда солиқ сиёсати учун жавоб берувчи ёрдамчиси; унга Солиқ таҳлили бошқармаси, Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси ва Саноат иқтисодиёти бошқармасини назорат қилувчи ўринбосарлар бўйсунган. Фазначилик котибининг ўринбосари АҚШ Фазначиси, АҚШ жамғарма облигациялари бошқармаси, Зарбхона бюросининг фаолияти учун масъулдир.

Миллий банклар фаолиятини лицензияловчи ва назорат қилувчи функциясини бажарувчи Пул муомаласининг назоратчиси Фазначилик котибининг ўринбосарига бўйсунди. Бу

ички даромадлар хизматининг комиссиясига ҳам тегишли. Қонунчиликни амалга ошириш бўйича котиб ёрдамчисига Алкоголь, тамаки маҳсулотлари ва ўқотар қурооллар бюроси, АҚШ Божхона хизмати, АҚШ махфий хизмати ва чет эл активларини назорат қилиш бошқармаси бўйсунди. Фазначилик, шунингдек, миллий жамғарма институтлари фаолиятини лицензияловчи ва жамғарма холдинг компанияларини назорат қилувчи ҳамда Жамғарма муассасаларини назорат қилувчи ташкилотлар фаолиятини назорат қилади.

Қонунга кўра, АҚШ Фазначилиги котиби мамлакатнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги йиллик ҳисоботни Конгрессга тақдим этиши шарт. Мунтазам чоп этиб бориладиган ҳисоботлар фазначиликнинг кунлик ҳисоботларини (АҚШ фазначилигининг касса ва қарз операциялари, АҚШнинг ички қарзлари тўғрисида ҳар ойлик ҳисоботни, АҚШ ҳукуматининг даромад ва харажатлари ҳақидаги ойлик ҳисоботни ва муомаладаги пул белгилари тўғрисидаги ойлик ҳисоботни ўз ичига олади. Фазначилик ойлик бюллетен (Фазначилик бюллетенини) чиқаради. Ундан қуйидаги маълумотларни топиш мумкин:

- федерал ҳукуматнинг молиявий операциялари;
- федерал ҳукуматнинг пул мажбуриятлари;
- Фазначилик ҳисобварақлари;
- пул муомаласи, федерал қарз ва давлат қарзини молиялаш бўйича статистик маълумотлар;
- чиқарилган жамғарма облигациялари;
- АҚШ жамғарма ноталари;
- давлат қимматли қоғозларига нисбатан мулкчилик таркиби;
- Фазначиликнинг АҚШда мулкчиликнинг таркиби тўғрисидаги шарҳи;
- Фазначиликнинг тижорат банкларидаги мулкчилик таркиби тўғрисидаги шарҳи;
- давлат қимматли қоғозларининг бозор котировкалари;
- узоқ муддатли облигациялар бўйича даромаднинг ўртача меъёрлари;
- халқаро молиявий статистика;
- сармоялар ҳаракати статистикаси;
- валюта захиралари;

• давлат агентликлари ва жамғармаларининг молиявий операциялари.

Конгресс тақдим этган ва Президент томонидан тасдиқланган бюджетдан маблағ олувчилар Фазначиликка талабнома тақдим этишади. Фазначилик харажатлар таркиби учун масъул бўлган Маъмурий бюджет бошқармаси билан бирга тегишли департаментнинг маблағ олиш улушини назорат қилади. Тақдим этилган талабнома ва тўлов ҳужжатлари мос келгач. Фазначилик тақдим этилган талабномалар ҳақини тўлайди. Дарвоқе, тўлов воситаси сифатида чеклардан фойдаланилсада, сўнгги йилларда уларнинг ўрнини электрон тўловлар эгаллаб бормоқда.

Давлат бюджетининг ижроси Фазначилик ва Маъмурий Бюджет бошқармаси ўртасидаги аниқ йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик асосида амалга оширилади. Маъмурий бюджет бошқармаси жорий йил учун бюджет ижроси тўғрисидаги қонун асосида харажатлар сметасини тайёрлайди ҳамда Президент маъмуриятининг турли департаментлари даражасида харажатларни тақсимлайди ва улар ҳисобини юритади. Фазначилик макроиқтисодий вазият прогнозларининг маълумотларига таянган ҳолда, давлат фазнасига даромадлар тушумининг ҳисобини юритади, бюджетга тушумларни, улар харажатларининг оқимларини бошқаради. Ушбу мақсадлар учун Фазначилик департаменти ва тармоқ департаментлари ўртасида доимий маслаҳатлар олиб борилади. Тушумлар олдинда турган харажатларни қопламаган тақдирда, АҚШ Фазначилиги ўзига берилган ваколатлар доирасида янги қарз мажбуриятларини чиқаради.

(1). Конгресс, Маъмурий бюджет бошқармаси (МББ), Фазначилик департаменти ва Бош Ҳисоб Бошқармаси (БҲБ) харажатлар сиёсати учун умумдавлат даражасида жавобгардир. Бундан ташқари, агентликлар ўз молиявий ресурсларининг бошқарилиши учун жавоб беради.

(2). Конгресс Федерал дастурлар устидан назорат қилади.

(3). Маъмурий бюджет бошқармаси (МББ) маблағларни агентликларга тақсимлайди, харажатлар ва фаолият натижаларини назорат қилади. Молиявий менежментнинг турли масалалари бўйича низомлар чиқаради.

(4). Агентликлар ўзларининг харажат режаларини амалга оширади ва ўз ресурсларини бошқаради. Улар ички назорат тизимини қўллаб-қувватлайди ва ўзининг молиявий операциялари бўйича ҳисоботлар тайёрлайди.

(5). Фазначилик департаменти нақд пул ҳамда қарз маблағларининг бошқарилиши учун жавоб беради, марказлашган тарзда маблағ ажратилиши ва жамғармалар ҳисобварақларига пул маблағи ўтказилиши бўйича хизматлар кўрсатади.

(6). Бош Ҳисоб Бошқармаси (БҲБ) бухгалтерия ҳисоби андозалари ва тамойилларини белгилайди, агентликларнинг бухгалтерия ҳисоби тизимларини, федерал дастурларни тасдиқлайди ва давлат корпорацияларининг молиявий ҳисоботларини аудит қилади.

Бош Ҳисоб Бошқармаси (General Accounting Office) Бош назоратчи бошчилигида давлат маблағларининг сарфланиши ҳисобини юритади ва аудит қилади.

Фазначилик давлат қимматли қоғозларининг чиқарилиши ва муомалада бўлишини тўлиқ назорат қилади (Т-Вхlls). Бу ерда муддатлар бўйича чиқариладиган давлат мажбуриятларининг ҳажми масалалари ҳал этилади. Фазначилик фазна қимматли қоғозларининг иккиламчи бозорида қоидаларни белгилаш ваколатига эга. Бу эса давлат қарз мажбуриятларини чиқариш ва уларни муддатида қайтариш борасидаги ишларларни самарали ташкил этиш имконини беради.

Фазначилик, дастурий ҳисобварақлар, молиялаш ҳисоб варақлари, қарздорлар ва хусусий кредиторлар ўртасида кафолатланган қарзларнинг пул маблағлари оқимини назорат қилади.

Франция давлат бюджетининг фазна ижроси тизими. Францияда бюджет ижросининг функцияси Молия, иқтисодиёт ва саноат вазирлиги бюджет масалалари бўйича давлат котибига бўйсунувчи давлат молиясининг ҳисобини юритиш бош бошқармаси ва давлат Фазначилиги тармоқларини ташкил этувчи ҳудудий фазначилик хизматлари томонидан амалга оширилади.

Бутун мамлакат бўйлаб 4000 га яқин бўлимга эга бўлган, 58 минг нафар хизматчи ишлайдиган давлат Фазначилиги тармоғи давлат бюджетининг ижросини 1922 йил 10 августдаги қонуннинг харажатларни тасарруф этиш қоидаларига ҳамда

1962 йил 29 декабрдаги 62-1587-сонли давлат молиявий операцияларининг ҳисобини юритишга доир умумий қоидаларни ўзида мужассам этган декретга мувофиқ амалга оширади ва унинг тўлдирилишини таъминлайди.

Ушбу мақсадда фазначилик тузилмалари давлат солиқлари ва бошқа тўловларни, шунингдек, тўғридан-тўғри солиқларни (даромад солиғи, корхоналарнинг фойда солиғи ва тўғридан-тўғри маҳаллий солиқлар), қўшилган қиймат солиғини 35 фоиз миқдорида (Фазначилик 200 дан ортиқ энг йирик солиқ тўловчилардан бевосита қўшилган қиймат солиғини йиғади), аудио, видео воситаларидан фойдаланганлик учун тўловлар, жарималар ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда маҳаллий ва давлат муассасаларидан бошқа тўловларни йиғади.

Бюджет ижроси вазифалар бўлинишидан келиб чиқиб, кредитлар ва фазна тақсимловчиларидан ташкил топгандир. Бу қоида фақатгина харажатларни бошқариш ва давлат даромадларини йиғиш билан боғлиқ зарур ҳаракатларнинг бўлинишини ифодалайди.

Юқорида кўрсатилган декретга мувофиқ, кредит тақсимловчилари харажатлар ва даромадларнинг ижросини белгилаб берадилар. Бунда улар давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқини белгилайди, даромад ва харажатларни ҳисоблаб чиқади.

Давлатдаги бош тақсимловчилар сифатида вазирлар ўзларига юклатилган функцияларга мувофиқ алоҳида жавобгар бўлади.

Улар ўзлари томонидан бериладиган барча ҳужжатлар учун жавобгардирлар. Давлат фазначилари даромадлар ва харажатлар бўйича операцияларни амалга оширадилар.

Давлат Фазначилигининг тармоғи зарур назорат операциялари бажарилганидан сўнг ўзи томонидан тақсимловчиларга топширилган ҳужжатларга мувофиқ деярли барча жорий ва капитал тўловларни ижро этади. Бундан ташқари, Фазначилик органлари ижтимоий таъминот органлари, ижтимоий турар жойларни бошқарувчи тузилмалар ва бошқа бюджетдан маблағ олувчиларда текширув ва назорат функцияларини ўтказди. Минтақалар, департаментлар, коммуналар, шунингдек, маҳаллий давлат ташкилотлари бўйича ҳисоб-китоб юритади.

Улар бюджет маблағлари тақсимловчиларининг молиявий маслаҳатчилари бўлиб, давлатнинг қарз талабномаларини ундиради ҳамда ички ва ташқи қарзларини бошқариб, қимматли қоғозларни муомалага чиқаришни назорат қилади. Бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг ваколатлари, мулк эгаларининг ҳуқуқлари, имтиёзлари ва ипотекаларни назорат қилади.

Давлат Фазначилиги барча давлат хизматчиларига маош, фуқаролар ва ҳарбий пенсионерларга давлат пенсияларини тўлайди.

Давлат Фазначилиги давлат бюджети, маъмурий-ҳудудий тузилмалар, маҳаллий ва давлат муассасалари тушумлари ва харажатларининг ҳисобини юритади. Фазначилик томонидан амалга ошириладиган барча ҳисоб операциялари ҳар куни умуммиллий даражада марказлаштирилади ва шу тариқа мавжуд маблағлар ва давлат қарзининг оптимал бошқарилишини таъминлайди. Давлат Фазначилиги давлат мажбуриятларини бошқаради, давлат қарзларининг ҳисобини юритиб, қарз мажбуриятлари бўйича нақд пулларни ва давлат ташкилотларининг ҳуқуқи бўлган бошқа шаклдаги тушумларни олади. Шунингдек, амалга оширилган молиявий операцияларни тасдиқлайдиган бухгалтерия ҳужжатларни сақлайди ва давлат қарзи бўйича ҳар йиллик ҳисоботларни тайёрлайди. Давлат пул маблағларини ва моддий бойликларини сақлашни ва кўриқлашни таъминлаш билан суд қарорларини ижро қилади.

Фазначилик Ягона Фазна ҳисобварағида тўпланадиган барча давлат маблағларининг ҳаракатини тўлиқ назорат қилади. Ушбу ҳисобварақ Франция марказий банкида юритилади.

Давлат молиясининг ҳисоб ва ҳисоботини юритиш Бош бошқармаси (Франция Фазначилиги)нинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— Франциянинг бутун Фазначилиги фаолиятини мувофиқлаштириш;

— давлат ҳисоби амалиётининг қоидаларини модернизация қилиш — давлат ҳисоби тизимини ислоҳ қилиш;

— маҳаллий ҳокимият органларига ислоҳотларда ёрдам кўрсатиш;

— Франция Фазначилиги кадрларини бошқариш.

Франция Ғазначилигига раҳбар бошчилик қилади. Раҳбар иккита ўринбосарга эга (бири жорий масалаларнинг ҳал этилишини мувофиқлаштиради, иккинчиси реинжиниринг (стратегик ривожлантириш) ишларининг мувофиқлаштирилиши учун масъул.

Франция Ғазначилиги ҳудудий органларининг таркиби Франциянинг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келади.

Франция Ғазначилиги ҳудудий органларининг тизимини маҳаллий даражада стратегик ривожлантириш сиёсати бўлинмаларни қуйидаги йўналишлар бўйича ихтисослаштириш таъминли бўйича амалга оширилади: солиқларни йиғиш; жарималар; маҳаллий бюджетлар билан ишлаш.

Бу борада қатор муаммолар мавжуд бўлиб, шулардан энг асосийси – инфратузилмани таъминловчи юқори қиймат. Буларни ҳал этиш учун ҳозирда ислохотлар амалга оширилмоқда. Франция Ғазначилигининг тузилишининг оптималлаштиришга йўналтирилган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири – ҳудудий органларни таркибий ўзгартиришдан иборат. Таркибий ўзгартириш маҳаллий бўлимларни йириклаштириш ва ихтисослаштириш йўлидан амалга оширилмоқда. 2002 йилда маҳаллий бўлимлар жадал қисқартирилганидан кейин, сўнгги вақтда, ўртача бир йилда 1 тадан маҳаллий бўлимни қамраб олувчи 20 тагача тегишли тadbирлар амалга оширилмоқда. Таркибий ўзгартириш натижалари: 2002 йилдан бошлаб 450 та асосан қишлоқ бўлимлари ёпилди.

Мазкур ишнинг жадал амалга оширилишига таъсир кўрсатувчи энг муҳим чекловлардан бири шундан иборатки, бўлимни ёпишда унинг барча ходимлари бунга рози бўлиши керак.

Ишларни умумий мувофиқлаштириш Давлат молиясининг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш бошқармасининг марказий аппарати (Франция Ғазначилиги) томонидан амалга оширилади. 2001 йилда 2006 йил 1 январдан эътиборан янги бюджет қоидаларини жорий этиш тўғрисида конституциявий қонун қабул қилинган бўлиб, уларнинг йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлди:

1. Давлатнинг бюджет сиёсатини ўзгартириш; Бюджет вазириликлар бўйича эмас, балки муайян сиёсатни амалга ошириш нуқтаи назаридан имзоланади.

2. Бошқарув усулларига ўзгартиришлар киритиш.

Қуйидаги концепцияни амалга ошириш режалаштирилган: «Мавжуд маблағлардан келиб чиқиб, энг яхши натижаларга эришиш».

3. Ҳисобга олишни ислоҳ қилиш.

Ҳозирги вақтда ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан юритиладиган ҳисобга олишга ўхшаш «уч ўлчамли» ҳисоб юритишга ўтиш (солиқ ҳисоби бундан мустасно — у юритилмайди).

Бюджет сиёсатининг муайян йўналишларини амалга ошириш харажатлари таҳлилининг ҳисоби юритилиши керак. Бу Франция Парламентига харажатларнинг якуний самардорлиги нуқтаи назаридан бюджет маблағларининг сарфлашини яхшироқ кўриш ва таҳлил қилиш имконини беради. Бундай ёндашув, шунингдек, ташқи, мустақил аудиторларга бюджет соҳасида самарали ишлаш имконини беради. Француз ҳуқуқининг ўзига хослиги унда ғазнаси ҳам шахсий, ҳам моддий жавобгарликка эга бўлган икки томонлама назоратни ташкил этишдан иборат.

Давлат Ҳазначилигида молияни бошқариш ахборот тизими ҳам самарали ишлаб туради. Мазкур тизим бўйича ҳар куни Ягона ғазна ҳисобварағи бўйича йиғма ахборот тақдим этилади. Тармоқ вазирликлари ва функционал тоифалар бўйича бўлинган батафсил ахборотдан ҳар ҳафтада фойдаланиш мумкин. Давлат маблағлари ҳисобидан харажатларни амалга оширишни шаффофлигини таъминлаш ва молиявий қонунлар ижросининг назорати давлат конституцияси билан ўз ҳаракатида эркин бўлган ҳисоб палатасига юклатилган. Ҳисоб палатаси ҳар йили текширувлар натижаси бўйича парламент ва мамлакат президентиға ҳисобот беради. Бундан ташқари, ўз ҳаракатида эркин ҳисобланган бир неча ваколатли ташкилотлар бюджет ва бюджет ижроси юзасидан назорат олиб борадилар.

Россияда Ҳазначилик тизимининг таъкил этилиши. Россияда ғазначилик тўғрисида маълумот дастлаб XV асрда тилга олинади.

1821 йилда Александр I томонидан Молия вазирлиги таркибида Давлат ғазначилиги департаменти таъсис этилди. 1822 йилда эса Санк-Петербургда Бош Ҳазначилик ташкил

қилинди. 1864 йилда тажриба тариқасида 12 та губернияда ягона касса жорий қилинди. 1872 йилга келиб, давлат даромадларининг йиғими бир газна ҳисобрақамига йиғилди. 1900 йилга келиб газна бўлинмаларининг сони 728 тага етди. 1917 йилнинг ноябригача газначилик давлат бюджети ижросини амалга ошириб келди ва у 1918 йил 1 ноябргача фаолият кўрсатди ва ўша вақтга келиб РСФСР СНК буйруғи билан РСФСР Халқ банкига қўшиб юборилди. Шу тариқа, иқтисодиётга тотал режали раҳбарлик қилиш мақсадида газначилик ва марказий эмиссия органининг функциялари бирлаштирилди.

Давлатнинг бюджет сиёсатини амалга ошириш, Россия Федерацияси федерал бюджетининг ижроси жараёнида даромадлар ва харажатларни самарали бошқариш, давлат дастурларини молиялашда тезкорликни ошириш, давлат маблағларининг келиб тушиши ва улардан мақсадли ва тежамли фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида Россия Федерацияси Президентининг 1992 йил 8 декабрдаги 1556-сонли «Федерал газначилик тўғрисида»ги Фармони билан 1992 йилда федерал бюджетнинг газна ижроси жорий этилди. Уни амалга ошириш учун Россия Федерацияси Молия вазирлигининг таркибида Федерал Газначилик органлари ташкил этилди. Шундай қилиб, Федерал Газначилик органлари давлатнинг манфаатларини намоён этган ҳолда, федерал бюджет ижроси жараёни иштирокчиларининг ҳаракатини назорат қилади. 1997 йилдан бошлаб федерал бюджет ижросининг газна тизимига ўтиш вазифаси Россия Федерациясининг биринчи галдаги вазифасига айланди.

Россияда юзага келган вазиятлар, ҳудуднинг катталиги ва телекоммуникация алоқа тизимларининг ривожланмаганлиги, давлатнинг федератив қурилганлиги ва федерация субъектлари ўртасидаги фарқларнинг катталиги туфайли газначилик тизимини барпо этиш катта қийинчиликлар туғдирди.

Таъкидлаш лозимки, ушбу мамлакатнинг молиявий ходимлари нисбатан қисқа вақт ичида, марказлашган бўлмасда, лекин анча самарали фаолият кўрсатувчи давлат бюджети ижросининг газна тизимини ташкил этишди. Газначилик тизими ривожланишининг сўнгги йиллари мобайнида минтақавий тузилмаларда Россия Федерал Газначилиги органлари

ташқил этилиб, уларни ҳўжалик таъминоти воситалари ва оргтехника, шу жумладан, ҳисоблаш техникаси, алоқа ва ахборот узатиш воситалари билан жиҳозлаш бошлаб юборилди. Ҳазначилик органлари ишининг методологияси ривожланишнинг қисқа даври ичида катта ўзгаришларни бошдан кечириб, жадал ривожланишда давом этмоқда.

Россия Федерацияси таркибида 89 та миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар (Федерация субъектлари) мавжуд. Мамлакатда федерал бюджетдан молияланувчи 50 000 дан ортиқ бюджет ташкилотлари мавжуд бўлиб, улардан ҳар бири банкларда 6-7 тадан ҳисобварақларга эга эди. Пировардида 300 000 банк ҳисобидан таркиб топган пирамида шаклланиб, федерал бюджет маблағлари ушбу ҳисобварақларга тақсимланарди. Федерал бюджет маблағлари тақсимловчиларининг бундай катта миқдори бюджет ижросининг Ҳазначилик тизимини қуриш ва унга ўтиш заруратини белгилаб берди. Дастлабки йили (1993) федерал бюджетининг ижроси учун Федерациянинг фақат 17 та субъектида Ҳазначилик тизимининг органлари ташқил этилди.

1994-1995 йилларда Ҳазначиликнинг периферия тармоғи барпо этилиб, федерал бюджет маблағларини бошқаришнинг барча даражалари ва Ҳазначилик органлари томонидан Федерал бюджетнинг амалий ижроси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизми ишлаб чиқилиб, жорий этилди. Тизим федерал бюджет даромадлари ва харажатларининг тўлиқ ва қиёсий ҳисобга олинишини таъминлаш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилишни ўз ичига олади.

Фақат 2001 йилга келиб, Россия Федерациясининг барча субъектларида Ҳазначилик органлари ташқил этилиб, Федерал бюджет ижросининг ягона марказлаштирилган тизимини барпо этиш ниҳоясига етказилди.

Федерал Ҳазначиликнинг ҳозирги тузилиши уч бўғиндан иборат кўп поғонали тузилмани кўзда тутлади. Унга Федерал Ҳазначилик бошчилиқ қилади, иккинчи бўғин – РФ субъектлари бўйича Федерал Ҳазначилик бошқармалари ва учинчи бўғин – маъмурий-ҳудудий бўлиниш нуқтаи назаридан ташқил этилган 2156 та бўлим. Пойтахтда Москва шаҳри бўйича Федерал Ҳазначилик бошқармаси, округлар сони бўйича 10 та

бўлим ва федерал бюджетдан молияланувчи «мудофаа ва хавфсизлик мажмуа» тузилмаларга хизмат кўрсатиш учун битта махсус бўлим ташкил этилган.

Россия Молия вазирлиги Ғазначилигининг ҳудудий бўлимларида кўп сонли ҳисоб-китоб рақамларнинг мавжудлиги Ушбу рақамлардаги қолдиқлар ҳақида тезкор ахборот олинишини талаб қилади. Ҳудудий ғазначилик бўлимлари билан ахборот алмашишнинг ҳар кунлик тартиботи ушбу вазифани самарали ҳал этади, бироқ вакиллик ҳисобварақлари сонининг кўплиги, бу эса Россия субъектининг барча маъмурий тузилмалари, барибир маблағларнинг сочилишига олиб келади. Маблағларнинг сочилиши муаммоси молиявий оқимларни бюджетнинг ягона ҳисобварағига ўтказиш йўли билан ҳал этилмоқда, яъни бюджетдан маблағ олувчиларнинг барча тўлов мажбуриятлари битта ҳисобварақдан амалга оширилади, барча солиқ тушумлари ушбу ҳисобварақда жамланади, ҳудудий ғазначилик бўлимларига очилган вакиллик ҳисобварақларидан фақат жойларда нақд пулларни олиш учун фойдаланилади. Россия бюджети ягона ҳисобварағининг концепцияси ана шундан иборат. Мазкур концепция бугунги кунда Федерация субъектларининг ҳудудида амалга оширилмоқда, бунда вилоят ғазначилик бўлимлари тасдиқланган режага мувофиқ бюджетнинг ягона ҳисобварағи режимида ишлашга ўтмоқда.

Қозоғистонда Ғазначилик тизими. Қозоғистон Республикасининг улкан ҳудуди бюджетдан ажратиладиган маблағларни тақсимлаш ва вилоятлар доирасида бюджетнинг ўз муддатида ва мақсадли ижро этилишини назорат қилишда қийинчиликларни келтириб чиқарди. Шунинг учун ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар бу ерда бюджет ижросининг ғазначилик тизими марказлашмаган кўринишда шаклланишини белгилаб берди. Шунга қарамай, хорижий экспертларнинг баҳолашларича, собиқ СССР давлатлари ичида Қозоғистон 1999 йил ҳолатига кўра бюджет ижросининг Ғазначилик тизимини ташкил этишда энг ката тараққиётга эришди.

Қозоғистон Республикаси Молия вазирлиги таркибида 1994 йилда ғазначилик тизими жорий қилиниб 1995 йилнинг охиридан эса Молия вазирлигида Ғазначилик Кўмитаси ташкил этилди. Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг 1999

йил 24 майда 626-сон «Қозоғистон Республикаси Молия вазирлигининг фазначилик қўмитаси масалалари тўғрисида»ги қарори билан эса Қозоғистон Республикаси фазначилик қўмитаси тўғрисидаги низом тасдиқланиб, унинг таркибий тузилмаси ташкил этилди.

Ҳозирги кунда Қозоғистон Республикасида фазначиликнинг 16 та вилоят бошқармаси ва 184 та туман бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. 2001 йилда янги пойтахт — Остона шаҳрида жойлашган Қозоғистон Фазначилик қўмитаси томонидан амалдаги тизимни марказлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Маълумотлар базаларини бошқаришнинг жорий этилаётган янги тизими Қозоғистон давлат бюджетининг тушумлари, унинг оқилона тақсимланиши ва ижро этилишига доир ахборот ҳаракатининг тезқорлигини сезиларли даражада ошириши лозим. Давлат молиясининг маълумотлар базаларини тезкор бошқариш тизими Фазначилик қўмитасининг вилоятлар ва туманлар даражасида амал қилиб турган барча бўлинмаларини Ягона ғазна ҳисобварағига ўтказишни кўзда тутлади.

Даромадлар тушумини ҳисобга олишни ва Ягона ғазна ҳисобварағидан харажатларни тезкор назорат қилишни марказлаштириш Қозоғистоннинг барча субъектида (вилоятлар Фазначилик бошқармаларида) босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Тизимнинг барча вилоятлар Фазначилик бошқармалари ҳозирда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Қозоғистон Республикаси фазначилик қўмитаси ўз ваколат чегараси доирасида ижро ва назорат текширув функцияларни бажаради, шунингдек, республика бюджети ижросини мувофиқлаштиради. Миллий ва чет эл валютасидаги фазначиликнинг ягона ҳисобварағини очади ҳамда, Қозоғистон Республикасининг Миллий банки томонидан берилган лицензияга асосан, банк операцияларини амалга оширади.

Фазначилик органларидаги бюджет тизими ва ички аудит, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ишларида услубий раҳбарликни амалга оширади. Бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлайди.

Давлат молиясини истиқболларини шакллантирибгина қолмай, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан иш хақи, стипендия, пенсия, нафақа ва бошқа пуллик тўловларни банк-

агентлар орқали олувчиларнинг хоҳишига асосан маблағларни уларнинг шахсий ҳисобварақларига тўлаб беради.

Шундай қилиб, чет элда давлат бюджетлари ижросининг мавжуд ғазначилик тизимларининг таҳлили анча самарали фаолият кўрсатаётган кўплаб турли тизимларнинг мавжудлигини кўрсатмоқда. Улар нафақат номи билан (департамент ёки секретариат), балки бўйсунуш тузилмаси ва уларга юклатилган функциялар бўйича ҳам бир-бирдан фарқ қилади. Айрим ғазначиликлар Молия вазирлиги таркибига киради (Япония), бошқалари Молия вазирлиги ҳуқуқида фаолият кўрсатади (АҚШ), учинчи турдагилар эса молия вазирликлари билан ёки бошқа муассасалар билан параллел равишда фаолият кўрсатиб, бир-бирини ўзаро тўлдиради ёки у ёки бу функцияни бажариш учун рақобатлашади.

Айрим мамлакатларда Ғазначилик таркибига бюджетнинг даромад қисми: солиқлар, бож йиғимлари, бюджетга бошқа тўловлар учун масъул бўлинмалар киради. Бошқа мамлакатларда солиқлар бўйича тузилмалар Ғазначилик таркибига кирса, бож йиғимлари учун алоҳида муассасалар жавоб беради. Учинчи турдаги мамлакатларда Ғазначилик бюджетнинг даромад қисми учун жавобгарликдан тўлиқ халос этилган. Бюджетнинг ижроси жараёнида ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, Ғазначилик тизими бюджет маблағларидан фойдаланишда уларни иқтисод қилиш, назоратни кучайтириш, бюджетни режалаштириш ва прогноزلаштириш сифатини ошириш, шунингдек, солиқ тўловчиларнинг пулини талон-тарож қилиш ҳолларининг олдини олади ва давлат молиясининг ҳолати тўғрисида тезкор ва ишончли ахборотлар олиш имконини берадики, бу эса давлат молиясини самарали бошқаришни таъминлайди. Кўпгина ривожланган мамлакатларда давлат тўловларини амалга ошириш методикаси куйидаги тарзда амалга оширилади (1.5-жадвал). Жадвалдан кўриб турганимиздек, барча намоён этилган мамлакатлар ўзининг тўлов операцияларини ягона ғазна ҳисобварағи орқали назорат остида амалга оширади.

Мазкур ҳисобварақнинг муайян шакли турли мамлакатларда турлича. Кўриб чиқилаётган мамлакатларда ягона ҳисобварақнинг таркиби 1.5-жадвалда келтирилган.

Жаҳоннинг етакчи мамлакатларида давлат тўловларини амалга ошириш методикаси

Мамлакат	Изоҳ
1. Франция	Молия вазирлигининг давлат ҳисобини юритиш хизмати тўловларни минтақавий касса бошқармаларида чекларни ёзиб бериш ёки ягона газна ҳисобварағидан пул маблағларини ўтказиш орқали амалга оширади
2. Россия	Федерал газначилиги ягона ҳисобварағидан бош таксимловчиларга ва ҳудудий ҳисобварақларга маблағларни ўтказиш йўли билан амалга оширади
3. Япония	Тармоқ вазирликларидаги назоратчилар тўловларни чекларни ёзиб бериш ёки Япония Банкидаги ягона газна ҳисобварағидан ёхуд Япония Банки агентларининг ҳисобварақларидан пул маблағларини ўтказиш орқали амалга оширади
4. АҚШ	АҚШ газначилиги тўловларни чекларни ёзиб бериш ёки ягона газна ҳисобварағи - Нью-Йорк федерал захира банкидаги газна ҳисобварағидан ўтказмалар ёрдамида амалга оширади
5. Қозоғистон	Қозоғистон газначилиги худди Япония сингари Қозоғистон Банкидаги ягона газна ҳисобварағидан ёхуд Қозоғистон Банки агентларининг ҳисобварақларидан пул маблағларини ўтказиш орқали амалга оширади, баъзи банк операцияларини бажаради

1.6.-жадвалдан кўриб турганимиздек, Франция ва Россия ягона газна ҳисобварағи минтақавий бошқармаларини ўз ичига олади, Япония ва Қозоғистон ЯФХ банкининг ҳисобварақларини қамраб олади, банк варақлари билан ишлайди. АҚШда газначилик газна, солиқ ва тижорат банкларидаги ссуда ҳисобварақлари бўйича маблағлар қолдиқларининг эгаси ҳисобланади.

Барча кўриб чиқиладиган мамлакатларда тармоқ вазирликлари давлат маблағларини қандай сарфлаш лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилади, газначилик эса якуний тўловларни амалга ошириш ва ҳисоб юритиш жараёнини бошқаради.

Тўлов ҳужжатларини амалда ёзиб бериш марказлашмаган ва Молия вазирлигининг газначилиги томонидан назорат

ўрнатилган ҳолда турли йўллар билан тармоқ вазирликларига топширилади.

1.6-жадвал

**Жаҳоннинг етакчи мамлакатларида ягона газна
ҳисобварағининг таркиби (ЯҒХ)**

Мамлакат	ЯҒХ таркиби
1. Франция	Ягона ҳисобварақ, минтақавий ҳисобварақлар
2. Россия	Ягона ҳисобварақ, минтақавий федерал ва ҳудудий ҳисобварақлар
3. Япония	Бир вақтнинг ўзида давлат бошқаруви органлари билан боғлиқ молиявий муассасаларга хизмат кўрсатувчи ягона ҳисобварақ
4. АҚШ	Ягона ҳисобварақ, газна, солиқ ва тижорат банкларидаги ссуда ҳисобварақлари
5. Қозоғистон	Бир вақтнинг ўзида давлат бошқаруви органлари билан боғлиқ молиявий муассасаларга хизмат кўрсатувчи ягона ҳисобварақ

1.7-жадвалда кўриб чиқиладиган мамлакатларда давлат ҳисобининг юритилиши учун жавобгарликнинг тақсимланиши кўрсатилган.

1.7-жадвал

**Жаҳоннинг етакчи мамлакатларида давлат ҳисобини юритиш
учун жавобгарликнинг тақсимланиши**

Мамлакат	Изоҳ
1. Франция	Молия вазирлиги ва бюджет идоралари
2. Россия	Молия вазирлиги бюджет идоралари
3. Япония	Молия вазирлиги, Япония Банки ва бюджет идоралари
4. АҚШ	Ғазначилик ва бюджет идоралари
5. Қозоғистон	Молия вазирлиги Марказий банк, бюджет идоралари

1.7-жадвалдан кўриб турганимиздек, фақат АҚШда солиқ-бюджет соҳасида ҳисоб юритиш учун жавобгарлик бевосита Ғазначилик зиммасига юклатилади. Бошқа мамлакатларда бюджет идоралари ўз ҳисобини юритади, бироқ уларнинг тизим-

лари Молия вазирлиги томонидан юритиладиган марказий ҳисоб тизимига тўлиқ интеграциялашган. Япония у ерда Япония Банки ҳукумат учун бюджет-солиқ соҳаси ҳисобварақларининг тўлиқ параллел тўпламини юритувчи ягона мамлакат ҳисобланади, бунда Молия вазирлигининг зиммасига бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни умумий бошқариш ва тартибга солиш учун жавобгарлик юклатилган.

Бизнингча, қуйидагилар давлат бюджет ижроси барча тизимга асос ҳисобланади:

- унда давлат харажатларининг барча маблағлари жамланадиган Ягона газна ҳисобварағини ташкил этиш;

- бевосита ҳукуматга бўйсунувчи бош муассасага, туманлар ва вилоятларда газначилик бўлинмаларига эга бўлган, давлат бюджети ижроси масалаларида ўз фаолиятини бош муассаса билан тўлиқ мувофиқлаштирувчи Газначиликнинг кўп погонали ташкилий тизимини барпо этиш;

- даромадлар ва харажатлар бўйича операциялар ҳисобини юритишнинг ягона бухгалтерлик тизимини ташкил этиш. Ҳисоб юритишни бундай тизимининг асосига бош газначилик китоби жорий этилиб, унинг маълумотлар базаси бюджет моддалари бўйича ва тармоқ моддалари бўйича бўлинган ҳолда берилади. Унда йил мобайнидаги маблағлар ажратилишидаги барча ўзгаришлар, тасдиқланган маблағлар ажратилиши бўйича мажбуриятлар, тўлов топшириқлари ва касса тўловларининг солиштирилишлари акс эттирилади. Операциялар ҳисоби барча ҳисобварақлар учун ягона бўлган режа бўйича юритилади;

- бюджетни тайёрлаш, уни ижро этиш, тушумлар ҳисобини юритиш, тўловларни амалга ошириш, тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини ва улардан мақсадли фойдаланилишини, маблағлар ногўғри сарфланган ҳолларда, тўловларнинг тўхтатиб қўйилишини назорат қилиш, мамлакат давлат бюджетининг ижросини мақбуллаштириш борасидаги кўплаб вазифаларни ҳал этишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасида жорий этилаётган Давлат бюджети ижросининг Газначилик тизимини жорий этишни таъминлайдиган чора-тадбирлар асосида айнан ушбу тамойиллар ётади.

Баҳс-мунозара ва назорат учун саволлар

1. Ўтиш давридаги иқтисодий институционал ислоҳотлар нималардан иборат? *
2. Давлатнинг молия тизими тушунчаси, моҳияти ва унинг таркиби нималардан иборат?
3. Давлат молияси тушунчаси, моҳияти унинг таркиби ва мамлакатнинг молия тизимидаги ўрни.
4. Давлат молия тизимининг миллий иқтисодиётни тартибга солиш тизимидаги тутган ўрни нималардан иборат?
5. Давлат молияси соҳасидаги институционал ислоҳотларнинг йўналишлари нималардан иборат?
6. Давлат молиясининг ягоналиги ва самарадорлигини таъминлашнинг йўналишларини айтиб беринг.
7. Давлат бюджетининг аҳамияти ва у мамлакатнинг давлат молияси тизимида қандай ўринни эгаллайди?
8. Давлат бюджети тушунчаси ва унинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти нималар орқали намоён бўлади?
9. Давлат бюджети жараёни ва унсурлари нималардан иборат?
10. Давлат молиясини ислоҳ қилишнинг омиллари ва босқичлари нималардан иборат?
11. Давлат молия тизимидаги институционал ислоҳотларнинг муҳим мақсади нималардан иборат?
12. Давлат бюджетининг фазна ижроси тизимини ташкил этиш учун қандай вазифаларни амалга ошириш зарур?
13. Давлатнинг барча даражадаги бюджетларга хос бўлган молиявий ресурсларидан фойдаланиш бўйича амал қилган механизми ўтиш даврида қандай камчиликларга эга эди?
14. Фазна» ва «ғазначилик» тизими тушунчалари, шунингдек, Соҳибқирон Амир Темур даврида давлат фазнасининг бошқарилиши қандай амалга оширилган?
15. Ғазначилик тизимини ташкилий-функционал тузилмасини тушунтириб беринг?
16. Ғазначилик тизимининг ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларини айтиб беринг.
17. Ғазначилик қандай функция ва вазифаларни амалга оширади?

18. Ғазначилик органларининг қўшимча вазифалари ва функцияларини айтиб беринг.

19. Ривожланган мамлакатлар бюджети ижросида ғазначиликнинг ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг.

20. МДҲ мамлакатлари бюджети ижросида ғазначиликнинг ташкил этилиши ва унинг аҳамияти нималардан иборат?

•

2-боб. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ғазна ижроси

2.1. Давлат бюджети ғазна ижросининг моҳияти

Бюджет ижроси — умуман ва ҳар бир манба бўйича даромадларнинг тўлиқ ҳамда ўз вақтида келиб тушишини, шунингдек, бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг товарлари ва хизматлари учун бюджет бўйича тасдиқланган суммалар доирасида тўловларнинг молиявий йил мобайнида тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилиши ни таъминловчи жараёндир.

Бюджет муносабатларини такомиллаштириш кўп жиҳатдан Давлат бюджети ижросининг самарадорлигини оширишни назарда тутди. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бюджет ижросининг учта — банклар томонидан ташкил этилиши, бюджет ҳисобварақларини банклар ва ғазна органлари томонидан бошқарилиши ва тўлиқ ғазна органлари томонидан амалга оширилиши турларидан ғазна ижроси бюджет ижросининг энг самарали ва амалий механизми ҳисобланади. Яъни унда бюджет даромадлари ва харажатлари бўйича барча операциялар бюджетнинг Ягона ғазна ҳисобварағида жамланиб, у бюджетдан маблағ олувчилар томонидан банк муассасаларида очилган бюджет ҳисобварақлари орқали бажариладиган барча функцияларни амалга оширади.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини жорий этиш бюджетни даромадлари тушумларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушишини ва харажатлар қисмида бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва пул оқимларини самарали бошқариш имкониятини беради. Мазкур тизим, бундан ташқари, молия ресурслари бошқарув қарорларини қабул қилиш, бюджет маблағларини мақсадсиз сарфланишдан ҳимоялаш ва бюджет тузишни такомиллаштириш ва прогнозлаштириш сифатини оширади.

Шу билан бир қаторда, Давлат бюджетининг ғазна ижроси Россиялик иқтисодчи олима С.В.Солонина томонидан бу “бюджетдан маблағ олувчиларнинг ғазначиликда улар учун очилган ҳисобварақларда бюджет молиявий оқимларининг ўтиши”¹ деб ҳисобланса, бошқа амалиётчи иқтисодчи олим С.И.Гусев эса “бюджетдан маблағ олувчиларнинг олган мажбуриятларини ижрога қабул қилиш ва улар номидан тўловларни мақсадли амалга ошириш”² деб ҳисоблайди. Бундан ташқари И.Г. Акперов бошчилигида нашр этилган “Россия Федерациясида бюджетни ғазначилик ижроси тизими” ўқув қуланмасида федерал субъект бюджет ғазначилик ижроси деганда “тушумларни ҳисобга олиш, бюджет мажбуриятларини ҳажм ва муддатларини тартибга солиш, бюджет мажбуриятлари буйича ажратилган лимитлар доирасида харажатларни амалга оширишга рухсат ва улар номидан тўловларни амалга ошириш”³ тушунилади дейилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги қонунига асосан “Давлат бюджетининг ғазна ижроси Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисобварағига киритишдан, шунингдек, Давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисобварақдан тўлашдан иборатдир”⁴ деб таъриф берилган.

Ягона ғазна ҳисобварағи (ЯҒҲ). Ягона ғазна ҳисобварағи Ғазначилик томонидан бошқариладиган махсус банк ҳисобварағи бўлиб, ушбу ҳисобвараққа Давлат бюджети маблағлари (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармаларини маблағлари)

¹ С.В.Солонина. Место казначейства в системе государственного регулирования экономики России. Автореферат на соискание к.э.н.

² С.И.Гусев. Развитие федерального казначейства в системе управления государственными финансами. Автореферат дисс...на соискание докт..экон.наук.

³ И.Г. Акперов И.А. Коноплева, С.П. Головач и др. «Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации», учеб. пособие. М.: Финансы и статистика. 2002. 196 с

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги қонуни 6-модда.Т:Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Тошкент. Ўзбекистон. 41 б.

ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритилади.

Ягона ғазна ҳисобварағидан Давлат бюджетида улар учун маблағлар назарда тутилган ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг харажатлари тўланади, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари амалга оширилади. ЯФҲдан фойдаланиш шароитида Ҳазначилик органларининг фаолият кўрсатиши Давлат бюджетининг сифат жиҳатдан янги ахборот технологияси ҳисобланиб, унда қуйидаги ҳолатлар муҳим ўрин тутати:

- Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатларини ЯФҲда марказлаштириш;

- турли даражадаги бюджетлар даромадларининг ҳисобини юритиш операцияларини бир ҳисобварақда марказлаштириш, уларни бюджетларнинг турли даражалари ўртасида тақсимлаш ва марказий ғазначилик даражасида Давлат бюджетининг харажатларини амалга ошириш;

- Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари бўйича операцияларни ҳар кунини акс эттириш.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими барча даражаларининг бюджетлари кассанинг ягоналиги тамойили асосида ижро этилади, у барча келиб тушувчи даромадлар ва тушумларнинг бюджет тақчиллигини молиялаш манбаларидан босқичма-босқич Ягона ғазна (бюджет) ҳисобварағига ўтказилишини, барча кўзда тутилган харажатларнинг ягона ғазна (бюджет) ҳисобварағидан амалга оширилишини назарда тутати.

Бюджет операцияларини Ягона ғазна ҳисобварағи орқали амалга ошириш бюджет ижросининг ҳар бир босқичини тўлиқ ҳисобга олиш ва назорат қилиш имконини беради.

Бюджет ҳисобварақларини очиш ва ёпиш, уларнинг режимини белгилаш ҳуқуқи Ҳазначиликка тегишли.

Ягона ғазна ҳисобварағи Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида очилади.

Ҳазначиликнинг Марказий банкдаги ҳисобварақлари, улар томонидан тузилган шартномалар асосида юритилади. Бюджет ҳисобварақларини очиш ва ёпишга ҳамда уларнинг режимини ўзгартиришга Ҳазначиликнинг тегишли қарорисиз руҳсат этилмайди.

Банклар Ғазначилик органларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, шунингдек, ҳисобварақлардан маблағларни чиқара олмайди. Банклар Ғазначилик ҳисобварақлари бўйича улардаги маблағлар қолдиғи доирасида тўлов ҳужжатлари асосида маблағларнинг ўз вақтида ва тўғри киритилиши ҳамда ҳисобдан чиқарилиши учун жавобгардирлар.

Бюджет ижросининг ғазначилик тизими бюджетдан маблағ ажратиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириб, харажатларнинг аниқ амалга оширилишини таъминлайди ва молиявий операциялар учун вақт ҳамда маблағлар сарфини камайтирган ҳолда, ушбу операцияларни тезлаштиради.

Ғазначилик тизими ташкил этилгунга қадар ва у ташкил этилиб тўлиқ амалга оширилгандан кейинги даврда солиқ тўловчилардан даромадлар келиб тушиши ва бюджет маблағларининг уларни олувчиларга етказилиши жараёнининг қиёсий таҳлили иккинчи ҳолатда бюджет маблағлари билан ишлашда иштирок этувчи бўғинлар сонининг камайиши бу улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш имконини беради. Бу ҳолатни қуйидаги расмларда кўрамиз.

Ғазначилик тизими ташкил этилгунга қадар ва у тўлиқ ташкил этилганидан кейинги даврда солиқ тўловчилардан даромадлар келиб тушиши чизмаси 2.1-чизмада келтирилган.


Чизмада кўрсатилганидек, иккинчи ҳолатда солиқ ва тушумларнинг мўлжалланган манзилга тушиш даражаси бир неча баробарга қисқариб, давлат маблағлари пул оқимларининг айланиш тезлик даражаси ошади. Ғазначилик тизими ташкил этилгунча ва тўлиқ ғазна ижроси билан қамраб олингандан кейин бюджет маблағларининг маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқарувчиларига етказилиши чизмаси 2.2-чизмада келтирилган.

Бунда ғазначилик ягона ғазна(ҳудудий) ҳисобварақдан Давлат бюджетидан маблағ олувчиларнинг харажатларини тўлаш, тўлов жараёнини назорат қилибгина қолмай, балки бюджет маблағларидан самарали фойдаланишга замин яратади.


Бюджет ижроси қонун чиқарувчи ҳокимият органлари томонидан бюджет тасдиқланганидан кейин бошланади. Бюджет жараёнининг ушбу босқичи барча даражадаги бюджет-

ДАРОМАДЛАРНИ ХИСОБГА КИРИТИШ

1. Амалдаги тизим




2. Ҳазначилик тизими




2.1-чизма. Давлат даромадларининг солиқ тўловчилардан келиб тушиб жараёни

ХАРАЖАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

1. Амалдаги тизим



2. Ҳазначилик тизими



* Харажатларни тўлаш, тўланадиган суммаларни ҳазначиликда очилган бюджет ташкилотининг ҳисобварақларида акс эттирган ҳолда бевосита товарлар ва хизматлар етказиб берувчиларига ва бошқа шахсларга Республика, вилоят, туман ва шаҳар газна органлари шу ҳисобварақдан тўловларни тўғридан-тўғри амалга оширади.

2.2-чизма. Давлат харажатларини амалга ошириш жараёни

ларнинг даромад ва харажат қисмларини бажариш вазифасини қўяди.

Бюджет ижросининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- солиқлар ва бошқа тўловларнинг, шунингдек, умуман ва ҳар бир манба бўйича даромадларнинг тўлиқ ҳамда ўз вақтида келиб тушишини таъминлаш;

- бюджет тасдиқланган молиявий йил давомида бюджет бўйича тасдиқланган суммалар доирасидаги тадбирларни молиялаштириш;

- тасдиқланган бюджетнинг барча турдаги тўловлари ва маблағлар ажратилишини тўғри ва иқтисодий асосланган тарзда тақсимлаш.

Бюджетни ижро этиш бюджет бўйича барча кўзда тутилган даромадларнинг тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушишини таъминлашни ҳамда бюджет бўйича режалаштирилган харажатларнинг тўланишини таъминлашни англатади. Бюджет ижросини Молия вазирлиги Фазначилиги органларининг бутун тизими молия органлари билан биргаликда таъминлайди. Бюджетни ижро этиш жараёнида Молия вазирлиги макроиқтисодий омиллар, нархлар динамикаси ва Давлат бюджетига даромадларнинг келиб тушишини ҳисобга олган ҳолда бюджет маблағлари ажратилишига тузатишлар киритиб, Давлат бюджетининг ижроси ва бюджетдан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат қилади. Бюджетни ижро этиш жараёнида ижроия ҳокимият органлари «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ маблағларни сарфлашнинг ҳар бир йўналиши бўйича харажатларнинг бюджет таснифи моддалари бўйича маблағ ажратишнинг тасдиқланган чегараларида ўзгартиришлар киритиши мумкин.

Фазначилик органларига ижрони ташкил этиш ва бюджетларни ижро этиш, бюджет ҳисобварақлари ва бюджет маблағларини бошқариш вазифаси юклатилади. Ўз моҳиятига кўра улар барча бюджет маблағлари олувчилар ва уларни тасарруф этувчиларнинг кассирлари ҳисобланиб, бюджет маблағлари олувчиларнинг номидан ва уларнинг топшириғига кўра бюджет маблағлари ҳисобидан тўловларни амалга оширади.

Бюджетни ижро этиш учун Ҳазначиликда бюджетлар, даромадларнинг ҳар бир манбаси бўйича, ҳар бир бюджет маблағлари бош тақсимловчиси, тақсимловчиси ва олувчиси учун шахсий ҳисобварақлар очилади. Ҳазначилик бюджетга бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбаларидан даромадлар ва тушумларнинг келиб тушиши, шунингдек, бюджет харажатларига рухсат бериш ва уларни тўлаш билан боғлиқ барча операцияларни Ҳазначиликнинг Бош китобида рўйхатга олади ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг йиғма реестрини (рўйхатини) юритади.

Бюджетнинг касса ижроси кассани режалаштириш, яъни Ҳазначилик томонидан даромадлар ва харажатлар бўйича режа, шунингдек, маблағ жалб қилиш режасининг тузилишидан ва бюджет маблағларини бошқаришдан бошланади. Даромадлар бўйича касса режаси даромадларнинг тасдиқланган прогноз кўрсаткичлари, амалдаги тушумлар ва ўтган давр маълумотлари асосида тузилади. Харажатлар бўйича касса режаси харажатлар сметаси асосида, шунингдек, бюджетдан маблағ олувчилар харажатларининг буюртмаси бўйича тузилади. Бюджетнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги вақтинчалик узилишларни қоплаш учун маблағ жалб қилиш режаси тузилади. Узилишни қоплаш учун кредитлар жалб қилинади ва қисқа муддатли давлат облигациялари чиқарилади.

Даромадлар бўйича бюджет ижроси қуйидаги операциялар бўйича амалга оширилади:

(а) бюджет даромадлар тушумларини манбалар бўйича бюджетнинг ягона ҳисобварағига ўтказиш ва киритиш;

(б) тасдиқланган бюджетга мувофиқ тегишли бюджетларнинг турли даражалари бўйича умумдавлат тартибга солувчи солиқларини тақсимлаш;

(в) даромадларнинг ортиқча тўланган суммаларини қайтариш;

(г) давлат бюджетининг даромадлари ҳисобини юритиш ва бюджет таснифига мувофиқ ҳисоботларни тузиш. Барча операциялар бюджет маблағларининг ҳисобини юритиш бўйича шахсий ҳисобварақларда, давлат мақсадли жамғармалари шахсий ҳисобварақларида қайд этилади, ҳамда солиқ тўловчиларга ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган

солиқлар ва йиғимлар бюджетларнинг шахсий ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғи доирасида қайтариледи. Харажатлар бўйича бюджетлар ижроси бюджет соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари, яъни бюджет маблағлари бош тақсимловчиси, бюджет маблағлари тақсимловчилари, бюджет маблағлари олувчилари томонидан Ягона (ҳудудий) ғазна ҳисобварағидаги мавжуд бюджет маблағлари доирасида амалга оширилади ва қуйидаги босқичларга бўлинади:

- харажатлар сметаларини, бюджетдан ташқари даромадлар ва харажатлар бўйича тузиш;
- харажатларни тасдиқлаш ва уларни тўлаш учун харажатларни тўлаш рухсатномасини бюджет маблағлари тақсимловчилар ва олувчиларга етказиш;
- бюджетдан маблағлар олувчилар томонидан ҳуқуқий мажбуриятларнинг қабул қилиниши ва ғазначиликда рўйхатдан ўтказилиши;

- молиявий мажбуриятларни қабул қилиш ва ижро этиш.

Харажатларни тўлаш тартиботи бюджет маблағларини сарфлашдан иборат бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олувчи изчил амалга ошириладиган ҳаракатларни ўзида намоён этади:

- харажатларни амалга ошириш учун рухсат;
- тўловни амалга ошириш.

Харажатларни тўлашни Ғазначилик органлари амалга оширади ва касса харажатлари бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларида акс эттирилади.

Ғазна ҳисобварағи пул маблағлари тўланишининг навбатма-навбатлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 414-сонли қарори билан тартибга солинади.


Бунда Ғазначилик тузилган тўлов ва бошқа ҳужжатларнинг ўрнатилган талабларга асосан тасдиқланган ва рўйхатга олинган бюджет муассасалари харажатлари сметаларига мос келиши текширилганидан сўнг бюджет маблағларининг сарфланишини амалга оширади.

Шу билан бирга, бу ижроия ҳокимияти органлари ва бюджет муассасаларининг уларга харажатлар сметасига мувофиқ ажратилган маблағлардан фойдаланиш масалалари бўйича

мустақиллигини чекламайди. Бюджетдан маблағлар олувчилар томонидан керакли тарзда расмийлаштирилган тўлов ҳужжатлари текширилганидан кейин Ҳазначилик Ягона ғазна ҳисобварағидан маблағларни чиқаради ва бажарилган операцияни шахсий ҳисобварақда акс эттирган ҳолда, тўловни амалга оширади. Бюджетдан амалга ошириладиган тўлов суммаси тасдиқланган молиявий мажбуриятларда кўрсатилган суммадан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлари тўловини амалга ошириш чизмаси (туман мисолида) 2.3-чизмада келтирилган.

Марказий ва вилоят ғазначилиги тўлов жараёнлари ҳам шу чизмага асосан амалга оширилади. Ҳудудларда жойлашган республика ва вилоят аҳамиятига эга бўлган бюджет муасса-


Бюджетдан маблағ оладиган бюджет муассасалари тўловини нақд пулсиз амалга ошириш



2.3-чизма. Бюджетдан маблағ оладиган бюджет муассасалари тўловини нақд пулсиз амалга ошириш (туман ва шаҳарлар миқёсида)

салари ҳамда ташкилотларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ташқари гуруҳ тўловлари, юқори фазначилик органлари томонидан, улар берган ваколатларга асосан ҳудудий органлар томонидан керакли ҳужжатлар (сметалар, мажбуриятлар ва б.) қабул қилингандан сўнг амалга оширилади. Иш ҳақи ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа харажатларни тўлашга нақд пул маблағларини бериш учун Фазначилик ҳудудлар банк муассасаларида транзит ҳисобварақлар очади. Ҳудудий фазначилик органлари ўз ваколатлари доирасида тўловларни амалга оширади ва белгиланган тартибда ҳисобварақларни «нолга келтиради», яъни фойдаланилмаган пул маблағлари қолдиғи ЯФҲга қайтариледи. Бу ҳолат туман фазначилиғи чизмаси мисолида 2.4-чизмада келтирилган.

Бюджетдан маблағ оладиган бюджет муассасалари тўловини нақд пул асосида амалга ошириш




2.4-чизма. Бюджетдан маблағ оладиган бюджет муассасалари тўловини нақд пул асосида амалга ошириш




Бюджет ижросининг биринчи босқичида бу ҳолатлар худди шу аснода банк муассаларида ҳудудий ғазна ҳисобрақамларда амалга оширилади. 2.5-чизмада келтирилган.

Барча даражадаги бюджетлар ижроси ваколатли ижро этувчи органлар томонидан харажатлар сметалари асосида амалга оширилади. Харажатлар сметаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар маҳаллий бюджетларида турган ташкилотларнинг харажатлар сметаларини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ тузилади. Харажатлар сметаси бюджет маблағлари бош тақсимловчиси томонидан уларни олувчилар бўйича бюджет таснифига мувофиқ, тасдиқланган бюджет асосида тузилади ва бюджетни тузиш учун масъул бўлган ижроия ҳокимияти органига тақдим этилади. Молия вазирлиги томонидан бюджет маблағлари бош тақсимловчиларининг харажатлар сметалари асосида йиғма бюджет ёйилмаси тузилиб, у чорак ва ой бўйича, лозим бўлган харажатларнинг сарфланишини назарда тутати. Барча даражадаги бюджетларнинг ғазна ижроси бўйича фаолият «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ молиявий йил мобайнида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган молиявий йилдан ташқари қўшимча вақт даврида амалга оширилади.

Ҳуқуқий мажбуриятлар (шартномалар, контрактлар ва ҳ.к.)ни қабул қилишга молия йилининг охириги кунларида рухсат этилмайди. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тadbirkorлик фаолиятидан олинган ва йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра фойдаланилмаган маблағлар тегишли тартибларга биноан, Ҳазначилик томонидан тегишли бюджет муассасаларининг бюджетдан ташқари ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

Тугалланган йилнинг қабул қилинган бюджет мажбуриятлари бўйича қўшимча давр операциялари тугаллангач, ғазна ҳисобварағидаги қолдиқ бошланган молия йили республика ва маҳаллий бюджетларнинг даромадларида маблағ қолдиқлари сифатида ҳисобга олинади. Бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар тезкор, ойлик (ҳафталик), чораклик, ярим йиллик ва йиллик бўлиши мумкин. Бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисобот-



-  - Республика бюджетидан маблағ олувчи
-  - Вилоят бюджетидан маблағ олувчи
-  - Туман бюджетидан маблағ олувчи

2.5-чизма. Бюджетдан маблағ олувчиларга қазна органлари томонидан хизмат кўрсатилиш схемаси

ларни йиғиш, жамлаш, тузиш ва тақдим этиш Фазначилик томонидан амалга оширилади. Бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларнинг ягона услубияти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади. Фазначилик органлари белгиланган тартибда молия органларига бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этадилар.

Шунинг билан бир қаторда, Давлат бюджетининг тўлиқ ғазна ижроси тизими қуйидагиларни талаб қилади. Фазначиликни барпо этиш меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қондаларидан келиб чиқиб ташкил этилган бўлса-да, айти пайтда мавжуд Фазначилик технологиялари замон талабларига тўлиқ жавоб бермай, балки уни такомиллаштириб боришни тақозо этади. Шу билан бирга, ушбу тизим вазифаларини амалга оширишда Фазначилик органлари билан бюджет жараёнининг бошқа субъектлари ўртасидаги ахборот ва ҳуқуқий ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш билан боғлиқ муаммолар юзага келади.

Ҳозирги кунда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қондаларининг номувофиқлиги, ташкилий-услубий ва ахборот-технологик соҳаларда муаммолар мавжуд. Бу Фазначиликнинг барча йўналишларига тааллуқли, хусусан:

Банк тизими билан:

- Давлат маблағлари Ягона ғазна ҳисобварағида марказлаштирилмаган.

- Фазначилик органлари Марказий банкнинг электрон ҳисоб-китоблар тизимига киритилмаган.

- ахборотдан самарали фойдаланиш ва унга автоматлаштирилган тарзда ишлов бериш имкониятини таъминловчи электрон ўзаро алоқа таъминланмаган.

Солиқ ва божхона органлари билан:

- ахборотдан самарали фойдаланиш ва унга автоматлаштирилган тарзда ишлов бериш имкониятини таъминловчи электрон ўзаро алоқа мавжуд эмас.

- Фазначилик органлари ва бошқа молия органлари ўртасида ахборот алмашиш методологияси ва технологияси ишлаб чиқилмаган.

Бюджет маблағлари тақсимловчилар ва олувчилар билан:

- бюджет маблағлари тақсимловчилар ва олувчиларнинг ягона реестри мавжуд эмас.

- барча бюджет маблағлари тақсимловчилар ва олувчилар бўйича шахсий ҳисобварақлар орқали харажатларни амалга оширишнинг ягоналиги ҳуқуқий асоси мавжуд эмас.

- Ҳазна ҳисобварақларига бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари ва давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари ўтказилмаган.

- бюджет мажбуриятларини қабул қилиш, тасдиқлаш ва тўлаш учун жавобгарлик соҳаси чегараланмаган.

Шу муносабат билан Ҳазначилик, солиқ, божхона органлари, банклар бюджет маблағлари тақсимловчилар ва олувчилар, яъни бюджет ва солиқ жараёнларининг барча субъектларининг ахборот ва ҳуқуқий ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилиш масаласини сифат жиҳатдан анча юқори даражада ҳал қилиш талаб этилади ва автоматлаштирилган тизимни халқаро стандартларга мос равишда такомиллаштиришни тақозо этади. Юқоридагилардан хулоса қилиб, бизнингча, бюджетнинг ғазна ижроси тизимига ташкилий иқтисодий восита сифатида кенгроқ тушунча бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Демак, давлат бюджетининг **ғазна ижроси тизими бу — ҳисоб тизими ва ахборот тизимига асосланган ҳолда давлат тушумларини ғазна ҳисобварақларига тўпланиши, ундан давлат харажатларини мақсадли тўлаб берилиши билан давлат бюджети ижросини амалга оширилиши ҳамда давлат молиявий ресурсларини самарали бошқарилишидан иборатдир.**

2.2. Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети ғазна ижросининг тамойиллари

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонунида ҳозирги шароитда бюджет ижросининг тамойиллари белгиланган.

1. Молиялаш бюджетнинг ғазна ягона ҳисобварағидан амалга оширилади (бюджетдан маблағ олувчиларнинг барча маблағлари ягона ҳисобварақда туради) — кассанинг ягоналиги тамойили.

2. Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби Ҳазначилик томонидан, шунингдек, бошқа бюджетдан маблағ олувчилар томонидан Давлат бюджети ғазна ижроси бухгалтерия

терия ҳисоби ҳисобварақларининг ягона режаси ва бюджет таснифи асосида амалга оширилади. Юқорида келтирилган тамойилларнинг амалга оширилиши ишлов берилиши ва назорат қилиниши лозим бўлган ахборот ҳажмини сезиларли даражада оширади. Ахборотларнинг бундай оқимларига фақат замонавий автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва технологияларини жорий этиш асосида ишлов бериш мумкин.

1. Кассанинг ягоналиги тамойили. Бюджет ижросининг банк тизимида бюджет маблағлари бюджетдан маблағ олувчилар ҳисобварақларининг тармоғи бўйича тақсимланади. Фазначилик тизимида кассанинг ягоналиги тамойили бюджетдан маблағ олувчилар ҳисоб-китоб рақамларининг бюджетнинг фазна ҳисобварағига (кейинчалик ягона ҳисобварағига) бирлашишини назарда тутати, бунда товарлар ва хизматлар етказиб берувчилари билан ҳисоб-китоблар ушбу ҳисобварақдан амалга оширилади.

Бироқ кассанинг ягоналиги Фазначилик органи учун ҳисоб-китоб рақамларининг ягоналигини назарда тутмайди. Фазначилик органи турли хилдаги бюджет ҳисобварақларини сақлаш учун бир неча ҳисобвараққа эга бўлиши мумкин (масалан, валюта ҳисобварақлари). Кассанинг ягоналиги ушбу хилдаги бюджет маблағларини сақлашнинг ягона ҳисоб-китоб рақамидан иборат бўлиб, товарлар, ишлар ёки хизматлар етказиб берувчиларига ушбу ҳисобварақдан маблағлар ўтказилади. Ушбу тамойил ёрдамида қуйидаги ижобий ўзгаришларга эришилади.

Биринчидан, маблағларни олдиндан ва жорий назорат қилиш имконияти туғилади. Бюджет ижросининг банк механизми молиялашнинг икки босқичли схемасини назарда тутар, бунда маблағлар дастлаб бюджет маблағлари тақсимловчилари ва бюджет муассасаларининг ҳисоб-китоб рақамларига ўтказилиб ва фақат шундан сўнг бюджет маблағлари тақсимловчиларининг ҳисобварақларидан товарлар, ишлар ва хизматлар етказиб берувчиларга ўтказиларди. Ушбу схема молия органларини маблағлардан фойдаланиш йўналишини олдиндан назорат қилиш имкониятидан маҳрум этар эди. У фақат бюджет-молия тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилганлигини қайд этувчи кейинги назоратни амалга ошириши мумкин, лекин бунинг олдини ололмайди.

Иккинчидан, бюджет муассасалари ва Ҳазначилик органлари ўртасида маблағлар ҳаракати операцияларининг мавжуд эмаслиги туфайли маблағларнинг айланиш ва ўтиш вақти камаяди.

Учинчидан, маблағлар бюджет ҳисобварағида бюджетни ижро этувчи органнинг тасарруфида турганлиги туфайли уларни бошқариш ва тақсимлаш имконияти пайдо бўлади. Бу ҳисоб рақамларидаги қолдиқларни режалаштириш ва жорий молиялашда ҳисобга олиш, уларни қайта тақсимлаш ва жорий харажатларни молиялашда фойдаланиш имконини беради. Таъкидлаш лозимки, маблағларни қайта тақсимлашда маълум мураккабликлар юзага келади. Шахсий ҳисобварақларга ўтказилган маблағлар молиявий органга тегишли эмас ва уларни қайта тақсимлаш учун молиялаш йўналишига аниқлик киритувчи тегишли ҳужжатларни қабул қилиш лозим.

Бундан ташқари, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари ҳисобварақларида турган маблағларни ҳам назорат қилиш лозим. Давлат мулкнинг бошқарувчи ва фойдаланувчи эгаси сифатида улар мулкдан оладиган даромадларини аниқ назорат қилиши лозим. Барча бюджет ташкилотларига давлат мулки (бинолар, ускуналар, жиҳозлар ва ҳ. к.) мулк сифатида эмас, балки бошқариш учун топширилган. Агар ташкилот давлат мулкдан даромадлар манбаи сифатида фойдаланса, у ушбу маблағлар бюджетдан кўзда тутилган ва амалдаги тартибларга кўра эҳтиёжлар учун сарфланганлигини кўрсатиб бериши лозим.

2. Бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботларни ташкил этишнинг ягоналиги тамойили. Бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботларни ташкил этишнинг ягоналиги тамойили бюджет ҳисобининг бир неча қисмларини ўз ичига олади. Бюджет ижроси тегишли бюджетлар ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг ҳар бири учун Ҳазначиликнинг ягона ҳисоб регистрида очиладиган шахсий ҳисобварақларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Шахсий ҳисобварақда уларни шахсий ҳисобварақ эгаси тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган бюджет маблағлари акс эттирилади. Шунингдек, бизнингча, бу тамоил қуйида берилаётган усқуртмаларсиз тўлақонли ижро этилмайди.

Ҳазначилик Ҳисоб регистри — ҳисоб-китоб жараёнида бухгалтерия ҳисобининг текширилган ва қайта ишланган

жамғарма ёзувлари учун мўлжалланган маълум шаклда юритилиши лозим бўлган ҳужжат ҳисобланади. Барча ҳисоб операциялари бюджет таснифи асосида амалга оширилади.

Бюджет таснифи. Бюджет таснифи бюджет жараёнини таъминлайдиган асосий механизмлардан бири бўлиб, ягона бюджет ҳисоби тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади ва ягона бюджет тизими доирасида даромадлар ва харажатлар, уларнинг режалаштирилишини ва ҳисобга олинишини таъминлаш мақсадида таснифланади. Бюджет таснифи белгиланган тартибда жойлаштирилган ва шифрланган бюджет даромадлари ва харажатларини бир хил белгилари бўйича гуруҳлашни намоён этади.

Гуруҳлаш хусусияти ва уларнинг тамойиллари бюджет даромадлари ва харажатларининг ижтимоий-иқтисодий маъмуни, халқ ҳўжалигининг таркиби ва бюджет тизими билан белгиланади. Даромадлар манбаларини регламентлаш ва бюджет харажатлари мақсадини белгилаш - бутун бюджет жараёни фаолият кўрсатиши ва самарадорлигининг зарур шарти ҳисобланади. Бунга, хусусан, тушумлар ва харажатларнинг қатор алоҳида турларини бирлаштириш имкониятини таъминловчи шароитда бюджет даромадларини гуруҳлаш орқали эришилади.

Бюджет таснифи асосида кўрсаткичларни, даромадларни шакллантириш ижтимоий-иқтисодий, идоравий ва ҳудудий доиралари ва маблағлар йўналиши, уларнинг таркиби ва тузилиши ҳақида тасаввур берувчи гуруҳлаш ётади. Гуруҳлашнинг аниқлиги — бюджет таснифига нисбатан кўйиладиган муҳим талаблардан биридир.

Бюджет таснифининг аҳамияти шундан иборатки, бюджет таснифи унсурлари бўйича гуруҳланган маълумотлардан оқилона фойдаланиш бюджет ресурслари ҳаракатининг ҳақиқий манзарасини кўриш ва иқтисодий ҳамда ижтимоий жараёнларнинг боришига фаол таъсир этиш имконини беради. Режа ва ҳисобот маълумотларини таққослаш, тегишли кўрсаткичларни солиштириш ва таҳлил қилиш бюджет жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тўғрисида асосланган хулосалар ва таклифлар бериш имкониятини яратади.

Даромадлар ва харажатларни деталлаштириш ва гуруҳлаш бюджетга киритиладиган маълумотларни текширишни, ҳудудий бюджетларнинг бир хил идоралари, муассасаларининг бир неча йиллик сметаларини таққослашни, турли даромадлар ва харажатлар тушумлари ва салмоғининг динамикасини ёки қандайдир эҳтиёжларни қондириш даражасини аниқлашни осонлаштиради. Тасниф сметалар ва бюджетларни умумий тўпламларга бирлаштириш учун шароит яратади ва уларни кўриб чиқиш ва иқтисодий таҳлил қилишни осонлаштиради, бюджет ижросини, маблағларнинг тўлиқ ва ўз вақтида жамғарилишини, улардан мақсадли фойдаланишни назорат қилишни соддалаштиради. У бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар бўйича даромадлар ва харажатларни таққослаш имконини беради, бу молиявий интизомга риоя қилиш, маблағларни тежамли сарфлаш, молиявий режаларнинг бажарилишини назорат қилиш имконини беради. Бюджет тизими барча бўғинларининг мустақиллиги шароитида тасниф ягона бюджетларнинг барча турларини тузиш ва ижро этишга нисбатан методологик ёндашув, тармоқ ва ҳудудий доираларда бюджет кўрсаткичларининг таққосланувчан бўлиши учун асос беради.

Ҳозирги кунда барча даражалардаги бюджетлар даромадлари ва харажатлари Ўзбекистон Республикасининг ягона бюджет таснифи доирасида кўриб чиқилади. Барча даражалардаги бюджетлар учун бюджет таснифининг ягоналиги 2001 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун билан регламентланади. Тасниф уни тузишнинг умумий тамойилларини сақлаш ва батафсиллигини камайтирмаслик нуқтаи назаридан ягона бўлиши керак. Бюджет таснифи Давлат бюджетини шакллантириш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини тизимга солиш учун қўлланилади. Амалдаги бюджет таснифи давлатнинг актив ва пассивлари, давлат активлари қолдиқлари ва мажбуриятлари ҳамда улар билан боғлиқ бўлган жараёнлар тўғрисида аниқ маълумотлар тўплашни таъминлай олмайди. Бюджет бухгалтерияси жараёнлари билан узвий боғланмаган бўлиб, асосан бюджет ижроси касса операцияларини акс эттиришга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида бюджет таснифини ижроия ҳокимияти ва бюджетдан маблағ

олувчилар томонидан бюджетни тузишда ва бюджет маблағларини сарфлашда унинг шаффофлигини ва бюджет маълумотларининг халқаро андозаларнинг шунга ўхшаш маълумотлари билан таққосланишини таъминлаши, уни халқаро андозаларга мос равишда қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Халқаро андозаларга, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси томонидан 2001 йил чиқарилган **Давлат Молияси Стандарти Қўлланмаси 2001** (ДМСҚ-2001)га мослаб тузилган бюджет таснифи, ҳисоблаш услубига асосланган бюджет ҳисобини юритиш ва унинг ягона режасини ишлаб чиқиш учун муҳим омил бўлиб, қуйидаги таснифларни ўз ичига олади:

- маблағлар манбалари ва бюджет даражаларини таснифлаш (масалан, республика, маҳаллий бюджетлар ва бошқалар);
- функционал, ташкилий, ҳудудий ҳамда дастурларни таснифлаш;
- харажатларни иқтисодий таснифлаш ва даромадларни таснифлаш.

Маблағлар манбаларини таснифлаш унга даромадлар келиб тушадиган ва ундан касса харажатлари амалга ошириладиган молиявий жамғармани белгилайди. Маблағлар манбалари ва бюджет даражаларини таснифлаш улар бўйича давлат маблағлари учун рухсат этиладиган маблағларни белгилайди (масалан, республика бюджети, маҳаллий бюджет, Молия вазирлиги қошидаги мақсадли жамғармалар, бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва бошқалар).

Маблағлар манбаларининг таснифи ЯФҲга асосий тоифани ўзида намоён этади, унда маблағларнинг ҳар бир манбаси — бу бухгалтерлик ҳисоби субъекти. Маблағлар манбаларини таснифлаш кодлари операциялар ва қолдиқларни аниқлаш, бўлиш ва бирлаштириш учун фойдаланилади.

Маблағлар манбалари молиявий жамғармаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда гуруҳланади. Ушбу таснифлаш кодлари ундан шахсий газна ҳисобварағининг рақами тузиладиган кодлар тизимига киритилади. Давлат бюджетининг даражаларини, давлат мақсадли жамғармаларини ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларини таснифлаш, сарфлаш учун рухсат берилладиган маблағларни аниқлайди. Масалан, Давлат бюджети, мақсадли жам-

ғармаларсиз республика бюджети ва маҳаллий бюджетлардан таркиб топган. Маҳаллий бюджетлар ўз навбатида вилоятлар, туманлар ва шаҳар бюджетларидан таркиб топган. Давлат мақсадли жамғармалари ҳам турли даражаларга бўлинади. Бюджетнинг ҳар бир даражаси – бухгалтерлик ҳисобининг субъекти ҳисобланади. Операциялар ва қолдиқларни аниқлаш, бўлиш ва бирлаштириш учун бюджет даражаларини таснифлаш кодларидан фойдаланилади.

Ҳудудий тасниф бюджетни режалаштириш, ҳисоб ва ҳисобот учун қўшимча тасниф ҳисобланиб, бюджетдан маблағ олувчиларнинг ва транзакция содир бўладиган муайян жуғрофий жойлашувини аниқлаб беради. Ушбу тасниф учун кодлар тизими Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг умумдавлат статистик классификатори СОАТО (Маъмурий-ҳудудий бўлиниш объектлари белгиларининг тизими)дан фойдаланган ҳолда тузилади. Мазкур классификатордан, шунингдек, зарур статистик, молиявий маълумотларни ва Ҳазначилик маълумотларини таҳлилий ишлар учун таққослаш, хусусан давлат харажатларини дастурий бюджетли режалаштиришга ўтишда ҳудудий доирада у ёки бу дастурлар натижаларини таҳлил қилиш учун фойдаланилади.

Ҳудудий таснифдан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

– тегишли бюджетлар ўртасида умумдавлат солиқларини ҳар йили қонунчилик тартибида белгиланадиган меъёрлар бўйича тақсимлаш;

– ҳудудлар ва бюджетлар бўйича тушумларни таҳлил қилиш;

– бюджетдан трансфертларни таҳлил қилиш.

Ушбу таснифлаш кодлари ундан шахсий ғазна ҳисобварағининг рақами тузиладиган кодлар тизимига киритилади. Таснифлаш кодларининг конструкцияси – ХХ, ҲҲҲ бешта рақамдан иборат бўлиб, эҳтимолий маъмурий-ҳудудий ўзгаришлар учун захира қилинган кодларни бериш имкониятини назарда тутди:

ХХ – вилоят.

ҲҲҲ – туманлар ва шаҳарлар.

Масалан:

(12-202): 12- Навоий вилояти; 202-Учкудук тумани.

Функционал ва ташкилий тасниф барча даражадаги бюджетлар маблағларининг якуний олувчиларини тизимга солади. Бюджет харажатларини ҳокимиятлар, давлат органи, ташкилот ва муассасалар буйича тақсимлашда фойдаланилади, яъни тармоқлар буйича таснифланади.

Масалан:

701-0-0-Умумжамоат давлат хизмат органилари;

701-1-0-Ижрочи ва қонун чиқарувчи органилар ҳамда молиябюджет ва халқаро муносабатлар;

701-1-1-Ижрочи ва қонун чиқарувчи органилар;

701-1-1-111120-00-бюджетдан маблағ олувчи;

701-1-1-111120-11-бюджетдан маблағ олувчига қарашли марказ.

Ташкилотларни идентификациялаш, тегишли ахборотни йиғиш ва ташкилий кодларни бериш бошланган йил мобайнида тугамайдиган жараёндир.

Бюджетни дастурли таснифи буйича юритиш Ўзбекистон Республикаси учун бюджет юритишнинг янги йўналиши ҳисобланади. Дастурлар таснифи маълум дастурларга бюджет ажратмаларини кўрсатади. Бунда мамлакатимизда бир неча ташкилот бир дастур учун жавобгар бўлиши мумкинлиги ёки бир ташкилот бир неча дастурнинг бажарилиши учун жавобгарликни ўз зиммасига олиши мумкинлиги ҳисобга олинади. Масалан, ҳамма коллежлар ҳам Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига бўйсунмайди. Уларнинг айримлари бошқа идораларнинг тасарруфига киради (масалан, тиббиёт коллежлари Соғлиқни сақлаш вазирлигига бўйсунди). Олдиндан дастурий тасниф кодлари гуруҳлар буйича ўрнатилади.

Айниқса, бюджет ижросининг аниқлиги муҳим масала ҳисобланади. Бюджет ҳамма вақт тўлиқ бюджет таснифи чегарасида анча пухта режалаштирилиб келинган. Бироқ молиялаш учун фармойишлар тузишда, яъни маблағларни сарфлаш босқичида, яқин вақтгача бюджет таснифи кўрсатилмади, маблағлар бюджет маблағлари тақсимловчиларга умумий суммада ажратилди, тақсимловчи эса уларни ўз хоҳишига кўра тасарруф этди. Бюджет ижроси устидан назорат ўрнатиш учун молиялаш учун фармойишни тайёрлаш ва қабул қилиш босқичида бюджет таснифига қатъий амал қилиш лозим.

Дастурлар таснифи маълум дастурлар учун бюджет маблағларининг ажратилишини кўрсатмоқда.

Дастурий тасниф кодлари гуруҳлар бўйича ўрнатилади.

Дастлабки гуруҳлар – бу:

- дастурлар таснифи;
- бир неча вазирликларга хос бўлган ўхшаш фаолият;
- инвестициялар;
- устувор давлат дастурлари;
- оддий ва мунтазам дастурлар (маълум ташкилотлар учун дастурлар);

- грантлар ва қарз маблағлари ҳисобидан молияланувчи ривожланиш дастурлари.

Мазкур гуруҳларда дастурлар бир неча ташкилот учун умумий бўлиши мумкин.

Давлат Молияси Стандарти қўлланмаси-2001 (ДМСҚ-2001) андозасига мослашувчи даромадлар таснифи кодлари қуйидаги тарзда аниқланади ва етгита рақамни ташкил қилади ва (RR.RRR.RR) гуруҳга бўлинади. RR – гуруҳ, RRR.RR – турлар:

Жорий даромадлар:

11. Солиқлар.
12. Махсус ажратмалар.
13. Грантлар.
14. Бошқа даромадлар; капитал даромадлар:
15. Активларни сотиш.
19. Бошқа молиявий операциялар.

ДМСҚ-2001 га мослашувчи харажатларни иқтисодий таснифлаш кодлари қуйидаги тарзда аниқланади:

биринчи даража:

асосий гуруҳ (EE.EE.EE);

жорий харажатлар:

20. Жипслаштирилган харажатлар.
21. Ходимлар меҳнат ҳақини тўлаш.
22. Товарлар, ишлар ва хизматлар.
23. Бошқа жорий харажатлар.
24. Фоизли тўловлар.
25. Субсидиялар.
26. Жорий трансфертлар.

капитал харажатлар:

27. Асосий воситалар.

28. Қарзга хизмат кўрсатиш.

29. Бошқа молиявий фаолият.

иккинчи даража: бюджет назоратининг коди (ЕЕ.ЕЕ.ЕЕ);

учинчи даража: Фазначилик назоратининг коди (ЕЕ.ЕЕ.ЕЕ).

Биринчи ва иккинчи даража кодларининг комбинацияси бюджет таснифининг бир қисми ҳисобланади. Учунчи даража коди бухгалтерлик ҳисоби ва таҳлилда фойдаланиш учун анча батафсил ахборотни ўзида намоён этади.

Иқтисодий тасниф харажатларининг моддаларини гуруҳлаш.

Харажатлар гуруҳлари (G.G):

1.0. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар.

2.0. Иш берувчиларнинг ажратмалари.

3.0. Бошқа харажатлар.

шу жумладан:

3.1. Устувор харажатлар.

3.2. Устувор бўлмаган харажатлар.

Халқаро андозаларга мос равишда Давлат бюджетининг ижросини амалга ошириш ва бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилаётган барча жараёнларни ўз вақтида ва аниқ ҳисобини юритиш, бюджет ҳисоби ҳисобварақлари режаси ҳам давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар тасниф тизими билан мослаштирилишини тақозо этади.

Бюджетнинг ғазна ижроси бухгалтерлик ҳисоби ҳисобварақларининг ягона режаси. Бюджетнинг ғазна ижроси бухгалтерлик ҳисоби ҳисобварақларининг ягона режаси ҳисоблаб ёзиш усули билан бухгалтерлик ҳисобини юритишнинг халқаро тамойилларига асосланган. У ДМСҚ-2001 га мувофиқлаштирилган бюджет тасниф асосида ишлаб чиқилиб, касса усули бўйича бухгалтерлик ҳисобини юритиш имконини беради ва ҳисоблаб ёзиш усули бўйича ҳисоб ва ҳисоботларга аста-секин ўтишга кўмаклашади. Бюджет ғазна ижроси бухгалтерлик ҳисоби ҳисобварақларининг ягона режаси ДМСҚ-2001 га мувофиқ ҳисобварақлар турларининг кодлари ёрдамида алоҳида ҳисобварақларни бешта тоифага ажратади:

- **даромадлар ҳисобварақлари** барча киримлар ва тушумлар бўйича операциялар доирасида батафсил ахборотни ўзида мужассам этади (даромадлар таснифи);

- **харажатлар ҳисобварақлари** барча харажатлар ва ўтказмалар бўйича операциялар доирасида батафсил ахборотни ўзида мужассам этади (харажатларнинг иқтисодий таснифи);

- **активлар ҳисобварақлари** пул маблағлари, инвестициялар ва дебиторлик қарзлари ҳисобварақлари бўйича батафсил ахборотни ўз ичига олади:

- номолиявий активлар ҳисобварақлари қолдиқлар, бинолар, жиҳозлар, йўллар ва бошқа инфратузилма объектилари сингари номолиявий активлар ёзувларини юритади;

- молиявий активлар ҳисобварақлари қолдиқлар, молиявий активлар, шу жумладан, пул маблағлари харидлари ва сотувлари, қимматли қоғозларга қўйилмалар ва бошқа субъектлар ёки секторларга қарзлар ёзувларини юритади;

- **мажбуриятлар ҳисобварақлари** қарзлар ва тўланиши лозим бўлган суммалар бўйича батафсил ахборотни ўзида мужассам этади;

- **сармоя ҳисобварақлари** акцияларни баҳолашдаги ўзгаришлар туфайли ёки активлар ёхуд мажбуриятларни шакллантириш ёки йўқ қилиш туфайли активлар ёхуд мажбуриятлар ҳисобварақлари қийматининг ўзгаришлари бўйича ёзув юритади.

Харажатларни тўлаш учун рухсатнома (ХТР) – бюджетни ижро этувчи орган томонидан тан олинган маълум вақт мобайнида тегишли бюджет маблағларини сарфлаш мажбурияти. Харажатлар сметаларига мувофиқ белгиланадиган ва бюджетни ижро этувчи орган томонидан бюджет маблағлари олувчи ва тақсимловчи учун бир ҳафта муддатга тасдиқланадиган **Харажатларни тўлаш учун рухсатнома** муддати 3 ойдан ошмайди. Харажатларни тўлаш учун рухсатнома амалга оширилиши мумкин бўлган тўловлар суммасини чегаралайди. Фазначилик ХТРларни пул маблағларининг умумий мавжудлиги ва сметаларни ҳисобга олган ҳолда чиқаради. Улар тоифа (бюджет таснифи)га мувофиқ чиқарилади ва уларнинг амал қилиш муддати маълум даврлардан сўнг ниҳоясига этади. **Харажатларни тўлаш учун рухсатнома** тўловни бюджетнинг

реал даромади билан солиштириб ўлчаган ҳолда тўловни назорат қилишни қатъийлаштиради, мажбурий талаб — бу бюджетдан маблағ ажратиш ой ва чорақдан ошмаслиги керак.

Шунинг билан бир қаторда, бизнингча, қуйидагиларни ҳам қўшимча тамойил сифатида қулланилса Давлат бюджетининг ғазна ижроси янада мукамаллашади.

1. Давлат маблағларининг барча даромадлари ва харажатларини тўлиқ қамраб олиш тамойили.

Давлат бюджети маблағлари ғазна ижросининг биринчи даражали аҳамияти барча манбалардан олинадиган барча давлат маблағларининг тезкорлигини ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида уларни ягона қўлда бирлаштиришдан иборат. Шунинг учун ушбу тамойил мажбурий тартибда, биринчидан, давлат бюджети даромадлари ва барча тушумлар, шу жумладан, бюджетдан ташқари махсус фондлар маблағлари, иккинчидан, давлат бошқаруви харажатлари, бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар маблағлари, узоқ муддатли махсус давлат дастурларини амалга ошириш учун ажратилган маблағлар, шу жумладан, келиб тушувчи ўтказмалар ва давлат томонидан четдан жалб қилинган маблағларнинг ғазна ҳисобварағига киритилишини назарда тутати.

2. Жавобгарликка аниқликлар киритиш ва уни чегаралаш тамойили.

Ушбу тамойил, қуйида келтирилганидек, давлат маблағларини сарфлашнинг барча даражаларида шахсий жавобгарликка аниқликлар киритилишини назарда тутати:

- Ҳазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг керакли тарзда расмийлаштирилган тўлов ҳужжатлари тақдим этилган ҳолда бюджет маблағлари ва давлат мақсадли фондлари тушумлари ҳамда уларни кассавий сарфлаш графигига биноан бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни сарфлаш режаларига мувофиқ Ягона ғазна ҳисобварағидан касса харажатларини бажариш учун масъул бўлган ходимларини муайянлаштириш;

- молия органларининг бюджет ташкилотларининг харажатлар сметалари ва штат жадвалларини тўғри расмийлаштириш ва рўйхатга олиш учун масъул бўлган ходимларини муайянлаштириш;

- бюджет маблағларини олувчи бюджет ташкилотлари раҳбарлари ва бош бухгалтерларининг ишлаб чиқилган ва молия органларига рўйхатга олиш учун киритиладиган харажатлар сметалари ва штат жадвалларининг тўғрилиги ва асослилиги учун жавобгарлигини муайянлаштириш. Амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан тежамли, самарали ва манзилли фойдаланишни ташкил этиш. Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш ва тугатиш. Бухгалтерияни аудитдан ўз вақтида ўтказиш ва белгиланган қондаларга тўлиқ мос ҳолда ҳисоботларни тақдим этиш.

3. Тиниқлилиқ тамойили.

Бюджет ижросининг банк тизимига қараганда Ҳазначилиқ тизими маблағлар ҳаракатини уларнинг Ягона ғазна ҳисоб-варағига келиб тушишидан тортиб то уни якуний олувчига тўлагунга қадар кузатиши мумкин. Бу Давлат бюджети ижросининг ошкоралиқ тамойилини амалга ошириш имконини беради. Бундан ташқари, ушбу тамойил ҳисоб юритиш ва ҳисоботларнинг ягона стандартлари ҳамда давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондларнинг даромадлари ва харажатлари, солиқ ва боғхона органлари ҳамда бюджет ва давлат маблағлари билан боғлиқ бўлган жараёнлар учун ягона бюджет таснифининг қўлланилишини назарда тутати.

Бюджет ижросининг ғазна тизими муайян даврга Давлат молияси режасини амалга ошириш воситаси ҳисобланганлиги боис режаларни амалга ошириш вақтига мувофиқ муддатлар бўйича Давлат бюджети ғазна ижросининг муддатлилиқ тамойили белгиланади. Йиллик молиявий режа вақтга кўра одатда тақвим йилига мос келади, яъни режа йилининг биринчи январидан бошланади ва кейинги йилнинг биринчи январигача давом этади. Шу билан бирга, режа йилидан кейинги йилнинг бутун январ ойини қамраб олиши мумкин бўлган қўшимча даврдан фойдаланишга ҳам руҳсат этилади. Шундай қилиб, Ҳазначилиқ йиллик бюджет режасининг харажат қисмини 57 ҳафта мобайнида ижро этиши мумкин. Шунингдек, ушбу тамойил бюджетнинг чорақлар, ойлар бўйича ижро этилишини ҳам назарда тутати, ихчамлик ва тезкорликнинг оширилишини ҳисобга олган ҳолда эса у

алоҳида моддалар бўйича ҳатто ўн кунликларга ҳам бўлиниши мумкин.

2.3. Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини жорий этиш босқичлари

Ягона ғазна ҳисобварағининг автоматлаштирилган ва интеграциялашган концепциясига асосланган мукамал Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини жорий этиш, барча жойларда Марказий банк муассасалари, Ғазначилик органлари ва солиқ органлари электрон тўловларга ўтган тақдирда амалга оширилиши мумкин. Жорий этиш жараёни икки босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич. Ўтиш босқичида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

1. Бюджет маблағлари олувчилар билан товарлар (ишлар ва хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатга олиш ва улар харажатларининг тўланишини назорат қилиш;

2. Республика ва ҳудудий ғазна ҳисобварақларини очиш;

3. Барча бюджет муассасалари ва ташкилотларини Ғазначилик органларида очилган шахсий ҳисобварақларга ўтказиш;

4. Бюджетнинг касса ижроси функциясини банклардан Ғазначилик органларига ўтказиш (Бюджет харажатлари ва даромадларини ҳисобини олиб бориш ва уларни бошқариш).

Иккинчи босқич. Бу босқичда қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

1. Давлат бюджетининг тўлиқ ғазна ижросига ўтиш. Яъни Марказий банкда ЯҒҲни барпо этиш ва Давлат бюджети харажатларини амалга ошириш ва даромадларининг ҳисобини юритиш операцияларининг марказлашувини амалга ошириш; бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларини ва давлат мақсадли жамғармаларини тўлиқ ғазна хизмати кўрсатилишига ўтказиш.

2. Давлат бюджетининг тўлиқ ғазна ижроси жараёнини марказлашган автоматлаштириш ва дастурий таъминлаш.

3. Халқаро андозаларга мувофиқ бюджет таснифи ва давлат сектори ҳисобини юритиш учун ишлаб чиқилган бюджет

ҳисоби ҳисобварақларининг ягона режасига ўтиш. Энди ушбу тадбирларнинг мазмунини батафсил кўриб чиқамиз.

Товарлар ва хизматлар етказиб берувчиларининг шартномаларини рўйхатга олиш тартиби ва бюджет ташкилотлари харажатларининг тўловларини назорат қилиш. «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси «Ҳазначиликнинг асосий вазифалари» асосий вазифалардан бири сифатида бюджет ташкилотларининг товарлар етказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун тузадиган шартномаларини, шунингдек, буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузадиган шартномаларини рўйхатга олишни белгилайди. Ҳуқуқий мажбуриятлар шартномалар ва келишувлар, қонунчилик қарорлари (масалан, имтиёзлар), суд қарорлари (жарималар) ёки бир томонлама қарорлар (масалан, грантлар)га мувофиқ намоён бўлади.

Мажбурият — бу фуқаролик ҳуқуқий муносабат бўлиб, маълум бир шахс (қарздор) бошқа бир шахс (кредитор) манфаати ҳисобига маълум бир ҳаракатларни амалга ошириши, яъни: мол-мулкни бериш, иш бажариш, хизмат курсатиш, пул тўловларини амалга ошириш ёки маълум ҳаракатлардан воз кечиш ва бошқалардир. Шартномаларга асосан вужудга келадиган мажбуриятлар фуқаролик кодекси талабларидан келиб чиқади. Бюджет ижро тизимида мажбуриятларни қабул қилиш — бу бюджет ташкилоти томонидан смета харажатларида кўзда тутилган маблағлар доирасида келажакда молиявий харажатларни амалга ошириш ҳаракатидир.

Мажбуриятларни ҳисобга олишда уч асосий фактор муҳим ҳисобланади, яъни мажбуриятларни қабул қилиш асослари, мажбурият қабул қилиш ҳуқуқига эга жавобгар шахслар ва мажбуриятнинг икки хил тури: ҳуқуқий ва молиявий.

Мажбуриятларни қабул қилиш асослари қуйидагилардан иборат:

— контракт ва шартномаларни имзолаш асосида (тендер бўйича харидлар, товар ва хизматлар сотиб олиш, қарздорлик бўйича шартномалар, патентлар и лицензиялар, суғурта ва бошқалар);

— қонуний асос мавжудлиги (стипендия, нафақа пуллари ва бошқалар);

– давлат ваколатли органлари қарорлари (жарималар и суд қарорларига асосан пенялар);

– бир томонлама қарорлар (дотациялар, грантлар, мукофотлар).

Мажбуриятларни қабул қилиш ҳуқуқига эга жабовгар шахслар:

– мажбуриятларни қабул қилиш бюджет маблағларини олувчи вазифасига киради;

– бюджет маблағлари олувчи бюджет ташкилоти раҳбари ёки бу вазифа юклатилган шахслар ҳисобланади.

Ҳуқуқий мажбуриятлар (шартномалар, контрактлар ва ҳ. к.) Фазначилик органлари молия органлари билан биргаликда харажатларни режалаштиришни вақт бўйича оптимал тарзда ўтказиши, ҳисобварақларда улар бўйича мунтазам қолдиқлар қоладиган моддалар бўйича молиялаш суммасини қисқартириши мумкин ва ноқонуний мажбуриятлар қабул қилинишининг олдини олади. Ҳуқуқий мажбуриятлар органлар томонидан рўйхатдан ўтгандагина ҳуқуқий асосга эга бўлади.

Ҳуқуқий мажбуриятларни рўйхатга олишда Фазначилик органлари ҳуқуқий мажбуриятларни рўйхатга олиш учун тасдиқловчи ҳужжатларни текширади ва айнан ушбу босқичда субъектлар ҳуқуқий жиҳатдан ҳақиқий бўлишади. Фазначилик ҳуқуқий мажбуриятларнинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги ахборотни бюджет ташкилотларига уларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича етказилади. Ҳуқуқий мажбуриятлар билан бюджетдан маблағ олувчи томонидан тасдиқланган ойларга бўлинган бюджет таснифига мувофиқ тўловлар жадвали қабул қилинади.

Тўловларни амалга оширишнинг кетма-кетлиги тахминан қуйидаги тарзда намоён бўлади:

- фоизларни тўлаш;
- қарзни қайтариш;
- товарлар ва хизматлардан фойдаланиш бўйича (хусусан, коммунал хизматлар, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси, бошқа тармоқлар ва тиббий етказиб беришлар) тўловлар.

Тўловлар жадвалига мувофиқ бюджет таснифининг алоҳида моддалари устувор тўловлар моддалари сифатида белгиланади.

Бюджет ташкилотлари тўловларнинг навбатма-навбатлиги бузилмаслигини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Мажбуриятлар бўйича меъёрий ҳужжатлар ҳуқуқий мажбуриятлар қайси асосда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкинлигини белгилаб беради. Бюджет ташкилотлари Фазначиликка ҳуқуқий мажбуриятларни ўзгартириш (бекор қилиш) тўғрисида ариза бериб, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳуқуқий мажбуриятларни ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин.

Ҳуқуқий мажбуриятлар (шартномалар, контрактлар ва ҳ.к.)ни рўйхатга олиш:

- харидлар қийматини пасайтириш (албатта, танлов бўйича нарх чакана савдодаги нархдан паст);
- муассасалар раҳбарлари томонидан суниестемоллик ҳолатлари содир этилиши эҳтимолларини пасайтириш;
- товарлар, ишлар ёки хизматларни харид қилишни қатъий сметага мувофиқ назорат қилиш;
- тузиладиган шартномаларни уларнинг қонун ҳужжатларига мос келиши нуқтан назаридан текшириш;
- кредиторлик ва дебиторлик қарзларининг ўсиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида тузилган шартномалар бўйича тўловлар муддатини назорат қилиш имконини беради.

Ўз навбатида, бюджет муассасаларининг барча шартномаларини мажбурий рўйхатга олишни жорий этиш (шартномаларнинг ягона реестрини барпо этиш) лозим. Реестр шартнома рақами ва уни тузиш санасини, ушбу шартнома доирасида маблағлар сарфланадиган иқтисодий моддани, шартнома предметини (товар, иш ёки хизмат), шартнома бўйича контрагентни ва шартнома бўйича тўлов муддатини ўз ичига олиши шарт.

Рўйхатга олишнинг бундай реестри мавжуд ҳолларда иқтисодий тасниф моддалари доирасида касса режаларининг прогнозини тузиш, тўлов топшириқларининг ҳақиқийлигини текшириш ва тўлов топшириқларининг реквизитлари шартномаларга мос келишини автоматик тарзда таққослаш мумкин, бу хатолар сонини камайтириш имконини беради. Бундан ташқари, шартномаларни рўйхатга олиш тўлов вақтини назорат қилиш ва шартномалар бўйича асоссиз

тўловларнинг олдини олиш имконини беради (албатта, шартнома бўйича тўлов фақат ишларнинг бажарилганлигини, товарларнинг етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилиши керак).

Молиявий мажбуриятларни (тўлов ҳужжатлари) ҳисобга олишнинг асосий мақсади қабул қилинган ҳуқуқий мажбуриятлар, тасдиқланган бюджет режаси меъёрида харажатларни амалга оширишни таъминлашдан иборат.

Республика ва ҳудудий ғазна ҳисобварақларини очиб ҳамда бюджетларнинг ғазна ижроси ҳисобини юритиш. Ўзбекистон Республикасининг банкларида депозит ҳисобварақларини очиб учун молия органларининг талаб қилиб олинадиган ҳисобварақлари тегишли ғазна ҳисобварақлари деб қайта номланади. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг тўлов топшириқлари асосида уларнинг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварақларидаги қолдиқлар хизмат кўрсатувчи банклар томонидан Ғазначилик ҳисобварақларига ўтказилади.

Ғазна ҳисобварағи (кейинги ўринларда – ҒҲ) – бу банкда очиладиган ва бюджет даромадларини ўтказиш ва харажатларини амалга ошириш учун фойдаланиладиган махсус банк умумий ҳисобварағи. ҒҲ тегишли бюджетларнинг ягона банк ҳисобварағи бўлиб, бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджет маблағлари бўйича харажатларини тўлашга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган.

Фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари (маҳалла қўмиталари) томонидан тайинланган нафақаларни тўлаш учун маблағларни ўтказиш, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш, бюджетдан капитал қўйилмаларни тўлаш, шунингдек, бюджет маблағлари олувчиларнинг сметалари бўйича харажатларни тўлаш белгиланган меъерий ҳужжатларга мувофиқ ғазначилик ҳисобварақлари орқали амалга оширилади. ҒҲ дан харажатларни тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ харажатларнинг 4 та гуруҳи бўйича амалга оширилади.

Бюджетнинг ғазна ижроси ўтган бюджет маблағлари олувчиларнинг кредит қарзларини тўлаш ҒҲ дан харажатлар смета-

сига (ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда) мувофиқ ва харажатларни тўлаш рухсатномаси, шунингдек, қарздорликни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Бюджетларнинг ғазна ижроси бўйича бухгалтерия ҳисоби янги ишлаб чиқилган бюджет ижросининг ҳисобини юритиш ҳисобварақларининг ягона режаси бўйича юритилади.

Бюджет маблағларини тақсимловчилар (олувчилар)нинг шахсий ҳисобварақларини очиш ва ёпиш. Тегишли бюджет ғазна ижросининг ҳисоби юритилиши муносабати билан бюджет маблағлари олувчиларнинг банкларда очилган талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварақлари ёпилиши лозим.

Бюджет маблағлари тақсимловчилар (олувчилар)га маблағлар ажратилиши ва уларнинг харажатлари бўйича операциялар ҳисобини юритиш мақсадида Ғазначилик органларида Давлат бюджетининг бюджет таснифи (бунда ваколатли орган томонидан ҳар хил ҳолатлардан келиб чиқиб бюджет таснифи асосида ўзгартиришлар қилиниши мумкин) бўйича шахсий ҳисобварақларнинг қуйидаги турлари очилади ва юритилади:

а) бюджет маблағлари тақсимловчи учун: юридик шахс мақомига эга бўлмаган қуйи ташкилотлар учун кўзда тутилган тасдиқланган режали бюджет маблағлари ажратилишининг ҳисобини юритишга мўлжалланган шахсий ҳисобварақ;

б) бюджет маблағлари олувчининг ғазначилик органидаги шахсий ҳисобварағи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- бюджет маблағлари олувчини сақлаб туриш ва марказлаштирилган тадбирлар учун харажатлар сметасида кўзда тутилган тасдиқланган режали бюджет маблағлари;

- рўйхатга олинган шартномалар;

- харажатларни тўлаш учун рухсатномалар;

- касса харажатлари.

Бундан ташқари, ҳар бир молиялаш талаб қилинадиган ҳолатлар учун ҳам ҳисобварақлар очилиши мумкин (капитал қуйилмалар, бир марталик субсидиялар, дотация ва бошқалар).

Ҳар бир бюджет маблағлари тақсимловчи (олувчи)га қисман халқаро андозаларга мос равишда ишлаб чиқилган бюджет таснифи асосида тегишли 22 сондан (андозаларга асосан бу сон энг оптимал сон ҳисобланади) иборат уникал рақам берилади. Бюджет маблағлари тақсимловчи (олувчи)нинг шахсий

ҳисобварағи бюджет маблағлари тақсимловчилар (олувчилар)нинг очилган шхсий ҳисобварақлари рўйхатга олинади.

Бюджет маблағлари тақсимловчи (олувчи)нинг шахсий ҳисобварағи уникал рақами йнгирма икки разряддан иборат:

Разрядлар рақамлари

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----

11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22
----	----	----	----	----	----	----	----	----	----	----	----

бу ерда: 1-6-разрядлар – бюджетлар маблағлари ва даражалари манбаларининг коди;

7-11-разрядлар—ҳудудий мансублик коди;

12-19-разрядлар—бюджет маблағлари тақсимловчи (олувчи) бўйича бюджет таснифи тегишли кўрсаткичларининг кодлари;

12-14-разрядлар—бюджет маблағлари тақсимловчи (олувчи) тегишли бўлимининг коди;

15-17-разрядлар—бюджет маблағлари тақсимловчи (олувчи) тегишли бобининг коди;

18 ва 19-разрядлар—бюджет маблағлари тақсимловчи (олувчи) тегишли параграфининг коди;

20-22-разрядлар—бюджет маблағлари тақсимловчи (олувчи) шахсий рақамининг коди. Учта разряддан таркиб топган бюджет маблағлари тақсимловчи (олувчи)нинг шахсий рақамлари бюджет маблағлари тақсимловчи (олувчи)нинг қайси тармоққа мансублиги ва бюджет таснифининг кўрсаткичларига мувофиқ тармоқ ичидаги бўлинишдан келиб чиқиб белгиланади. Шахсий рақамлар бюджет маблағлари тақсимловчиларига (олувчиларига) электрон тарзда берилади ва бюджет маблағлари тақсимловчилар (олувчилар)нинг шахсий ҳисобварақларини рўйхатга олиш китобига ҳар бир тегишли бюджет бўйича алоҳида киритилади. Бу разрядлар ошиши ва камайиши мумкин.

Бюджет маблағлари тақсимловчилар (олувчилар)нинг шахсий ҳисобварақларини очиш қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

а) бюджет маблағлари тақсимловчилар (олувчилар)нинг шахсий ҳисобварақларни очиш учун Фазначиликнинг мансабдор шахси ёки унинг ўрнини босувчи шахсининг рухсат эгувчи ёзуви бўлган ариза.

Бунда бюджет маблағлари тақсимловчиси ҳисобланган бюджет маблағлари олувчи шахсий ҳисобварақларни олиш

учун хизмат кўрсатиладиган қуйи бюджет маблағлари олувчиларнинг рўйхатини илова қилган ҳолда бир нусхадаги аризани тақдим этади;

б) белгиланган тартибда рўйхатга олинган молиявий орган томонидан тасдиқланган харажатлар сметасининг ёки бюджет маблағлари тақсимловчиси томонидан тасдиқланган дастлабки сметанинг нусхаси ва унга илова қилинган зарур ҳужжатлар;

в) юқори ташкилот ёки нотариус томонидан тасдиқланган имзолар намуналари ва муҳр изи бир нусхада.

Шахсий ҳисобварақлар бюджет маблағлари тақсимловчилар (олувчилар) томонидан тақдим этилган шахсий ҳисобварақларни ёпиш учун аризаси бўйича ёпилади.

Фазначилик органлари молия органларида тасдиқланган сметалар ёки бюджет маблағлари тақсимловчилар томонидан тасдиқланган дастлабки сметаларни, рўйхатга олинган шартномалар суммаларини, бюджет маблағлари олувчига берилган харажатларни тўлаш учун рухсатномаларни киритиш йўли билан бюджет маблағлари тақсимловчилар (олувчилар) шахсий ҳисобварақларининг тегишли устунларида операциялар ҳисобини юритади. Касса харажатлари тўғрисидаги ахборот бюджет маблағлари тақсимловчилар (олувчилар)нинг шахсий ҳисобварақларида шаклланади.

Бюджет маблағлари олувчини сақлаб туриш ва марказлаштирилган тадбирлар учун харажатлар сметасида кўзда тутилган тасдиқланган режали бюджет маблағлари ажратилишининг тасдиқланган миқдорлари, шунингдек, қуйи бюджет маблағлари олувчиларга тақсимланиши кўзда тутилган режали бюджетдан маблағ ажратишлар тўғрисидаги ахборот бюджет маблағлари тақсимловчилар (олувчилар) харажатларининг тасдиқланган сметалари асосида, уларга киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда акс этирилади.

Бюджет маблағлари тақсимловчилар (олувчилар) харажатларининг сметасига ўзгартиришлар киритишда киритилган аниқликлар белгиланган тартибда бюджет маблағлари тақсимловчилар (олувчилар) шахсий ҳисобварақларида акс этирилади.

Бюджет маблағлари олувчига берилган харажатларни тўлашга рухсатномалар (ХТР лар) суммалари тўғрисидаги

ахборот берилган ХТР лар ҳисобини юритишдан олинадиган маълумотлар асосида акс эттирилади. ХТР лар тасдиқланган режали бюджетдан маблағ ажратиш суммалари доирасида берилади.

Товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш учун рўйхатга олинган шартномалар суммалари тўғрисидаги ахборот бюджет маблағлари тақсимловчи (олувчи) шахсий ҳисобварағининг бюджет маблағлари тақсимловчилар (олувчилар) билан товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасида тузилган шартномаларни рўйхат маълумотлари асосида акс эттирилади.

Бюджет маблағлари тақсимловчилар (олувчилар)га берилган ХТРлар доирасида амалга оширилган касса харажатлари тўғрисидаги ахборот банк муассасасида очилган ғазна ҳисобварағидаги маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги банк кўчирмаларидан олинган маълумотлар асосида акс эттирилади.

Молия органлари тегишли бюджетларнинг даромадлар ва харажатлар ёйилмасини, бюджет маблағлари тақсимловчилар (олувчилар) харажатларининг сметаларини, шунингдек, молия йили мобайнида ёйилмага ва харажатлар сметаларига киритиладиган ўзгаришларни тақдим этадилар.

Тегишли бюджетларнинг даромадлар ва харажатлар ёйилмага, шунингдек, бюджет маблағлари тақсимловчилар (олувчилар) харажатларининг сметаларига киритиладиган ўзгартиришлар Ғазначилик органларига улар тегишлича ҳужжатли расмийлаштирилганидан сўнг бир иш кунини ичида етказилади. Ўзгаришлар Давлат бюджети харажатларининг бюджет таснифига мувофиқ моддалар бўйича бўлинган ҳолда етказилади.

Бюджетнинг касса ижроси функциясини банклардан Ғазначилик органларига ўтказиш. Бюджетнинг касса ижроси иккита кичик функцияни ўз ичига олади, яъни даромадларни йиғиш ва тақсимлаш механизми, уларнинг ҳисобини юритиш ҳамда бюджетдан маблағ олувчилар харажатларининг ҳисобини юритиш ва уларни ғазна ҳисобварағидан тўлаш.

Солиқ тўловчилар бюджетга солиқлар ва тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ ҳажмда ўтказишлари шарт. Ҳозирги вақтда солиқ тушумлари жойларда солиқ ва боғхона органларининг транзит ҳисобварақларига келиб тушиб, сўнгра меъёрий

ажратмаларга мувофиқ бюджетнинг республика, вилоят ва туман (ёки шаҳар) банк ҳисобварақларига ўтказилади.

Республика (РФХ) ва ҳудудий ғазна ҳисобварақлари (ХФХ)ни очиш шароитида Ғазначиликнинг ҳудудий органлари томонидан солиқлар ва тўловларнинг ҳар бир тури учун шахсий ҳисобварақлар очилади ва ҳар куни меъерий ажратмаларга мувофиқ ХФХ га келиб тушган даромадлар тегишли бюджетларнинг турли даражалари бўйича ғазначилик органлари томонидан тақсимланиб ўтказилади ва уч босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда солиқ тўловчилар жойлардаги тижорат банкларида солиқ ва божхона органлари учун очилган республика бюджетининг транзит ҳисобварақларига солиқлар ва тўловларни тўлашни амалга ошираётган вақтда олувчи банклар республика бюджетининг улушини Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган меъерийлар ва Марказий Банк томонидан ўрнатилган тартибга мувофиқ Марказий банкнинг вилоят бўлинмаларида очилган республика бюджетининг вилоят транзит ҳисобварақлари орқали республика бюджетининг асосий банк ҳисобварағига ўтказилади. Умумдават солиқлардан маҳаллий бюджетларнинг улушларини тегишли олувчи банклар сўнгра автоматик тарзда Марказий банк томонидан белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларнинг ғазна ҳисобварақларига ўтказилади. Туман (шаҳар) улуши, одатда, ўша банкнинг ичида туман (шаҳар) маҳаллий бюджетининг ғазна ҳисобварағига ўтказилади. Вилоятлар бюджетлари ва Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг улушлари Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг ва вилоятлар бюджети ғазна ҳисобварақларига ўтказилади. Республика бюджетининг маблағлари эса транзит ҳисобварақларга ўтказилиб, у ердан улар республика бюджетининг асосий ҳисобварағига ўтказилади. Иккинчи босқичда ҳар бир ҳудуд бўйича йиғиладиган давлат даромадлар тушуми Ғазначилик органлари томонидан уларнинг назорати остида ғазна ҳисобварақлари орқали тасдиқланган меъёрларга асосан тегишли бюджетларга тақсимланиб ўтказилади. Учинчи босқичда солиқлар тушуми тўғридан-тўғри Марказий банкда очилган ягона ғазна ҳисобварағига

туширилиб, молия вазирлиги фазначилигида бюджетларга очилган шахсий ҳисоб варақларда акс этади. Бу ҳолат тўлиқ автоматлаштирилган тизимга ўтганда амалга оширилади. Худудий фазначилик органлари солиқ тўловчиларга ортиқча тўланган ва ортиқча ундирилган солиқлар ва йиғимларни тегишли ҳужжатлар асосида ҲҲҲ даги маблағлар қолдиқлари доирасида қайтаради.

Худудий Фазначилик органлари ҳар куни келиб тушган солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги ахборотни Бош фазначиликка, худудий солиқ ва молия органларига эса келиб тушган улар учун зарур бўлган даромадлар ва йиғимлар тўғрисидаги ахборотни беради.

Барча даражаларга келиб тушган солиқлар ва йиғимлар ҳисобини юритиш Бош фазначилик томонидан амалга оширилади. Бу ҳол ижроия ҳокимият органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ва солиқ органларига келиб тушган солиқлар ва йиғимлар тўғрисида тезкор ахборотга эга бўлиш имконини беради.

Фазначилик органлари бюджет маблағлари олувчиларнинг тўлов топшириқлари асосида Фазначилик ҳисобварағидан ташкилотлар ва муассасаларни сақлаб туриш, марказлаштирилган тadbирларни ўтказиш ва бошқа мақсадлар учун сметалар ҳамда қўшимча манбалар доирасида харажатларни амалга оширади.

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бюджет маблағлари олувчиларни харажатларнинг 4 та гуруҳи бўйича Давлат бюджетидан маблағлар билан таъминлаш белгиланган.:

Инвестиция дастурида белгиланган ҳар бир йўналиш бўйича бюджетлар ҳисобидан капитал қўйилмалар харажатларини тўлаш Фазначилик органлари томонидан фазна ҳисобварақларидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар бир объект ва бюджет маблағлари олувчига шахсий ҳисобварақлар бўйича тўланади.

Бюджет маблағлари олувчиларнинг сметалари бўйича тежалган (фойдаланилмаган) режали ажратилган бюджет

маблағлари (капитал қўйилмаларни тўлашга мўлжалланган маблағлар бундан мустасно) Ҳазначилик органлари томонидан ўрганиб чиқилиб, бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига ўтказилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сарфланади.

Ҳазна ҳисобварағидан маҳаллий бюджетлар харажатларини тўлаш учун Ҳазначилик органлари банк муассасасига бошлиқ ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни юритиш функциясини бажарувчи масъул шахс имзоларининг намуналарини тақдим этадилар.

Бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатларини тўлаш қўйидаги талабларга амал қилинган ҳолда тўлов топшириқномалари билан амалга оширилади:

– молия органларида рўйхатга олинган харажатлар сметалари ва тузилган ҳисоб-китоблар, шунингдек, берилган харажатларни тўлаш учун рухсатномалар асосида ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджет маблағлари бўйича харажатларининг тегишли гуруҳлари бўйича бюджет маблағлари қолдиқларининг суммалари доирасида;

– агар тўлов топшириқномасида кўрсатилган сумма ғазна органида рўйхатга олинган шартномага мувофиқ тўланиши лозим бўлган пул маблағлари суммасидан ортиқ бўлмаса;

– ҳисоб-фактуралар ёки товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берилганлигини ва бюджет маблағлари олувчиларнинг етказиб берувчи олдида қарзи мавжудлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, шунингдек, бюджет маблағлари олувчиларни етказиб берувчига бўнак тўловини тўлаш мажбуриятини юкловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида;

– тўлов топшириқномасида кўрсатилган етказиб берувчининг номи ва реквизитлари шартномада кўрсатилган етказиб берувчининг номи ва реквизитларига мос келганида;

– тўлов топшириқномасида «Тўлов деталлари» устунида бюджет таснифи тегишли кодлари тўғри кўрсатилганда, етказиб бериладиган товарлар (ишлар, хизматлар) харажатларини тўлаш бўйича тўловларни, шу жумладан, харажатларни тўлаш учун рухсатномаларга мувофиқ бўнак тўловларини амалга ошириш учун бюджет маблағлари олувчилар Ҳазначиликка белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлов топшириқ-

номаларини тақдим этадилар. бунда тўлов топшириқномасининг «Тўловчи» устунларида тегишли фазначилик органининг номи, «Тўловчи ҳисобварағи» фазна ҳисобварағи, «Тўлов деталлари» — шахсий ҳисобварақ рақами ва бюджет маблағлари олувчининг номи кўрсатилади. Шу билан бирга, қуйидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

а) агар молия органи ва етказиб берувчига банкнинг бир филиалида хизмат кўрсатилаётган бўлса, тўрт нусхада тўлов топшириқномаси. Тўлов топшириқномасининг биринчи нусхаси Фазначилик бошлиғи ва бухгалтерия ҳисобини юритувчи масъул шахс томонидан имзоланиб, унга Фазначилик органининг муҳри қўйилади. Ушбу нусха банк филиали учун фазна ҳисобварақларидан харажатларни тўлаш учун асос ҳисобланади. Тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхаси банк филиалининг белгиси қўйилган ҳолда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчисига топширилади. Тўлов топшириқномасининг учинчи нусхаси банк филиалининг белгиси қўйилган ҳолда фазна ҳисобварақларидан кўчирмаларга илова қилинади ва у Фазначилик органи учун касса харажатларини бюджет маблағлари олувчининг шахсий ҳисобварағида акс эттириш учун асос ҳисобланади ва ушбу нусха бюджет маблағлари олувчига топширилади. Тегишли мансабдор шахслар томонидан имзоланган ва бюджет маблағлари олувчининг муҳри қўйилган тўлов топшириқномасининг тўртинчи нусхаси Фазначилик органи учун касса харажатларини бюджет маблағлари олувчининг шахсий ҳисобварағида акс эттириш учун асос ҳисобланади;

б) агар молия органи ва етказиб берувчига банкнинг турли филиалларида хизмат кўрсатилаётган бўлса, уч нусхада тўлов топшириқномаси. Тўлов топшириқномасининг биринчи нусхаси Фазначилик бошлиғи ва масъул шахси томонидан имзоланиб, унга Фазначилик органининг муҳри қўйилади. Ушбу нусха банк филиали учун фазна ҳисобварақларидан харажатларни тўлаш учун асос ҳисобланади. Тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхаси банк филиалининг белгиси қўйилган ҳолда фазна ҳисобварақларидан кўчирмаларга илова қилинади ва у Фазначилик органи учун касса харажатларини бюджет маблағлари олувчининг шахсий ҳисобварағида акс

эттириш учун асос ҳисобланади ва ушбу нусха бюджет маблағлари олувчига топширилади. Тегишли мансабдор шахслар томонидан имзоланган ва бюджет маблағлари олувчининг муҳри қўйилган тўлов топшириқномасининг учинчи нусхаси Ҳазначилик органи (кейинги ўринларда – орган) учун касса харажатларини бюджет маблағлари олувчининг шахсий ҳисобварағида акс эттириш учун асос ҳисобланади.

Бюджет маблағлари олувчилар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар қоидалар талабларига мос келган тақдирда, органнинг ваколатли ходими тўлов топшириқномаси қабул қилинган санани ва ўз имзосини қўяди. Орган бошлиғи ва масъул шахси томонидан имзоланган ва орган муҳри қўйилган тўлов топшириқномасини расмийлаштириш текширув ниҳоясига етказилганидан сўнг амалга оширилади. Орган зиммасига органдаги мавжуд имзолар ва муҳрлар намуналари билан бюджет маблағлари олувчилар томонидан банкка ғазна ҳисобварақларидан чиқариш учун тақдим этиладиган ҳужжатлардаги имзолар ва муҳрларни солиштириш мажбурияти юклатилади.

Ҳазна ҳисобварағида тўлов топшириқномалари бўйича тўловларни амалга ошириш учун орган банкка тўлов топшириқномаларининг нусхаларини тақдим этади. Тўлов амалга оширилганидан сўнг хизмат кўрсатувчи банк томонидан қуйидаги операциялар амалга оширилади:

- тўлов топшириқномасининг биринчи нусхаси банкда қолади, иккинчи нусхаси етказиб берувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади, учинчи нусхаси эса банк штамп ва масъул ходимининг имзоси қўйилган ҳолда ғазна ҳисобварақларидан кўчирма билан бирга органга топширилади;

- органнинг тегишли ходими томонидан бюджет маблағлари олувчиларнинг тегишли шахсий ҳисобварақларига белгилар қўйилганидан сўнг бюджет маблағлари олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирма ва банк белгиси қўйилган тўлов топшириқномасининг нусхаси бюджет маблағлари олувчига қайтарилади.

Ҳазначилик органлари нақд пулларни олиш учун чек дафтарчаларининг бланklarини хизмат кўрсатилаётган банк

филиалидан оладилар. Фазна ҳисобварақларидан нақд пулларни олиш учун чек — бу фазна органининг маълум суммадаги нақд пулларни бериш учун ёзма топшириғи. Чеклар қўлда сиёҳ ёки шарикли ручка пастасида ёзиб берилади. Чекларда бўяш, қириш, тузатишларга, факсимиледан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Чеклар, улар ёзиб берилган кунни ҳисобга олмаганда, ўн кун мобайнида ҳақиқийдир. Чек рақами имзолар намуналари ва муҳр изи туширилган варақчада рўйхатга олинган чек дафтарчасининг рақами ва сериясига мос келиши керак. Пул чеклари Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилади.

Фазна ҳисобварақларидан маблағларни бериш учун чеклар орган бошлиғи ва масъул шахси томонидан имзоланиб, уларга органининг муҳри қўйилади. Бюджет маблағлари олувчиларга бериладиган чекларда фақат эгасининг номи ёзилган бўлиши мумкин. Эгасининг номи ёзилган чек бўйича пуллар фақат чекда кўрсатилган шахсга берилади. Эгасининг номи ёзилган чек бўйича пулларнинг бюджет маблағлари олувчининг бош бухгалтерига берилишига йўл қўйилмайди. Фазначилик органлари пул чекларининг орқа томонида суммаларнинг мақсадини кўрсатиши шарт. Пул чекларининг орқа томонидаги тўловнинг мақсади тўғрисидаги маълумот чек берувчининг имзоси билан тасдиқланади.

Бюджет маблағлари олувчи иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, шунингдек, хизмат сафарлари харажатларининг ҳақини тўлаш учун нақд пулларни олиш учун органга молия органи бюджет бўлимининг белгиси қўйилган, бюджет маблағлари олувчининг раҳбари ва бош бухгалтери имзо чеккан аризани топширади. Орган ариза асосида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, шунингдек, хизмат сафарлари харажатларининг ҳақини тўлаш учун чек ёзиб беради. Чекнинг марқасини орган бюджет маблағлари олувчининг ишончли шахсига (кассирга) беради. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, шунингдек, хизмат сафарлари харажатларининг ҳақини тўлаш учун, аризаларнинг келиб тушишига қараб ҳар куни ёзиб берилган чеклар бўйича электрон ва қоғозда уч нусхада чеклар реестри (касса харажат дафтари) тузилиб, унинг иккитаси банкнинг масъул шахси

томонидан чеклар билан бирга банк филиалига жўнатилади. Бюджет маблағлари олувчи органга нақд пул маблағларини олиш учун икки нусхадаги ишончномани тақдим этади, уларнинг биттасини орган ўз муҳрини қўйиб банкка топширади. Бюджет маблағлари олувчининг ишончли шахси нақд пул маблағларини банк кассасидан чекнинг назорат маркаси бўйича олади. Нақд пул маблағларини бериш вақтида банк филиалининг кассири бюджет маблағлари олувчи ишончли шахсининг паспорт маълумотларини чекда кўрсатилган маълумотлар билан солиштиради. Бюджет маблағлари олувчининг ишончли шахси, агар бу ишончномада кўзда тутилган бўлса, тегишли бюджет маблағлари олувчининг бир неча шахсий ҳисобварақларидан нақд пул маблағларини олишга ҳақли. Нақд пул маблағларини бериш банк филиали томонидан фазна ҳисобварақларидан амалга оширилади. Нақд пул маблағлари берилганидан сўнг реестр (касса харажат дафтари)нинг иккинчи нусхаси кўчирма билан бирга органга қайтарилди. Орган кўчирма ва корешок асосида тегишли шахсий ҳисобвараққа белги қўяди ва бюджет маблағлари олувчига шахсий ҳисобварақдан кўчирма ёзиб беради, шунингдек, бюджет маблағлари олувчига унинг бухгалтериясида ҳисоб юритиш учун чек корешогининг нусхасини топширади.

Бюджет маблағлари олувчининг ишончли шахси чек маркасини йўқотиб қўйган тақдирда, тегишли органга чек маркаси йўқолганлиги аниқланган куниёқ бюджет маблағлари олувчининг раҳбари ва бош бухгалтери имзоси қўйилган хабарнома хати жўнатилади. Хабарнома хати асосида тегишли молия органи банка тўланмаган чекни қайтариб олишни сўраб хат жўнатади. Чеклар реестри қайтариб олинган чек суммаси чегирма қилинган ҳолда тўланиши лозим. Фазна органлари бюджетлар фазна ижроси касса ҳисоботларини тузадилар, бюджетдан маблағ олувчиларнинг смета касса харажатларини текширадилар ва уларга касса харажатлари бўйича маълумот берадилар.

Иккинчи босқичда Ғазначилик органларида Ягона фазна ҳисобварағи (ЯҒҲ) очилади. Юқорида келтирилганидек ЯҒҲ Марказий банкда очиладиган алоҳида сўм ҳисобварағи бўлади. Бу банк ҳисобварағи бўлиб, унга Давлат бюджетининг тушум-

лари ўтказилади ва ундан Давлат бюджетининг тўловлари амалга оширилади. Барча бюджет ташкилотлари операцияларни ЯФХ орқали амалга оширадилар. У субҳисобварақларсиз ягона банк ҳисобварағи бўлади, нақд маблағлар учун транзит ҳисобварақлари бундан мустасно. ЯФХ га қўшимча равишда Ҳазначилик қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ Ўзбекистонда ҳам, чет элда ҳам Марказий банкда ва тижорат банкларида бошқа сўм ва валюта банк ҳисобварақларини юритиши мумкин. Бюджет ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда давлат мақсадли жамғармалари (ДМЖ) бўйича сўм банк сальдоси ЯФХ орқали ўтказилади. Тўловлар Бош ғазначилик ва маҳаллий Ҳазначилик бўлинмаларига тақдим этилган ҳисоб-фактуралар ва тегишли илова ҳужжатлари асосида ЯФХ дан тўғридан-тўғри етказиб берувчиларнинг банк ҳисобварақларига амалга оширилади.

2.1-жадвал тўловларнинг таклиф этилаётган турлари ва улар билан боғлиқ тўлаш усулларини белгилаб беради. Ҳазначилик тегишли валюта ҳисобварақларининг операцияларини амалга оширади.

ЯФХ шароитида Давлат бюджети даромадлари тушумининг ҳисобини юритиш ва тартибга солувчи даромадларни турли даражалардаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш учун Бош ғазначиликда ҳар бир бюджет ва ДМЖ нинг бюджетлари учун шахсий ҳисобварақлар очилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муассасалари ва тижорат банклари ўз вакиллик ҳисобварақларининг ҳолатидан қатъий назар тўлов ҳужжатларини ижро этишлари шарт. ЯФХ даромадлари ҳар куни ўтказилади. Ҳазна ҳисобварақларидан кўчирмалар, ҳужжатлар нусхалари илова қилинган ҳолда хизмат кўрсатувчи банklar томонидан ҳар куни тақдим этилади.

ЯФХ га тўловлар Давлат бюджетига, ДМЖ ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларига тўловларни ўз ичига олади. Пуллар тўғридан-тўғри ЯФХ га ўтказилади ёки қўйилади. 2.2-жадвал тушумлар турлари ва улар билан боғлиқ тўлов усулларини белгилаб беради.

Ҳуқуқий ва жисмоний шахслардан Давлат бюджетига келиб тушувчи барча умумдавлат солиқлари, йиғимлар, божхона

тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар тизимга солинган ва бюджет таснифига мувофиқ кодга эга. Солиққа, йиғимга ёки солиқдан ташқари тўловга берилган кодга биноан ҳисоб юритилади ва Давлат бюджетига келиб тушган даромадлар суммалари тўғрисидаги ҳисобот шаклланади.

2.1-жадвал

Харажатлар турлари ва тўлаш усуллари

Харажатлар турлари	Тўлаш усуллари
Иш ҳақи жамғармаси	Банк ҳисобварағига тўғридан-тўғри тўлов; Ғазначилик чеки; Корпоратив кредит ёки дебет карта; Шахсий дебет карта
Ижтимоий нафақалар (масалан, пенсиялар)	Банк ҳисобварағига тўғридан-тўғри тўлов
Етказиб берувчилар	Банк ҳисобварағига тўғридан-тўғри тўлов
Бюджет ташкилотларининг нақд ҳисоб-китоби (кирим-чиқимнинг майда моддалари)	Ғазначилик чеки; Корпоратив кредит ёки дебет карта
Солиқни қайтариш	Банк ҳисобварағига тўғридан-тўғри тўлов
Молиявий операциялар: • ссудалар бўйича фоизлар; • муддатли депозитларга жойлаштириш; • қимматли қоғозларни харид қилиш	Банк ҳисобварағига тўғридан-тўғри тўлов
Ички тузилмавий тўловлар	Ғазначилик ҳужжатлари

Барча келиб тушган даромадлар шахсий ҳисобварақларга тасдиқланган меъёрларга мувофиқ тегишли даражадаги бюджетларга тақсимланади.

Тартибга солувчи солиқларни тақсимлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тегишли йил учун қатъий регламентланади. Ягона ғазна ҳисобварағига асосланган давлат бюджетининг ғазна ижроси тизими Марказий банк муассасалари, Ғазначилик органлари

ва солиқ органлари бир бирига интеграллашган автоматлаштирилган ахборот тизими ва электрон тўловларга ўтган тақдирда амалга оширилиши мумкин.

2.2-жадвал

Тушумлар турлари ва тўлаш усуллари

Тушумлар турлари	Тўлаш усуллари
Умумдавлат солиқлари	Нақд пулда тўловлар Банк ўтказмалари
Маҳаллий солиқлар	Нақд пулда тўловлар Банк ўтказмалари
Божхона йигимлари ва божлар	Нақд пулда тўловлар Банк ўтказмалари
Даромадларнинг махсус тўпламлари	Нақд пулда тўловлар Банк ўтказмалари
ДМФ даромадлари	Банк ўтказмалари
Бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромадлари	Нақд пулда тўловлар Банк ўтказмалари
Бошқалар (тўланиши лозим бўлган муддатли депозитлар, сотиладиган давлат қимматли қоғозлари)	Банк ўтказмалари

2-боб бўйича баҳс-мунозара ва назорат учун саволлар

1. Давлат бюджетининг ижроси жараёни деганда нима тушинилади?
2. Бюджетлар ижросининг турлари ва уларнинг қандай афзалликлари мавжуд?
3. Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизими ва унинг афзалликлари нималардан иборат?
4. Такимиллашган ахборот тизимига мўлжалланган давлат бюджетининг ғазна ижроси концептуал модули нималардан ташкил топган?
5. Давлат бюджетининг ғазна ижросига қандай таърифлар берилган?
6. Ҳазначиликнинг Ягона ғазна ҳисобварағи (ЯҲХ) нима?

7. Ҳазначилик томонидан Ягона ғазна ҳисобварағи қандай бошқарилади?

8. ЯҲҲ га асосланган Давлат бюджети ғазна ижросида, қандай ҳолатлар муҳим ўрин тутди?

9. Бюджет операцияларини Ягона ғазна ҳисобварағи орқали амалга ошириш бюджет ижроси давомида қандай имкониятларни беради?

10. Давлат бюджети ғазна ижросида унинг даромадлари ва харажатларини бошқариш жараёнлари қандай амалга оширилади?

11. Давлат бюджети ғазна ижросининг вазифаларига нималар қиради?

12. Бюджетнинг даромадлар ва харажатлар бўйича ғазна ижроси қандай амалга оширилади?

13. Харажатларни тўлаш тартиботи нималарни ўз ичига олади?

14. Ҳуқуқий ва молиявий мажбуриятлар қай тартибда қабул қилинади?

15. Нима учун молия йилида қўшимча вақт даври белгиланган?

16. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидалари ҳамда ташкилий-услубий ва ахборот-технологик соҳаларда қандай муаммолар мавжуд?

17. Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети ғазна ижросининг қандай тамойиллари мавжуд?

18. Харажатларни тўлаш учун рухсатнома (ХТР) нима ва у қандай амал қилади?

19. Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини жорий этиш неча босқичга бўлинади ва унинг бошланғич босқичида нималарни амалга ошириш мўлжалланган?

20. Давлат бюджетини тўлиқ ғазна ижросига ўтказиш нималарни ўз ичига олади?

2-БЎЛИМ

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ҒАЗНА ИЖРОСИ МЕХАНИЗМЛАРИ, АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТИЗИМИ ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3-боб. Кассавий режалаштириш ва Давлат бюджети ижросини бошқариш

3.1. Кассавий режалаштириш ва Давлат бюджети пул маблағларини бошқаришнинг аҳамияти

Давлат бюджетининг касса ижроси келгуси йил учун бюджетни қабул қилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан мамлакат ҳукумати зиммасига юклатилган мажбуриятларни ижро этишнинг муҳим механизми ҳисобланади. Бюджетнинг касса ижроси ҳақида сўзлаётиб, шуни ёдда тутиш лозимки, уни амалга ошириш иккита молиявий жараённи ўз ичига олади: пул тушумлари ва Ягона (ЯҒҲ) (худудий) ғазна ҳисобварағидан амалга ошириладиган харажатлар. Ғазначилик тизимида бюджет касса ижросининг моҳияти ва афзалликлари унинг вақтга кўра даромадларнинг келиб тушиши ва харажатларнинг амалга оширилишини ҳамда давлат дастурлари доирасида муайян лойиҳаларнинг амалга оширилишини мақбуллаштиришидан иборат. Бошқача айтганда, агар давлатнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатли мақсадли дастурларини давлат сиёсатини амалга ошириш воситаси сифатида кўриб чиқадиган бўлсак, у ҳолда ушбу дастурларни дискрет вазифалар ва алоҳида лойиҳа ҳамда кичик лойиҳаларга бўлиш Давлат бюджети ижросининг йиллик ва қисқа муддатли режалари доирасида амалга оширилади. Умуман олганда ушбу жараён Давлат бюджетининг касса ижросини режалаштириш ва бошқаришнинг мураккаб тизимини ўзида намоён этади, чунки унда давлат томонидан молияланиши лозим бўлган

давлат дастурларининг лойиҳа ҳамда кичик лойиҳалари вақтга кўра ва функционал бўлиниш бўйича чамбарчас боғланиб кетади. Бир сўз билан айтганда, Давлат бюджети ижросини йиллик режалаштириш механизми талаб этилади.

Бу ерда режалаштириш тушунчасининг ўзига аниқлик киритиш лозим.

«Режалаштириш» тушунчасининг турли хилдаги таърифлари мавжуд. Бироқ улар ичидан ушбу фаолиятни тавсифловчи қатор умумий белгиларни ажратиш мумкин. Шулар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- а) регламентланганлик (тартибга солинган жараён);
- б) ахборотга ишлов бериш билан боғлиқлик;
- в) маълум мақсадларга эришиш учун йўналтирилганлик;
- г) муваққат хусусият.

Режалаштириш деганда биз миқдорий ва сифат хусусиятига эга бўлган мақсадлар, кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнини ҳамда уларга эришишнинг энг самарали йўллари аниқлашни тушунамиз.

Режалаштиришнинг натижаси ўлароқ режа ёки режалар йиғиндиси (тизими) юзага келади. Режа унда келажакдаги мақсадларга эришиш учун параметрлар белгиланган тартибга солинган жараёни ўзида намоён этади. Режалаштириш ўзгарувчан ички ва ташқи муҳитда уйғунлашган чора-тадбирларни қўллаш орқали олдинга қўйилган мақсадларга эришишнинг амалий воситаси сифатида юзага чиқади. Режалаштиришнинг олий мақсади хато қарорлар қабул қилиш хавфини пасайтирувчи воситалар ва муқобил вариантларни аниқлашдан иборат.

Молиявий режалаштиришнинг асосий объекти сифатида молия тизимининг алоҳида субъектлари ўртасида қайта тақсимланадиган молиявий ресурслар иштирок этади. Молиявий ресурслар ҳаракати молиявий режалаштиришнинг ягона тизимини ҳосил қилувчи тегишли режаларга бириктирилади. Режалаштириш турли босқичларни ўз ичига олади: мақсадларни аниқлаш, муаммоларни таҳлил қилиш, прогноз қилиш, муқобил вариантларни қидириш, қабул қилинган қарорларни баҳолаш. Молиявий режалар тизимида Давлат бюджети марказий ўринни тутати, унда давлат ва маҳаллий бошқарув

вазифалари ҳамда функцияларини маблағ билан таъминлаш учун мўлжалланган пул маблағлари фондларини ҳосил қилиш ва сарфлаш шакли ўзининг миқдорий ифодасини топади.

Молиявий режалаштириш учун келгусидаги ишларнинг аҳволи ҳақида тасаввур берувчи ахборот, яъни прогноз ахбороти алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ахборотни олиш жараёни прогноз қилиш деб номланади. Прогноз — бу кузатувлар, назарий умумлаштирувлар, фаразлар ва чекловларга асосланган бўлажак воқеа ҳақидаги эҳтимолий тасаввурдир.

Молияний прогноз қилиш — бу биринчи галда молиявий режалар кўрсаткичларини асослаш, у ёки бу даврдаги молиявий аҳволни олдиндан кўра билиш демақдир. Молияний прогноз қилишнинг асосий мақсади прогноз қилинаётган даврда молиявий ресурсларнинг реал эҳтимолий ҳажми ва уларга бўлган эҳтиёжларни аниқлашдан иборат. Молиявий прогнозлар молиявий сиёсатни ишлаб чиқишнинг зарур унсури ва бир вақтнинг ўзида босқичи ҳам ҳисобланади. Улар молия тизимининг барча субъектлари олдида турган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишнинг турли усулларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Молиявий режа иқтисодиётдаги макроиқтисодий жараёнларни, давлатнинг молиявий, шу жумладан, солиқ ва божхона сиёсатини, молия бозорларининг ҳолати ва ривожланишини, инвестиция ва инфляция жараёнларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Юқорида таъкидланганидек, молиявий режалаштириш турли босқичлар, унсулар, таомиллар ва ҳоказоларни ўз ичига олувчи жараённи ўзида намоён этади. Бунда молиявий режалаштиришнинг қуйидаги босқичлари ажратилади жумладан, тезкор режаларни ўзгартириш асосида молиявий ҳисоботларнинг прогноз вариантларини ишлаб чиқиш, режа топшириқларини бажариш учун молиявий маблағларга бўлган муайян эҳтиёжни аниқлаш, молиялаштириш манбалари ва таркибини, шунингдек, молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбаларини прогноз қилиш ва шакланган режаларни тезкор ўзгартириш таомилини ишлаб чиқиш.

Бюджет ижросини йиллик режалаштириш касса тушумлари ва касса тўловларининг мувофиқлигини таъминлаш ҳамда

маблағлар жалб қилиш режаларини ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Бюджет ижросини йиллик режалаштиришнинг асосий вазифалари ва мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- бюджет ижроси учун маблағларни ўз вақтида ажратиш;
- даромадлар прогнозлари ва харажатлар режалари асосида касса оқимларининг прогнозларини ишлаб чиқиш;
- ушбу прогнозлар мониторингини юритиш ва уларни амалдаги талаблар билан таққослаш;
- давлат қарзини тўлаш ва қисқа муддатли ортиқча маблағларни энг фойдали шароитларда бюджет тadbирларини молиялаштириш учун йўналтириш.

Йиллик режалаштириш бюджет ижросининг йиллик режаларини, ойлик касса режаларини тайёрлашни, пул маблағлари келиб тушишининг ойлик прогнозларини тузишни ўз ичига олиб, бюджет ижросини режалаштириш ва бюджет маблағлари кассасини режалаштириш ва бошқаришга бўлинади.

Йил бошида кассавий режалаштириш Давлат бюджетининг кўрсаткичларига мос келиши ва аслида унинг ижроси параметрларини ақс эттириши туфайли, бюджет ижросини режалаштириш ва кассавий режалаштириш ўз аҳамиятига кўра мос келади, деб фараз қилиш мумкин. Бироқ аслида ундай эмас. Бунда режа индикаторларининг фарқи вақтга кўра фарқларни, балки режалаштиришни амалга оширувчи ижрочилар, функционал бўлинмаларни ва албатта қабул қилинадиган қарорларнинг тезкорлигини, шунингдек, уларни амалга ошириш усулларини ҳам қамраб олади. Давлат бюджети ижросини режалаштириш ва турли даражадаги кассаларни режалаштириш ўртасидаги асосий фарқлар 3.1-жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўриб турганимиздек, бюджет ижросини режалаштириш ва кассавий режалаштириш бир-биридан фарқ қилади ва турли вақт оралиқларини қамраб олади.

Бутун молия йили учун бюджет ижросини йиллик режалаштириш қуйидагиларга йўналтирилади:

- бюджет ижросини ўз вақтида таъминлаш. Бюджетни ижро этишдаги ноаниқлик ишончни, масъулиятни ва давлат харажатлар дастурларининг самарадорлигини пасайтиради. Бюджетни ижро этиш жараёнида кассавий бошқариш учун жавоб-

гарлик бюджет операцияларини ўтказиш вақти ва усули билан чегараланади;

3.1-жадвал

**Бюджет ижросини режалаштириш (молня органлари)
Кассавий режалаштириш (Ғазначилик бўлинмалари)**

Бюджет ижросини йиллик режалаштириш

Бюджет ижросини режалаштириш (молня органлари)	Кассавий режалаштириш (Ғазначилик бўлинмалари)
1. Давлат бюджетини ишлаб чиқиш ва уни юқори органларга тақдим этиш.	1. Чорақлар ва ойларга бўлган ҳолда йиллик касса режасини ишлаб чиқиш.
2. Бюджетдан маблаг олувчилар доирасида харажатлар сметаларини рўйхатга олиш.	2. Даромадлар ва харажатлар бўйича (бир кунлик, ҳафталик ва ойлик) касса режаси.
3. Даромадлар ва харажатлар ёйилмасини тузиш.	3. Маблаг жалб қилиш режаси.
4. Давлат бюджетини чорақлар ва ойлар бўйича (шу жумладан, тақчилликни қоплаш манбалари), шунингдек, Давлат мақсадли жамғармалари бўйича бўлиш билан даромадлар ва харажатлар прогнозининг йиллик режасини ишлаб чиқиш.	4. Пул маблағларини бошқариш.
5. Бюджет ижроси тўғрисида (ойлик) ҳисобот тузиш	5. Бюджетнинг касса ижроси тўғрисида (бир кунлик, ҳафталик ва ойлик) ҳисобот тузиш

- давлат бошқаруви органларининг кредит қобилиятини яхшилаш. Тўлов муддатларидаги ноаниқлик ва кечикишлар давлатнинг кредит қобилиятига, айланма сармоя бозорига, етказиб берувчилар ва хизматчиларнинг давлатга хизмат кўрсатиш қобилияти ва хоҳишига, давлатнинг қарзлари фоизларини тўлаш учун ўз харажатларига салбий таъсир кўрсатади;

- харажатларни камайтириш. Ҳаддан зиёд банк сальдоси ва банкнотлар фоизларни тўлаш учун ортиқча харажатларни келтириб чиқаради. Операция харажатларига банк ҳисобва-

рақларининг миқдори, тўловларни амалга ошириш усули ва Ҳазначилик билан тижорат банклари ўртасидаги шартномавий муносабатлар ҳам таъсир кўрсатади.

Бюджет ижроси тўғрисида тўлақонли ойлик ҳисоботларни тайёрлаш учун бюджет ижросининг ишончли ойлик прогнозларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Ушбу прогнозлар бир йилда икки марта янгиланади, яъни ойлик прогнозлар йил мобайнида икки марта қайта кўриб чиқилади.

Шунингдек, бюджетнинг самарали ижросини таъминлаш ва харажатларни бошқаришни яхшилаш учун бюджет ижросини режалаштиришнинг жорий ва инвестиция бюджетларини қамраб олувчи ҳамда даромадлар ва харажатларни прогнозлаштириш моделлари асосида ўтказиладиган умумий тизим ҳам ишлаб чиқилади.

Барча жабҳаларни қамраб олувчи ва ишончли йиллик молиявий прогнозларни ишлаб чиқиш йиллик молиявий режалаштириш тизимини яхшилаш йўлидаги дастлабки қадам ҳисобланади. Даромадларни прогноз қилишда қуйидаги унсурлар эътиборга олинади:

- Молия вазирлигининг серқирра ва барқарор таҳлилий базаси, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ўтган даврлар учун маълумотлари;

- иқтисодий фаоллик даражаси, маҳаллий шарт-шароитлар ва мавсумий ўзгариб туришлар, минтақалар бўйича даромадларни белгилаш моделлари;

- барча молиялаш манбалари маълум бир тоифага мансублик нуқтаи назаридан ҳисобга олинishi лозим: солиқлар, йиғимлар, расмий трансфертлар, қарзлар ва бюджетдан ташқари фойда ёки дивидендлар;

- йиллик даромадлар прогнози бюджет йили бошлангунга қадар ўтказилади ва касса тушумларининг прогноз қилинаётган ойлик ҳажмини белгилайди;

- даромадлар прогнозлари кейинги ойлар учун ойлик прогнозлар билан бир қаторда ҳар чоракда амалга оширилади;

- ойлар бўйича даромадларни тақсимлаш прогнозлари бюджет йилининг бошида амалга оширилади;

- ушбу прогнозларга ҳар ойда аниқликлар киритилади, чунки макроиқтисодий муҳитдаги ёки солиқларни бошқариш

тизимидаги ўзгаришлар даромадларнинг келиб тушишига таъсир кўрсатиши мумкин;

- мониторинг асосий солиқ тоифаларини ҳисобга олган ҳолда юритилиши ва ставкаларнинг ўзгариши, вақтинчалик меъёрийлар ёки янги солиқларнинг жорий этилиши каби прогноллаштиришнинг асосида ётувчи омиллар ўзгаришига қараб тартибга солиниши лозим;

- даромадларни прогноз қилиш даромадларни ҳисоблаб чиқишнинг замонавий усуллари ва солиқларнинг келиб тушиши тўғрисидаги ҳисоботларга, шунингдек, ушбу соҳадаги иқтисодий тадқиқотлар натижаларига асосланиши керак.

Даромадларни прогноллаштириш чоғида солиқдан ташқари тўловлар ҳам ҳисобга олиниши зарур, улар бўйича маълумотлар Фазначилик томонидан ушбу тўловларни бошқариш учун масъул идора билан узвий ҳамкорликда тайёрланади.

Ахборот манбалари ва даромадлар прогнозларини тайёрлаш босқичлари қуйидагича:

- Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси ўзларининг даромадлар бўйича йиғимлар прогнозларини Молия вазирлигига жўнатилади;

- таҳлилий маълумотлар базасини ишлаб чиқишга кўмаклашиш мақсадида йиғимларнинг энг юқори даражаси даврини аниқлаш учун мазкур ахборотни тоифалар ва муддатлар бўйича тақдим этилади;

- қўмиталар ўтган йиллар учун дастлабки маълумотларни йиғимларнинг тоифалари, мавсумий моделлари ва даражалари бўйича тақдим этадилар;

- гонорарлар, грантлар, активларни сотиш каби солиқдан ташқари манбалар ёки бюджетдан ташқари тушумлар тегишли бюджет ташкилотлари ва молия муассасалари томонидан тақдим этилади;

- Молия вазирлиги иқтисодий тоифаларга доир маълумотларни ва пул маблағлари ойлик тушумларининг прогнозларини тақдим этади;

- ташқи ва ички қаралардан тушган тушумларни олдиндан баҳолаш ҳам даромадларнинг умумий прогнозига киритилади;

Шунингдек, маҳаллий ҳокимият органларининг қўшимча даромадлари, даромадлар режаларини ортиғи билан бажариш

ҳисобидан олинган даромадлар каби бошқа даромадларни прогноз қилишнинг бошқа унсурлари ҳам даромадларнинг умумий режасига киритилади.

Бюджет ижросининг режаларини тайёрлаш йиллик молиявий режалаштиришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Умуман олганда, ушбу режанинг мазмуни даромадлар бўйича прогнозларга зид бўлмаслиги ва бюджет сиёсатига мос келиши керак. Бундан ташқари, режа бюджет кўрсаткичларига мувофиқ ишлаб чиқилиб, мониторинг ўтказиш имкониятларини назарда тутати.

Ахборот манбалари ва бюджет ижросининг йиллик режаларини тайёрлаш босқичлари қуйидагилардан иборат:

- маблағлар ажратиш суммалари дастлаб тасдиқланган бюджетда белгиланади;

- бюджет ташкилотлари харажатларининг сметалари тасдиқланганидан кейин Молия вазирлиги маҳаллий Фазначилик бўлинмалари билан биргаликда, идорага бўйсунувчи ташкилотлар учун камида мажбурий харажатлар ва устувор мажбуриятларни қамраб олувчи харажатларнинг ойлик меъёрларини ишлаб чиқади. Улар маблағ ажратиш суммаларини ва уларни ажратиш муддатларини ўз ичига олади;

- молиялаш манбалари прогнозининг шарҳи прогноз қилинаётган маблағларнинг мавжудлигини аниқлаш ва эҳтимолий қисқа муддатли қарзларга тайёргарлик кўриш мақсадида маблағларни олиш ҳажми ва муддатлари кўрсатилган ҳолда тузилиши керак;

- молия режаси доирасида маблағлар ходимлар учун белгиланган харажатлар ва бошқа биринчи даражали харажатлар, шунингдек, асосий лойиҳалар юзасидан мавжуд мажбуриятлар ёки муайян мажбуриятлар бўйича тўловлар жадваллари ҳисобга олинганидан кейин пул маблағлари тўловлари ва тушумларнинг прогнозларига мувофиқ ажратилади;

- молиявий режа қабул қилинганidan сўнг режани ижро этиш мониторинги ўтказилади. Буни ойлик ҳисоботларни тақдим этиш орқали, шунингдек, Ягона газна ҳисобварағининг маълумотлари бўйича амалга ошириш мумкин, бу пул маблағларининг амалдаги тушумлари ва тўловлари прогноз кўрсаткичларидан қанчалик фарқ қилишини аниқлашга ёрдам беради;

- кўрсатилган маълумотларни таҳлил қилиш асосида тузиладиган кейинги ойлар учун прогнозларга тузатишлар киритилади;

- инвестиция бюджети бўйича йиғма ахборот Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида йиғилади ва сақланади. У Молия вазирлигига мавжуд лойиҳалар бўйича мажбуриятлар режасини, шу жумладан, тўловлар суммаси ва уларни тўлаш муддатларини тақдим этади. Шунингдек, у яқинда бошланган лойиҳалар бўйича мажбуриятлар прогнозини ҳажм ва муддатлар прогнозлари билан бирга тақдим этиши керак. Ушбу ахборот молиявий режага киритилади.

Ушбу таомилларга мунтазам кўшимчалар киритилиб, улар такомиллаштирила борилади, масалан, маблағларни бир тоифадан бошқасига ўтказиш тартиби, жорий ва инвестиция бюджетлари ўртасидаги маблағлар оқимларидаги ўтказмалар ва чекловларнинг чегара суммаларини аниқлаш. Бюджет ижросини такомиллаштириш учун камида учта йўналишда ҳаракат қилиш тақлиф этилади:

— даромадларни йиллик прогноз қилиш методологияси ва моделлари соҳасидаги тадқиқотларни чуқурлаштириш;

— хусусан, йил мобайнидаги ўзгаришларни акс эттирувчи капитал харажатлар каби моддалар бўйича харажатларни йиллик прогноз қилишни такомиллаштириш;

— бюджет ижросининг такомиллашган режалаштирилишини қўллаб-қувватлаш учун функционал имкониятларга эга бўлган тегишли ахборот тизимларини қўллаш.

Йиллик молиявий режалаштириш тизимини яхшилашдаги иккинчи қадам — бу қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олувчи харажатларни йиллик прогноз қилишни такомиллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлардир. Яъни:

— бюджет харажатларининг прогнози бюджет йили бошлангунга қадар тайёрланиши ва йил муддатларига нисбатан катта танлов эркинлиги мавжуд бўлган тўловлардан ойлик «муқаррар» тўловлар (масалан, иш ҳақи, қарзлар бўйича тўловлар)ни ажратган ҳолда харажатларнинг ҳар бир тоифаси учун пул маблағларининг ойлик прогноз қилинадиган тўловларини белгилаш;

— давлат хизматчиларига иш ҳақи кўринишидаги тўловлар, шунингдек, стипендиялар ва нафақалар одатда умумий бюд-

жетнинг катта қисмини ўзида намоён этади. Ушбу тўловлар барқарор ва мунтазам бўлганлиги боис, мазкур тоифада йиллик тўловлар прогнозларни аниқ ёзиш, харажатларнинг дастлабки сметаларини тайёрлашда муҳим роль ўйнайди;

– инвестиция бюджети бўйича мавжуд ахборот, хусусан, давлат инвестициялари режаси (ДИР) тушумлар, пул маблағлари тўловларини акс эттириш ва барча мавжуд ва янгидан тасдиқланувчи лойиҳаларни қамраб олиш мақсадида уни янада чуқур ишлаб чиқишни ва янгилашни талаб қилади;

– харажатлар моделлари бўйича маълумотлар йиғиндиси, шу жумладан, манбалардан фойдаланишда илгари фойдаланилган харажатлар моделлари ва мавсумийлик омиллари бўлажак эҳтиёжларни аниқлаш мақсадида таҳлил қилиниши ва ҳисобга олинади (масалан, йўллар қурилишида иссиқ ойларда харажатларни камайтириш ва ҳ. к.);

– келгуси ой учун режанинг янги версиясини тайёрлаш мақсадида дастлабки молиявий режа амалдаги ва прогноз қилинаётган тушумлар ва тўловлар ўртасидаги фарқларни, шунингдек, макроиқтисодий вазиятдаги ўзгаришларни таҳлил қилиш йўли билан ҳар ойда қайта кўриб чиқилиши керак.

Бюджетнинг самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида харажатларни ижро этиш режаларини тайёрлаш ва амалга оширишнинг қуйидаги тамойилларини қабул қилиш зарур:

- бюджет ташкилотлари уларга ажратилиши лозим бўлган маблағлар қанчалиги ва қачонлигини олдиндан билишлари ;

- маблағлар шартномаларга мувофиқ ва кечиктиришларсиз ажратилиши лозим;нақд маблағлар борасида муаммолар пайдо бўлган ҳолларда маблағлар режаси қайта кўриб чиқилиши ва ўзгаришлар бюджет ташкилотларигача етказилиши;

- узоқ минтақаларда жойлашган бюджет ташкилотларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу улар ўртасида маблағларни тақсимлашни тегишлича режалаштиришни ва ҳаракатларнинг аниқ мувофиқлаштирилишини талаб қилади.

Ҳозирги вақтда йиллик бюджетлар ҳар чоракда тақсимланади. Бюджет ташкилотлари маблағларнинг чораклик тақсимланишига мувофиқ молиялаш учун жорий талабномаларни тақдим этадилар. Ушбу молиявий талабномалар маблағларнинг мавжудлигига қараб бюджет ташкилотларининг ҳисобварақ-

ларига маблағларни ўтказиш тўғрисидаги қарорни қабул қилувчи молиявий органларга тақдим этилади. Бюджет ташкилотлари маблағларнинг мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни олишлари биланоқ бевосита уларга хизмат кўрсатувчи банкларга тўлов топшириқномаларини юборади. Ҳозирги кунда пул маблағларининг ҳафталик ёки кунлик прогнозини ўз ичига олувчи ойлик режалаштириш амалга оширилмайди. Шунингдек, ойлик прогнозлаштириш ҳам юритилмайди. Натижада харажатлар ва даромадлар тушуми сметалари ҳам аниқ режалаштирилмайди. Бу шунга олиб келадики, бюджет ташкилотлари Вазирлар Маҳкамасининг 414-сонли қарорида баён этилган қоидаларга асосланган ҳолда (унда бюджет ташкилотларига чорак мобайнида сарфланмаган маблағлар қолдиқларини ўзининг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобварақларига (ривожланиш жамғармаларига) ўтказишга рухсат этилади) керакли ҳажмлардан ортиқча бюджет маблағларини олишга интилади. Боз устига, йил мобайнида бюджетдан маблағ ажратишлар мунтазам қайта кўриб чиқилади, бу эса уларни режалаштиришда ноаниқликларни келтириб чиқаради ва бюджетдан ажратиладиган маблағлар фавқулодда қисқартирилган тақдирда, қутилмаган харажатлар жамғармасини таъминлаш мақсадида харажатларнинг оширилган сметасини тузишга ундайди. Амалиётда, бюджетдан самарали фойдаланишни таъминлаш учун кассавий режалаштириш ва бюджет маблағларини бошқариш усулидан фойдаланилади.

Кассавий режалаштириш ва бюджет маблағларини бошқариш бюджет ижросининг бозор иқтисодиётига асосланган муҳим босқичи ҳисобланади. Кассавий режалаштириш ва бюджет маблағларини бошқариш қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

- тушумлар ва харажатларни ялпи назорат қилиш;
- бюджетдан самарали фойдаланиш;
- ҳукумат қарзларининг қийматини пасайтириш;
- ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

Кассавий режалаштириш ва бюджет маблағларини бошқариш тадбирлари фақат Ҳазначилик тўзимига тўлиқ ҳажмда амалга оширилиши мумкин.

Ушбу тизимдаги янги институционал мажбуриятлар қуйидаги қоидаларни ўз ичига олади:

- Ҳазначилик касса режаларини тузиб, уларни Молия вазирлигининг органлари билан келишади;

- Ҳазначилик касса режалари ва бошқа кўрсаткичлар асосида харажатларни тўлаш учун рухсатнома (ХТР)ларни ёзиб беради;

- Ҳазначиликнинг маҳаллий бўлинмалари ХТР ларни сақлаш ёки топшириш ҳуқуқларисиз Бош Ҳазначиликнинг кўрсатмалари асосида ишлайди;

- Вазирлар Маҳкамаси устуворли тўловлар бўйича бюджет сиёсатини белгилайди, бюджет ташкилотлари эса устуворли тўловларни амага ошириш учун жавобгардир;

- Молия органи турли тоифадаги тўловлар ва пул тушумлари учун сана ва шартларни, шунингдек, тўлов шакли ҳамда кредиторлик ва дебиторлик ҳисобварақларини бошқариш тартибини белгилайди;

- Ҳазначилик банклар билан Ҳазначилик ўртасида тузилган банк хизматлари кўрсатиш учун шартномани бошқаради;

- Давлат мақсадли жамғармалари (ДМЖ) ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларини кассавий бошқариш жараёнига киритиш ХТРларсиз амалга оширилади.

Кассавий режалаштириш ва бошқаришнинг янги жараёни қуйидаги қоидалардан таркиб топади:

- фоизлар ёки қарзни қайтариш ва молиявий воситаларни харид қилиш билан боғлиқ бўлмаган харажатларга бюджетни тасдиқлаш муносабати билан юзага келадиган прогноз қилинадиган тўловларни акс эттириш учун касса режалари сўмда ва хорижий валютада белгиланади. Касса режалари республика бюджети учун, ҳар бир вилоят ва туман бюджети учун, шунингдек, ҳар бир бюджет ташкилоти учун белгиланади;

- касса режалари харажатлар сметаларига мувофиқ тузилади ва улар молия йили учун тегишли харажатлар таснифини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Улар тўловларни амалга оширишнинг тасдиқланган навбати ва санаси билан ҳам мувофиқлаштирилади;

- Ҳазначилик, шу жумладан, унинг маҳаллий бўлинмалари бюджет ташкилотига Молия вазирлиги ва молия органларига йил учун бошланғич касса режаси белгилангунга қадар маслаҳатлар беради. Кассавий режалаштириш ва пул маблағларини

бошқариш бюджетни самарали ижро этишнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади, чунки бюджетни тайёрлаш ва бюджет бўйича ҳисоботларни тайёрлаш ҳисоблаб ёзиш усули билан амалга оширилади, бюджетни бошқариш эса, биринчи галда, пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш мақсадини кўзлайди ва қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Маблағларни йиғиш. Даромадлар воситачи орқали ёки тўғридан-тўғри тўлиқ ўтказилишини ва мумкин қадар самарали ҳисобга олинишини таъминлаш.

2. Тўплаш. Бюджет ижроси ЯФХ орқали амалга оширилади. ЯФХ маблағларнинг бирлаштирилган жамғармалари мавжуд бўлишини назарда тутаяди — яъни Фазначилик барча маблағларни ўз бошқаруви остида ушлаб туради. Ушбу сиёсатнинг оқибати ўлароқ Фазначилик хизматларни бошқариб, улар орқали у барча йиғилган маблағларни олади. ЯФХ нинг учта асосий модели мавжуд бўлишига қарамай, кўпинча марказлашган, бошқа вазирликлар ёки идораларни алоҳида тўлов воситалари асосида маблағлар ажратиш ваколатларидан амалда маҳрум этувчи модель учрайди. ЯФХ нинг пассив моделида идоралар ёки вазирликлар тўлов воситаларини барпо этишлари мумкин, лекин улар ЯФХ га қўйилади — ушбу идораларда маблағларни сарфлаш ваколати мавжуд, аммо тўлаш ваколати мавжуд эмас. Кўпинча, бюджетдан ташқари жамғармалар (БТЖ) ЯФХ нинг бир қисми ҳисобланади; уларнинг касса позицияси ҳамон назорат қилиниши керак, чунки Марказий банкнинг ликвидлик тўғрисидаги ахбороти давлат бошқарувининг бутун секторини қамраб олиши лозимлиги тўғрисида талаб қўяди. Баъзан ЎЗР Марказий банки Молия вазирлигидан фақат бюджет жамғармасининг ликвидлиги бўйича ахборотни талаб қилади. Фазначилик ЯФХ операцияларини, ликвидликни бошқаришга нисбатан ёндашувларни тушуниш керак. Барча вазирликлар ва идоралар бўйича маблағлар оқимидаги фарқларни тенглаштириш мумкинлиги маблағларни бирлаштиришнинг яққол устунлиги бўлиши мумкин. Бу қисқа муддатли қарзларни олишга, эҳтиёжларга барҳам бериши керак, чунки вақтинчалик ортиқча маблағлар иккита идорада маблағлар тақчиллигини қоплаши мумкин. Бу, шунингдек, ликвидликни қўллаб-қувватлаши лозим бўлган

нақд маблағлар миқдорини ҳам камайтиради. Маблағларни марказлаштирилган тарзда жамлашнинг бундай таркиби кас-савий бошқаришнинг қадрини оширади ва тўловларни ташкил этиш, маблағларни йиғиш ва маблағларни амалда ажратиш-нинг энг самарали тартибидан фойда олиш имконини беради.

3. Маблағларни амалда ажратиш. Маблағларнинг амалда ажратилганлиги тўғрисидаги ахборотга эга бўлиш бюджетдан фойдаланувчилар ва молияни бошқариш тизими билан доимий алоқани ушлаб туришни талаб қилади.

Асосий метёрий ҳужжатларни бажаришда харажатларни мувофиқлаштириш, шу жумладан, харажатларнинг тасдиқ-ланган режалари ёки ижроия ҳокимиятнинг бошқа сиёсий ёзма ҳужжатлари асосида маблағларнинг ойлик ажратилишини тасдиқлаш ваколоти.

Тавсиялар киритиш ва иш ҳақи, пенсия тўловлари ва қарз-нинг асосий суммаси бўйича тўловлар каби йирик харажатлар учун муддатлар тўғрисидаги метёрий ҳужжатларни таклиф қилиш.

4. Прогноз қилиш. Касса киримлари ва касса чиқимларини прогноз қилиш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни такомиллаштириш устида доимий равишда ишлаш. Уларни ишлаб чиқишда ички ва ташқи қарзларни ҳисобга олиш.

5. Мувофиқлаштириш. Прогноз ва амалдаги киримлар ҳамда чиқимлар ҳақидаги ахборотни тақдим этиш. Даромад-ларни харажатлар билан мувофиқлаштириш ва прогнозлар билан мувофиқликни таъминлаш учун натижалар монито-рингини юритиш.

6. Инвестициялаш. Умуман олганда, қўйилган давлат бўш маблағлари фоизлардан олинадиган даромадларни оптимал-лаштиришни ва пул маблағларининг ортиқчалигига барҳам беришни англатади — бунинг учун касса оқимларини прогноз қилиш асосида қисқа, ўрта ва узоқ муддатли инвестициялаш стратегиялари зарур. Кассавий режалаштириш ва бошқариш тўртта асосий унсурни ўз ичига олади:

1. Бюджет ижроси учун маблағларни ўз вақтида ажратиш.
2. Даромадлар прогнозлари ва харажатлар режалари асосида касса оқимларининг прогнозларини ишлаб чиқиш.
3. Ушбу прогнозлар мониторингини юритиш ва уларни амалдаги талаблар билан солиштириш.

4. Давлат қарзини чиқариш ва тўлаш ҳамда бюджет тадбирларини энг фойдали шартларда молиялаш учун қисқа муддатли ортиқча маблағларни инвестиция қилиш.

Кассавий режалаштириш ва бошқариш фақат даромадлар прогнозлари ва харажатлар режалари ва тузатишлар кириштишнинг тезкор механизмларининг уйғунлашуви сифатида яхши ишлайди.

Пул маблағларини назорат қилиш макроиқтисодий ва бюджетни бошқаришнинг асосий унсури ҳисобланади. Шунга қарамай, бюджетни бошқариш мақсадида ушбу назоратни мажбуриятларни бошқаришнинг тегишли тизими билан тўлдириш лозим.

Бюджетни самарали бошқариш мақсадида қуйидаги шарт-шароитларни таъминлаш зарур:

- тўловларни шартнома шартларига мувофиқ талабнома-лар бўйича амалга ошириш;

- даромадларнинг ўз вақтида келиб тушиши;

- операция харажатларини минимал ҳолатга келтириш;

- энг кам фоиз ставкалари бўйича қарзлар ёки даромад келтирувчи капитал қўйилмалар йўли билан қўшимча пул маблағлари олиш. Бундан ташқари, тўлов муддатларини аниқ назорат қилиш йўли билан тўловларни ўз вақтида амалга ошириш лозим. Ҳозирда ҳукумат, кўпинча, пул маблағларини бошқариш масаласига кераклича эътибор қаратмайди. Бюджет ижроси ва пул тушумларини бошқариш таомиллари қонунийлик ва мувофиқлик масалаларига қаратилади, айни пайтда, нақд маблағларга бўлган ҳар кунлик эҳтиёжларни Марказий банк қондиради. Бюджет ташкилотлари қарз маблағларидан манфаатдор эмас, чунки уларнинг фоизлар бўйича тўловлари Молия вазирлиги томонидан тайёрланган бюджетда ҳисобга олинган. Марказлашмаган режалаштиришда, хусусан, фойдаланилмайдиган нақд маблағлар фоизлар бўйича бой берилган фойдалар туфайли зарарлар келтириши, шунингдек, нақд ресурсларнинг етишмаслиги туфайли маблағ жалб қилиш фоизлар бўйича тўловлар кўринишидаги келгуси харажатларни ошириши старлича баҳоланмаган. Бундан ташқари, давлат секторининг маблағ жалб қилишига қўйиладиган талабларни қўллаб-қувватлашда ва пул-молия сиёсатини амалга оширишда

пул маблағлари ва қарзларни бошқаришнинг аҳамияти ҳисобида олинмаган. Шунга қарамай, маблағ жалб қилиш харажатлари туфайли ва банклар томонидан ҳукумат учун ажратиладиган кредитлар муҳим макрѳиқтисодий кўрсаткич ва молиявий дастурларни бажариш мезони ҳисобланганлиги боис, шунингдек, Марказий банк ва Давлат бюджети функцияларининг бўлиниши тобора ортиб бориши муносабати билан пул маблағларини самарали бошқариш муҳим омилга айланиб бормоқда. Пул маблағларини бошқаришга бюджет кўрсаткичларини яхшилашдан манфаатдорлик ҳам таъсир кўрсатади ва айрим мамлакатлар бюджет ташкилотларининг пул маблағлари билан операциялар учун жавобгарлигини ошириш мақсадида бир вақтнинг ўзида умумий бюджет интизомини мустаҳкамлаган ҳолда ислохотларни амалга оширади.

Пул маблағларини самарали бошқариш мақсадида Ҳазначилик векселлари ва давлат облигациялари бўйича кимошди савдолари муддатларини, шунингдек, бюджет ташкилотларига маблағларни ўтказиш муддатларини аниқлаш учун нақд маблағлар оқимини ойлик тақсимлашни баҳолашни ўтказиш зарур. Қарзни қайтариш ва иш ҳақини тўлашнинг ойлик прогнози, умуман олганда, катта муаммоларни келтириб чиқармайди. Бошқа харажатларга нисбатан тўлов муддатларини солиштириш босқичида мажбуриятлар ва харажатлар ҳисобини юритиш зарурати мавжуд. Амалиётда буни фақат бюджет ташкилотлари амалга оширишлари мумкин. Марказлаштирилган тўловлар тизимида Ҳазначилик бюджет ташкилотларидан олинган ахборот асосида йирик тўловлар бўйича (масалан, айрим инвестиция лойиҳалари) прогнозларни тузишга эътиборни қаратиши, бошқа тўловлар сметаларини эса фақат умумий кўринишда тузиши лозим. Ойлик прогнозлар ҳар ҳафтада қайта кўриб чиқилиши ва янгиланиб турилиши зарур. Бунинг учун аксарият мамлакатларда тегишли ташкилотлардан тузилган Ҳазначилик кўмиталари мавжуд бўлиб, унинг мажлислари ҳар ҳафтада ўтказилади. Бундай чоратадбирлар пул маблағларини бошқаришни яхшилаши мумкин.

Бюджетнинг самарали ижросини таъминлаш ва харажатларни бошқаришни яхшилаш учун ҳам жорий, ҳам инвестиция бюджетларини қамраб олувчи йиллик молиявий режалаш-

тириш тизимини ишлаб чиқиш зарур. Мазкур тизим қуйидаги-ларни ўз ичига олади:

- пул маблағларини йиллик прогноз қилишнинг тегишли методикасини барпо этиш;

- аниқ харажат сметаларини тақдим этувчи ва нақд пулларнинг ўз вақтида келиб тушишини, шунингдек, қарзларга бўлган эҳтиёжларни таъминловчи пул маблағларини бошқариш органини ташкил этиш;

- Молия вазирлиги ва бюджет ташкилотлари ўртасида ахборот алмашуви таомилларини барпо этиш.

Ҳозирги вақтда молия органлари тартибсиз равишда даромадлар ва қисқа муддатли қарзлардан олинадиган маблағларнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда молиялаш учун талабномалар асосида бюджет ижросининг молиявий режаларини ишлаб чиқмоқда. Ушбу режалар, айниқса, иш ҳақи ва бошқа шунга ўхшаш моддалар бўйича биринчи галдаги тўловлар учун ҳар ойнинг дастлабки беш куни мобайнида нақд пул маблағларининг ой мобайнидаги ҳаракатини, шунингдек, ой охирида кутилаётган солиқ тушумларини ва тўловларни молиялаш учун ой бошида олинган қисқа муддатли қарзларни қайтариш учун нақд мавжуд маблағларни прогноз қилади. Бюджет ижроси режаларининг шунга ўхшаш ойлик унсурлари мунтазам умумлаштирувларсиз тегишли молиявий органлар даражасида тузилади.

Йиллик бюджетдан ажратилган маблағлар чораклар (сметалар) бўйича бўлинади, сўнгра бюджет ташкилотлари ўзининг молиялаш учун ойлик талабномаларини чораклик маблағ ажратилишига мувофиқ тақдим этадилар. Ушбу талабномалар Молия вазирлигининг органларига ёки минтақалар молия бошқармаларига юборилади, улар эса нақд маблағларнинг мавжудлигига қараб бюджет ташкилотларининг банк ҳисобварақларига маблағлар ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишади. Бюджет ташкилотлари маблағлар мавжудлиги тўғрисида бевосита хабар олганларидан сўнг тўлов топшириқномаларини тўғридан-тўғри тегишли банкларга юборади. Ҳукумат органларига нисбатан маблағларнинг мавжудлиги тегишли даражадаги кўрсатма берувчи орган (Молия вазирлиги, минтақа)да даромадларнинг мавжудлиги билан белги-

ланади. Бундан ташқари, бу давлат бошқаруви тизимининг бўғинлари ўртасидаги қисқа муддатли қарзларнинг мавжудлиги билан ҳам белгиланади. Қисқа муддатли қарзлар уларни яқин муддатларга прогноз қилинаётган тушумлар ҳисобидан қайтариш асосида ҳужжатлаштирилади. Айрим ҳолатларда бюджет ташкилотлари бир ойда молиялаш учун 3-4та талабномани тақдим этади ва ушбу талабномалар тўловлар устуворлигига боғлиқ.

Бюджет ташкилотлари ўзларининг тўлов топшириқномаларини бевосита банкларга жўнатиши туфайли молия органлари маблағларнинг бюджет ташкилотларининг ҳисобварақларига ўтказилиши ва тўланиши ўртасидаги даврла тўлаш жараёнини назорат қилмайди. Мазкур босқичда тўлов топшириқномаларини текшириш банклар томонидан амалга оширилиши лозим. Лекин, бошқа омиллар бўйича банклар ўз мижозларининг ваколатлари устидан оддий банк назоратидан бошқа назоратни амалга оширмайди.

Ҳозирги вақтда пул маблағларини бошқариш уларни кредиторлик қарзларининг турли тоифалари бўйича тўловлар учун тақсимлашга қаратилган. Иш ҳақи ва жисмоний шахсларнинг даромадларини шакллантирувчи бошқа тўловларнинг ўз вақтида ёки белгиланган муддатдан сўнг бир неча кун ичида, шу жумладан, қисқа муддатли қарзларни расмийлаштириш йўли билан тўланишини таъминлаш чоралари кўрилган. Муддати ўтган тўловларни тартибга солиш тўғрисидаги қарор марказлашмаган асосда қабул қилинади. Вазирлар Маҳкамасининг 414-сонли қарори молиявий раҳбарларнинг муддати ўтган тўловларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун шахсан жавобгарлигини назарда тутди. Бундан ташқари, етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар муддатлари мавжуд пул маблағларининг ҳисобини юритувчи молиявий раҳбарлар томонидан муҳокама қилинади ва муддати ўтган тўловларни тўлаш мақсадида бюджет ташкилотларига бюджет жамғармаларини қайта тақсимлашга рухсат берилади, бунинг натижасида муддати ўтган тўловлар муаммоси ўз ечимини топади.

Марказий банкдан олинадиган кунлик ҳисоботлар маъналар йиғиндисини акс эттириб, қарзларга бўлган эҳтиёжларни намоён этади. Бироқ, амалиётда бунинг самараси унчалик

катта эмаслиги аён бўлмоқда. Ҳар ойда дастлабки асосда ва ҳар чоракда якуний асосда тақдим этиладиган кредиторлик қарзлари бўйича ахборот фақат бюджет таснифига мувофиқ ва бюджет ташкилотлари бўйича белгиланган. Боз устига, дебиторлик қарзлари тўғрисидаги батафсил ахборот солиқ органларида қолади ва молиявий муассасалар дебиторлик қарзларини бошқаришни пул маблағларини бошқариш билан биргаликда амалга оширолмайди. Шунга қарамай, солиқ органлари тизимида қарздорлар тўғрисида таҳлилий ҳисоботлар тузилади.

Банк ҳисобварақларининг сони, уларни молиялаш ва улардан фойдаланиш усуларининг кўплиги туфайли мавжуд пул маблағларидан фойдаланишни оптималлаштириш учун банк қолдиқлари тўғридан тўғри мувофиқлаштирилмайди. Масалан, фақат бир (Самарқанд) вилоят бўйича бир неча мингдан ортиқ банк ҳисобварақларидан фойдаланилган. Иккинчи томондан, банклар ҳар куни молия органларига ҳисобварақлардаги қолдиқлар тўғрисида хабар беради, ушбу қолдиқлар молия органлари томонидан уларни молиявий режалаштиришда ва пул маблағларини ажратишда ҳисобга олинади. Демак, фойдаланилмаган қолдиқлар муаммоси, шу жумладан, бюджетдан ташқари банк ҳисобварақларидаги қолдиқлар муаммоси ҳам катта эмас. Нақд маблағларни нормалаш кенг тарқалган ҳолат ҳисобланади, бюджет ташкилотларида ўз банк ҳисобварақларида ҳам, темир сандиқларда ҳам пул маблағларини сақлаш зарурати пайдо бўлади, бу ҳол пул маблағларини бошқариш муаммосини мураккаблаштиради. Молия органлари сейфларда сақланадиган банкнот кўринишидаги пул маблағларининг суммалари ҳақида ахборотга эга бўлмайди.

Марказий банк ва Молия вазирлигининг ходимларидан иборат ишчи комиссия ҳар бир ой учун нақд маблағларга бўлган эҳтиёжларни ўрганиб чиқиши ва давлатдан олиннадиган қарз суммасини белгилаши таклиф этилади. Ушбу суммани аниқлашда бир ой учун баланс ҳисобварақларнинг очилиши, бир ой мобайнида кутилаётган даромадлар ва бир ой мобайнида харажатларга бўлган эҳтиёжлар ҳар томонлама баҳоланиши керак. Шу билан бирга, ликвидли қолдиқлар, шу жумладан, бюджет ташкилотларидаги мавжуд донорлик маблағларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Бюджет ваколатларини ажра-

тишда минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органларининг қисқа муддатли эҳтиёжлари, шунингдек, қутилмаган харажатлар учун захирага бўлган эҳтиёжлар каби юқори хатар гуруҳларига катта эътибор қаратиш лозим. Ушбу захира ҳажми умумий эҳтиёжлар доирасида белгиланиши керак.

Ҳазначилик таркибида Пул маблағларини бошқариш бўйича бўлинмани ташкил этиш молиявий режанинг навбатдаги таркибий қисми ҳисобланади. Мазкур бўлинманинг асосий мақсади умуман харажатлар устидан назорат қилиш, бюджет ижросига зарур ҳисобланган пул маблағларини ташқи молиялашни илжи борича жалб қилмасдан топиш ва унинг самарадорлигини таъминлашдан иборат. У, шунингдек, харажатлар меъёрларини аниқлаш ва бюджет ташкилотларига нақд маблағларни ажратиш меъёрларини белгилаш учун асосларни таъминлайди. Пул маблағларини бошқариш бўлинмаси бюджет ижросининг режасини тўлдириш мақсадида тўртта асосий функцияни бажаради:

- даромадлар прогнози ва харажатлар режаси асосида нақд пул маблағларининг ҳаракатини таҳлил қилиш;
- маблағларнинг ўз вақтида ажратилишини баҳолашга кўмаклашиш;
- нақд пул маблағлари ҳаракатини ҳақиқий талаблар билан солиштириш натижасида уларни прогнозлари мониторингини юритиш;
- қарзнинг тегишли таркибини аниқлаш.

Пул маблағларини бошқариш бўлинмасининг биринчи галдаги вазифаси даромадларнинг янги прогнозларини, харажатлар прогнозларини ва молиялашга бўлган эҳтиёжларни доимий равишда таққослаш ва таҳлил қилиш йўли билан келгуси ойда ва кейинги ойларда амалда ижро этилиши мумкин бўлган бюджет фоизини баҳолашдан иборат.

Пул маблағларини бошқариш бўлинмаси учун ахборот оқими қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

— ҳам солиқ, ҳам солиқдан ташқари манбалардан даромадларнинг прогнози ва амалдаги келиб тушиши. Ҳозирги вақтда тушум ахборотини банк тизими беради. Ягона ғазна ҳисобварағи барпо этилганидан сўнг пул маблағлари ушбу ҳисобварақлари орқали келиб тушади:

– бюджет ташкилотлари, бюджетдан ташқари жамғармалар ва Давлат инвестиция дастурлари учун прогноз ва амалдаги тўловлар;

– ички ва ташқи манбалардан қарз даражаси, шу жумладан, асосий қарз суммаси ва фоизларни тўлашнинг талаб этиладиган муддатлари;

– макроиқтисодий ривожланишдаги ўзгаришлар тўғрисида ахборот. Ушбу ахборот Давлат солиқ ва божхона қўмиталари, Иқтисодиёт вазирлиги ва Марказий банк томонидан тақдим этилади;

– турли хилдаги ахборотлар олингач, пул маблағларига нисбатан бўлажак прогноз талабларда фойдаланиш учун маълумотлар базасини барпо этиш зарур;

– Ҳазначилик векселлари ва облигацияларни чиқариш учун масъул бўлган бошқа бўлинмалар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

Пул маблағларини бошқариш бўлими учун зарур бўлган маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

Тушумлар:

Солиқ тушумлари. Уларда солиқлар суммалари, уларни тўлаш муддатлари ва таомиллари белгиланган солиқлар тўланишини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини тушуниш.

Солиқдан ташқари тушумлар. Йиғимларни тартибга солувчи қоидалар ва уларда активларни сотишдан келадиган тушумлар сингари солиқдан ташқари даромадларни тасарруф этиш тартиби белгиланган бошқа қонунларни билиш. Ўз навбатида, солиқдан ташқари тўловларнинг айрим турлари доимий бўлиб, аввалги йиғимлар асосида прогноз қилиниши мумкин, айти пайтда, бошқа йиғимлар мунтазам эмас ва шунинг учун уларни олдиндан айтиб бериш мушкул.

Грантлар. Грантлардан келадиган тушумларни аниқ прогноз қилиш мақсадида грантлар ва шартномаларни тузиш тўғрисидаги келишувлар билан танишиб чиқиш лозим.

Қарзлардан тушумлар. Агар маблағлар узоқ муддатли қарзлардан келиб тушса, тушумлар суммалари ва муддатлари тўғрисидаги ахборот ушбу шартномалардан олиниши керак. Ҳазначилик векселларини чиқариш ёки банк кредитлари сингари қисқа муддатли қарзлар битимларни режалаштириш ва соф пул тушумларини прогноз қилишга асосланади.

Тўловлар:

Операция харажатлари. Компенсация тўловлари (масалан, хизматчиларнинг иш ҳақи, стипендиялар ва пафақалар)нинг суммалари ва муддатларини белгилаш баҳолашнинг энг содда усули ҳисобланади. Одатда, улар барқарор бўлиб, мунтазам тўланади. Етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш, хизмат сафарлари ва коммунал хизматлар каби позициялар бўйича бошқа операция харажатлари даврий равишда амалга оширилади ва шунинг учун аввалги усуллар асосида прогноз қилиниши мумкин;

Капитал харажатлар. Жиҳозлар харажатлари, объектлар қурилиши, асосий воситаларни таъмирлаш ва харид қилишни улар мунтазам эмаслиги туфайли прогноз қилиш қийин. Шунинг учун прогнозлар Давлат инвестиция дастурларининг хусусиятларига асосланиши керак.

Асосий тўловлар ва фойзаларни тўлаш. Улар тузилган келишувларга асосланади ва мунтазам бўлиши шарт эмас. Шунинг учун тўловлар муддатлари ва ҳажмларини аниқлаш мақсадида барча келишувларни ўрганиб чиқиш лозим.

Трансфертлар, грантлар ва субсидиялар. Асосан маҳаллий бюджетларга ёки махсус жамғармаларга грантлар ва субсидиялар тўловлари тасдиқланган бюджет асосида ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Шундай бўлса-да, тўловлар муддатлари ва суммалари ҳақида гапирилган қонунлар ва қоидалар билан танишиб чиқиш зарур.

Қарзлар. Қарзлар, одатда, бюджет ташкилотлари ва давлат бошқаруви органлари ўртасидаги қисқа муддатли қарзларни ўз ичига олади. Ушбу тўловлар мунтазам эмас ва пул жамғармаларининг жорий ҳолатига асосланиши керак.

Кутилмаган харажатлар. Ушбу тоифа ҳукумат кафолати остида олинган қарзлар бўйича шартли мажбуриятларни, шунингдек, табиий офатлар ёки давлат инқирозга учраган ҳолатларда талаб этилиши мумкин. Мазкур позиция учун уни кутилмаган харажатлар захирасига киритиш энг мақбул вариант ҳисобланади.

Ҳазначилик, Ягона ғазна ҳисобварағининг (ғазна ҳисобварақлари) ташкил этилиши ҳар томонлама молиявий режалаштириш жараёни билан бир қаторда пул маблағларини самарали

бошқаришга кўмаклашади. Бу банк хизматларининг самарасизлиги муаммосини тезда ҳал этиш, хусусан, банк ҳисобварақларида ортиқча маблағлар тўпланиб қолишига барҳам бериш имконини беради. Бироқ молиялаш борасида камроқ муаммоларга дуч келувчи бошқа мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ушбу салоҳиятга эришиш учун пул маблағларини бошқаришнинг тўлақонли тизими талаб этилиши мумкин.

Хулоса сифатида бюджет ижросини йиллик режалаштириш асосида кассавий режалаштириш ва бюджет пул маблағларини бошқариш улар иккита:

- даромадлар ва харажатларни кассавий режалаштириш;
- пул маблағларини кассавий бошқариш каби катта қисмдан иборат эканлигини айтиш мумкин.

3.2. Давлат бюджети ижросининг даромадлари ва харажатларини кассавий режалаштириш

Даромадлар ва харажатларни кассавий режалаштириш вақт ҳамда миқдор бўйича тушумлар механизми ва ушбу иккита параметр бўйича маблағлар чиқимига доир ахборотни ўзида мужассамлантиради. **Бюджетни кассавий режалаштириш – бу даромадлар тушумлари прогнозлари, харажатлар режалари йиғиндиси ҳамда уларга тузатишлар киритишнинг тезкор механизмидир.** Шунинг учун бюджет пул маблағлари даромадлари ва харажатларини тўғри кассавий режалаштиришни ташкил этиш Ягона ғазна ҳисобварағи функциясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Даромадлар ва харажатларни кассавий режалаштириш мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- бюджет пул маблағларининг самарали бошқарилишини таъминлаш;

- давлат бошқаруви органларига сиёсий қарорлар қабул қилиш учун касса позицияси ва касса оқимлари тўғрисида дастлабки ахборотни тақдим этиш. Бундай ахборот, масалан, иқтисодиётни молиялаштириш ва инвестициялаш, шунингдек, бюджет даромадларини камайтириш ёки ошириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш учун зафур. Ушбу мақсадларга эришиш механизмининг асосий мазмуни қуйидагилардан иборат бўлади:

- Ҳазначилик умумий кассавий режалаштириш масъулия-тини ўз зиммасига олиб, касса режаларини бошқаради ва янгилайди, шунингдек, кассавий режалаштириш кўмитасининг ҳафталик мажлисларига бошчилик қилади ва Молия вазирлиги олдида ҳар ҳафтада касса режалари бўйича ҳисобот беради;

- молия органлари, Давлат божхона, солиқ кўмитаси ва Марказий банк вакилларида иборат Кассавий режалаштириш кўмитасини тузади ва касса режаларини янгилаш масалалари тўғрисида келишиб олиш учун ҳафталик мажлисларни ўтказади;

- Ҳазначилик Марказий банк билан вазият юзасидан маслаҳатлашган ҳолда қарзни қайтариш бўйича ва белгиланган даромадни келтирувчи молия воситаларини харид қилиш учун умумий тўловларни, шунингдек, фоизлар ва дивидендлар, қарз мажбуриятлари ҳамда белгиланган даромадни келтирувчи молия воситаларини сотишдан келадиган тушумларни прогноз қилади;

- Молия вазирлигининг молия органлари бошқа сўмдаги бошқа молиявий воситаларни (хусусан, акцияларни) харид қилиш ва сотишни, қарзни қайтариш бўйича ва молия воситаларини харид қилиш учун валюта тўловларини, шунингдек, фоизлар ва дивидендлар, қарз мажбуриятлари ҳамда белгиланган даромадни келтирувчи молия воситаларини сотишдан келадиган тушумларни прогноз қилади;

- Молия вазирлиги ва молия органлари ДСҚ ва ДБҚ билан келишган ҳолда, даромадлар тушумлари бўйича прогнозларни чиқариб, уларни Ҳазначиликка тақдим этади;

- Ҳазначилик бюджет ташкилотлари (БТ) билан маслаҳатлашган ҳолда солиқдан ташқари тўловлар соҳасини ишлаб чиқади, улар бошқа жорий даромадлар ва капитал тушумлар билан боғлиқ прогноз қилинаётган пул тушумлари учун асос бўлади;

- Давлат мақсадли жамғармалари (ДМЖ) ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ёки жамғармалари (БТЖ) кассавий режалаштириш жараёнига киритилади. БТ ва ДМЖнинг барча харажатлари бюджет таснифи харажатларининг моддаларига мувофиқ касса усули асосида

аниқланади. Касса усули бўйича харажатлар тасдиқланган маблағ ажратилишидан ортиқча бўлмаслиги керак. Шундай қилиб, маблағлар ажратиш тўловларни тўғридан-тўғри назорат қилмаса-да, лекин, аксарият тўловлар маблағ ажратилган харажатлардан келиб чиққанлиги боис, маблағлар ажратиш ва тўловларни назорат қилиш ўртасида жипс алоқа мавжуд. Маблағ ажратиш прогноз қилинаётган даромадларни ҳам назорат қилмайди, шунинг учун маблағ ажратиш тушумлар билан боғлиқ эмас. Харажатлар сметалари йиллик маблағ ажратишлар ёйилмаси бўлганлиги боис, маблағ ажратишлар бўйича юқорида санаб ўтилган изоҳлар харажатлар сметаларига ҳам тааллуқли.

Вазирлар Маҳкамаси бюджет таснифига мувофиқ тузилган тўловларни амалга оширишнинг навбатма-навбатлиги тартибини тасдиқлайди. Молия вазирлиги тўловлар умумий сонининг кўпи билан 70 фоизини қамраб олувчи тўловлар навбати графигини юритади. Тўловларни амалга оширишнинг навбатма-навбатлиги тахминан қуйидаги кўринишга эга бўлади: фоизларни тўлаш, қарзни қайтариш, хизматчилар учун тўловлар, ижтимоий таъминот нафақалари ва дори-дармонлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш, коммунал хизматлар бўйича тўловлар.

Бюджет ташкилотлари тўловлар навбати бузилмаслиги учун жавобгардир. Сўмдаги барча тўловлар, шу жумладан, БТ, ДМЖ ва БТЖ бўйича тўловлар ЯҒҲдан амалга оширилади. Хорижий валютадаги барча тўловлар, шу жумладан, БТ, ДМЖ ва БТЖ учун мўлжалланган тўловлар Ғазначилик назорат қилалиган банк ҳисобварақларидан амалга оширилади.


Пул маблағларини кассавий режалаштириш энг мураккаб жараёнлардан бири бўлиб, у ушбу соҳадаги ижрочилар ва экспертлар зиммасига юқори масъулиятни юклайди.

Қуйидаги чизма пул маблағларини кассавий режалаштиришда мунтазам келиб тушиши ва қайта ишланиши лозим бўлган ахборотни тасвирлайди.

Ушбу схемадан келиб чиққан ҳолда бюджет пул маблағларини кассавий режалаштиришни шартли равишда бешта асосий таркибий қисмга ажратиш мумкин:

— даромадлар прогнозлари ва харажатлар режалари асосида касса оқимларининг йиллик режасини ишлаб чиқиш;

Пул маблағлари касса оқимларини режалаштириш чизмаси



3.1-чизма. Пул маблағлари касса оқимларини режалаштириш

- манбалар бўйича Ягона ғазна ҳисобварағига даромадлар тушумларини ташкил қилиш;
- бюджет харажатларини ижро этиш учун маблағларнинг ўз вақтида ажратилишини таъминлаш;
- амалдаги ижро мониторингини юритиш ва уларни режа маълумотлари билан солиштириш;
- эмиссия ва давлат қарзини қайтариш, қисқа муддатли ортиқча маблағларни энг қулай шартларда бюджет тадбирларини молиялаш учун йўналтириш.

Юқорида санаб ўтилган барча таркибий қисмлар ўзаро чамбарчас боғланган бўлиб, улардан қайсидир бирини кассавий режалаштиришнинг бошқа таркибий қисмларидан ажратилган ҳолда кўриб чиқиш жараёнларнинг кечишини тўлиқ акс эттирмайди, ишлаб турган таркибий қисмни олиб ташлаш эса пул маблағларини режалаштириш ва бошқаришнинг бузилишига олиб келади.

Бюджетнинг даромадлари ва харажатларини кассавий режалаштириш бу даромад ва харажатларнинг ҳамда маблағ жалб қилиш касса режаларининг умумлашган қўринишидир.

Касса режаси – бу ўтган давр асосида тузилган ва келгуси давр ўзгаришларини ҳисобга олган умумий даромадлар ва харажатлар прогнози ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг келгусидаги тўловларидир. У Ҳазначиликнинг Ягона ғазна ҳисобварағидан ўтувчи молиявий оқимларнинг кунлик прогнозларини кўрсатади. Йил боши ҳолатига кўра касса режаси бюджетнинг тузилиши лозим бўлган даромадлар ва харажатлар ёйилмаси билан мувофиқлаштирилиб, тушумлар бўйича вазиятнинг ўзгаришига ва амалга ошириладиган харажатларнинг долзарблигига қараб доимий равишда қайта кўриб чиқилиши лозим.

Бюджет даромадлари ва харажатлари ёйилмаси унга кўра бюджетга тўловлар амалга ошириладиган, бюджетдан маблағ олувчиларга маблағлар бериладиган, шунингдек, ижрочилар ҳаракатларининг тўғрилиги назорат қилинадиган ҳужжатни ўзида намоён этади. У даромадлар ва харажатларнинг ҳар ойга бўлинган чораклик прогнозларини акс эттиради.

Ёйилманинг даромад қисмини ишлаб чиқиш учун юзага келган макроиқтисодий кўрсаткичлар, солиқлар ставкалари, прогноз қилинадиган давр даромад кўрсаткичлари базасининг ўзгариши маълумотларига тўғриланган ўтган давр маълумотлари асос бўлиб хизмат қилади.

Унинг харажат қисмини ишлаб чиқиш учун эса, харажатлар сметаси асос вазифасини ўтайди. Харажатлар сметалари харажатлар моддаларининг ҳажмини, мақсадли йўналишларни, сақлаб туриш ва муайян тадбирларни амалга ошириш учун бюджетдан бериладиган маблағларнинг ҳар ой бўйича тақсимланишини белгилаб беради. Улар харажатлар таснифига мувофиқ бошқа харажатлар ва ҳисоб-китобларнинг тўлиқ талқинини ўз ичига олувчи иловали харажатлар гуруҳлари бўйича тузилади.

Касса режаларини тайёрлаш даромадлар, тўловлар келиб тушиши ва мажбуриятлар мониторингини ўтказишни талаб қилади. Ушбу режалар Ягона ғазна ҳисобварағи бўйича тўловлар учун пул маблағларининг ҳар ойлик ўтказилишини

аниқлашда фойдаланилади. Улар тушумларни прогноз қилиш ва ўтган ойлар бюджетининг ижросини таҳлил қилиш учун асос ҳисобланади. Касса режаси турли манбалардан олинган ахборотни тасдиқланган бюджетлар доирасида даромадлар прогнозлари, харажатлар сметалари асосида кунлик касса оқимлари ва чиқимларининг ҳисоблаб чиқилган прогнози билан бирлаштиради. Касса режаларини тузишда давлатнинг ички ва ташқи қарллари ҳисобга олинади.

Даромадлар касса режаларидан ташқари маблағ жалб қилиш режалари ҳам тузилади. Қарз олиш режаси бу тушумлар ва харажатларнинг мувозанатлашувини таъминловчи механизм бўлиб, у пул маблағлари тушумлари ва тўловларининг прогнозлари асосида тузилади. Агар прогнозлар маблағлар сарфланиши ва тушумлар бўйича ортда қолиш ўртасида вақтинчалик узилишлар мавжудлигини кўрсатса, бошқа даражадаги бюджетларнинг вақтинча бўш турган маблағларини етишмаётган маблағларни қоплаш учун тезкор трансферт қилиш чоралари кўрилади. Агар муаммо ҳал этилмаса, яъни бошқа даражадаги бюджетлар бўш турган ресурсларга эга бўлмаса, касса маблағларининг вақтинчалик камомадини қоплаш учун мўлжалланган давлат облигациялари муомалага чиқарилади. Ушбу механизм, яъни маблағ жалб қилиш режаси билан бутун режалаштириладиган давр учун касса режасининг мувозанатлашувига эришилади.

Даромадлар ва харажатларни кассавий режалаштиришнинг таркибий қисмлари қуйидагилардан таркиб топади.

Давлат бюджетига маблағлар оқими. Давлат бюджетига маблағлар оқими солиқ даромадлари, йиғимлар ва бошқа солиқдан ташқари тушумлар, хизматлар учун тўловлар, грантлар, фонизлар бўйича тўловлар, активларни сотиш, қарз беришдан тушган тушумлардан келади.

Солиқ тушумлари. Солиқ тўлашни белгилаб берувчи қонунлар ва қоидалар мавжуд бўлиб, улар солиқлар қанча миқдорда, қачон ва қай тарзда тўланиши лозимлигини белгилаб беради. Агар солиқ янги турда бўлмай, мамлакат ҳам барқарор ҳолатда бўлса, маблағларни йиғишни баҳолаш учун келгусида ўтган даврларда маблағларни йиғиш тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Ушбу баҳо мутлақ тўғри

бўлиши мумкин эмас, айниқса, кунлик ёки ҳафталик даврдаги йиғимни баҳолаш ҳолатида, чунки солиқ тўловчи турли хилдаги босимларга дучор бўлади: пул маблағларининг мавжудлиги, бошқа сабаблар ва ҳ. к.

Солиқдан ташқари тушумлар. Солиқдан ташқари тушумлар мунтазам ёки прогноз қилинадиган асосда келиши мумкин эмас. Маъмурий йиғимлар даражасини белгилаб берувчи қонун ёки қоида, активларни сотишдан олинадиган тушумлар ёки солиқдан ташқари тушумларнинг таркибини белгилаб берувчи бошқа қонунлар ҳам бўлиши мумкин. Ўз навбатида, айрим солиқдан ташқари тўловлар ўтган даврлар учун маблағлар йиғими тўғрисидаги маълумотлар асосида прогноз қилиниши мумкин бўлган бир пайтда, бошқа тушумлар бир марталик ёки олдиндан аниқ айтиб бўлмайдиган хусусиятга эга.

Грантлар ва бошқа хайриялар. Грантлар ва бошқа хайриялардан маблағлар оқими грант келишувлари ва шартномалари билан танишиш асосида прогноз қилинади, лекин хайриялар баъзан кечроқ келиб тушади ёки тўлиқ бажарилмаганлик туфайли ушланиб турилади.

Жалб қилинган маблағлардан тушумлар. Агар маблағ жалб қилишдан тушумлар бюджетни қоплаш учун қарзлар каби узоқ муддатли қарзга тегишли бўлса, сумма ва маблағлар оқими кутилаётган вақт мавжуд келишувлар, режалаштирилаётган операциялар тўғрисидаги сўнгги маълумотлар ва қарз оқимларини ўз ичига олувчи турли ҳолатлар таҳлилидан келиб чиқиб белгиланиши мумкин. Касса оқимларини тартибга солиш учун маблағ жалб қилиш давлат қимматли ғазна облигациялари (ДҚФО) ёки банклардан тўғридан-тўғри маблағ жалб қилиш шаклида амалга оширилиши мумкин. Бундай оқимлар тўғрисидаги маълумотлар операцияларни режалаштиришга асосланади ва ушбу маълумотлар касса оқимларининг прогнозини ва эҳтимолий талаб ва қарз сиёсат сингари омилларни ҳисобга олади.

Давлат бюджетидан маблағлар чиқими. Маблағлар чиқими иш ҳақи, хизматлар, жиҳозлар етказиб бериш, асосий сармоя активлари, қарзнинг асосий суммаси ва фоизлари ҳисобига тўловларни ўзида намоен этиши мумкин. Давлат бюджетидан маблағлар чиқими операция харажатларини, жиҳозлар ва

капитал қўйилмалар учун сарф-харажатларни, қарз фоизлари ва қарзнинг асосий суммаси бўйича тўловларни, маҳаллий ҳокимият органларига субсидиялар, субвенциялар, дотацияларни, бошқа бюджет бирликларига (масалан, пенсия жамғармаси) ўтказмаларни, бошқа ўтказмаларни (масалан, корхоналар учун), кредитлар ва қарзларни, бюджетдан ташқари харажатларни (масалан, корхона ҳукумат кафолати остида олинган қарз бўйича тўловга лаёқатсиз бўлтиб қолганда) ўз ичига олади.

Операция харажатлари. Улар иш ҳақи, нафақалар ва бошқа операция харажатлари: хизмат сафарлари, коммунал хизматлар, етказиб бериш, шартномалар бўйича хизматлар ва бошқа жорий харажатлардан таркиб топади. Бунда операция харажатларини прогноз қилиш аввалги харажатлар харажатларига асосланиши мумкин, чунки йирик харажатларнинг аксарияти (иш ҳақи, коммунал тўловлар) даврий равишда амалга оширилади. Бюджет қонун чиқарувчи органга қанчалик батафсил тақдим этилса, сиёсий ўзгаришларни акс эттириш учун ўтган даврлар ҳаракатини тартибга солиш шунчалик осон.

Жиҳозлар ва капитал қўйилмалар харажатлари. Агар харажатлар учун тасдиқланган режа мавжуд бўлмаса, жиҳозлар учун харажатлар, қурилиш лойиҳалари, асосий воситаларни таъмирлаш ва харид қилишни баҳолаш нисбатан қийин, чунки улар мунтазам бўлмаслиги мумкин. Ушбу харажатларни аниқ прогноз қилишга энг кучли таъсир кўрсатувчи омил — бу бюджетни тақдим этишнинг деталлаштирилганлиги.

Фоизлар бўйича тўловлар. Фоизлар бўйича тўловлар тузилган шартномалар асосида амалга оширилади, ушбу шартномаларнинг кўпчилиги мунтазам тўловларни (масалан, қатъий ставкали купонлар бўйича) талаб қилади. Лекин ушбу тўловлар ўзгариб турувчи ставкалар ёки, масалан, қисқа муддатли қарзлар туфайли фарқ қилиши мумкин. Ўз навбатида, фоизлар бўйича тўловлар қачон ва қанча суммада амалга оширилиши лозимлигини аниқлаш учун тегишли келишувларни ўрганиб чиқиш зарур. Ҳукуматнинг ҳисоботларга нисбатан турли хилдаги талаблари туфайли фоизлар бўйича тўловлар одатда асосий сумма бўйича тўловлардан алоҳида тарзда кўрсатилади.

Асосий сумма бўйича тўловлар. Фоизлар бўйича тўловлар каби улар ҳам тузилган шартномаларга боғлиқ бўлиб, мунтазам бўлиши шарт эмас. Ушбу тўловлар, қарзлар билан боғлиқ оқимлар сингари динамик ҳисобланади ва улар билан ишлаш учун қарз муаммолари бўйича ўз ишининг усталари (тушуниш ва бошқариш) талаб этилади.

Маҳаллий ҳокимият органларига субсидиялар. Бундай субсидиялар йиллик бюджет тўғрисидаги қонунда белгила- ниши лозим. Шунинг учун бундай субсидияларни қоплаш учун чиқимлар бюджет тасдиқланганидан сўнг ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Ушбу тоифа маҳаллий ҳокимият органлари учун даро- мадларнинг умумий манбасидан маблағлар ўтказилишини ўз ичига олмайди; у салбий даромадлар бўйича ҳисоблаб чиқи- лади. Шундай бўлсада, амалиётда қайд этилишича, маҳаллий органларга субсидиялар жойларда, ЯФҲ касса бошқаруви нормал ишлаши замирида ҳал этиладиган масала бўлиши мумкин.

Бошқа бюджет бирликларига трансфертлар, грантлар, субсидиялар. Ўтиш иқтисодиёти ўзининг ўтмишида ўз пулла- рини турли жамғармалар бўйича бўлиш тажрибасига эга. Одатда, бюджет жамғармалари ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармалари (ДМЖ) сифатида маълум бўлган бошқа жамғармалар мавжуд. Бундай бўлинишнинг сабаби — бу харажатларни қонун чиқарувчи органни бошдан режалаш- тирган тарзда таъминлашга интилиш. Масалан, пенсия ажрат- малари назарий жиҳатдан олиб қаралганда йўл қурилиши учун сарфланиши мумкин эмас. Турли жамғармаларнинг мавжуд- лиги қонунчилик базасининг заифлигида ва меъёрий ҳужжат- ларда бюджетнинг ноадекват қатъий чекловлари бўлганида. БТЖ ташкил этувчи кўплаб қонунларда бюджет жамғармаси ажратмалар йиғилганидан кейин захира камомadini тўлди- риши аниқ кўрсатиб ўтилади. Бу БТЖга ўтказмаларнинг бир тури. Уларнинг иккинчи тури бу бюджет жамғармасидан пенсия жамғармасига республика бюджетининг давлат хизмат- чилари номидан мунтазам ажратмалар. Бир неча жамғармага эга бўлган бюджетни юритишнинг мақбуллиги ва тенглиги — бу қизиқarli сиёсий мунозара, лекин кассавий режалашти- риш мақсадида тўловлар муддатлари қонунчилик билан

белгиланганлиги ёки раҳбарлар томонидан белгиланишини таъкидлаш лозим.

Бошқа трансфертлар, жисмоний шахслар ва гуруҳларга кредитлар ва қарзлар, ҳамда субвенциялар. Ушбу гуруҳ марказий ҳокимият органларининг бевосита маъмурий назорати доирасидан ташқарида ташкилотларга субсидияларни ўз ичига олади. Масалан, болалар боғчаларига ёки минтақавий театрға ва musiқа гуруҳига ёхуд спорт клубига субсидиялар бўлиши мумкин. Давлатга ёки ҳатто хусусий корхонага ҳам субсидия бўлиши мумкин. Ушбу субсидияларнинг айримлари тасдиқланган бюджет таркибида бўлса, айримлари йил мобайнида тасдиқланади, балки бюджетда ҳисобга олинмайди. Лекин Молия вазирлиги ушбу трансфертларнинг миқдори ва жадвалларини назорат қилади.

Кредитлар ва жалб қилинган маблағлар. Бюджет ташкилотларининг бюджетларига кредитлар ва қарзлар қўйилмайди. Кредитлар ва қарзлар одатда, турли даражадаги бюджетларнинг қисқа муддатли касса оқимидан таркиб топади. Шунинг учун ушбу чиқимлар тўлиқ номунтазам бўлиб, турли ахборот асосида прогноз қилиниши лозим. Албатта, кредитлар ва қарзлар кредиторнинг хоҳишига кўра берилади ва агар мазкур бюджет ташкилотининг касса позицияси яхши ҳолатда бўлмаса, берилмаслиги ҳам мумкин.

Кутилмаган харажатлар. Ушбу тоифа корхона ҳукумат кафолати остида олинган кредит ёки қарз бўйича тўловга лаёқатсиз бўлиб қолган тақдирда кредитлар ва қарзларни тўлаш каби шартли мажбуриятларни, шунингдек, табиий офат ёки хавфсизликка таҳдид солинган даврда зарур бўлган кутилмаган харажатларни ўз ичига олади. Харажатлар одатий захиралар ҳисобидан қопланади. Айрим қиримлар ва чиқимлар хорижий валютада бўлиши мумкин. Кассавий режалаштириш ўз амалиётида буни валюта ҳисобварақларини юритишдаги банк харажатлари каби ҳисобга олиши зарур.

Кассавий режалаштириш учта вақт параметрига эга:

- касса режаларининг вақт оралиғи 57 ҳафтани ташкил қилиши керак, (йиллик касса режаси);
- касса режалари ҳар ҳафтада расман янгилашиб туриши лозим;

• касса режалари кейинги уч ой мобайнида ҳар бир иш куни бўйича ва шундан сўнг 57 ҳафталик вақт оралиғида ҳар ҳафтада белгиланиши зарур.

57 ҳафталик вақт оралиғи иккита сабабга кўра талаб этилади:

• бир йиллик вақт оралиғи касса режаларида қайтариш муддати бир йилдан сўнг келадиган Ҳазначилик облигациялари чиқарилишини, қисқа муддатли қарз мажбуриятлари учун энг узоқ муддатни тўлиқ акс эттириш имконини беради;

• 57 ҳафталик вақт оралиғи молия йилининг якунига кўра бир ойга қўшимча даврни киритиш учун молия йили бошида касса режаларини янгилаш ва ўтаётган йилнинг касса харажатларини тўлиқ тугаллаш имконини беради.

Давлат бюджети, республика ва маҳаллий бюджетларнинг йиллик касса режаси (даромадлар ва харажатлар) кейинги йил учун барча ҳудудлар, манбалар ва моддалар бўйича жорий йилнинг 25 декабригача тасдиқланиши керак.

Бунинг учун қуйидагилар зарур:

1. Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг параметрларини бюджети тасдиқланаётган йил бошланишидан 2 – 2,5 ой олдин тасдиқлаш;

2. Ҳар бир бюджетдан маблағ олувчи бўйича харажатлар сметаларини тасдиқлаш, шунингдек, Давлат бюджети тасдиқланаётган йил бошланишидан 20 – 35 кун олдин тасдиқланган даромадлар прогнозлари.

Бюджетдан маблағ олувчилар харажатларининг сметалари, шунингдек, кейинги йил учун даромадлар прогнозлари жорий йилнинг 10 декабригача, мавжуд бўлмаган тақдирда, шу вақтга келиб молия органлари томонидан тузилган бюджетдан маблағ олувчилар харажатлари сметаларининг дастлабки вариантлари асосида дастлабки касса режаси тузилади (жорий йилнинг 4-чораги харажатларининг ўртача ойлик ҳажми асосидаги вариант сифатида).

Ҳар ҳафталик расмий янгилашлар касса прогнозларини янгилаш ва ҳисобдан чиқариш жараёнида ҳисобдорликни таъминлаш учун зарур. Пул маблағларини бошқариш бўлинмалари ва бошқа бўлинмалар янгилашни ҳар куни ўтказиб, расмий янгилашни бир ҳафтадан кўра тезроқ амалга ошириш

амалий натижа бермайди. Шундай қилиб, касса режалари ҳар ҳафтада янгилашиб турилиш шарти билан 57 ҳафтага тузилиши керак. Қарзлар бўйича фоизлар ҳар бир иш кунинда тўланиши, ҳисобварақлардаги қарз олинган маблағлар қолдиқлари эса фоизларни тўлаш бўйича кераксиз харажатларга йўл қўймаслик мақсадида ҳар кун минимум ҳолатга туширилиши керак. Ҳар бир валюта (сўм, АҚШ доллари ва бқ.) бўйича касса режалари алоҳида касса режасига эга бўлиши керак (1-илова). Агар Ҳазначилик қандайдир валютада биттадан кўп банк ҳисобварағини назорат қилса, прогноз қилинадиган касса оқимларини мавжуд банк ҳисобварақларининг ҳар бири орқали ўртача ҳолатга келтириши лозим.

Касса режаларини янгилаш Ҳазначиликнинг мажбуриятларига киради, бу прогноз қилишнинг турли қисмлари учун шахсий жавобгарликдан фарқ қилади. Кассавий режалаштириш кўмитасининг ҳафталик мажлислари прогнозларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш учун муҳим форум ҳисобланади. Прогнознинг таркибий қисми учун масъул бўлган ҳар бир ташкилот Ҳазначиликка таркибий қисмнинг ҳақиқий натижалари таҳлилини, таркибий қисмнинг янгиланган прогнозини, бундай янгилаш учун таҳлил ва асослашни тақдим этади. Агар аввалги прогноз ва амалдаги натижалар ўртасидаги фарқ катта бўлса, у ҳолда таркибий қисмни янгилаш тўлиқ қайта прогноз қилиниши керак. Прогноз қилишни ҳар ҳафтада янгилаш жараёни прогноз ва амалдаги натижалар ўртасидаги фарқлар вақтинчалик ёки доимий ўзгаришларни акс эттириш-эттирмаслигини аниқлашга қаратилиши керак. Ҳазначилик ушбу масалани кўриб чиқиши ва маслаҳат бериши, шунингдек, аввалги прогнозлар ва амалдаги натижалар ўртасидаги фарқ тўлиқ қайта прогноз қилишни амалга ошириш учун етарли даражада катталигини аниқлаши лозим. Ҳазначилик бир йилда бир марта прогноз қилиш учун масъул бўлган турли муассасалар прогнозларининг самарадорлигини расман кўриб чиқади ва зарур ҳолларда, молия органларига самарадорликни ошириш учун қандай чоралар кўрилиши лозимлиги тўғрисида тавсия беради. Прогноз қилишнинг самарадорлигини ўрганиб чиқиш, одатда, молия йилининг сўнгида ўтказилади. Ҳазначилик кассавий прогноз қилиш

самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботи билан биргаликда топшириладиган кассавий бошқариш тўғри сидаги ҳисоботга қўшади. Вазирлар Маҳкамаси олдида кассавий прогноз қилиш самарадорлиги тўғрисидаги ҳисобдорлик прогнозлаштириш усулларини доимий равишда яхшилаб бориш учун муҳим роль ўйнайди.

Умумий кассавий режалаштириш ва унинг таркибий қисмларини прогноз қилиш мезони бўлиб, даромадлар ва харажатларга қилинган ҳамма прогнозлар ва уларга киритилган ўзгаришлар билан амалдаги касса тушумлари ва тўловлар ўртасидаги фарқларнинг даражаси ҳисобланади.

Фазначилик прогнозларнинг таркибий қисмлари учун ҳам, умуман касса режалари учун ҳам амалдаги натижаларнинг прогнозлардан фарқ қилишининг рухсат этиладиган нормаларини ишлаб чиқиши лозим. Прогнозлаштиришнинг самарадорлигини ошириш тегишли ташкилотлар ва ушбу ташкилотларда ишловчи масъул шахслар мажбуриятига қиради.

Фазначиликнинг муҳим вазифаларидан яна бири ЯФХ га даромадлар тушумлари тўғрисидаги вазифалар мажмуи тушумлар ҳисобини юритиш, келиб тушган маблағларни йўналишлар бўйича тақсимлаш ва нотўғри ўтказилган даромадларни қайтаришни қамраб олади. Ойлар бўйича тасдиқланган даромадлар прогнозлари, шунингдек, даромадлар меъёрийлари бўйича маълумотларни Фазначилик бевосита молия органларидан олади. Меъёрларни ўзгартириш ҳам молия органларининг тақдимоғига кўра амалга оширилади.

ЯФХга даромадларнинг самарали келиб тушишини ташкил қилиш қуйидаги вазифаларни ўзида мужассам этади.

Даромадлар прогнозларини ўтказиш йиллик прогнозлар ойлар бўйича ва ҳар бир алоҳида даража бўйича бўлинишларни ўзида мужассам этиши лозим. Солиқлар ва даромадларнинг ҳар бир тури бўйича тушумлар меъёрийлари ушбу ҳисобкитоблар учун асос бўлиб хизмат қилади. Энг батафсил прогнозлар ҳафталарга бўлиш билан амалга оширилади. Прогнозлар режалаштириладиган молия йили мобайнида амалдаги даромадлар ажратмаларини ҳисоблаб чиқиш учун

зарур бўлган таҳлилий материаллар ва қатор ўтган йиллар маълумотлари билан кузатилиши керак.

Давлат бюджетининг харажатлари касса режасига мувофиқ, бюджет маблағлари олувчи томонидан белгиланган намунадаги тўлов топшириқномаси тақдим этилганда Ягона ғазна ҳисобварағидан амалга оширилади. Давлат бюджетининг маблағлари бевосита Давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш учун тузилган шартнома доирасида хизматлар кўрсатувчи ёки товарлар етказиб берувчи ташкилот ҳисобварағига ўтказилади. Бироқ бюджет маблағлари олувчининг тўлов топшириқномаси, агар харажатларни амалга ошириш учун рухсатнома ўтиб кетган сана билан олинмаган бўлса, Ҳазначилик томонидан қабул қилинади.

Зарур ҳолларда тезкор аралашуш мақсадида касса режасининг амалдаги ижросини тегишлича таҳлил қилмасдан ва баҳоламасдан туриб самарали касса ижросини амалга ошириб бўлмайди. Бунинг асосий мақсади харажатлар устидан умумий назоратни амалга ошириш, бюджет ижросининг самарадорлигини ва бюджет ижроси учун зарур бўлган маблағлар суммаси энг керакли чегараларда ва ташқи маблағ жалб қилишнинг энг паст қийматида берилиши кафолатини таъминлашдан иборат. Бу, шунингдек, бюджет ташкилотлари учун харажатлар лимитлари (харажатларни тўлаш учун рухсатномалар)ни белгилаш учун асосни таъминлайди. Касса топширигини ижро этиш мониторингини амалга ошириш ва уни режа маълумотлари билан солиштириш учун Ҳазначилик бюджет ижросининг бажарилиш фоизини баҳолайди. Яъни янгиланган даромадлар прогнози ва харажатларнинг прогнози ва уларнинг молиялашга бўлган талабларини доимий таққослаш ва таҳлил қилиш натижасида бюджет ижроси қанчага бажарилади. Бунда Ҳазначилик олинган кенг ҳажмдаги ахборотларни тезликда қайта ишлаши, ўрганиши ва кейинги таҳлилий ишлар учун фойдаланиши лозим.

Таҳлилий ишлар даромадлар тўғрисидаги қуйидаги ҳисоботларнинг тайёрланишини назарда тутаяди:

— ҳисобот ойи, чораги учун даромадлар йиғими тўғрисида ҳисобот (ойлик даромадларни таҳлил қилиш-даромадлар ва амалдаги тушумлар ойлик режасини таққослаш);

— бир кунлик даромадлар йиғими бўйича ҳисобот (даромадларнинг иқтисодий таснифи бўйича таҳлил қилиш);

— йил бошидан буён ўтган давр учун даромадлар йиғими бўйича ҳисобот (даромадларнинг иқтисодий таснифи бўйича таҳлил қилиш);

— бир кунлик даромадлар йиғими бўйича ҳисобот (ҳудудий таҳлил);

— йил бошидан буён ўтган давр учун даромадлар йиғими бўйича ҳисобот (ҳудудий таҳлил) ва бошқалар.

Касса ва чиқим операциялари бўйича қуйидаги ҳисоботлар ва таҳлилий материаллар тайёрланади:

— даромадлар ва харажатларнинг кунлик, ҳафталик, ойлик прогнозлари;

— пул маблағлари ҳажмларининг ойлик талаблари.

Таҳлилий иш амалдаги даромадлар ва харажатларни прогнозларга нисбатан таққослашдан, шунингдек, фарқларни аниқлашдан иборат. Бундай иш амалдаги касса оқимлари ва банк сальдосига таянган ҳолда касса режасининг ҳар ҳафтада бажарилишини баҳолаш имконини беради. Бу билан пул маблағларининг эҳтимолий камомадини, шунингдек, ушбу маблағларнинг ортиқча суммалари ва муддатларини аниқлаш имконияти ҳосил қилинади. Пул маблағларининг эҳтимолий камомадини аниқлашда Ҳазначилик мавжуд маблағларнинг энг кам суммасини эътиборга олиши лозим.

Бюджет таснифининг маълум моддалари бўйича касса топшириғи ва вақт оралиқлари топшириқларининг бажарилишини таҳлил қилиш ҳамда прогноз-режа маълумотлари бажарилиши самарадорлиги мониторингининг муҳим унсури ҳисобланади. Бу бюджет ва касса режаларининг қиёсий таҳлилини ўтказиш имконини беради.

Мониторинг белгиланган тушумлар тоифалари ва тўловлар тоифалари ва гуруҳлари ҳамда улар билан боғлиқ тушумлар ва тўловлар саналари асосида дастлабки прогнозларни ҳисоблаб чиқиш учун зарур.

Бунда активлар мониторинги мониторингнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Давлат активларини инвестиция қилиш тегишли қонунлар, қарорлар ва ҳукуматнинг сиёсий қарорлари билан тартибга

солиниши керак. Лекин ушбу стратегиянинг айрим жиҳатлари фақат қонунчилик билан мустаҳкамланиши лозим.

Мазкур жараёни тартибга солиш мақсади қарз ва белгиланган даромадни келтирувчи активларни бошқариш самардорлигини таъминлашдан иборат.

Ушбу жараён қуйидаги кичик жараёнлардан таркиб топади:

– жалб қилишни ташкил этиш ва миллий валютадаги қарзларга хизмат кўрсатиш;

– эмиссияни ташкил қилиш ва давлат қимматли қоғозларига хизмат кўрсатиш;

– Молия вазирлигининг хўжалик юритувчи субъектларга кредитларини беришни ташкил қилиш ва хизмат кўрсатиш;

– хорижий валютадаги тушумлар ва жалб қилинган маблағларни қоплаш;

– хорижий валютадаги кредитлар бўйича кафолатлар ҳисобини юритиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

– миллий валютадаги кредитлар бўйича кафолатлар ҳисобини юритиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

Молия органлари (МВ) ташқи қарзни бошқариш жараёни ва Ҳазначиликка ахборотнинг ўз вақтида топширилиши учун масъул бўлишлари керак. Ҳазначилик ички қарзни бошқариш ва ташқи қарзнинг ижроси учун жавоб беради. Ҳазначиликнинг хориждан маблағларни жалб қилиш ва қарзларни бериш борасидаги барча иши Давлат бюджети ижросининг самардорлигини ошириш ва вақтинчалик бўш турган молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган.

Давлат бюджетига пул маблағларининг оқими ва чиқимини прогноз қилиш усуллари. Оқимлар хиллари асосан пул маблағлари тушумининг мунтазамлигига боғлиқ. Тушумларнинг мунтазамлиги, ўз навбатида, солиқлар ставкаларидаги ўзгаришларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун оқимларни аниқлаш учун солиқларнинг ўртача ставкаларидаги амалдаги ва кутилаётган ўзгаришлар тўпланади. Масалан, агар 2006 йил январдан бошлаб фойда солиғи 10 фоизга оширилса, у ҳолда фойда солиғи ставкаси ўзгаришининг коэффиценти 2006 йил январь ойи учун 1.1ни ташкил қилади. Таққослаш ўтган йилнинг ҳар бир ойи учун амалга оширилаётганлиги боис, барча кейинги ойлар учун то 2007 йилнинг январигача солиқ

ставкасининг ўзгариши 1.1 коэффициентига тенг бўлади. Шундай қилиб, ушбу ҳисоб-китоб баҳолаш учун зарур бўлган тушумлар, реал ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги ва нархлар даражасидаги йилдан-йилга содир бўлаётган ўзгаришлар тўғрисидаги иқтисодий тасаввурларни ўз ичига олади. Чиқимларнинг хиллари ҳам худди шу тариқа белгиланади.

Бу ерда ҳам ўтган йининг шу оyi билан солиштирилганда ҳар бир ой учун чиқимнинг ҳар бир мунтазам хили билан боғланган амалда ажратилган маблағлар ставкалари бўйича ҳар қандай амалдаги ва қутилаётган ўзгаришлар тўпланади. Олинган коэффициент сўнгра кейинги ойларга ҳам жорий этилади. Бу ушбу усулга чиқимнинг ҳар бир тури учун янада муайян бўлиш имконини беради.

Бюджет пул маблағларининг оқимлари ва чиқимларини прогноз қилиш унсурлари қуйидагилардан иборат:

- ойлик оқимлар ва чиқимлар;
- ҳафталик оқимлар ва чиқимлар;
- кунлик оқимлар ва чиқимлар;
- кунлик касса қолдиғи;
- кунлик маблағ жалб қилиш.

Энди уларни прогноз қилиш усулларининг моҳиятини қисқача кўриб чиқамиз.

Ойлик прогноз қилиш усуллари.

Ойлик оқимларни прогноз қилиш усули. Мунтазам оқимлар ҳолатида прогнозлар ЯИМ даги ўзгаришлар ва инфляцияни ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритилган ўтган йил учун маблағларнинг ойлик йиғими тенденциялари асосида ҳисоблаб чиқилади. Оқимларни прогноз қилиш усули солиқ ставкаларидаги ўзгаришларни кўрсатиш йўли билан мослаштирилиши мумкин. Хусусан, камида бутун ўтган йил ва у бўйича маълумотлар мавжуд бўлган жорий йилнинг бир оyi учун ойлар бўйича тушумлар тўғрисидаги маълумотлар тўпланади. Даромадлар режаси қутилаётган даромадлар ва уларнинг келгусидаги ўзгаришлари тўғрисида фараз қилиш имконини беради.

Ойлик чиқимларни прогноз қилиш усули. Чиқимларни прогноз қилиш усули ҳам шунга ўхшаш тарзда қўлланади, фақатгина харажатларни баҳолаш учун макроиқтисодий ўлчовлардан фойдаланилмайди. Улар бюджетни тайёрлаш ва

тасдиқлаш вақтида – яъни инфляциянинг ўсиши бюджетнинг ўсишига олиб келмайдиган, айти пайтда. ЯИМнинг ўсиши йиғимларнинг ўсишига олиб келадиган вақтда ҳисобга олинади. Мазкур усул амалда ажратилган маблағлар ставкаларидаги ўзгаришларни кўриб чиқиш имконини ҳам беради. Иш ҳақларини ҳисобга олишда, масалан, йил ўртасида иш ҳақларининг тасдиқланган ўсиши билан боғлиқ юқори харажатлар кейинги ойлар учун ҳам прогноз қилиниши мумкин.

Ҳафталик прогноз қилиш усули. Ушбу усул ойлик усулга ўхшаш. фақат оқимлар ва чиқимлар бўйича ҳафталик яқунлар ҳафтанинг ҳар бир куни учун маълумотлар йиғиндиси ҳисобланади. Ҳар бир ҳафта якшанба кунидан бошлаб 7 кундан иборат, деб фараз қилинади. Ҳафталик усул билан солиштирилганда ойлик усулдан фойдаланган ҳолда прогноз оқимлари ва чиқимларининг натижаларини текшириш имкониятини бериш учун таққослаш ҳисоботи тайёрланади. Натижалар ойлар бўйича мос келмаслиги керак, чунки ҳафталик усулда фақат тўлиқ ҳафталардан фойдаланилади. Лекин йиллик яқунлар, агар ҳисоб-китобларда хатоларга йўл қўйилмаган бўлса, ушбу маълумотларга яқинлашади.

Кунлик прогноз қилиш усули. Кунлик оқимлар ва чиқимларни аниқ прогноз қилиш усуллари мавжуд эмас. Ўртача қийматни аниқлашнинг кунлик прогнозларни ҳисоблаб чиқиш учун фойдаланиладиган учта турли ҳилдаги усули мавжуд. Бунда оқимлар ва чиқимлар учун ҳисоб-китоблар бир хил тарзда ўтказилади. Ҳафтанинг исталган куни учун ўртача қиймат қуйидаги тарзда аниқланади. Исталган кун учун мунтазам кунлик оқимларни баҳолаш учун ўтган йилнинг худди ўша куни учун умумий мунтазам оқимлар олинади ёки агар бир йилдан кўп вақт учун маълумотлар мавжуд бўлса, барча йиллар маълумотларидан фойдаланган ҳолда оқимларнинг ўртача қийматини ҳисоблаб чиқиш лозим. Умумий оқимлар ушбу ўртача қийматининг ҳафталик умумий оқимларнинг ўртача қийматига нисбати ушбу муайян кун учун прогнозни ҳисоблаб чиқишда қўлланилади. Масалан,

$$\underline{X(2008) + X(2009) = X(2008, 2009)}$$

йиллар сон

кундаги оқимлар
ўртача қиймати

Ойнинг исталган кунни учун ўртача қиймат худди шу тариқа ҳисоблаб чиқилади. Исталган кун учун мунтазам кунлик оқимларни баҳолаш учун ўтган йилнинг ўша кунги умумий мунтазам оқимлари олинади ёки агар бир йилдан кўп вақт учун маълумотлар мавжуд бўлса, барча йиллар маълумотларидан фойдаланган ҳолда ўша кун учун оқимларнинг ўртача қийматини ҳисоблаб чиқиш лозим. Умумий оқимлар ушбу ўртача қийматининг ой учун умумий оқимларнинг ўртача қийматига нисбати сўнгра ушбу муайян кунга прогнозни ҳисоблаб чиқиш учун прогноз қилинаётган ойлик умумий қийматга қўлланилади.

Бир кунлик — йиллик ўртача қиймат. Исталган кун учун мунтазам кунлик оқимларни баҳолаш учун ўтган йилнинг ўша кунги умумий мунтазам оқимлари олинади ёки агар бир йилдан кўп вақт учун маълумотлар мавжуд бўлса, барча йиллар маълумотларидан фойдаланган ҳолда ўша кун учун оқимларнинг ўртача қийматини ҳисоблаб чиқиш лозим. Умумий оқимлар ушбу ўртача қийматининг йиллик умумий оқимларнинг ўртача қийматига нисбати сўнгра ушбу муайян кунга прогнозни ҳисоблаб чиқиш учун прогноз қилинаётган йиллик умумий қийматга қўлланилади.

Прогноз қилишнинг статистик усуллари. Прогноз қилишнинг статистик усуллари. одатда, динамик қаторлар билан намоён этилган иқтисодий кўрсаткичларни прогноз қилиш билан боғлиқ.

Динамик қатор — бу қандайдир ҳодиса ёки объект параметрининг маълум вақт оралиғидаги катталигини тавсифловчи кўрсаткичлар қатори.

Иқтисодий кўрсаткичларни прогноз қилиш уларни экстраполяция қилиш йўли билан амалга оширилади. Экстраполяция — бу динамик қатор тенденциясини топиш, яъни аввалги даражалар маълум бўлган бир пайтда кейинги даражалар кўрсаткичларини топиш демакдир.

Динамик қаторлар тенденциясининг экстраполяцияси тез-тез ишлатилади, чунки у анча содда бўлиб, нисбатан кичик ҳажмдаги ахборот ҳажмини ва содда математик усулларни талаб қилади. Экстраполяциянинг нисбий соддалиги шундай тахминга асосланганки, объект ривожланишида қонуниятлар


ва тенденциялар кейинчалик сақланиб қолади ва кейинги даврда қандайдир жиддий ўзгаришларга дучор бўлмайди. Ўз навбатида ушбу тахмин шунга асосланганки, прогноз қилинаётган объект тенденциялари кўплаб турли омиллар таъсири остида шакланса-да, барибир ушбу тенденция фақат битта, синтетик омил таъсирининг натижаси сифатида белгиланади. Бундай омил объект ривожланишининг ўтган даврида ҳам, прогноз қилинаётган даврида ҳам барча бошқа омилларнинг ўзгаришини ҳисобга олади, деб ҳисобланади.

Бундан ташқари, статистик ташкилотлар томонидан вақт мобайнида, яъни йиллик, чораклик ва ҳ. к. турли кўрсаткичлар кўринишида бериладиган иқтисодий жараёнлар ёки объектлар ҳақидаги ҳисобот ёки статистик маълумотлар ана шундай омил бўлиб хизмат қилади, бу улардан иқтисодий-математик моделлаштириш учун фойдаланиш имконини беради. Хусусан, улардан динамик қаторларни тўғрилаш (текислаш) учун фойдаланиш мумкин.

Агар қандайдир динамик қаторнинг нуқталари ўзаро тўғри чизиқлар билан изчил бирлаштирилса, одатда синиқ чизиқ пайдо бўлиб, уни тадқиқ этиш жуда қийин. Ушбу ҳолатда динамик қаторни тадқиқ этиш учун бундай чизиқ тўғриланади ва узлуксиз математик функция кўринишида берилади.

Мазкур усул нафақат динамик қаторни қулай график тарзда бериш учун, балки энг қулай математик функциялардан фойдаланиш йўли билан уни янада чуқур ўрганиш учун хизмат қилади.

Мисол учун, динамик қаторнинг 4 та нуқтаси берилган: (X_1, Y_1) , (X_2, Y_2) , (X_3, Y_3) , (X_4, Y_4) , унинг графиги координатлар майдонида кўрсатилган.



Ушбу берилган қаторни ўрганиш учун унинг графигини тўғрилаш, яъни нуқталари синиқ чизиқнинг ўртасидан ўтувчи қандайдир узлуксиз математик функция графиги билан алмаштириш лозим.

Мазкур шартларни бажариш учун амалда берилган нуқталар даражалари билан (тўғриланган графикдаги) наза-

рий нуқталар ўртасидаги фарқлар йиғиндиси нолга тенг бўлиши керак, деган талаб қўйилади. Математик усулда ушбу талаб қуйидаги тарзда ёзилади:

$$(Y_1 - Y_1^*) + (Y_2 - Y_2^*) + (Y_3 - Y_3^*) + (Y_4 - Y_4^*) = 0$$

ёки умумий кўринишда:

$$\sum (Y_i - Y_i^*) = 0, \quad i=1;n,$$

бу ерда: Y_i – кўрсаткичнинг ҳақиқий даражаси,

Y_i^* – кўрсаткичнинг тўғриланган даражаси.

Агар узлуксиз (тўғриловчи) математик функция сифатида, масалан, қуйидаги тўғри чизиқ тенгламаси қабул қилинса:

$$Y^* = ax + b,$$

у ҳолда юқорида кўрсатилган формула қуйидаги тарзда қайта ёзилади:

$$\sum (Y - ax - b) = 0, \quad \text{ёки}$$

$$\sum Y - a \sum x - \sum b = 0, \quad \text{ёки}$$

$$nb + a \sum x = \sum Y,$$

бу ерда n – динамик қатор нуқталарининг сони (ўзгарувчанларсиз йиғинди белигисини алмаштиради).

Натижада нормал деб номланувчи, қабул қилинган математик функция (ушбу ҳолатда тўғри чизиқ)нинг номаълум параметрларини аниқлаш имконини берувчи тенгламага эга бўламиз.

Динамик қаторларни тўғрилаш усуллари. Динамик қаторни тўғрилаш ва математик функция параметрларини аниқлашнинг иккита усули мавжуд:

1) динамик қаторни қисмларга бўлиш усули.

2) энг кичик квадратлар усули.

Динамик қаторни қисмларга бўлиш усули. Динамик қаторни қисмларга бўлиш усули шу нарса билан шартланганки, динамик қаторни тўғрилаш учун уларда қидирилаётган номаълум параметрлар сони тўғрилаш учун қабул қилинган математик функциянинг турига қараб ўзгариб турувчи турли хилдаги математик функциялардан фойдаланиш мумкин.

Агар, масалан, динамик қаторни тўғрилаш учун тўғри чизиқ кўринишидаги математик функция қабул қилинган бўлса ($Y = ax + b$), унда иккита номаълум параметр, хусусан a ва b мавжуд бўлиб, уларни аниқлаш учун камида иккита

тенглама зарур. Шунинг учун динамик қатор тахминан иккита қисмга бўлинади. Ҳар бир қисм учун ўз қисмида динамик қатор тенденциясини таърифловчи математик тенгламалар танлаб олинади. Сўнгра ушбу тенгламаларни биргаликда ечиш йўли билан номаълум параметрлар қийматлари топилади. Ушбу усулнинг камчилиги шундан иборатки, динамик қаторни икки қисмга субъектив бўлишда қидирилаётган параметрларнинг турли натижалари ҳосил бўлади.

Энг кичик квадратлар усули. Маъмур усулни қўллашда динамик қатор қисмларга бўлинмайди, лекин нуқталарнинг амалий ва назарий даражалари фарқларининг йиғиндиси нолга тенг бўлсин деган қатъий шарт ўрнига нуқталарнинг амалий ва назарий даражалари фарқларининг квадрати минимал бўлсин деган юмшоқроқ шарт қўйилади. Математик ёзувида ушбу талаб қуйидаги тарзда ёзилади:

$$\sum (Y_i - Y_i^*)^2 = S \rightarrow \min,$$

бу ерда Y_i – кўрсаткичнинг ҳақиқий даражаси,

Y_i^* – кўрсаткичнинг тўғриланган даражаси,

S – минимум ҳолатига интилувчи фарқлар квадратларининг йиғиндиси.

Олий математикадан маълумки, функция минимумини топиш учун хусусий ҳосила функцияларни топиш ва уларни нолга тенглаштириш зарур.

Агар берилган қаторни тўғрилаш учун биз тўғри чизик тенгламасини қабул қилсак ($Y^* = ax + b$), у ҳолда юқорида кўрсатилган талаб қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\sum (Y - ax - b)^2 = S \rightarrow \min$$

Бунда a ва b параметрлари бўйича S ҳосила функцияларни топамиз ва уларни нолга тенглаштирамиз.

$$\begin{cases} \partial S / \partial b = \sum 2[Y - ax - b](-1) = 0 \\ \partial S / \partial a = \sum 2[Y - ax - b](-x) = 0, \text{ ёки} \\ \begin{cases} \sum (-Y) + \sum ax + \sum b = 0 \\ \sum (-Yx) + \sum ax^2 + \sum bx = 0, \text{ ёки} \end{cases} \\ \begin{cases} nb + a \sum x = \sum Y \\ b \sum x + a \sum x^2 = \sum Yx \end{cases} \end{cases}$$

Эслатма: Таркибида X ёки Y ўзгарувчанлар мавжуд бўлмаган параметрлар учун Σ белгиси динамик қатор нуқталарининг сонини кўрсатувчи n белги билан алмаштирилади.

Олинган тенгламалар тизими нормал тенгламалар тизими деб номланади, уни ечиб a ва b параметрларини топишимиз мумкин.

Динамик қаторни тўғрилашни математик функцияларнинг бошқа турлари, масалан, парабола, гипербола, даражали функция бўйича ҳам амалга ошириш мумкин.

Динамик қаторни ($X=ax^2+bx+c$) парабола бўйича тўғрилашда нормал тенгламалар тизими қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\begin{cases} nc+b\Sigma x+a\Sigma x^2=\Sigma Y \\ c\Sigma x+b\Sigma x^2+a\Sigma x^3=\Sigma Yx \\ c\Sigma x^2+b\Sigma x^3+a\Sigma x^4=\Sigma Yx^2 \end{cases}$$

Динамик қаторни ($Y=a/x+b$) гипербола бўйича тўғрилашда нормал тенгламалар тизими қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\begin{cases} nb+a\Sigma 1/x=\Sigma Y \\ b\Sigma 1/x+\Sigma 1/x^2=\Sigma Yx \end{cases}$$

Динамик қаторни ($Y=bxa$) даражали функция бўйича тўғрилашда нормал тенгламалар тизими қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\begin{cases} nlgb+lga\Sigma x=\Sigma lgY \\ lgb\Sigma x+lga\Sigma x^2=\Sigma xlgY \end{cases}$$

Тегишли математик функция параметрларининг сон қийматини аниқлаб, динамик қатор экстраполяциясини осон амалга ошириш мумкин.

Динамик қаторларни экстраполяция қилиш йўли билан иқтисодий кўрсаткичларни прогноз қилиш жараёнида тадқиқ этилаётган жараён тенденциясига энг мос келувчи ва уни яхши таърифловчи математик функцияларни танлаб олиш лозим. Бунинг учун динамик қатор нуқталарини координат майдонига жойлаштириш ва қатор графигини чизиш ҳамда унинг тури бўйича мос келувчи математик функцияни танлаш лозим.

Масалани, энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиб ечишга мисол келтирамиз.

Туман ғазначилик бюджет даромадлари тушумининг қуйидаги маълумотлари мавжуд дейлик:

январ – 40,0 млн. сўм.

феврал – 55,0 млн. сўм.

март – 50,0 млн. сўм.

апрел – 60,0 млн. сўм.

май – 55,0 млн. сўм.

июн – 65,0 млн. сўм.

Кейинги июл ой учун даромадлар тушумини прогноз қилиш лозим.

Вазифани ечиш учун тўғри чиқиқ учун нормал тенгламалар тизимидан фойдаланамиз.

$$\begin{cases} nb+a \sum x = \sum y \\ b \sum x+a \sum x^2 = \sum Yx \end{cases}$$

Ҳисоб-китобларни бажариш учун ёрдамчи жадвални тузамиз:

n	y	x	x ²	xy
1	40	1	1	40
2	55	2	4	110
3	50	3	9	150
4	60	4	16	240
5	55	5	25	275
6	65	6	36	390
Σ	325	21	91	1205

Ўзгарувчанлар йиғиндисининг қийматини нормал тенгламалар тизимига қўямиз. Ҳосил бўлган рақамларни нормал тенгламалар системасига қўямиз ва иккита тенгламанинг b параметрларини тенглаштирамиз.

$$\begin{cases} 6b+21a=325*3,5 \\ 21b+91a=1205 \\ 21b+73,5a=1137,5 \\ 21b+91a=1205 \end{cases}$$

Иккинчи тенгламадан биринчи тенгламани айирамиз, қуйидаги тенглама ҳосил бўлади.

$$17,5 a = 67,5 \text{ ёки } a=3,9$$

Бундан кейин b параметрни топамиз.

b параметрни топиш учун қўйидаги тенгламанинг элементларини олтига тақсимлаймиз.

$$6b + 21a = 325 \text{ ёки } b + 3,5a = 54,17 \text{ ёки } b = 54,17 - 3,5 \cdot 3,9 = 40,7$$

Нормал тенгламалар тизимини ечиш натижасида қабул қилинган математик функция параметрларини топамиз, унинг тенгламаси қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$y = 3,9x + 40,7 = 44,6$$

Ушбу формула бўйича кўрсатилган йилларда даромадларнинг назарий даражасини ҳамда кейинги йил учун уларнинг прогнозларини ҳисоблаб чиқамиз.

$$y_1 = 3,9 \cdot 1 + 40,7 = 44,6$$

$$y_2 = 3,9 \cdot 2 + 40,7 = 48,5$$

$$y_3 = 3,9 \cdot 3 + 40,7 = 52,4$$

$$y_4 = 3,9 \cdot 4 + 40,7 = 56,3$$

$$y_5 = 3,9 \cdot 5 + 40,7 = 60,2$$

$$y_6 = 3,9 \cdot 6 + 40,7 = 64,1$$

$$y_7 = 3,9 \cdot 7 + 40,7 = 68,0$$

Прогноз қилинаётган ойдаги солиқ тушуми қўйидагича бўлиши мумкин.

$$y_7 = 3,9 \cdot 7 + 40,7 = 68,0$$

Прогноз бошқа математик функция орқали қилиниши ҳам мумкин. Бошқа математик функция сифатида парабола функциясини қабул қиламиз. Унинг нормал тенгламалар системаси қўйидагича ёзилади.

$$\begin{cases} nc + b \sum x + a \sum x^2 = \sum y \\ c \sum x + b \sum x^2 + a \sum x^3 = \sum yx \\ c \sum x^2 + b \sum x^3 + a \sum x^4 = \sum yx^2 \end{cases}$$

Масалани ечиш учун қўйидаги ёрдамчи жадвални тузамиз.

n	y	x	X ²	X ³	X ⁴	Yx	yx ²
1	40	1	1	1	1	40	40
2	55	2	4	8	16	110	220
3	50	3	9	27	81	150	450
4	60	4	16	64	256	240	960
5	55	5	25	125	625	275	1375
6	65	6	36	216	1296	390	2340
Σ	325	21	91	441	2275	1205	5385

Ҳосил бўлган рақамларни нормал тенгламалар системасига кўямиз.

$$\begin{cases} 6c+21b+91a=325 \\ 21c+91b+441a=1205 \\ 91c+441b+2275a=5385 \end{cases}$$

Бу тенгламалар системасини ечиш учун аввало биринчи ва иккинчи тенгламаларнинг с параметр коэффициентларини тенглаштирамиз. Бунинг учун биринчи тенгламанинг элементларини 3,5 га кўпайтирамиз.

$$\begin{cases} 21c+73,5b+318,5a=1137,5 \\ 21c+91b+441a=1205 \end{cases}$$

иккинчи тенгламадан биринчи тенгламани айтириб, қуйидаги тенгламани ҳосил қиламиз.

$$17,5b+122,5a=67,5$$

Энди иккинчи ва учинчи тенгламаларни с параметр коэффициентларини тенглаштирамиз. Бунинг учун иккинчи тенглама элементларини 4,3га кўпайтирамиз ва қуйидагини ҳосил қиламиз.

$$\begin{cases} 91c+394,3b+1911a=5221,7 \\ 91c+441b+2275a=5385,7 \end{cases}$$

Бундан сўнг учинчи тенгламадан иккинчи тенгламани айтирамиз ва қуйидагини ҳосил қиламиз.

$$46,7b+364a=164$$

Энди ҳосил бўлган икки параметрли тенгламаларни бир-галикда ечамиз.

$$\begin{cases} 17,5b+122,5a=67,5 \\ 46,7b+364a=164 \end{cases}$$

Бунинг учун биринчи тенгламани 2,7 га кўпайтириб, қуйидаги тенгламаларга ўтамиз.

$$\begin{cases} 46,7b+326,9a=180,1 \\ 46,7b+364a=164 \end{cases}$$

бундан сўнг иккинчи тенгламадан биринчи тенгламани айтирамиз ва қуйидагини ҳосил қиламиз.

$$37,1a=-16,13 \text{ демак } a=-0,43$$

Кейин а параметрнинг натижасидан фойдаланиб, b ва с параметрларни топамиз.

$$b=3,86+3,01=6,87$$

$$c=54,17-24,05+6,52=36,64$$

Демак назарий нукталарнинг ҳажми қуйидагича ҳисобланади.

$$y_1=-0,43*1+6,87*1+36,64=43,0$$

$$y_2=-0,43*4+6,87*2+36,64=48,7$$

$$y_3=-0,43*9+6,87*3+36,64=53,4$$

$$y_4=-0,43*16+6,87*4+36,64=57,3$$

$$y_5=-0,43*25+6,87*5+36,64=60,2$$


$$y_6=-0,43*36+6,87*6+36,64=62,4$$

$$y_7=-0,43*49+6,87*7+36,64=63,7$$

Прогноз қилинаётган ойдаги солиқ тушуми қуйидагича бўлади.

$$y_7=-0,43*49+6,87*7+36,64=63,7$$

Юқорида ечилган ҳисоб-китоблар натижалари ва динамик қатор амалий ва назарий турларининг графиги қуйида келтирилган.



Энди икки масаланинг — солиқ тушумларининг ҳақиқий ва назарий фарқларини ҳисоблаб чиқамиз. Биринчи масалани фарқлари куйидагича.

$$y_1 = 40 - 44,6 = -4,6$$

$$y_2 = 55 - 48,5 = 6,5$$

$$y_3 = 50 - 52,4 = -2,4$$

$$y_4 = 60 - 56,3 = 3,7$$

$$y_5 = 55 - 60,2 = -5,2$$

$$y_6 = 65 - 64,1 = 0,9$$

Фарқларнинг суммаси 23,3 га тенг.

Иккинчи масалани фарқлари куйидагича.

$$y_1 = 40 - 43,0 = -3,0$$

$$y_2 = 55 - 48,7 = 6,3$$

$$y_3 = 50 - 53,4 = -3,4$$

$$y_4 = 60 - 57,3 = 2,7$$

$$y_5 = 55 - 60,2 = -5,2$$

$$y_6 = 65 - 62,4 = 2,6$$

Фарқларнинг суммаси 23,2 га тенг.

Фарқлардан кўриниб турибдики, икки масаланинг натижаси ҳам бир-бирига яқин. Шунинг учун берилган солиқ тушумларининг динамик қаторини текислаш ва прогноз қилиш учун иккала математик функцияни қабул қилиш мумкин. Бу усуллар билан даромадларни ҳар қандай вақт оралиғида прогноз қилиш мумкин.

Пул маблағларининг номунтазам оқимлари ва чиқимлари учун ҳисоб- китобларнинг бошқа усуллари мавжуд. Турли хилдаги хорижий валюталардаги тушумлар «номунтазам» оқимлар ва чиқимларнинг алоҳида ҳолати ҳисобланади. Бюджет тушумлари ва харажатлари биттадан кўп валютада бўлади ва аксарият мамлакатлар учун хорижий валютада ҳисоб юритиш кассавий бошқариш эҳтиёжларининг тўлиқ манзарасига эга бўлиш учун зарур. Бундай пул маблағларининг ҳисобини юритиш учун уларни маҳаллий валютага айирбошлаш энг содда ечим ҳисобланади. Бироқ буни амалга оширишнинг ҳамма вақт ҳам иложи бўлавермайди, чунки грантлар сингари

оқимлар тегишли харажатлар амалга оширилгунга қадар маблағлар хорижий валютада сақланишини талаб қилувчи шартларни қўйиши мумкин. Боз устига, Молия вазирлиги айирбошлаш харажатларини камайтириш учун хорижий валютадаги ҳисобварақлар мавжудлигини оқлаш мақсадида чет элда етарлича операцияларни амалга ошириши мумкин. Айниқса фоидалар ва асосий сумма бўйича тўловлар ҳолатида вазирлик тўлов суммасини айирбошлашни эмас, балки хорижий валютадаги суммани оширишни хоҳлаши мумкин. Бундан ташқари, Марказий банкда қатъий валютадаги тўлов сальдосини сақлаб туриш ва ушбу суммаларни давлатнинг халқаро захираларига киритиш лозим.

Шу билан бирга, давлатлар ишларни самарали юритиш учун зарур бўлган энг кам сонли валюта ҳисобварақларига эга бўлишни истайди. Айти пайтда, валюта ҳисобварақларининг сонини камайтириш исталса-да, донорлар ва мамлакат қонун ҳужжатлари айрим чекловларни белгилаши мумкин. Бироқ, бу мумкин бўлган жойда, мамлакат пул маблағларининг мавжуд бўлишини таъминлаш учун хорижий валютадаги ҳисобварақлар сонини камайтириш имкониятини кўриб чиқиши лозим. Бу ҳол келгусида айирбошлаш курси фарқи билан чайқовчилик қилиш истагини ҳам камайтиради.

Валюта ҳисобварақлари сонини камайтиришнинг салбий томони, агар хорижий валютада катта маблағлар чиқиб кетадиган бўлса, қўшимча харажатларни келтириб чиқаради. Лекин, валюталарнинг фойдаланиладиган турларидан қатъи назар пул маблағлари касса оқимининг прогнози давлат қарзи бўйича операцияларни режалаштириш учун зарур. Фазначилик талабнинг тегишли миқдорини аниқлаш ва фоидаларни тўлаш учун харажатларни баҳолаш мақсадида қарз масалалари бўйича ўз воситаларига нисбатан мумкин бўлган талабни ўрганиб чиқиши лозим. Шу сабабли қарз масаласи бўйича Марказий банк билан нафақат Фазначиликнинг прогноз қилинаётган оқимлари, балки Марказий банкнинг ҳукуматга кредитининг ўсишига нисбатан ва Давлат бюджети ҳисобварақларидаги маблағлар захираларига нисбатан ҳам маълумотларни алмашиш зарур. Доимий равишда тақрорланиб турувчи жараёнда Марказий банк Фазначилик бўлинмаларига қарз масаласи

бўйича ҳукумат воситаларига бўлган потенциал талаб тўғрисидаги тавсияларни мунтазам бериб бориши лозим.

Ушбу кўрсаткичларнинг ойлик прогнозлари мавсумий ва бошқа четга чиқишлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун фойдали. Ойлик прогноз бутун йил учун асосий тасаввурга эга бўлишда муҳим бўлиб, бюджет йилининг натижалари бўйича таққослаш ёки ўтувчи бюджетни ижро этиш учун фойдали бўлиши мумкин бўлса, ҳафталик касса прогнозлари ҳам жуда муҳим роль ўйнайди.

Қарзларни режалаштириш учун вақтнинг операцион бирлиги сифатида ҳафта белгиланади. Бу қисман эмиссия ва тўловлар муддатлари ўтиш асосида бирламчи бозордаги ҳисоб-китоблар даврларига мос келишини (улар деярли ҳамма вақт ушбу ҳафта доирасида бўлади) иташ билан ва ҳукумат мажбуриятларининг асосий харидорлари, яъни банклар ишлашининг истиқболлари билан боғлиқ.

Шунингдек, Фазначилик қарз масаласи бўйича ҳар бир кун бўйича касса оқимларининг прогнозига эга бўлиши лозим. Ушбу эҳтиёжнинг сабаби ҳафта мобайнида касса оқимлари моделларининг ўзгариши, номунтазам оқимлар ва чиқимлар ҳамда қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар ва ушбу параметрлар доирасида қарзга хизмат кўрсатиш операциялари учун ҳафтанинг муайян кунини танлаш зарурати билан боғлиқ.

Шундай қилиб, қарз операцияларини режалаштириш учун кассавий прогноз қилишнинг самарали усули прогноз учун барча ушбу учта асосни тақдим этиши керак. Касса оқимларини прогноз қилиш усуллари прогноз қилиш методологияси бўйича, шу жумладан, кунлик, ҳафталик ва ойлик унсурлари ўртасидаги алоқа масаласида фарқ қилади. Шунингдек, усуллар ушбу прогнозлар қанчалик чуқур бўлинишига қараб ҳам фарқ қилади. Масалан, Австралияда Фазначилик касса оқимлари тўғрисидаги ахборот ташкилотлар томонидан ҳар ҳафтада тақдим этилишини талаб қилади.

Бундай усул 98 кун олдинга кунлик оқимлар ва чиқимларни, шу жумладан, ҳафталик оқимларни прогноз қилиш имконини беради.

Фазначилик қарз масалалари бўйича, одатда, ҳар йили молиялаштириш режасини тайёрлайди. Ушбу режа йиллик

бюджет билан боғланиши ва йиллик қарз бўйича таклиф этилаётган тўловлар миқдори, мақсади, муддатлари ва вақтини аниқлайди ва эълон қилади. Бундан ташқари, мазкур молиявий режа базавий вариант сифатида олиниб, унинг асосида йил мобайнида амалга оширилган маблағ жалб қилиш режалари ишлаб чиқилиши мумкин. Жамоат кимошди савдосида сотилган қарз учун такомиллашган режадаги ўзгаришлар санаси, суммалар ва воситалар тасдиқланган ҳолда эмиссия тақвими шаклида эълон қилиниши мумкин.

3.3. Пул маблағларини бошқариш

Юқорида таъкидланганидек, бюджет даромадлари ва харажатларини кассавий режалаштиришдан асосий мақсад унинг пул маблағлари оқимларини бошқариш самарадорлигини оширишдан иборат.

Амалиётда ҳамон харажатлар давлат дастурларининг самарасизлиги ўрин тутаети. Масалан, бюджет харажатларини бажариш бўйича тўлов муддатларини аниқлашда маълум бир қайишқоқликка йўл қўйилсада, прогнозлар ва уларни реал амалга ошириш ўртасида мос келишнинг юқори даражасини таъминлашга интилиш лозим.

Пул маблағларини бошқариш жараёнида тўловлар муддатларидаги ноаниқлик ва кечикишлар давлатнинг кредит қобилиятига, айланма сармоя бозорига, етказиб берувчилар ва хизматчиларнинг давлатга самарали хизмат кўрсатиш қобилияти ва истагига салбий таъсир кўрсатиш билан бирга фоизлар тўлаш учун давлат харажатларини оширади.

Шундай қилиб, пул маблағларини кассавий бошқариш мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- барча бюджетларнинг ижросини ўз вақтида яқунлаш;
- тўловлар муддатларидан келиб чиқувчи субъектларнинг кредит қобилияти учун хатарларни пасайтириш;
- тўловларни амалга ошириш ва тушумларни қабул қилиш харажатларини камайтириш.

Бюджетнинг газна ижроси чоғида унинг пул маблағларини бошқаришнинг асосий воситаларидан бири бўлиб харажатларни тўлаш учун рухсатнома (ХТР) ҳисобланади.

Харажатларни амалга ошириш учун рухсатнома – бу юқорида айтганимиздек сарфлаш учун Фазначилик томонидан бериладиган рухсатномалар бўлиб, улар бюджет ташкилотларига ХТР нинг амал қилиш муддати мобайнида тўловлар учун талабномаларни топшириш имконини беради. Фазначилик бюджет ташкилотларига, биринчи навбатда, харажат моддаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳлари бўйича харажатлар сметаларининг умумий суммаларидан келиб чиқиб ХТР беради. ХТР фақат, агар пул ресурслари ХТР нинг амал қилиш даври мобайнида тўлов талабномасини бажариш учун етарли бўлган, етарли бўлиши хатари рухсат этиладиган қийматдан юқори бўлмаган тақдирда берилади. Чиқарилган ХТР Фазначилик зиммасига тўлов талабномаларини ХТР нинг амал қилиш муддати мобайнида бажариш мажбуриятини юклайди.

Фазначилик ХТР ларни тўлов учун режалаштириладиган талабномалар жадвали асосида беради. Тўлов учун режалаштириладиган талабномалар жадвали ва кунлар бўйича бўлиш билан ҳар ҳафта учун ишлаб чиқилган даромадлар тушумларининг прогнози амалда Давлат бюджети ижросининг энг тезкор касса режаси ҳисобланади. Бевосита харажатларни амалга ошириш – тақдим этилган ҳисобварақлар бўйича тўловлар ҳар ҳафтада тасдиқланадиган тўловлар жадваллари ва қуйидаги 3.2-жадвал чизмаси бўйича амалга оширилади.

Ҳафталик жадваллар ишлаб чиқилишидан аввал ойлар бўйича бўлинган ҳолда тўлов учун режалаштириладиган талабномалар жадвали тайёрланади. Фазначилик бюджет маблағлари олувчилар томонидан тақдим этилган давлат мақсадли дастурлари ва лойиҳалари доирасида товарлар етказиб берувчи ва хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар билан тузилган шартномалар ва келишувлар асосида ойлик жадвални ишлаб чиқади. Ойлик жадвалларни ишлаб чиқишда Фазначилик бюджет маблағлари олувчиларнинг истаклари ва иш режаларидан, шунингдек, режалаштириладиган ой учун даромадлар тушумлари прогнозларидан келиб чиқади.

Бюджет маблағлари олувчилар уларга жорий йил учун ажратилган бюджет маблағлари ҳажмидан ортиқча суммага шартнома ва келишувларни туза олишмайди. Маблағлар Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари ёйилмасида

Харажатларни амалга ошириш учун рухсат бериш чизмаси



маъқулланган бюджет маблағлари олувчилар харажатларининг сметаларига мувофиқ ажратилади. Даромадлар ва харажатлар ёйилмаси умумий конъюнктура, макроиқтисодий вазият, даромадлар тушумлари прогнозларининг ўзгаришига қараб

заруратга кўра ижро муддатлари бўйича ўзгариши мумкин. Ўз навбатида, тўлов учун режалаштирилаётган талабномаларнинг ойлик ва ҳафталик жадвалларига ҳам ўзгартиришлар киритилади. Агар Фазначилик тўловни шартномада кўрсатилган санагача амалга ошириши лозим бўлса, Фазначиликка тўлов учун талабномаларни бериш амалга оширилиши мумкин эмас, яъни дебиторлик қарзларининг ҳосил бўлишига йўл қўйиб бўлмайди. Қарзга хизмат кўрсатиш, иш ҳақи ва ижтимоий нафақаларга нисбатан тўловларнинг бошқа тоифаларига нисбатан устуворликка эга бўлади.

ХТР касса режасининг параметрлари ва қуйидаги параметрлар асосида шакллантирилиши мумкин:

- чиқариладиган ХТР бўйича умумий сумма;
- харажатлар гуруҳлари бўйича (харажатлар моддалари доирасида биринчи ва иккинчи гуруҳ бўйича) суммалари;
- бюджет (худудий ва ташкилий) таснифи.

ХТР ҳужжати бюджет ташкилотининг шахсий ҳисобварағида акс эттирилади ва унга топширилади. Бюджет маблағлари ҳисобидан нақдсиз шаклда харажатларни тўлаш учун бюджет ташкилоти харажатларни тўлаш учун талабномани хизмат кўрсатувчи Фазначилик бўлинмасига топширади. Фазначилик барча зарур ҳужжатларнинг мавжудлигини, шунингдек, уларнинг тўғри тўлдирилганлигини текширади. Ҳужжатни тасдиқлашда:

– ЯФҲ да қолдиқ мавжудлиги текширилади; маблағлар етишмаган тақдирда талабнома тўловлар тоифаси (гуруҳи)га мувофиқ ижро этиш учун картотекага жойлаштирилади;

– ЯФҲ бўйича қолдиқларни текшириш натижалари ижобий бўлган тақдирда харажатларни тўлаш учун тўлов ҳужжати шакллантирилади;

– тўлов ҳужжати тасдиқланади;

– маблағларни ҳисобдан чиқариш учун тўлов ҳужжати ЯФҲ дан Марказий банкка ўтказилади.

Агар тўловни амалга ошириш учун миллий валютани хорижий валютага айирбошлаш зарур бўлса (масалан, валюта тўловларини амалга оширишда), МБ Фазначиликнинг топшириғига кўра сўмни хорижий валютага айирбошлайди ва талаб этилган суммада хорижий валютадаги тўловни амалга оширади.

МБ валюта айирбошлаш бўйича амалга оширилган операциялар ҳисоботини Ғазначиликка топширади. Ушбу ҳисобот асосида Ғазначилик валютани айирбошлаш натижасида юзага келадиган курс фарқини акс эттириш опрециясини амалга оширади. Сўнгра МБ маблағларни ЯҒҲ дан чиқаради ва Ғазначиликка маблағларнинг ўтказилганлиги тўғрисида кўчирма кўринишидаги тасдиқномани юборади. Аҳборот тизимида банк кўчирмаси бўйича тўловлар тасдиқланади. Нақд маблағларни тўлаш шаклидаги иш ҳақи харажатларини тўлаш учун Ғазначилик органлари томонидан чек расмийлаштирилади. Чекларни расмийлаштириш учун бюджет ташкилотлари хизмат кўрсатувчи Маҳаллий ғазначилик бўлинмалари (МҒБ)га харажатларни тўлаш учун талабномалар ва уларга илова қилинган иш ҳақини бериш учун тўлов қайдномаларини тақдим этади. Хизмат сафарлари харажатларини тўлаш учун харажатларни тўлаш талабномаларига илова қилинган қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибга мувофиқ кўзда тутилган ҳужжатлар тақдим этилади. Бюджет ташкилоти (ДМЖни тақсимловчи орган) банкдан чек бўйича нақд маблағларни олади. Банк нақд маблағлар ҳисобварақларидан кўчирмаларни шакллантиради. Ушбу кўчирма чекнинг нақд пулга айланганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Агар Ғазначилик чеки сўндирилмаган бўлиб, унинг муддати тугаган бўлса, чек бекор қилинади. Ғазначилик шахсий ҳисобварақлар бўйича кўчирмаларни расмийлаштиради ва уларни тегишли бюджет ташкилотлари (ДМЖ ни тақсимловчи органлар)га топширади. Нақд маблағларни сарфлашнинг юқорида ёритилган усули куйдагилар бўйича амалга оширилади:

- барча даражалардаги бюджетлар маблағлари;
- бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари;
- ДМЖ (йўл. мол-мулк ва ҳ.к.) маблағлари;
- аппаратни сақлаб туриш учун ДМЖ (пенсия, бандликка кўмаклашиш ва ҳ. к.) маблағлари.

Маҳаллий ғазначилик бўлинмаси томонидан нақд маблағлар берилганидан кейин ҳисобварақдаги маблағлар қолдигини банк операция куни сўнгида ЯҒҲга ўтказилади. Операция куни айланмалари кўрсатилган кўчирмада операция куни

мобайнида фойдаланилмаган нақд маблағлар қолдиғи ЯФҲга ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот акс эттирилади. Амал қилиш муддати тутамаган ва аввалги кунларда нақд пулга айлантирилмаган чеклар бўйича кейинги операция кунини очишда ЯФҲ дан МФБ нақд маблағларни тўлаш ҳисобварағига ўтказиш учун тўлов топшириқномаси тузилади. Ушбу сумма янгидан расмийлаштирилган чеклар суммасига қўшилади. Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг харажатлари даромадлар ва харажатлар сметаларида кўриб чиқилса-да, улар ХТР жараёнининг субъектлари ҳисобланмайди. Фойдаланилмаган ХТР ларнинг амал қилиш муддати, ҳатто агар ХТР ларнинг тўлиқ суммасига харажатларни тўлаш учун талабномалар тақдим этилмаган ёки қабул қилинмаган бўлса-да, жорий молия йилининг ҳар бир чораги якунида ниҳоясига етади. Маҳаллий фазначилик бўлинмалари кассавий бошқариш жараёнининг барча жиҳатлари бўйича Бош фазначиликнинг кўрсатмаларига мувофиқ фаолият кўрсатади ва Бош фазначилик республика ва вилоятлар бюджет ташкилотларининг харажатларини қоплаш юзасидан ўзининг исталган ваколатларини Маҳаллий фазначилик бўлинмаларига ўтказиши мумкин. Бу Маҳаллий фазначилик бўлинмаларига вилоят ва туман бюджет ташкилотлари, шу жумладан, улар хизмат кўрсатадиган республика бюджет ташкилотларига нисбатан юқори турувчи Фазначилик мажбуриятларини бажариш имконини беради. Маҳаллий Фазначилик бўлинмалари фақат уларга юқори турувчи Фазначилик томонидан белгиланган ҳажмда кассавий бошқариш бўйича қарор қабул қилишда эркинликка эга бўлишади.

Маҳаллий Фазначилик бўлинмалари ХТР ларни сақлайди ва уларни ўз номидан тегишли маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларига топширади.

Кассавий бошқаришнинг бюджет маблағларини бошқаришдан мустақиллиги. Кассавий бошқариш тизими кассавий бошқаришдан олдин содир бўладиган бюджетни бошқаришнинг ўрнида фойдаланилмайди. Молия органлари Молия вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган стратегиялар доирасида харажатларни амалга ошириш учун рухсатномаларнинг вақт омилларини белгилайди.

Молия вазирлиги тўловларнинг турли тоифалари учун тўловлар санасини белгилайди. Тўловларнинг қатор тоифалари, айниқса, иш ҳақи ва ижтимоий нафақалар ҳозирги вақтда қонунчилик қоидалари билан белгиланган тўловлар санасига (масалан, ҳафта ёки ой куни) эга. Бироқ тўловлар бошқа тоифаларининг саналари белгиланган ҳисобланмайди. Фазначилик тўловларнинг барча тоифаларини таҳлил қилиши ва тўловлар саналарининг қанақа комбинацияси давлат пул маблағлари оқимининг схемасини ҳисобга олган ҳолда энг мақбул ҳисобланишини аниқлаши ҳамда Молия вазирлигига тавсия бериши лозим.

Молия вазирлиги тўловларнинг турли тоифалари учун тўловлар санасига мос келиши ва уларни текшириш учун вақт қолдириши лозим бўлган тўловлар шартларини белгилайди.

Вазирлар Маҳкамаси тўловлар устуворлиги нуқтаи назардан сиёсатни белгилайди. ХТР ларни ижро этишда кечикишлар бўлмаслиги учун устувор тўловларга (масалан, қарзга хизмат кўрсатиш, иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий таъминот учун бошқа ажратмалар, коммунал хизматлар сингари товарлар ва хизматларнинг алоҳида гуруҳлари) нисбатан сиёсат режали харажатларнинг кўпи билан юқорида келтирганимиздек 70 фоизини қамраб олади. Бюджет ташкилотлари ҳар ой мобайнида, агар устуворли тўловлар ҳали амалга оширилмаган бўлса, уларнинг ХТРлари устувор бўлмаган тўловлар учун ишлатмаслигини таъминлаш учун жавобгардирлар.

Молия вазирлиги кредиторлик қарзларини бошқариш сиёсатини ҳам белгилаб беради. Фазначилик эса уни амалга оширишнинг барча чораларини кўриши лозим. Тўловнинг бир хил навбатига эга бўлган кредиторлик қарзлари учун, биринчи навбатда, муддати ўтган қарзларни тўлаш кредиторлик қарзларини бошқариш сиёсатининг муҳим унсурларидан бири бўлиши мумкин.

Гап шундаки, ҳукумат томонидан маблағ жалб қилиш кўпинча бюджет тақчиллигини молиялаш атрофида таркибланган. Ушбу вазифа, биринчи навбатда, капитал лойиҳаларни молиялаш ва мавжуд қарз бўйича хизматлар кўрсатиш йўли билан ҳал этилиши зарур. Бундай дастур олдиндан бутун йил учун эълон қилиниши ёки ҳатто йиллик бюджет билан бир

вақтда тузилиши ҳам мумкин. Кўплаб мамлакатлар қимматли қоғозларнинг ички бозорида вазифаларни тақчилликни молиялаш ва облигацияларнинг мунтазам кимошди савдолари орқали қарзни тўлаш йўли билан ҳал этишмоқда. Лекин бозорлар учун кимошди савдолари тўғрисида мумкин қадар кўпроқ ахборот зарур ва маблағ жалб қилиш тақвими иқтисодий ўзгаришлардан қатъий назар мунтазам янгиланиб туриши керак. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ушбу жараён бозор жараёнлари иштирокчилари учун аниқликни ва ишончликни таъминлаши лозим.

Қисқа муддатли қарз кассавий бошқариш воситаси сифатида. Қисқа муддатли қарз кассавий самарали бошқаришнинг муҳим воситаларидан бири бўлиши мумкин. Умуман олганда, ушбу қарз воситалари йил мобайнида бюджет даромадларини олиш катта ҳажмда кечикиш билан кутилаётган ҳолларда бюджетни узлуксиз ва бир текис таъминлаш учун чиқарилиши мумкин. Агар ушбу қисқа муддатли қарз кейинги бюджет йилига ўтса, у кейинги бюджетга қўшилиши мумкин, лекин қонун билан белгиланган қарз меъёрларини ҳисобга олган ҳолда қарз сифатида кўриб чиқилмайди. Касса оқимини таъминлаш учун қарзни чиқариш қарз захирасининг доимий қўшимча таркибий қисми бўлиши эҳтимоли мавжуд. Ички қарз тўғрисидаги қонун кредиторлик қарзининг кейинги даврларга ўтказилишини тақиқловчи қоидаларни назарда тутиши тавсия этилади. Агар бундай ҳолат содир бўлмаслигини таъминлашнинг имконияти бўлмаса, у ҳолда касса оқимини таъминлаш учун маблағлар жалб қилишни қонунчилик билан мустаҳкамлаш тавсия этилади. Касса оқими ўз Фазначилик облигацияларини ёки қайтариш муддати қисқа бўлган қарзларни сотиб олиш орқали ҳам бошқарилиши мумкин. Бу даромадлар вақтинча харажатлардан кутилгандан кўра кўпроқ маблағлар қолдиқлари ҳосил бўлишига олиб келадиган даражада ортиқ бўлган ёки Фазначиликдаги маблағлар қолдиқлари яқинлашиб келаётган қарзни тўлаш муддати туфайли танг аҳволда қўл келиши мумкин. Қарз меъёрлари ва касса оқимини таъминлаш учун маблағларни жалб қилиш имконияти ўртасидаги ўзаро боғлиқлик қарз меъёрининг катталиги билан белгиланади. Агар эмитент маблағ жалб қилиш натижасида вақтинча меъёрдан

ортиқ қарзга ботса, бунга рухсат бериш керакми? Ажратиладиган маблағлар қарз меъеридан ортиқ бўлса-да, касса оқимини таъминлаш учун маблағлар жалб қилишга рухсат этиладиган ҳолатлар мавжудми – деган савол туғилади. Масалан, агар маблағ жалб қилиш 12 ой мобайнида тўланиши лозим бўлса, у ҳолда шу вақт мобайнида тўланмаган маблағлар қарз меъери доирасида «қарз» сифатида кўриб чиқилиши керак. Бундай ҳолатда ҳам ушбу қарзнинг тўланиши кафолатланиши лозим.

Қонун ҳужжатлари баъзан касса оқимини таъминлашни маблағ жалб қилиш учун алоҳида мақсад, яъни молиялаш тақчиллигига ёки бошқа доимий молиялаштиришга қўшимча сифатида белгилайди. Айрим мамлакатларда (масалан, айрим француззабон давлатлар ёки 1995 йилгача Англия) Фазначилик облигациялари фақат касса оқимини таъминлаш учун хизмат қилади деб ҳисобланди, яъни бунда тақчилликни умумий тўлдиришнинг бир қисми сифатида чиқарилган Фазначилик облигациялари билан фақат кассавий бошқариш мақсадида чиқарилган облигациялар ўртасида фарқ қилинмайди. Бундай ёндашув қисқа муддатли воситаларни эмиссия қилишдан тортиб то бозорнинг ривожланишига қараб сўндиришнинг узоқ муддатларигача давлат бюджетининг эгри даромадларини бузиб кўрсатиши мумкин. Агар қонун ҳужжатлари бўйича касса оқими учун барча жалб қилинган маблағлар бюджет йилининг охиригача тўланиши талаб этилса, вазият янада кескинлашиши мумкин.

Кассавий бошқариш ва банк ликвидлиги тизими. Давлат бюджетни доирасида кассанинг яхши бошқарилиши ликвидликни бошқаришнинг банк тизимини яхшилаши мумкин. Бу қарз бўйича менежерлар билан пул-кредит сиёсати учун масъул шахслар ўртасида тўлақонли мулоқотни йўлга қўйиш учун муҳим. Чунки банк тизимида Фазначиликнинг молиявий оқимлари энг катта миқдорни ташкил қилади, пул-кредит сиёсати учун масъул шахслар билан давлат молияси касса оқимларининг прогнози тўғрисидаги доимий мулоқот Фазначилик маблағлари Марказий банкда ёки айрим тижорат банкларидида сақланишидан қатъи назар муҳим. Фазначилик ўз омонатларида ёки ўзининг маблағ жалб қилиш фаолиятида кескин

Ўзгаришларни амалга оширган ҳолда банк тизимининг ликвидлиги бузилишига йўл қўймаслиги лозим.

Меъёридан ортиқ банк сальдоси ва банкнотлар фоизлар тўлаш учун асоссиз ҳаражатларни келтириб чиқаради. Банк ҳисобварақларининг пул маблағларини бошқариш натижалари тўғрисида батафсил ахборот олиш учун тўловни амалга ошириш усулларини (масалан, банк ўтказмаси, пул банкнотлари, чеклар, дебет карталари) ва Ҳазначилик билан тижорат банки ўртасидаги муайян муносабат шартларини чуқур ўрганиб чиқиш зарур. Ҳазначилик вужудга келаётган шароитда, кўпинча, айнан Марказий банк ҳукумат даромадлари ва ҳаражатлари тўғрисида энг тўлиқ маълумотларга эга бўлади.

Ортиқча маблағларни бошқариш қисқа муддатли фоиз ставкаларидаги ҳаддан зиёд беқарорликка йўл қўймаслик учун катта аҳамиятга эга. Захираларнинг камайиши ставкаларни оширган ҳолда банклар ўртасида рақобатни кучайтиради, айти пайтда, захиранинг меъёридан ортиқ бўлиши нархларни пасайтирган ҳолда уларни сотишга ундайди. Касса масалалари бўйича мутахассислар ўзининг юқори органига прогноз ва тавсияни қанчалик аниқ беришса, бундай орган ортиқча захираларни тўғрилаш учун ўз операцияларини шунчалик самарали амалга ошириши мумкин. Ҳазначилик оладиган фойда – бу қарз маблағларини жойлаштириш учун кам ҳаражатчан монетар бозор.

Тан олиш лозимки, энг яхши прогнозлар ҳам чуқур ўйланган тахминлигича қолади, Ҳазначилик маблағлари қолдиқларининг кутилмаган жиддий ўзгаришлари кунлик асосда содир бўлади. Банклар ушбу ўзгаришларни бошқаришнинг қатор воситаларини ишлаб чиқади, хусусан, ўз воситаларини харид қилиш ва сотиш, айрим ҳолларда Ҳазначилик маблағларини Марказий банк ва тижорат банкларида жойлаштириш.

Шунингдек, ликвидлигини бошқариш ва захираларни прогноз қилишда узилишларга йўл қўймаслик учун Ҳазначиликнинг инвестиция сиёсатидаги ўзгаришлар туфайли юзага келган имкониятли сармоядорларнинг банк тизимига таъсирини ҳам ўрганиб чиқиш лозим.

Давлат активларини бошқариш ва банк тизими билан ўзаро муносабатлар. Давлат активларини инвестиция қилиш олдига

қўйилган стратегик вазифаларга қараб тегишли қонунлар, қарорлар ва сиёсий қарорлар рўйхати билан тартибга солиниши лозим. Лекин ушбу стратегиянинг айрим жиҳатлари фақат қонунчилик билан мустаҳкамланиши талаб этилади.

Инвестициялашнинг ушбу қонунчилик базаси қуйидаги имкониятларни беради:

- Инвестиция қилиш ва барча инвестиция маблағларини Марказий банкда (Ҳазначиликда) марказлаштириш бўйича муайян ваколатларга эга бўлиш.

- Марказий банк билан ҳуқуқий муносабатларни белгилаш.

- Алоҳида инвестиция сиёсатини қабул қилишни талаб қилиш ва Молия вазирлигига (Ҳазначиликка) ушбу сиёсатни амалга ошириш учун барча меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ваколатини бериш.

- Маълум муайян ваколатли инвестицияларни белгилаш. Агар қайишқоқлик талаб этилса, қонун «бошқа инвестициялар МВ томонидан қабул қилинган алоҳида қонун ҳужжати (ёки инвестиция сиёсати тўғрисидаги ҳужжат) билан ваколатланиши мумкин» деган қондан ҳам ўз ичига олиши мумкин.

- Тижорат банкларининг функцияларини ёритиш ва рақобат тендерларини ўтказиш ва барча банк хизматлари учун банк йиғимлари тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш ҳақидаги талабларни жорий этиш.

- Ҳисоб юритиш, ҳисобот ва аудит ташкилотларининг тегишли ваколатларини белгилаш. Аудитлар ички аудит томонидан тайёрланган мувофиқлик ҳисоботларини ҳам, маблағлар бўйича молиявий позиция ва ички назоратнинг хатарларни кўриб чиқиш учун мос келиши тўғрисидаги ташқи аудитни ҳам ўз ичига олиши керак. Умуман олганда, инвестициялаш учта мақсадни кўзлайди: ликвидлилик, фойда ва хавфсизлик. Фақат биттаси биринчи ўринга чиқиши мумкин. Давлат бюджетининг хавфсизлиги олий мақсад бўлиши, ликвидлилик иккинчи ўринда туриши лозим, инвестициялашдан маблағларни қайтариш, ёки фойда — бу учинчи мақсад. Ҳукуматнинг инвестициялаш сиёсати ушбу устувор йўналишларни ҳудди шу тартибда жойлаштириши керак. Инвестиция сиёсати қуйидаги унсурларни қўшиш йўли билан ушбу мақсадларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши мумкин.

- Давлат молияларининг улушлари тегишли қимматли қоғозларни ёки депозит олувчи субъектнинг бошқа маблағларини гаровга қўйиш орқали таъминланиши керак. Бундан ташқари, таъминот сифатида хизмат қилувчи қимматли қоғозлар бўйича фоиз даъво кучига эгалигини ва таъминот Фазначилик назорати остида бўлишини ҳам ҳисобга олиш лозим. Давлат молияси омонатларининг керагидан ортиқча таъминланишига ҳам эътиборни қаратиш зарур. Айрим ҳолларда учинчи томонни васий сифатида жалб қилиш фойдали бўлиши мумкин.

- Омонатни қабул қилувчи банклар, васийлар ва дилерлар танлов натижаларига кўра танлаб олинishi керак. Фазначилик нархнинг ҳар қандай оширилиши тўғрисида олдиндан ёзма тасдиқни олиши лозим. Танлаб олинган субъектлар мустақил аудитдан ўтиши ва олий даражадаги меъёрий қоидаларга мос келиши зарур. Мазкур субъектлар Давлат бюджети маблағларини инвестиция қилиш тўғрисидаги қонунлар ва ҳужжатларни билишни расман тасдиқлашлари лозим.

- Агар бозордаги пул маблағларига инвестиция қилишга рухсат этилган бўлса, инвестиция компаниясининг тажрибаси, йиғимлар ва харажатлар, қимматли қоғозлар портфеллари борасидаги сиёсат ва портфель таркиби тўғрисида ахборот олиш зарур.

- Агар тўлов тизими имкон берса, Фазначилик ўша кунгёқ барча операциялар бўйича ҳисоб-китобни талаб қилган ҳолда хатарни камайтириши лозим.

- Деривацион маҳсулотлар (контрагент кредити, васийлик, операцион хатар) билан боғлиқ хатарлар туфайли деярли барча вазиятларда улардан фойдаланиш махсус тарзда тасдиқланган бўлиши ёки рухсат этилган инвестициялар рўйхатидан чиқариб ташланиши керак.

- Кредитлар ставкалари инвестициялашни баҳолаш учун мезон сифатида хизмат қилиши мумкин бўлсада, кредитлар хатари фақат Давлат бюджети маблағларининг бутлигини таъминлаш зарурати билан боғлиқ омил сифатида кўриб чиқилиши лозим. Инвестиция берувчининг тавсияси сармоядорнинг бозорни, валютани, ставкаларни ва ликвидлилик хатарларини тадқиқ этиши билан тўлдирилиши керак.

- Агар мамлакатда қимматли қоғозларни қарзга беришга рухсат этилган бўлса, Фазначилик қимматли қоғозларга ўз улушларининг оқибатини тушуниши ва давлатга тегишли қимматли қоғозларни қарзга беришга рухсат этиш мумкинлигини ҳал этиши зарур.

- Давлат бюджетининг маблағлари, муайян эмитентнинг ёки тўлов муддати бир хил бўлган воситаларнинг тўпланишига йўл қўймаган ҳолда, турли усуллар билан инвестиция қилиниши керак. Мустақил томоннинг ўз қарз воситалари билан таъминланган мустақил инвестициялар учун бу амал қилмаслиги мумкин.

- Инвестицияларни қайтариш муддатлари касса оқими талабларини қондириш учун консерватив таркибга эга бўлиши лозим, хатарни пасайтиришнинг кейинги чораси сифатида инвестициялар учун энг катта муддат меъёрлари белгиланиши лозим. Маълум операциялар учун фақат субъектнинг бевосита ихтиёридаги маблағлар қулай меъёр бўлиши мумкин.

- Пул маблағларини ушлаб қолиш, маблағ жалб қилиш ёки қарзни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун асосга эга бўлиш.

- Хорижий валютадаги маблағлар тушуми инвестициялаш сиёсатининг бир қисми бўлиши керак, чунки Фазначилик божхона йиғимлари каби мунтазам даромадларни ва хусусийлаштиришдан тушадиган хорижий валютадаги даромадларни олиши мумкин. Фазначиликка валюта қарзлар билан боғлиқ тўловлар ва халқаро ташкилотларга аъзолик каби харажатлар учун зарур.

Қонунлар одатда Фазначиликнинг банк омонатлари каби хорижий валютадаги активларга эга бўлиш имкониятини белгилаб беради. Агар қонуний ваколатлар мавжуд бўлса, бошқа далиллар мавжуд. Хорижий валютани харид қилиш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар ҳар бир операция учун Фазначилик томонидан ҳисобга олиниши керак. Давлат томонидан бошқариладиган валютадаги активлар ХВЖ томонидан расмий халқаро захиранинг шакллантирувчи қисми сифатида кўриб чиқилмаслиги эҳтимоли бошқа далил бўлиши мумкин. Бу муҳим далил бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин.

Банклар билан ўзаро муносабатлар. Ҳазначилик тижорат банкларидан банк хизматларининг кенг доираси, шу жумладан, омонатлар, Давлат бюджетини амалда ажратиш ва хавфсиз сақлаш учун фойдаланиши мумкин. Хариллар амалиёти банк хизматларини мунтазам қайта баҳолашни талаб қилади. Миллий қонунларга мувофиқ рақобат тендерлари ва мулоқотларни даврий равишда ўтказиш тавсия этилади. Мазкур жараён хизматлар, йиғимлар, ставкалар ва қўйилган маблағлар мавжудлигини талаб қилувчи таклифлар учун сўровларни ўз ичига олиши керак. Нисбий фойдалар ва тўғридан-тўғри йиғимлар орқали хизматлар ҳақини тўлаш, маблағлар қолдиқларини компенсациялаш ёки уларни уйғунлаштириш. Банклар турли ролларни ўйнаши мумкин:

— омонатлар сақловчиси ва операция банки ролида иштирок этиш. Бундай банклар тендер жараёнида ёки танлов асосида танлаб олиниши керак. Мазкур банклар жисмоний шахсларнинг омонатларини қабул қилувчи жамғарма банклар ҳамда давлатга солиқлар ва бошқа тўловларни тўлаш учун ташкилот сифатида иштирок этиши ёки ушбу банклар бюджет банклари ёхуд тўловларни амалга ошириш учун операцион банклар бўлиши мумкин. Баъзан бир банкнинг ўзи турли ҳисобварақлардан бўлса-да, иккала функцияни ҳам бажаради. Мазкур банкларда таққослаш учун зарур бўлган кун якунига кўра маблағлар қолдиқлари тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлади. Касса бошқаруви бўлими бюджетдан фойдаланувчилар, даромадларни йиғувчи ташкилотлар ва молияни бошқариш ахборот тизими билан доимий алоқани ушлаб туриши керак;

— инвестициялар бўйича менежер ролида иштирок этиш. Банклар ортиқча маблағлар бўйича инвестиция хизматларини кўрсатиш учун алоҳида шартномаларга эга бўлиши мумкин. Ушбу банклар жамғарма ёки операцион банклар бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Кун якунидаги маблағлар инвестициялар учун турли хилдаги қисқа ва узоқ муддатли инвестиция дастурларига ўтказилиши мумкин;

— васий ролида ва ёки қимматли қоғозлар таъминоти сифатида иштирок этиш. Учунчи банк қимматли қоғозлар ёки бошқа таъминот эгаси бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Банкнинг мажбурияти алоҳида васийлик келишувида белги-

ланади. Бу Давлат бюджетининг активларини банкка қарши банкротлик тўғрисидаги таомилларни кўриб чиқиш ёки давлатга тегишли қимматли қоғозлардан мақсадсиз фойдаланиш объекти бўлиши мумкин.

Пул маблағлари оқими натижаларининг мониторинги.

Фазначилик ҳар куни оқимларни назорат қилиш ва уларни прогнозлар билан солиштириш мақсадида ҳисобварақлардан кўчирмалар мониторингини ўтказди. Агар пул маблағларининг прогнозлари ва амалдаги оқимлари ўртасидаги тафовут сиёсатни ўзгартиришни талаб қилувчи прогнознинг қайта кўриб чиқилишига олиб келса, у ҳолда Фазначилик сиёсатни ўзгартириш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши, молия вазирига сиёсатни ўзгартириш юзасидан маслаҳат бериши керак. Фазначилик банк кўчирмаларининг ҳар кунлик солиштириш натижаларидан пул маблағлари оқимининг тенденциясини янада чуқур тушуниш учун фойдаланади.

Давлат бюджети ижросини жумладан, унинг даромадлар тушуми ва харажатлар тўловини ўз вақтида тўлиқ амалга ошириш кассавий режалаштириш ва давлат пул маблағларини бошқариш механизмларига асосланади.

3-боб бўйича баҳс-мунозара ва назорат учун саволлар

1. Бюджет ижросини режалаштириш ва кассавий режалаштириш ўртасида қандай фарқлар мавжуд?

2. Бюджетнинг самарали ижросини таъминлаш ва харажатларни бошқаришни яхшилаш учун қандай тизим ишлаб чиқиш талаб этилади?

3. Фазначиликда даромадларни прогноз қилишда қандай унсурлар эътиборга олинади?

4. Кассавий режалаштириш ва бюджет маблағларини бошқариш қандай мақсадларни кўзлайди?

5. Кассавий режалаштириш ва пул маблағларини бошқариш қандай функцияларни амалга оширади?

6. Давлат бюджети ижросининг даромадлари ва харажатларини кассавий режалаштириш деб нимага айтилади?

7. Бюджет пул маблағларини кассавий режалаштиришнинг асосий таркибий қисмлари нималардан иборат?

8. Касса режаси деб нимага айтилади?
9. Даромадлар ва харажатларни кассавий режалаштиришнинг таркибий қисмлари нималардан иборат?
10. Кассавий режалаштириш қандай вақт параметрларига эга?
11. Кассавий режалаштириш ва унинг таркибий қисмларини прогноз қилиш мезони бўлиб нима ҳисобланади?
12. Давлат бюджетига пул маблағларининг оқими ва чиқимини прогноз қилишнинг қандай усуллари мавжуд?
13. Пул маблағларини кассавий бошқариш нима ва унинг мақсадлари?
14. Харажатларни амалга ошириш учун рухсатнома нима?
15. Кассавий бошқаришнинг бюджет маблағларининг бошқаришдан мустақиллиги дейилганда нима тушунилади?
16. Кассавий бошқариш ва банк ликвидлилиги тизими деганда нима тушунилади?
17. Давлат қарзлари ва уларнинг фазначиликда режалаштирилиши деганда нима тушунилади?
18. Қисқа муддатли қарз кассавий бошқариш воситаси эканлигини тушунтириб беринг?
19. Давлат активларини бошқариш фазначиликда бошқариш тартиблари нималардан иборат?
20. Фазначиликнинг кассавий режалаштиришдаги банклар билан ўзаро муносабатларни тушунтириб беринг.

4-боб. Ҳазначилик тизими шароитида давлат сектори ҳисоби тизими ва уни жорий этишнинг концептуал асослари

4.1. Давлат сектори ва бюджет ҳисобини такомиллаштириш асослари

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Қонунида бюджетнинг барча даромадлари, бюджет тақчиллигини молиялаш манбалари, бюджет харажатлари, шунингдек, бюджет ижроси жараёнида амалга ошириладиган операцияларни белгилаб берувчи ҳисоб юриштишнинг кенг қамровли тизимини ишлаб чиқиш зарурати белгилаб берилган.

Юқоридаги ўзгаришларни татбиқ этиш, ўз навбатида, бюджет жараёнида бюджет ҳисоби ва ҳисоботларнинг янги тизими барпо этилишини тақозо қилади. Янги тизим нафақат бюджет маблағларининг тўғри сарфланишини, балки ҳар бир бюджет йили бўйича улардан фойдаланиш самарадорлигини назорат қилиш, шунингдек, давлат активлари ва мажбуриятларини объектив тарзда баҳолаш имкониятини бериши лозим.

Мазкур ҳужжат давлат бошқаруви секторига кирувчи институционал бирликлар операциялари тўғрисида сифатли ва аниқ ҳисоботларни шакллантириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг барча институционал бирликлари учун бухгалтерлик ҳисобини юриштишнинг ягона тизимини ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Давлат бюджетини ижро этиш жараёнида бўладиган бюджет операциялари ҳисоби, юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, бухгалтерлик ҳисобининг қуйидаги икки турига бўлинади:

- бюджет ижросидаги операциялар ҳисоби (Давлат, республика ва маҳаллий бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари (ДМЖ) бюджетлари);

• бюджет ташкилотлари харажатлари сметасини ижро этиш операциялари ҳисоби.

Давлат бюджетни касса ижросининг ҳисоби. шу жумладан, ДМЖ, бюджет ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича бюджетлар ҳисобини юритиш тегишли бюджетларга хизмат кўрсатувчи ва уларни ижро этувчи Фазначилик органлари (Фазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари) томонидан амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари харажатларининг сметаларини ижро этишнинг ҳисоби ушбу ташкилотлар – бюджет маблағлари олувчиларнинг тегишли молиявий хизматлари томонидан ёки бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг марказлаштирилган бухгалтериялари томонидан юритилиши лозим. Тегишли Фазначилик органлари хизмат кўрсатиладиган бюджет ташкилотлари харажатларининг сметалари ижросининг бухгалтерия ҳисобини умумлаштирилган кўринишда юритади ва бюджет ташкилотлари харажатларининг сметалари ижроси тўғрисида жамлама ҳисоботларни қабул қилади.

Фазначилик органлари Давлат бюджетининг бухгалтерия ҳисобини юритишдан ташқари бошқа операциялар (молиявий операциялар) бўйича ҳам бухгалтерия ҳисобини юритади.

Фойдаланувчиларни бюджет ижроси тўғрисидаги зарур, шу билан бирга, ишончли ахборотга бўлган эҳтиёжларини таъминлаётгандек туюлаётган амалдаги мавжуд ҳисоб тизимини таҳлили, бу соҳада барҳам берилиши лозим бўлган маълум камчиликларни кўрсатди.

Россия тажрибаси кўрсатиб турганидек¹, аслида бюджет соҳасини, шу жумладан, бюджет ҳисобини ислоҳ қилиш, биринчи галда, давлат молияси билан операцияларнинг жамият учун ошқоралигини, ҳокимиятнинг ўзи томонидан амалга ошириладиган бюджет сиёсатининг натижалари учун жавоб-

¹ Зеленский В.А. Базовые экономические понятия, формирующие концепцию организации бюджетного учета в Российской Федерации; «Реформирование бюджетного учета и отчетности в Российской Федерации. Место и роль финансовых органов субъектов РФ в процессе реформирования» (сборник материалов регионального рабочего совещания).

гарлигини таъминлашга қаратилган, бу пировардида, фуқароларнинг ушбу ҳокимиятта бўлган ишонч муҳитини шакллантиришга кўмаклашади.

Йирик дастурларни амалга оширишда халқаро иқтисодий ҳамжамият молиясининг интеграциялашуви сармоядорларга қўшимча ахборот бериш заруратини келтириб чиқаради. Бу шу билан шартланганки, хорижий сармоядорга жорий даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги ахборот етарли эмас, бунинг устига ҳисоб юритишнинг мавжуд тизимида ушбу ахборот пул маблағларининг тушуми ва чиқими билан боғлиқ. Албатта, киритилиши лозим бўлган қўйилмаларнинг хатарлилик даражасини аниқлаш учун давлатнинг жамғарилган активлари ва мавжуд мажбуриятлари тўғрисидаги ахборот зарур ҳисобланади.

Бундан ташқари, мазкур жараёнда сармоянинг жаҳон молия бозорларида интеграциялаш зарурати катта рол ўйнайди, бу ҳам мамлакатларнинг ташқи мажбуриятлар буйича ҳисоб-китоб қилиш қобилияти ва уларнинг тўлов қобилиятини таҳлил қилиш учун ахборот талаб қилади. Шу муносабат билан ҳисоб юритиш тизимининг қуйидаги асосий омилларини ажратиш мумкин:

БЮДЖЕТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ САБАБЛАРИ

- Давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш тизимини бошқаришдаги юксак роли ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш
- Давлат фаолияти тўғрисида аниқ ва ишончли ахборотга бўлган зарурат
- Хорижлик фойдаланувчилар (халқаро институтлар)нинг эҳтиёжлари

Шу билан бир қаторда, мамлакатнинг унинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш ва таққослаш учун қулай бўлган молиявий ҳисоботини шакллантириш зарурати пайдо бўлди. Бундан ташқари, жамиятнинг ошқоралиги ошиши билан сайловчилар учун улар томонидан сайланган ҳокимият органлари фаолият кўрсатишини баҳолаш бўйича ҳолисона, қулай ва аниқ ахборотга бўлган эҳтиёж ортиб боради.

Шундай қилиб, барча сабаблар давлат молияси бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги мавжуд тизимни қайта кўриб чиқиш учун замин яратади.

Мазкур иш жараёнида учта қуйидаги йўналиш бўйича барча ҳисоб ва ҳисобот тамойилларининг ўзгариши юз беради.

**Давлат молияси ҳисобини юритишнинг асосий
йўналишлари**

- Ҳисоб юритиш субъектларини аниқлаш
- Ҳисоб юритиш объектларини аниқлаш
- Ҳисоб ва ҳисоботнинг асосий ёндашувлари ва тамойилларини стандартлаштириш

Кўпчилик мамлакатларда давлат молияси ҳисобини юритишнинг ривожланиши айнан ушбу йўналишлар бўйича амалга оширилди.

Биринчи йўналиш — бу ҳисоб ва ҳисоб юритиш субъектларини қайта кўриб чиқиш. Сўзсиз, молия хўжалик фаолияти субъектларини ва уларнинг иқтисодиётнинг муайян секторига тегишли эканлигини аниқ белгиламасдан туриб давлат бошқаруви секторининг фаолияти тўғрисида ишончли ахборотни шакллантириб бўлмайди. Масалан, давлат корхоналарини (мас., «Ўзбекнефтьгаз», «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ДАК ва б.) давлатнинг жамлама ҳисоботига киритиш ёки киритмаслик. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳисобот кўрсаткичлари сезиларли даражада ўзгариши мумкин, лекин бу ҳол ҳисобот хато ёки ишончсиз эканлигини аниқлатмайди. Шунчаки унда давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини тўлиқ баҳолашнинг иложи йўқ. У ёки бу бирликларни давлат бошқаруви секторининг таркибига киритиш тўғрисидаги қарор қонунчилик билан мустақамланиши ва давлатнинг ҳар бир субъекти (институционал бирлик) ҳуқуқида ҳисобга олиниши лозим. Лекин, шу билан бирга, иқтисодиётни секторларга бўлишнинг асосий тамойиллари давлатнинг барча субъектлари учун умумий бўлиши ва халқаро амалиётни ҳисобга олиши зарур.

Иккинчи йўналиш — бу ҳисоб тизимларининг қамраб олинишини кенгайтириш билан боғлиқ ҳисоб объектларини қайта кўриб чиқиш. Амалдаги тизимда давлат молиясининг бухгалтерия ҳисоби тақдим этадиган ахборот самарали бошқариш учун етарли эмас, чунки унда активлар, мажбуриятлар

ҳақида маълумотлар мавжуд эмас ва ҳисоблаб ёзиш усули қўлланилмаган. Шу билан бир қаторда бюджет маблағлари олувчилар харажатларини Давлат бюджети ҳисобидан тўлаш таомили тўғрисида, яъни бюджетдан ажратиладиган маблағлар, уларни олувчилар олдидаги мажбуриятлар ҳақида ахборот олиш зарурати пайдо бўлади. Шунингдек, тўлиқ олинмаган даромадлар ва амалга оширилмаган харажатлар тўғрисидаги ахборот талаб этилди, барча ахборот давлат молиявий ресурсларини бошқариш учун ўта зарур воситага айланади. Шу муносабат билан, ҳисоб объектларига нафақат аниқлик киритиш, балки уларни кенгайтириш зарурати пайдо бўлади. Албатта, бунгача активлар ва мажбуриятлар ҳақида ахборот мавжуд эмас деб таъкидлаб бўлмайди. У, сўзсиз, мавжуд, лекин ундан фақат бюджетни режалаштириш босқичида фойдаланилади ва у бухгалтерия ҳисоби доираларига киритилмайди. Бундай маълумотлар рўйхатга олиш ва назорат қилиш тизимлари доираларида мавжуд бўлиб, бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларга дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳолати, номолиявий активлар ҳолати тўғрисидаги маълумот кўринишида илова қилинади. Бундай тизимларнинг энг катта камчилиги уларнинг аниқ эмаслиги ва кераклича назорат қилинмаслигидир.

Ҳозирги босқичда активлар ва мажбуриятларнинг бутун доирасини тўлиқ қамраб олувчи бухгалтерия ҳисобининг интеграциялашган тизимини барпо этиш зарурати юзага келди.

Учинчи йўналиш – бу биринчи галда кўпчилик давлатларни ягона молиявий ҳамжамиятга бирлаштириш жараёни билан боғлиқ ҳисоботларни андозалаштириш. Бунда таъкидлаш лозимки, бухгалтерия ҳисобини андозалаштириб бўлмайди, яъни айнан бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозалари мавжуд бўлиши мумкин эмас, чунки бу назорат механизмлари бўлиб, улар турли мамлакатларда турлича бўлиши мумкин, бунда фақат ҳисоботларни шакллантиришга нисбатан асосий ёндашувлар андозалаштирилиши мумкин. Демак, бухгалтерия ҳисобини ривожлантиришнинг учинчи йўналиши – халқоро андозаларга мос равишда андозалаштириш.

Энди ушбу учта ривожланиш йўналишининг ҳар бирига батафсил тўхталиб ўтамиз.

Биринчиси, ҳисоб субъектларини аниқлаш. Бунда давлат бошқаруви сектори нима, унинг таркиби қанақалигини белгилаб олишимиз зарур.

Мамлакатнинг бутун иқтисодиёти қуйидаги 5 та катта секторга бўлиниши мумкин (4.1-расм)



4.1-расм. Иқтисодиёт секторлари

Биринчиси – бу номолиявий корпорациялар сектори. У товарлар ишлаб чиқариш ва номолиявий хизматлар, яъни пул маблағларини тақсимлаш билан боғлиқ бўлмаган хизматларни кўрсатиш мақсадида мавжуд.

Иккинчиси – бу бозорда молиявий хизматларни кўрсатиш билан шуғулланувчи молиявий корпорациялар сектори (молия-кредит ташкилотлари, Бюджетдан ташқари пенсия фонди ёки оддий инвестиция жамғармалари).

Учинчиси – бу ўзининг асосий фаолият тури сифатида давлат функцияларини бажариш билан шуғулланувчи барча тузилмаларни бирлаштирувчи давлат бошқаруви сектори.

Тўртинчиси – бу уй хўжаликларига хизматлар кўрсатувчи ва сиёсий партиялар, диний бирлашмалар ва бошқа жаоат ташкилотларини ўз ичига олувчи нотижорт ташкилотлари сектори.

Бешинчиси – бу мамлакатнинг барча аҳолисини қамб олувчи уй хўжаликлари сектори.

Биринчи навбатда, ушбу бешта секторнинг ҳар бири институционал бирликлар бирлашмасини ўзида намоён этади.

Бунда институционал бирлик ҳам янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ҳисобга олинган асосий тушунча.

Институционал бирлик — бу ўз активларига ўзи эгалик қиладиган, мажбуриятларни ўзи ва ўз номидан қабул қилувчи, ўзи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи ва иқтисодиётнинг бошқа секторлари билан операцияларни ўзи амалга оширувчи тузилма. Ушбу таърифдан келиб чиққан ҳолда, давлат бошқаруви секторига бундай бирликларни ажратиш қийин ва бунинг иложи йўқ, чунки ҳуқуқ нормалари доирасида бюджет муассасалари ўз номидан мажбуриятлар қабул қилмайди ва ўз номидан активларга эга эмас. Шундай қилиб, таъкидлаш лозимки, ушбу ҳолатда қонун чиқарувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинган маълум бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан молияланувчи давлат тузилмаларининг йиғиндиси бир институционал бирлик. Шундан келиб чиққан ҳолда, бюджет ҳисобининг субъекти бўлиб давлат бошқаруви сектори ва ушбу сектор шакллантирадиган бирликлар йиғиндиси ҳисобланади. У барча давлат бирликларини, давлат томонидан назорат қилинадиган ва молияланадиган барча нобозор ва нотижорат ташкилотларни ўз ичига олади.

Маъмур ташкилотлар мулкчилик ҳуқуқига эга эмас ва улар қабул қиладиган барча мажбуриятлар бўйича давлат субсидиар жавобгарликка эга. Яъни айтиш мумкинки, бу давлат бошқаруви секторини шакллантиришнинг биринчи томоёили ҳисобланади, уни ташкил этувчи барча бирликлар давлатнинг назорати остида бўлиб, у томонидан молияланади.

Давлат бошқаруви секторини шакллантиришнинг иккинчи томоёили — бу кўрсатиладиган хизматларнинг бозор хусусиятига эга эмаслиги ва фавқулоддалиги, яъни давлат бошқаруви секторининг бирликлари ўзининг асосий фаолияти доирасида қандайдир бозор хизматларини кўрсатиш билан шуғулланмасликлари керак. Агар бундай ҳолат содир бўлса, масалан, статистика ҳужжатларини тақдим этиш, у ҳолда бу — фавқулодда хизмат ҳисобланади. Бозор хусусиятига эга бўлмаган ва фавқулодда хизматлар жумласига ижтимоий дастурларни киритиш мумкин, яъни давлат ижтимоий хизматларни беғараз кўрсатади ёки алоҳида ижтимоий хизматларни


қандайдир иқтисодий аҳамиятга эга бўлмаган, хизматлар бозори нархларига ва ундаги рақобат даражасига таъсир кўрсатмайдиган нархларда. Мана шу икки асосий тамойил: биринчиси — давлат томонидан назорат ва молиялаш ҳамда, иккинчиси кўрсатиладиган хизматларнинг бозор хусусиятига эга эмаслиги ва фавқулоддалиги давлат бошқаруви секторини ажратиш заруратини белгилаб беради.

Давлат бошқаруви сектори, товарлар ва хизматларни сотиш бозорининг иштирокчиси сифатида умуман намоён бўлмаслиги лозим. Бу асосий қоида ва шунинг учун, ушбу иккита тамойилдан келиб чиққан ҳолда давлат бошқаруви секторининг таркибини аниқ белгилаб олиш зарур.

Маъмурий ва ҳуқуқий механизмларга қараб давлат бошқаруви сектори кичик секторлардан таркиб топиши мумкин. Таклиф этилаётган схемада кичик секторларга бўлиш мамлакатимизнинг бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунида белгиланган бюджет тизимининг даражалар бўйича бўлинишига мос келади. Биринчи кичик сектор — бу республика бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетларини ўз ичига олувчи марказий ҳукумат кичик сектори. Иккинчи кичик сектор — бу маҳаллий бошқарув органлари кичик сектори, яъни бунга маҳаллий бюджетлар киради. Давлат бошқаруви секторини кичик секторларга бундай бўлиш ушбу кичик тизимлардан ҳар бирининг ваколатлари ва мажбуриятларини оқилона тақсимлаш ва улар ўртасидаги барча ўзаро ахборот оқимларини назорат қилиш имконини беради. Кўпинча, «давлат бошқаруви сектори» ва «давлат сектори» тушунчаларининг аралашиб кетишига йўл қўйинлади. (4.2-расм.)


Давлат сектори — бу маълум ташкилотлар йиғиндисини таърифлаш учун қўлланиладиган, лекин иқтисодийётнинг ҳар бир секторидан унинг бир қисмини ўзига олсада, иқтисодийётнинг юқорида кўрсатилган бешта секторига яққол мос келмайдиган ва айнан давлат секторини шакллантирувчи умумлаштирувчи тушунча. Яъни, давлат сектори иккита катта қисмдан таркиб топади — иккита кичик секторга бўлинувчи давлат бошқаруви сектори ҳамда давлат томонидан

молияланмайдиган, лекин унинг назорати остида турадиган бозорда хизматлар сотиш билан шуғулланувчи барча давлат корпорациялари, давлат корхоналари ва ташкилотларини ўз ичига олувчи иккинчи қисм. Ушбу корхоналар жумласига акцияларининг назорат пакети давлат ихтиёрида бўлган давлат корхоналари ва давлат акциядорлик жамиятларини киритиш лозим. Молиявий ва номолиявий давлат муассасалари ҳам ушбу гуруҳга киритилади, яъни бу молия-кредит муассасалари, шу жумладан. Олий Мажлисга ҳисобот берувчи Марказий банк. Таъкидлаш лозимки, Марказий банкнинг функциялари давлат бошқаруви билан унчалик боғлиқ эмас, чунки у монетар сиёсатни амалга оширади, миллий валютани қўллаб-қувватлаш билан шуғулланади ва унда юқорида таъкидлаб ўтилган давлат бошқаруви белгилари мавжуд эмас.



4.2-рasm. Давлатнинг бошқарув сектори

Шундай қилиб, давлат сектори – бу давлат бошқаруви секторига қараганда кенгроқ тушунча, чунки давлат секторига давлат бошқаруви секторига киритилиши мумкин бўлмаган ташкилотлар ва корпорациялар ҳам кирази. Бу қуйидаги кўринишга эга бўлади: (4.3-расм)



4.3-расм. Давлат сектори тузилмаси

Савол туғилади: Уни алоҳида секторга ажратиш нима учун керак бўлади, ахир иқтисодиёт секторларга аниқ бўлинган-ку, давлат сектори тушунчасини киритиш нима учун керак? Бундай тушунча давлатнинг иқтисодиётга таъсирини чегаралаш ва баҳолаш учун киритилади, чунки давлат, масалан, иқтисодиётга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган табиий моно-

полияларга эга. Ўз навбатида, давлат табиий монополияларни субсидиялаши мумкин ва ушбу жараёнларни ажратиш ва назорат қилиш лозим. Шунингдек, давлат тасарруфида нима борлигини ҳам назорат қилиш лозим ва бу, масалан, давлат номолиявий корпорациялар секторида нечта номолиявий корпорацияга эгалигини билиш учун аниқ белгиланиши керак.

Демак, амалда ҳисоб юритиш субъекти бўлиб оммавий-ҳуқуқий тузулмалар ҳисобланади. Хусусан: давлат ҳокимияти органлари, давлат бюджетдан ташқари фондларини бошқариш органлари, ҳудудий давлат бюджетдан ташқари фондларини бошқариш органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва бюджет ташкилотларининг ҳисоб юритиши, оммавий-ҳуқуқий тузулмаларнинг бўлакларидир.

Энди ҳисоб объектлари, ҳисоб юритиш ва ҳисоботларни тузиш усулларига тааллуқли масалаларни кўриб чиқамиз.

Бухгалтерия ҳисоби амалиётдан ҳисоб юритишнинг тўртта усули маълум. Улар давлат секторида Халқаро молия стандартларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан қуйидаги изчилликда белгиланган.



Касса усули — бир неча асрлардан буён қўлланилиб келинаётган ва шу вақт ичида такомиллашиб улгурган. У пул маблағларининг ҳаракати бўйича барча воқеаларнинг рўйхатга олинишини назарда тутди. Яъни бюджетлар ҳисоб варақларига ҳақиқий тушган тушумлар ва ундан чиқиб кетган чиқимларни ҳисобга олади.

Бунда бухгалтерия ҳисоби доирасида ҳеч қандай активлар ва мажбуриятлар ҳисобга олинмайди, бюджет маблағлари бундан мустасно. Бундан ташқари, бюджет мажбуриятлари ва уларга рухсат бериш босқичлари ҳисоби ҳам, ҳисоб юритишнинг касса усули тамойилларга асосланган. Шунинг учун, ҳисоб юритишнинг касса усулида бюджет ижросининг ҳолатини назорат қилиш учун бюджет харажатларига рухсат

беришнинг барча босқичлари ҳисобварақларини интеграциялаш зарур ҳисобланади.

Модификациялашган касса усулида ҳисобот йилидан кейинги йилнинг бири-ичи ойи ажратиладиган ва ушбу биринчи ойдаги барча операциялар ўтган йил операцияларига киритилади, яъни ушбу даврда давлат ўтган йил мобайнида қабул қилинган ўзининг барча мажбуриятларини ёпади ва ўтган йилда охиригача олинмаган барча даромадларни тўлиқ олади, деб ҳисобланади.

Бундай модел ҳатто ҳисоботларни ҳисоблаб ёзиш усули бўйича тузиш имконини бериши ҳам мумкин, бу маълум даражада активлар ва мажбуриятларни баҳолашга имкон беради.

Навбатдаги усул — бу **ҳисоблаб ёзишларнинг модификациялашган** усули бўлиб, унда операциялар юқоридаги ҳолатдаги каби пул маблағларининг оқимлари бўйича эмас, балки операцияни дарҳол амалга оширишда рўйхатга олинади, яъни операцияни амалга оширишда даромадлар ва харажатлар ҳисоблаб ёзилади, қандайдир активлар ва мажбуриятлар акс эттирилади.

Ушбу моделнинг яна бир ўзига хос хусусияти мавжуд — у эскиришнинг ҳисобланишини назарда тутмайди, яъни номолиявий активлар ёки ҳисоблаб ёзишнинг модификацияланган усулида харид қилинадиган активлар улар харид қилинган дарҳол харажатларга чиқарилади. Бу ҳисобни енгиллаштириш учун қилинган эди, чунки ҳисоблаб ёзиш усулига ўтишда энг катта муаммо номолиявий активларни ҳисобга олиш, уларни баҳолаш ва эскиришни ҳисоблаб чиқиш.

Ҳисоблаб ёзиш усули. Бунда активлар билан амалга ошириладиган барча операциялар уларнинг пайдо бўлиши вақтида ҳисобга олинади, лекин улар ўзларининг фойдали хизмат кўрсатишининг бутун муддати мобайнида мутаносиб равишда харажатларга чиқарилади.

Касса усули ва ҳисоблаб ёзиш усули бўйича даромадлар ва харажатлар тушунчаларини фарқлаш учун қандайдир чалкашликларга йўл қўймаслик мақсадида уларни бўлиш керак.

Ўз навбатида, ҳисоб юритишнинг касса усули — бу операцияларни пул маблағларини олиш ва тўлаш вақтида ҳисобга

олиш, ҳисоблаб ёзиш усули бўйича ҳисобга олиш эса – бу операцияларни активлар ва мажбуриятлар иқтисодий қийматининг пайдо бўлиши ёки ўзгариши вақтида ҳисобга олиш демакдир. Айнан мана шу икки таърифда касса усули ва ҳисоблаб ёзиш бўйича даромадлар нима ва харажатлар нималиги ифодаланган. Буни қуйидаги тарзда кўрсатиш мумкин (4.4-расм).

Касса усули билан ҳисоблаб ёзиш усули ўртасидаги фарқлар

• Касса усули

- операцияларни пул маблағларини олиш ёки тўлаш вақтида ҳисобга олиш

• Ҳисоблаб ёзиш усули

- операцияларни активларнинг иқтисодий қиймати ва мажбуриятлар ўзгарган вақтда ҳисобга олиш

• Даромадлар

- давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ихтиёрига келиб тушувчи пул маблағлари

• Харажатлар

- давлат вазифалари ва функцияларини молиявий таъминлаш учун йўналтирилладиган пул маблағлари

• Даромадлар

- активларнинг соф қийматини оширувчи операциялар

• Харажатлар

- активларнинг соф қийматини камайтирувчи операциялар

4.4-расм. Ҳисоб юритиш усуллариининг фарқлари

Касса усулида бюджет ижроси тўғрисида соддалаштирилган кўринишдаги ҳисоботни келтириш мумкин, у учта қисмдан таркиб топади: даромадлар, харажатлар ва молиялаш манбалари. Ушбу қисмлар маблағларнинг ҳаракатини ёки пул маблағлари қолдиқларини ўзида намоён этади ёхуд, агар

соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, даромадлар ва харажатлар — бу бюджет ҳисобварақларидаги маблағлар тушуми ва чиқимидир. Ҳисоблаб ёзиш усулида қолдиқлар (номолиявий, молиявий активлар қолдиқлари, мажбуриятлар қолдиқлари) тушунчаси мавжуд бўлиб, даромадлар ва харажатлар алоҳида ажратилади, яъни маблағлар захираларининг ҳаракати билан боғлиқ бўлмаган барча операциялар.

Агар касса усули билан ҳисоблаб ёзиш усулини солиштирадиган бўлсак, у ҳолда ҳисоблаб ёзиш усули бошқариш учун катта имкониятларни беради, у давлат активлари ва мажбуриятлари тўғрисида тўлиқ ахборот беради. Шу билан бирга, унда кўпчилик мамлакатларда уни қўллашга тўсқинлик қилувчи битта катта камчилик мавжуд — бу ҳаммаси бюджетнинг Ҳазначиликдаги ҳисобварақларидаги маблағлар ҳаракати тўғрисидаги кўчирмалар асосида амалга ошириладиган касса оқимларини оддий рўйхатга олишга қараганда унинг мураккаблигидир. Ҳисоблаб ёзиш усули қатъий регламентланган бўлиши керак ва схема тарзида у қуйидаги кўринишга эга бўлади.


Бу ерда даромадлар ва харажатлар, номолиявий ва молиявий активларни баҳолаш, бозор қиймати бўйича баҳолаш, дастлабки қиймат бўйича баҳолаш каби масалалар юзага чиқади.

Ҳисоб юритишнинг касса усулида бундай муаммолар юзага келмайди. Ягона муаммо пул маблағларини хорижий валютада қайта баҳолашдан иборат бўлиб, уни ҳам ҳал этиш мумкин, чунки валюталар курслари расман қайд этилади ва қолдиқлар тегишлича ўзгариб туради.

Ҳисоблаб ёзиш усулида қатъий белгилаб қўйилиши лозим бўлган кўплаб масалалар пайдо бўлади. Ҳисоблаб ёзиш усулида: даромадлар — бу активларнинг соф қийматини оширувчи операциялар, харажатлар эса — бу активларнинг соф қийматини камайтирувчи операциялардир (4.5-расм).

Активларнинг соф қиймати нима ва у нима учун шундай номланишига бир неча мисоллар келтирамыз.

Биринчи мисол — бу солиқ даромадларини ҳисоблаб ёзиш: ушбу ҳолатда актив пайдо бўлади, солиқ тўловчига нисбатан қандайдир битим туфайли эмас, балки солиқ ҳуқуқи туфайли



4.5-расм. Ҳисоблаб ёзиш жараёнлари

талаб пайдо бўлади, яъни солиқ тўловчига нисбатан қўйилган талаб битим тугагунга қадар пайдо бўлади, шунинг учун активларнинг соф қиймати ошади ва биз буни даромад сифатида таснифлашимиз мумкин.

Иккинчи мисол – бу акцияларни сотишдан маблағлар тушуми. Касса усули бўйича пул маблағлари тушуми, бошқача айтганда, акцияларни сотишдан даромадлар тушуми.

Ҳисоблаб ёзиш усули бўйича бу даромад эмас, чунки бу акциялар бўйича қолдиқларнинг камайишига олиб келади, унда ғазна камаяди ва пул маблағлари қолдиқлари ортади, бу эса ўз навбатида даромад эмас.

Ҳисоблаб ёзиш усули бўйича харажатлар ҳам ўзининг алоҳида хусусиятларига эга. Масалан, электр энергиясининг ҳақини тўлаш бўйича харажатларни ҳисоблаб ёзиш. Электр энергиясини истеъмол қилишда тўлаш бўйича мажбурият пайдо бўлади, лекин бунда ҳеч қанақа актив пайдо бўлмайди.

Сўнги мисол – бу бино қурилиши. Бино қурилишига пул маблағлари сарфланади ва бунда бинонинг қиймати ўсади, лекин касса усулида активлар қиймати ўзгармайди, чунки касса усули нуқтаи назаридан бу харажатга киради, аслида эса давлатда активлар ортади, давлат маблағларни активларга, бинолар қурилишига сарфлайди.

Ҳисоблаб ёзиш усулида шунчаки қанча маблағ сарфланганлигини эмас, балки қанча актив олинганлигини ва қанча сарфланганлигини баҳолаш мумкин, яъни пул маблағлари қолдиғининг мувазанатлашуви таъминланади.

Масалан, номолиявий активларни бозор қиймати ёки уларнинг дастлабки қиймати бўйича баҳолаш бир-биридан катта фарқ қилиши ва баҳолашнинг турли ёндашувлари бўйича тузилган ҳисоботлар ҳам бир-биридан катта фарқ қилиши мумкин. Ҳисоб объектини бундай тушуниш ҳисобга олиш мафқурасини тубдан ўзгартиради.

Юқорида қайд этганимиздек, Халқаро валюта фонди стандартлаштириш жараёнида янги қадамни ташлади – бу ХВФ томонидан 2001 йилда Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланманинг қабул қилиниши (ДМСҚ-2001). Унда иқтисодиёт секторларини ташкил этиш батафсил ёритилган, ҳисоблаб ёзиш усулининг асосий тамойиллари, активлар ва мажбуриятлар, даромадлар ва харажатлар белгиланган бўлиб, статистик маълумотлардан макроиқтисодий таҳлил учун фойдаланилади, лекин, афсуски, сармоядорлар, одатда, улардан фойдаланишмайди.

Шу муносабат билан Халқаро бухгалтерлар федерацияси (ХҲҲА)да давлат секторида Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларини тузиш ғояси пайдо бўлди.

Дастлабки стандартлар 2000 йил майда чиқди. Ҳозирги кунда ҳисоблаб ёзиш усули бўйича 21 та ва ҳисоб юритишнинг касса усули бўйича 1 та стандарт расман эълон қилинган. Лекин уларда талайгина ҳал этилмаган муаммолар мавжуд, масалан,

давлатнинг пенсия мажбуриятлари бўйича ҳисоботларни тузиш ва шаклантириш, ушбу мажбуриятларни қандай баҳолаш масалалари тартибга солинмаган — яъни ҳозирги пайтгача бундай стандарт қабул қилинмаган.

Шунинг учун, ушбу стандартлар соф кўринишда ҳозирги кунда қўлланилмаяпти, чунки улар операцияларнинг бутун доирасини қамраб олмаган.

4.2. Давлат бюджети газна ижросининг ҳисобини қуришга нисбатан методологик ёндашувлар ва Давлат бюджети газна ижроси ҳисобининг Ягона ҳисоб режаси

Бюджет ҳисобини юритишдаги ислоҳотлар унинг асосида сиёсатчилар бюджет-солиқ соҳасида оқилона қарорлар қабул қилиши ҳамда давлат вазифалари ва функцияларини бажаришнинг энг самарали усуллари фойдасига танлаши мумкин бўлган ҳисобот ахборотини шаклантириш имконини берувчи ҳисоб таомилларини ташкил этиш учун амалга оширилади.

Транспарентлик (ингл. “transparency” — шаффофлик, аниқлик), ёки очиқлик керакли тарзда бошқаришнинг хусусиятли белгиси ҳисобланади. У давлатнинг операциялари ҳақидаги ахборотнинг жамоатчилик учун қулайлиги ва қарорлар қабул қилиш жараёнларининг ошкоралиги билан боғлиқ. Бошқарув демократик шаклининг афзаллиги шундан иборатки, у ахборот билан эркин алмашувни таъминлайди ва бу билан оқилона танловни амалга ошириш имконини беради.

Бундан ташқари, давлат секторининг жамоатчилик томонидан доимий назорат қилиниши унинг фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Ҳисобдорлик унинг ёрдамида давлат органлари ўзи қабул қиладиган қарорлар учун тегишли жойларда ҳисобот берадиган механизмни ўзида намоён этади.

Яна шуни англаб этиш лозимки, ислоҳотни муайян шахслар амалга оширади, бюджет ҳисобини юритиш соҳасидаги ислоҳотни эса асосан махсус экспертлар ва бухгалтерлар амалга оширишади. Шу муносабат билан бюджет ҳисоби билан шуғулланувчи мутахассисларнинг касбий савияси замон талабларига ва бюджет соҳасини ислоҳ қилишда белгиланган вазифаларга мос келиши керак.

Францияда, масалан, Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатлари билан бир қаторда бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисобот халқаро стандартларига мувофиқ ислоҳ қилишга кўмаклашувчи 50 та иқтисодий мавзунини ўз ичига олувчи ишчи дастур ишлаб чиқилган. Мазкур дастур бухгалтерлик ҳисоби Франция миллий тамойилларини таҳлил қилиш ва уни халқаро нормаларга мослаштиришни назарда тутди. Таъкидлаш лозимки, француз миллий қоидалари ва Молия ҳисоботлари халқаро стандартлари (МҲХС) ўртасида активлар ва номолиявий активларнинг қадрсизланиши масалаларида тафовут мавжуд. Франция қонун ҳужжатларида меҳнат фаолияти ниҳоясига етгач, ходимларга тўловларни таъминлаш мажбуриятини ҳисобга олиш мажбурий ҳисобланмайди. Бир акцияга тўғри келадиган асосий ва қўшимча фойдани ҳисоблаб чиқиш қоидалари мавжуд эмас. Фавқулодда ҳолатларнинг натижалари халқаро стандартларда кўзда тутилгандагига қараганда кенгроқ белгиланади. Франция ҳисоб қоидаларининг МҲХСдан жиддий фарқ қилувчи ўзига хос хусусияти сармоёдаги ўзгаришлар ҳақида, алоқадор томонлар билан амалга оширилган операциялар, тугалланадиган операциялар ва сегмент мажбуриятлари бўйича ахборотнинг маълум қилишини талаб этувчи муайян қоидаларнинг мавжуд эмаслигидан иборат. Бундан ташқари, Франция бюджет ҳисоби хусусий сектор бухгалтерия ҳисоби асосида ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасида давлат секторида бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш борасида ишлаб чиқиладиган стратегияга мувофиқ янги тизимнинг асосий мезонлари қуйидагиларни ташкил этади: бу – бюджет таснифи билан интеграциялашиш, бюджет ижроси ҳисобини бюджет ташкилотларида юритиладиган ҳисоб билан бирлаштириш ва 2001 йилги Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланма (ДМСК) ва Давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (ДСБҲХС) (2-илова) талаблари асосида ҳисоблаб ёзиш усулидан фойдаланиш. Бухгалтерлик ҳисобининг ушбу стратегияси қуйидагиларга йўналтирилади:

- ўзгаришлар ўзаро боғлиқ, изчил ва реал тартибда ўтишини таъминлаш. Масалан, қандайдир ўзгаришлар мавжуд ахборотлар асосида зудлик билан амалга оширилиши мумкин.

айни пайтда, бошқа ўзгаришларни амалга ошириш учун қонунчилик ва процессуал тайёргарлик, шунингдек, кенг билимлар ва ўқитиш талаб этилади;

- айрим ҳисоб ўзгаришлари бир неча йилга кечиктирилиши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда бошланғич босқичда ҳам, ўрта муддатли истиқболда ҳам Давлат бюджети газна ижроси бюджет ҳисобининг янги талабларига мос келиши лозим бўлган ўзига хос хусусиятларни аниқлаш.

Бухгалтерия ҳисобининг мазкур стратегиясида акс эттирилган умумий мақсадлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳисоблаб ёзиш усули учун ДСБҲХС билан тўлиқ мувофиқликка эришиш учун ўтиш босқичи сифатида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни касса усули учун ДСБҲХС билан мувофиқлаштириш;

- касса усули бўйича тайёрланган молиявий ҳисоботларда қўшимча очиб бериш кўринишида ҳисоблаб ёзиш усули учун ДСБҲХС мажбурий унсурларини босқичма-босқич татбиқ этган ҳолда ҳисоблаб ёзишнинг модификацияланган усули бўйича бухгалтерия ҳисобининг мавжуд тадбирларини жорий этиш;

- ҳисоб андозаларини аниқлашда марказлашмаган тизимни кучайтириш ва бевосита халқаро андозаларга таянган ҳолда уларни аниқлаш бўйича саъй-ҳаракатларни қисқартириш;

- фискал ҳисоботларни ДМСҚ-2001 да баён этилган методология билан мувофиқлаштириш. Бироқ бунга бир неча йил вақт кетади, чунки ДМСҚ-2001 тўлиқ ҳисоблаб ёзиш усулига асосланган тизим ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда давлат бошқаруви органларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари иккита мустақил, лекин ўзаро боғлиқ блокни ўз ичига олади:

- Молия вазирлигида ва молия органларида касса усули бўйича «Бюджет ижросининг бухгалтерия ҳисоби»;

- бюджет ташкилотларида ҳисоблаб ёзишнинг модификациялашган усули бўйича амалга ошириладиган «Сметалар ижроси бухгалтерия ҳисоби».

Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари ижросининг бухгалтерия ҳисоби Молия вазирлиги ҳамда жойлардаги

молия органлари томонидан юритилади. Бюджет даромадлари ва харажатлари бюджет таснифига мувофиқ кодланади ҳамда белгиланган тартиб ва норматив ҳужжатларга мувофиқ тартибга солинади.

Сметалар ижросининг бухгалтерия ҳисоби бюджет ташкилотлари томонидан мустақил равишда амалга оширилади. Илғор тажриба сифатида бюджет ташкилотларига ҳисоблаб ёзишнинг модификациялашган усули бўйича ҳисоботлар тайёрлаш имконини берувчи ҳисобнинг батафсил регистрлари юритилади.

Ушбу талбирлар кодлаш ва ҳисоб юритишнинг қуйидаги механизмлари билан қўллаб-қувватланади: бюджет ташкилотлари Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби туғрисидаги тегишли тартибларда кўзда тутилган ҳисоб режаси ва унга қилинган ўзгартиришлар, шунингдек, вазначилик орқали ижро этилаётган бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби” ва “Бюджет тизими” туғрисидаги қонунлари асосида 2010 йил 22 декабрда 2169-сон билан ишлаб чиқилган, Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби туғрисидаги тартиб (2011 йил 1 январидан бошлаб жорий қилинган). жаҳон стандартларига мос яъни ДМСҚ-2001да баён этилган методология билан мувофиқлаштириш юзасидан биринчи қадам бўлди дейилса муболаға бўлмайди.

Бу тартибда берилган бухгалтерия ҳисобининг счётлар режасини ДМСҚ-2001 таркибига мувофиқ тасдиқланган бюджет таснифи билан бухгалтерия ҳисобининг уйғунланишуви таъминланишига ҳаракат қилинган.

Шунингдек, тартибда бухгалтерия ҳисобининг регистрлари ва дастлабки ҳужжатлар бўйича умумий талаблар, бухгалтерия ҳисобининг барча объектларини (асосий воситалар, номоддий активлар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар, пул маблағлари ва х.к.ларни) ҳисобга олиш ва ҳисобда акс эттириш тартиби ва бошқалар акс эттирилган.

Шу билан бир қаторда, тартибда бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси тузилиши бўйича ҳамда бобларнинг номланиши ДМСҚ-2001 Халқаро стандартига мос равишда ишлаб чиқилган ва 5 та бобдан иборат. Яъни:

1-боб “Номолиявий активлар”да ташкилотларнинг пул маблағлари ва дебиторлик қарзларидан бошқа барча моддий ва номоддий кўринишдаги активлари ҳисобга олинади (ташкilotнинг асосий воситалари, товар-моддий захиралари, номоддий активлари ва бошқа активлари);

2-боб “Молиявий активлар”да ташкилотларнинг пул маблағлари ва молиявий қўйилмалари ҳисобга олинади (ҳисобварақлардаги бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар, кассадаги миллий ва хорижий валютадаги нақд пул маблағлари ва депозитга қўйилган пул маблағлари);

3-боб “Дебиторлар ва кредиторлар”да ташкилотларнинг активлари ва пассивлари бўлган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари акс эттирилади. Бунда, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар турли ташкилотлар ва муассасалар билан ҳисоб-китоблар, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар, ходимлар ва стипендия олувчилар билан турли ҳисоб-китоблар ва бошқа ҳисоб-китоблар алоҳида ҳолда гуруҳлаштирилиб, тегишли счётларда акс эттирилган;

4-боб “Молиявий натижаларни ҳисобга олувчи счётлар”да ташкилотнинг жорий йилга молиявий натижалари ва якуний молиявий натижалар бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг (даромадларнинг) турлари бўйича алоҳида ҳолда гуруҳлаштирилиб, тегишли счётларда акс эттирилган. Шунингдек, ушбу бобда ҳисобот даврининг охирига қолдиқ қолмайдиган (транзит) счётлар ва ҳисобот даври мобайнидаги операцияларни ўзида акс эттирувчи моддий активлар реализацияси, тақсимланадиган харажатлар ва давр харажатлари алоҳида субсчётларда акс эттирилган.

5-боб “Балансдан ташқари счётлар”да ташкилотда вақтинчалик турган ва унга қарашли бўлмаган моддий бойликлар (ижарага олинган асосий воситалар, жавобгарликда сақлаш учун ёки қайта ишлаш учун олинган моддий бойликлар), шунингдек, қатъий ҳисобот бланқалари, дам олиш уйлари ҳамда санаторийлар учун йўлланмалар ва бошқалар ҳисобга олинади.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини жорий этилиши ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари бўйича операцияларни ғазначиликда шахсий

ҳисобварақлар орқали акс эттирилиши муносабати билан бюджет ташкилотларининг шахсий ҳисобварақлари бўйича маблағлар ҳаракатини, Шунингдек, ғазначилик ижроси бўйича бухгалтерия операцияларини ҳисобда акс эттириш учун янги субсчётлар жорий қилинди.

Шунингдек, бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги ва сметалар ижроси бўйича операцияларнинг ҳисобини белгиланган тартибда юритади ва тегишли ҳисоботларни тайёрлайди;

- молия органлари бюджетлар ижросининг ҳисобини юритади ва молиявий органлар томонидан бюджет ижроси ҳисоб режасини назарда тутувчи қондаларга (Ғазна ижроси) мувофиқ ҳисоботларни тайёрлайди;

- МБ ва унинг вилоят филиаллари ва тегишли тижорат банклари белгиланган тартибга мувофиқ Давлат бюджетининг касса ижроси бўйича ҳисоб юритади ва ҳисобот беради (кейинчалик ғазна органларига топширади).

Бюджет ташкилотлари молиявий ҳисоботларга қўшимча равишда МВ талабларига мувофиқ барча бўлимлар учун штатлар ва контингентлар бўйича режа ижроси тўғрисида чораклик ва йиллик ҳисоботларни тайёрлайди. Мазкур ахборот харажатлар режасига қўшимчалар киритишда ва бюджет лойиҳасини тайёрлаш учун муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 414-сонли қарорига мувофиқ бюджет ташкилотларини молиялаштиришнинг тартиби жорий этилган. Бюджет ташкилотлар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ юритади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги ва «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонунларида бюджет ижроси бўйича ҳисоб ва ҳисоботларни шакллантириш масалалари кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни:

- ҳисоб юритишнинг умумий тамойилларини, томонларнинг роли ва мажбуриятларини, ҳисоб юритиш тартиби ва молия ҳисоботлари бўйича талабларни белгилаб беради;

- давлат ва ҳусусий сектор ташкилотларига, шу жумладан, давлат бошқаруви тизими ташкилотларига, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи бошқа юридик ва jisмоний шахсларга нисбатан қўлланилади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш, бухгалтерия ҳисоби стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш масъулиятини юклайди;

- молиявий ҳисоботлар балансларни, натижалар (фойда) тўғрисидаги, асосий воситалар тўғрисидаги, асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги, капитал қўйилмалар тўғрисидаги ҳисоботларни, асословчи изоҳлар ва ҳисоб-китобларни ўзида мужассам этишини талаб қилади;

- бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги асосий қоидаларини белгилайди:

- бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама ёзув усулида юритиш;

- узлуксизлик;

- хўжалик операциялари, активлар ва пассивларнинг пулда баҳоланиши;

- аниқлик;

- ҳисоблаш;

- олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик);

- мазмуннинг шаклдан устунлиги;

- кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги;

- молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги;

- ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги;

- активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши;

- ташкилотлар раҳбарларидан ички ҳисобот тизимини, ташкилотларнинг иқтисодий фаолиятини назорат қилиш тизимини, иш юритишнинг барқарор тизимини ва тўловлар ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш тизимини ишлаб чиқиш ва юритишни талаб қилди. Шунингдек, қатор бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам ушбу масалага тааллуқли. Ундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектларга (ҳусусий сектор ташкилотларига) нисбатан қўлланиладиган ҳужжатлар бюджет ташкилотларига нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Молия вазирлиги бухгалтерия ҳисоботи миллий

стандартларини ишлаб чиқиб, уларни Молия ҳисоботи халқаро стандартлари (МҲХС) талабларига мувофиқлаштиради. Ҳозирги вақтга келиб 22 та МҲХС рўйхатга олинган. Ушбу стандартлар тижорат фаолиятини амалга оширувчи хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар учун, уларнинг айримлари бюджет ташкилотлари учун харажатлар сметалари ижросининг ҳисобини юритиш бўйича қўлланилади, МҲХС 5 «Асосий воситалар», МҲХС 4 «Товар-моддий захиралар» ва б.

Ҳазначиликнинг бухгалтерия тизими Давлат бюджети маблағлари сарфланиши ҳисобини юритиш учун мўлжалланганлиги боис унинг ривожланиши амалдаги ҳисоб юритиш тамойилларини аниқ баҳолашни талаб қилади. Қуйида келтирилган маълумотлар мазкур ташкилотларда ҳисоб юритишнинг энг муҳим жиҳатлари ва қоидаларини тавсифлайди.

Амалдаги ҳисоб юритиш тизимида асосий воситалар ҳисобини юритиш қоидалари барқарор иқтисодиёт учун хосдир. Асосий воситалар қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда дастлабки (тиклаш) қиймати бўйича намоён этилиши керак. Қурилган бинолар қурилиш харажатлари бўйича, харид қилинган асосий воситалар эса соф харид қиймати бўйича баҳоланиши лозим. Бошқа ташкилотлардан грантлар ёки трансфертлар сифатида олинган асосий воситалар тегишли фармон ёки қонунда белгиланган қиймат бўйича ҳисобга олиниши зарур.

Агар бюджет ташкилоти, айти пайтда, ўзига керак бўлмаган асосий воситаларни сотса, у ҳолда асосий воситаларни сотишдан келадиган тушумлар бюджет даромади ҳисобланади ва ташкилотнинг нақд маблағлари оқимида акс этирилади, тушум эса белгиланган тартибда режали мақсадлар учун ишлатилади.

Амалдаги қоидаларга кўра бюджет ташкилотларининг асосий воситаларига амортизация ҳисоблаб ёзилмайди, балки белгиланган тартибда эскириш ҳисоблаб ёзилади. Уларга тарихий мерос бинолари ва объектлари, қорамоллар, кутубхона фондлари, музей коллекциялари ва санъат асарлари коллекциялари киради.

Эндиликда киритилган янги тартибга асосан асосий воситаларни қабул қилиш тартиби қисман ўзгартирилди яъни,

агар илгари олинган асосий воситалар бир вақтда асосий воситалар жамғармасига ва ҳақиқий харажатларга олиб борилган бўлса, эндиликда асосий воситаларнинг бошланғич қийматини шакллантирилиш ва эскириш ҳисобланиши ва уни ҳақиқий харажатга пропорционал олиб борилиш меъёри киритилди.

Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобга олинади ва ҳисоботларда харид қиймати бўйича ёки етказиб беришдаги чакана нарх бўйича акс эттирилади. Етказиб бериш харажатлари етказиб бериш вақтида амалга оширилади. Бундай турдаги бойликлар захиралари ва уларнинг харажатлари харид нархи бўйича ёки, агар улар турли нархларда харид қилинган бўлса, ўртача нархда ҳисобга олинади.

Бошқа ташкилотлар билан шартнома бўйича ишлаб чиқарилган, ўқув устахоналари ва илмий тадқиқотларнинг кўшимча ишлаб чиқаришига кирувчи тайёр товарлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун амалдаги харажатлар бўйича ҳисобга олинади. Одатда, бундай турдаги харажатлар фақат захиралар бериладиган (харажат амалга ошириладиган) вақтда ҳисобга олинади. Лекин йўриқномаларда канцелярия моллари ва медикаментлар каби моддалар бўйича харажатларга чиқариш кўзла тутилган.

Ҳазначилик Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилади ва юритади. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонунининг 15- моддасига мувофиқ амалга ошириладиган Давлат бюджети ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш Ҳазначилик органлари, бюджет ташкилотлари, давлат солиқ ва боғхона хизмати органлари зиммасига юклатилган. Шунингдек, Давлат бюджети харажатларининг ҳисобини юритувчи ташкилотлар жумласига давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар ҳам киради. Ҳисоб юритиш Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби Ягона ҳисоб режаси ва бюджет таснифи асосида амалга оширилади.

Бюджет тизими субъектларининг Давлат бюджети ғазна ижроси бухгалтерия ҳисобининг Ягона ҳисоб режасига асосланган ҳисоб юритиш маълумотларини қуйидаги ҳисоботларни

олиш учун бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига мувофиқ жамлаш мумкин:

а) Давлат бюджетининг ижроси, шу жумладан, Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ижроси тўғрисида Фазначилик органларининг ҳисоботлари;

б) бюджет ташкилотларининг (шу жумладан, бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг) молия фаолиятига доир кўрсаткичларни ўзида мужассамлантирган харажатлар сметаларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлари.

Ягона ҳисоб режаси қуйидаги халқаро стандартлар асосида ҳукумат операциялари тўғрисида ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш имконини беради:


а) Халқаро валюта фонди томонидан ишлаб чиқилган ҳисоблаб ёзиш усулини қўллашга асосланган «Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланма» (2001 йил нашри);

б) Халқаро бухгалтерлар федерацияси (ХҲФАС) томонидан ишлаб чиқилган, ҳисоблаб ёзиш усулига асосланган Давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (ДСБҲХС) талаблари (ҳозирги вақтда улар такомиллаштириш босқичида турибди ва аксарият мамлакатларнинг иш амалиётида соф кўринишда қўлланилмаяпти).

Ягона ҳисоб режаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган бюджет таснифи кўрсаткичлари билан интеграциялашади. Шу ўринда айтиш лозимки, юқорида кўрсатиб утилганидек, бюджет таснифи лойиҳаси ҳам ДМСҚ-2001 га мувофиқ ишлаб чиқилади. Фазначилик органлари ва маблағ олувчиларнинг тегишли ҳисоб регистрларида Ягона ҳисоб режасига мувофиқ бухгалтерия ҳисобварақларида (субҳисобварақларда) акс эттирилган операцияларга доир ахборотдан бюджет тизими активлари ва мажбуриятларнинг ҳолатини ҳамда уларнинг бюджет ижроси вақтида амалга ошириладиган операциялар билан ўзаро нисбатини таҳлил қилиш учун фойдаланиш мумкин 4.6-расм).

Ягона ҳисоб режаси қуйидаги ҳолатларни бирлаштиради:

а) бюджет таснифи, хусусан даромадлар таснифи, харажатларнинг иқтисодий таснифи ҳамда бюджетлар маблағлари ва даражалари манбаларининг таснифи;



4.6-расм. Давлат бюджети газна ижроси бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг ягона режаси

б) Давлат бюджети ижросининг бухгалтерия ҳисоби методологияси ва бюджет ташкилотлари томонидан харажатлар сметалари ижросининг бухгалтерия ҳисоби методологияси;

в) давлат бошқаруви сектори ҳисоботларини тузиш халқаро тамойиллари.

Масалан, Россияда 2005 йил январдан эътиборан давлат бошқаруви секторида бюджет таснифи асосида Ягона ҳисоб режаси қўлланилмоқда¹, бизнинг мамлакатда эса бюджет ҳисобини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ бюджет таснифи билан интеграциялашиш, бюджет ижроси ҳисобини юритиш ва бюджет муассасаларида ҳисоб юритишни бирлаштириш ҳамда ягона тизимга келтириш ва ҳисоблаб ёзиш услуғига босқичма-босқич ўтишни ўз ичига олувчи бюджет ҳисоби янги тизимининг асосий мезонлари белгиланиши зарур.

¹ Маклева Г.И. Основные концепции основных изменений в бюджетном учете Российской Федерации; «Реформирование бюджетного учета и отчетности в Российской Федерации. Место и роль финансовых органов субъектов РФ в процессе реформирования» (сборник материалов регионального рабочего совещания).

Давлат операциялари тўғрисида сифатли ва аниқ ахборотни шакллантириш учун, албатта, бюджет тизимининг барча бирликлари учун бухгалтерия ҳисобини юритишнинг бухгалтерия ҳисоби қоидалари бўйича ҳисоб ахборотини бирлаштириш имконини берувчи ягона тизими зарур. Бунинг учун қуйидаги мезонларга амал қилиниши керак.

Бюджет ҳисобини ислоҳ қилиш йўналишларининг мезонлари


- бюджет ижросининг бухгалтерия ҳисоби ва бюджет ташкилотларида харажатлар сметалари ижросининг бухгалтерия ҳисобини бирлаштириш;
- ҳисобварақлар Ягона режасининг бюджет таснифи билан интеграциялашуви;
- ҳисоб юритишни касса усулидан ҳисоблаб ёзиш усули бўйича ҳисоб юритишдан фойдаланшга аста-секин ўтиш

Ҳисоб режасининг бюджет таснифи билан интеграциялашмаганлиги амал қилиб турган бухгалтерия ҳисоби тизимининг энг катта камчилиги ҳисобланади. Ушбу муаммо бюджет тизими активлари ва мажбуриятлари ҳолатини таҳлил қилишда ҳисоб регистрларидан фойдаланиш ҳамда уларни бюджет ижроси чоғида амалга ошириладиган операциялар билан мувофиқлаштиришнинг имконияти мавжуд эмаслигида ўз ифодасини топади. Шундай қилиб, бюджетлар лойиҳаларини тузишда ҳисоб маълумотларидан фойдаланиш мураккаб ҳисобланади.

Бюджет таснифи билан интеграциялашиш туфайли ҳисоб режаси харажатлар иқтисодий таснифи ва даромадлар таснифининг кодлари асосида ҳисобот даври бошида муайян турдаги активлар ёки пасивлар захираларини ҳисобга олиш, операциялар туфайли ушбу захираларда юз берган ўзгаришларни ҳисобга олиш ва ҳисобот даври якунига кўра уларнинг қолдиқларини чиқариш имконини беради.

Ҳисоб юритишнинг бундай тизими давлат бошқаруви секторида муайян иқтисодий воқеалар оқибатларини тўлиқ таҳлил қилиш имкониятини яратади.

Бундан ташқари ҳисоб режасини ишлаб чиқишда молия ҳисоботлари халқаро стандартларининг қуйидаги мезонлари ҳисобга олинади (4.7-расм).



4.7-расм. Халқаро стандартларни қабул қилиш мезонлари

2001 йилда Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланмада (ДМСҚ-2001) иқтисодиёт секторларини ташкил этиш батафсил ёритилган. ҳисоблаб ёзиш усулининг асосий тамойиллари, активлар ва мажбуриятлар, даромадлар ва харажатлар белгиланган бўлиб, статистик маълумотлардан макроиқтисодий таҳлил учун фойдаланилади.

Шу муносабат билан Халқаро бухгалтерлар федерацияси (ХФАС)да давлат секторида Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларини тузиш гоёси пайдо бўлди.

Ҳисоботларни Халқаро стандартлар талаблари асосида шакллантириш давлат бошқаруви сектори тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлиш имконини беради. Яъни бунга бюджетнинг касса ижроси кўрсаткичларидан ташқари давлатнинг активлари ва мажбуриятлари ҳақида кўрсаткичлар, турмуш даражасининг ўзгариши кўрсаткичи, давлат молиявий фаолиятини тавсифловчи соф қолдиқ қиймат киритилади.

Ички фойдаланувчилар учун давлат бошқаруви секторининг операциялари тўғрисида тўлиқ ахборотни шакллантириш солиқ-бюджет сиёсатини режалаштириш ва ишлаб чиқиш, шунингдек, давлат бошқаруви секторининг умуман мамлакат иқтисодиётига ва унинг алоҳида секторларига таъсирини баҳолаш учун асос ҳисобланувчи жиддий таҳлил предмети бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, ушбу ахборот жамиятнинг амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатдан хабардор бўлишига ва ҳукумат фаолиятига бўлган ишончнинг ортишига кўмаклашади.

Ташқи фойдаланувчилар (халқаро институтлар) учун бундай ахборот турли мамлакатлар давлат бошқаруви секторининг фаолияти натижаларини ҳолисона таққослашга имкон беради.

Мамлакатимиз қонун ҳужжатларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқилган ҳисоб режаси давлат бошқаруви секторида қўлланилади. Давлат бошқаруви сектори, юқорида таъкидланганидек, — бу бюджетдан маблағ олувчи муассасаларининг йиғиндиси.

Бироқ, унинг субъектларини бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ гуруҳлаш давлат бошқаруви секторининг иккинчи томони ҳисобланади: бюджет тизимининг барча даражалардаги бюджетлар маблағлари бош тақсимловчилари, тақсимловчилари ва олувчилари, шунингдек, бюджет тизимининг барча даражалардаги бюджетларининг касса ижросини амалга оширувчи органлар.

Ҳисоб режаси ўз таркибида ҳисоблаб ёзиш усули бўйича ҳам, касса усули бўйича ҳам молиявий ҳисоботларга қўйиладиган Халқаро талабларга мос келувчи ҳисобга олиш объектларини назарда тутди.

Қуйидагилар ҳисобга олиш объектлари ҳисобланади:

- ҳисоблаб ёзиш усули бўйича — номолиявий активлар, молиявий активлар, мажбуриятлар, даромадлар, харажатлар, молиявий натижа (активларнинг соф қиймати), харажатларга рухсат бериш ҳисобини юритиш ҳисобварақлари, ҳуқуқий мажбуриятлар;

- касса усули билан ҳисобга олиш бўйича — касса тушумлари, касса чиқимлари, молиявий натижа, молиявий активлар, касса тушумлари ва чиқимлари билан боғлиқ мажбу-

риялар, бюджетлар харажатларига рухсат бериш ҳисобини юритиш ҳисобварақлари, ҳуқуқий мажбуриятлар.

Куйида ҳисобда у ёки бу активлар бюджет маблағлари бош тақсимловчиси, олувчисининг ҳисоб регистрларида ҳамда Ғазначилик органларида ва бошқа молия органларида қандай ақс эттирилишининг қиёсий кўрсаткичлари келтирилган. Фаолият натижаси баланс миқдори ҳисобланиб, у ушбу секторнинг умумий активлари билан умумий мажбуриятлари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади (4.1-жадвал).

4.1-жадвал

Бюджет ҳисоби объектлари

Бюджет ҳисоби объектлари	Бюджет маблағлари Бош тақсимловчиси, тақсимловчиси, олувчиси	Ғазначилик органи, молия органи
Номолиявий активлар	+	-
Молиявий активлар	+	+
Мажбуриятлар	+	+
Даромадлар	-	+
Харажатлар	+	+
Касса тушумлари	-	+
Касса чиқимлари	+	+
Бюджетлар харажатларини тўлаш ҳисоби бўйича ҳисобварақлар	+	+
Харажатларни тўлаш учун рухсатномалар ҳисобини юритиш	+	+

Жорий даромадлар натижа (соф фойда)нинг ошишига олиб келади. Давлат бошқарувида жорий даромадлар молиявий ва номолиявий активлар, масалан, ер, жиҳозларни сотишдан келадиган тушумларни, бундай операциялар фақат активлар турининг ўзгариши билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, ўз ичига олмайди: активлар номолиявий (асосий воситалар) турдан молиявий (ҳисобварақдаги маблағлар) турга ўтади. Бунда активларнинг умумий қиймати ҳам, натижа ҳам ўзгармайди.

Ҳисобварақдаги даромадлар ҳисобини юритиш объекти бўлиб фақат сотиладиган активларнинг баланс қиймати, сотиш харажатлари ва сотилиш нархи ўртасидаги фарқда ифодаланган активларни сотиш натижаси ҳисобланади. Харажатлар чегирма қилинган ҳолда даромадлар сальдоси номолиявий ва молиявий активлар ҳамда мажбуриятлар билан амалга оширилган операциялар натижасида активлар соф қийматининг ўзгаришига эквивалент бўлган катталиқ ҳисобланади. Кўрсатилган ҳисобварқларда бюджет ижросига касса хизмати кўрсатувчи органлар даромадлар ва харажатлар билан операциялар, номолиявий ва молиявий активлар ҳамда мажбуриятлар билан операциялар натижасида бюджет маблағларининг барча тушумлари ва чиқимлари ҳисобини юритади.

Барча касса тушумлари ва чиқимларига бюджет ижросига касса хизмати кўрсатувчи Фазначилик органлари тушумлар маъмурлари (солиқ, божхона органлари ва бқ.) ва бюджет маблағлари олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларидан кўчирмалар жўнатади.

Бюджет ижроси жараёнида касса операциялари бўйича ҳам касса тушумларининг касса чиқимларидан ортиқ бўлишини англатувчи натижа аниқланиб, у амалда Ягона ғазна ҳисобварағидаги маблағлар қолдиғига тенг.

Ҳисоб юритишнинг навбатдаги объекти — бу номоддий активлардир. 5-сон «Асосий воситалар» БҲМС нуқтаи назаридан муассаса фаолиятида кўп марта ва узлуксиз фойдаланиладиган, энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан ортиқ қийматга эга бўлган ва узоқ вақт мобайнида (бир йилдан ортиқ) моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, ноишлаб чиқариш соҳасида ҳам фаолият кўрсатувчи, шунингдек, ижарага бериш учун фойдаланиладиган ишлаб чиқариш активлари асосий воситалар ҳисобланади. Ҳисоблаб ёзиш усулидан фойдаланиш зарурати туфайли «эскириш» тушунчасининг тамойили ҳам ўзгариб, уни ғазна ижросининг ўзига хослиги нуқтаи назаридан бюджет ташкилотининг жорий харажатларига киритиш лозим. Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларига амортизация ҳисоблаб ёзилмайди, балки белгиланган тартибда эскириш ҳисоблаб ёзилади. Бироқ таъкидлаш лозимки, эскиришни ҳисоблаб ёзишнинг амалдаги шартларга жавоб берувчи

янгиланган **Нормаларини тайёрлаш, шунингдек, бюджет ташкилотлари асосий воситаларининг эскириш нормаларини аниқлаш тартибини ишлаб чиқиш зарур.** Бундан ташқари, ҳисоб режасига янги номолиявий активлар — ҳосил қилинмаган активлар ҳам киритилган.

Ҳосил қилинмаган активлар — бу асосан, табиий ресурслар, ер ва ҳ.к., яъни ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этмайдиган активлар. Энди молиявий активлар ва мажбуриятлар ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Бюджет ташкилотида молиявий активлар ва мажбуриятларни ҳисоблаб ёзиш усули бўйича ҳам, бюджет ижросига касса хизмати кўрсатиш бўйича ҳам ҳисобварақларни ўз ичига олади.

Бюджетлар ижросига ғазна хизмати кўрсатиш тамойили шуни англатадики, пул маблағлари каби ҳисобга олиш объекти бюджет ташкилотида мавжуд эмас. Ушбу ўзига хослик бюджет ташкилотининг тушумлар ва чиқимлар бўйича бюджет ижросига касса хизмати кўрсатувчи органлар билан ҳисоб-китоблари бўйича активлар ва мажбуриятлар ҳисобварақлари орқали ўз аксини топади. Мазкур ҳисобварақлар бўйича бухгалтерия ёзувлари бюджет маблағ олувчиларининг бюджет ижросига касса хизмати кўрсатувчи органларда очилган тушумлар ва чиқимлар бўйича шахсий ҳисобварақларидан кўчирмалар асосида амалга оширилади. Давлат бюджетининг ғазна ижроси шароитида юзага келган амалиёт бюджет ташкилотларида «Бюджет ташкилотларининг банк муассасаларидаги маблағлари» бухгалтерия ҳисобварағини «Бюджет маблағлари олувчиларнинг шахсий ғазна ҳисобварақлари» ҳисобварақларига алмаштириш йўли билан ҳисобга олинади. Бундан ташқари, Ягона ғазна ҳисобварағида турган маблағларни давлатнинг номидан банк ва бошқа депозитларга жойлаштириш (масалан, акцияларга, облигацияларга молиявий қўйилмалар ва б.) ҳисобини юритиш учун ҳисобварақлар ҳам кўзда тутилган.

Дебиторлар билан ҳисоб-китоблар таркибида янги «бюджетга даромадлар солиқлари кўринишидаги тўловлар бўйича қарз» ҳисобварағи жорий этилган. Ушбу ҳисобварақда тушумлар маъмурлари томонидан тушумларни, хусусан:

- солиқлар, йиғимлар ва тўловлар суммалари;

- муассаса томонидан бажарилган ва буюртмачиларга топширилган маҳсулотлардан олинадиган даромадлар суммалари:

- ишлар ва хизматлар суммалари, реализация қилинмаган даромадлар;

- номолиявий активларни сотишдан тушган суммалар (агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб кўзда тутилган бўлмаса);

- молиявий қўйилмалар (акциялар, облигациялар, векселлар, бошқа молиявий қўйилмалар)ни сотишдан тушган суммалар;

- мақсадли маблағлар ва беғараз тушумлар суммаларини бюджет даромадига ҳисоблаб ёзиш амалга оширилади.

Бюджет ҳисоби алоҳида объектларининг ўзига хос хусусиятлари
Дебиторлар билан даромадлар бўйича ҳисоб-китоблар

- Тушумлар маъмурлари (ДСК, ДБК ва б.) томонидан қўлланилади.
- Тушумлар (солик ва солиқдан ташқари даромадлар, активларни сотишдан суммалар ва ш.к.)нинг ҳисоблаб ёзилган суммаларини акс эттиради).

Мазкур ҳисобварақ тўловчиларга тўланиши лозим бўлган даромадлар суммаларини ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

Агар активлар ва мажбуриятлар захираларини уларни ўзгартириш бўйича оқимлар билан боғлаш имконини берувчи восита кўзда тутилмаганда эди, ҳисоб юритишнинг янги объектларини жорий этиш бунчалик самарали бўлмаган бўлар эди. Бюджет таснифи кодлари ва бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг интеграциялашувини ўзида намоён этувчи Ягона ҳисоб режаси ана шундай восита сифатида иштирок этиб, у қуйидаги имкониятларни беради:

- давлат бошқаруви сектори активлари ва мажбуриятлари устидан доимий назорат қилиш;

- Ҳазначиликнинг Бош китоби тизимининг маълумотлари асосида давлат бошқаруви секторининг операциялари тўғрисида ҳисоботларни шакллантириш;

- амалдаги бюджет таснифидан фойдаланиш, шунингдек, уни тақомиллаштириш жараёнида барча ўзгаришларни ҳисобга олиш;

- амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет ижроси тўғрисида ҳисоботлар, шунингдек, ички ва ташқи фойдаланувчиларнинг исталган талабларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни тузиш.

Ва ниҳоят таъкидлаш лозимки, бюджет таснифининг амалдаги кодларидан фойдаланиш ҳисоб позицияларининг уларнинг иқтисодий моҳиятига мос келмаслигини аниқлаш имконини беради. Давлат сектори ҳисобининг янги ҳисоб режаси ушбу муаммоларни ҳал этиш учун мўлжалланган.

4.3. Бюджет ҳисобини ривожлантириш стратегияси ва бошқичлари

Жаҳон тажрибаси шундан далолат бериб турибдики, бугунги кунда бюджет ҳисобининг сифат жиҳатдан янги тизимини ташкил этиш борасида қуйидаги вазифалар ҳал этилиши лозим:

- бюджет жараёнининг ягона методологияси, бюджет ижросининг ғазна шаклини самарали қўлловчи мамлакатларнинг тўпланган тажрибасини ҳар томонлама ўрганиш ва умумлаштириш асосида Давлат бюджети ғазна ижроси билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи ўз норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш;

- бюджет ҳисобини ривожлантириш борасида қабул қилинган стратегияга мувофиқ бюджет ҳисоби тизимини ислоҳ қилиш;

- Ҳазначиликни молия органларида ишлаш тажрибасига эга бўлган, шунингдек, Давлат бюджети ижросининг ғазна тизими шароитида ишлаш учун тайёргарлик даражасини ошириш ва қайта тайёрланиш мақсадида ўқув курсларида таҳсил олган мутахассислар билан таъминлаш;

- ғазначилик тизимлари борасида қўлланилаётган тажрибани ўрганиш бўйича хорижий мамлакатларда ўқиб келишни ташкил қилиш ва ходимларнинг ғазначилик тизимида янада саарали ишлашига эришиш учун уларнинг малакасини доимий асосда ошириш;

- Ҳазначиликни тегишли дастурий маҳсулотлар (ахборот бошқарув тизими) билан таъминлаш;

- минифантор вафирликлар ва идоралар билан биргаликда давлат молиясини бошқариш тизимини янгида ислох қилиш бўйича савб ҳаракатларни мувофиқлаштиришни кучайтириш, шу жумладан, Давлат бюджетининг таъин ижроси асосида бюджет ҳисоби тизимини қуриш.

Юқорида савб утилган вазифаларни ҳал этиш бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш концепцияси ва стратегиясини ишлаб чиқишни назарда тутиди. Давлат молиясини бошқаришни ислох қилиш (ДМБИ)нинг асосий қисми сифатида касса усули учун Давлат секторига бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (ДСБХХС)га мос келувчи умумий йўналишдаги молиявий ҳисоботлар ишлаб чиқилди («Ҳисоб қуритишнинг касса усули бўйича молиявий ҳисобот»). Ахборот ҳисоб қуритишнинг касса усулини қўллаш имкони берилган даражада «Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланма» (ДМСҚ 2001)га мувофиқ таснифланади. Ушбу молиявий ҳисоботлар ҳисоблаб ёзиш усули учун ДСБХХС ва ДМСҚ 2001 талабларига мувофиқ қўшимча маълумотлар билан тулдирилди.

Ривожланган мамлакатлар амалиётидан келиб чиққан ҳолда, ҳисоб тизимини ривожлантириш стратегияси сифатида унинг доирасида тахминан 2014йилга келиб ДМСҚ 2001 билан тўлиқ мувофиқликни таъминлаш қўла тутилиши ва 2017 йилга келиб касса усули учун ДСБХХС бўйича молиявий ҳисоботларни ҳисоблаб ёзиш усули учун ДСБХХСга тўлиқ мос келувчи умумий йўналишдаги молиявий ҳисоботларнинг янги тизими билан алмаштирилди.

Бюджет ҳисоби тизимини ривожлантириш стратегиясида Давлат бюджети таъин ижросининг автоматлаштирилган ахборот тизими (ААТ)га муҳим рол берилди. Тизим касса усули бўйича ҳам, ҳисоблаб ёзиш усули бўйича ҳам операциялар ҳисобини қуритди. Ҳисоблаб ёзиш усули нуқтаи назардан ААТ ҳисоблаб ёзиш усули бўйича ҳисоб қуритиш унсурларининг бошқичма-бошқич жорий этилишини кўмаклашди. Молиявий ахборот ААТдан олинди:

• касса усули бўйича, бюджетдан ажратилган маблағлар ва сметалар учун, шунингдек, бюджет ижроси бўйича

ҳисоботлар учун. Барча касса операциялари ААТ орқали қайта ишланади, бунда касса усули бўйича ҳисоботларни бевосита тузиш имконияти яратилади;

• **ҳисоблаб ёзиш усули** бўйича, бюджет ижросининг мониторинг ва молиявий ҳисоботлар учун. Лекин, ҳисоблаб ёзилган операциялар бўйича бундай ахборот чекланган бўлади. Масалан, номолиявий активлар қолдиқлари тўғрисидаги ахборот ААТда юритилмайди, балки ташкилотлар томонидан ААТга ёзиш учун тақдим этилади.

Ҳисоб юритишнинг вазифавий имкониятларига эришиш учун танланган усул касса усули бўйича ҳам, ҳисоблаб ёзиш усули бўйича ҳам дастурий таъминот тизимининг функционал-лигига боғлиқ бўлади. Шунингдек, ААТ кейинги босқичларда талабларга мос келиш мақсадида маълумотларни йиғиш ва бирлаштириш учун вазифавий имкониятларга ҳам эга бўлиши лозим.

Давлат сектори ҳисоб тизимини ривожлантириш стратегия-сини амалга оширишнинг муҳим йўналиши молиявий ахборотнинг ишончлилигини мустаҳкамлашдан иборат. Бунга ҳусусан, бухгалтерия ҳисоби стандартларини белгилаш тадбирларининг мустақиллигини ошириш ҳисобидан эришиш кўзда тутилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига бухгалтерия ҳисобининг стандартларини, сиёсатни белгилаш, шунингдек, давлат ва хусусий сектор ташкилотлари умумий йўналишдаги молиявий ҳисоботларни тайёрлашда амал қилиши лозим бўлган йўриқномаларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган. ХВФнинг «Бюджет-солиқ соҳасида аниқликни таъминлаш бўйича керакли амалиёт коллекси»нинг 4.1.2-параграфига мувофиқ Халқаро Валюта Фонди қўйидагиларни тасдиқлайди: «Давлат бошқаруви органлари учун ҳисоб юритиш стандартларини белгилаш жараёни ва молиявий ҳисоботларнинг очиқлигини ва ушбу жараённинг давлатдан мустақиллигини таъминловчи механизмлар барпо этилиши керак». Бюджет-солиқ соҳасида аниқликни таъминлаш учун стандартларни белгилаш механизмлари Халқаро Валюта Фонди томонидан ишлаб чиқилган.

**Бюджет-солиқ соҳасида аниқликни таъминлаш учун
стандартни белгилаш механизмлари**

“Бюджет-солиқ соҳасида аниқликни таъминлаш учун асосий талаб уларга мувофиқ ҳисоб юритилаётган тан олинган ёки умумий қабул қилинган стандартларни мажбурий равишда кўрсатишдан иборат. Ҳисоб соҳасидаги сиёсат ҳам кўрсатилиши керак. Давлат бошқаруви органларининг ичида стандартларни белгилаш бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар соҳасидаги сиёсат, шунингдек, жорий назорат ва стандартларга амал қилиш фактини тасдиқлаш учун жавобгарлик қандай тақсимланиши аниқ белгиланиши керак. Бухгалтерия ҳисоби ва методологияси ва амалиётидаги исталгансўнгги ўзгаришлар тўғрисида ахборот тақдим этилиб, шунингдек, ушбу ўзгаришларнинг сабаблари ва уларнинг солиқ-бюджет агрегатларига таъсири кўрсатилади (турли йиллар маълумотларини таққослаш учун). Бухгалтерия ҳисоби сиёсати ва амалиётидаги мавжуд ўзгаришар ҳақида олдиндан хабар бериш зарур. Оптимал амалиёт шундан иборатки, давлат бошқаруви органлари учун бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар стандартларини белгилаш жараёнининг очиқлигини ва унинг, давлат бошқаруви органларидан мустақиллигини таъминловчи механизмлар барпо этилиши керак.

“ХВФ. «Бюджет-солиқ соҳасида аниқликни таъминлашга доир қўлланма». 2001 й. 23 март. ХВФ: Вашингтон. 154-параграф.

Яқин вақтгача ривожланган халқаро стандартларнинг мавжуд эмаслиги туфайли ХВФга аъзо бўлган кўплаб мамлакатлар бухгалтерия ҳисоби стандартларини белгилаш борасида мустақил тадбирларни амалга оширишди. Улар бошқа мамлакатлар ёхуд ваколатли органлар томонидан чиқарилган бухгалтерия ҳисоби стандартларини қабул қилишди ёки турли манфаатли гуруҳлар вакилларида таркиб топган, бухгалтерия ҳисоби стандартларини белгилаб берувчи мустақил органни ташкил этиш йўли билан ҳаракат қилишди.

Ҳисоб тизимини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг методологик ва концептуал асоси бўлиб Давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари

(ДСБҲХС)га асосланган ҳисоб юритиш халқаро амалиёти хизмат қилади (2-илова). Бунда қабул қилинган Халқаро стандартларнинг Ўзбекистонда ҳисоб юритиш амалиётига мослаштириш масаласи мураккаб босқич ҳисобланади. Шу билан бирга, мамлакатимизда қабул қилинган хўжалик юритишнинг бозор тамойилларига ўтиш модели бизнинг шароитга мос келадиган янги тизимнинг синаб кўрилган ва мослаштирилган унсурларини амалиётга жорий этишга асосланган бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш стратегиясида фойдаланилади.

Халқаро амалиётда умумий тан олинган бухгалтерия ҳисоби стандартларини қабул қилишда мустақиллик тамойили мамлакатимиз амалиётига жорий этилаётган тамойиллардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига хусусий ва давлат секторлари учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш, бухгалтерия ҳисоби стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифасини юклади. Бухгалтерия ҳисоби стандартларини белгилаш борасида мустақил тадбирларни ўтказиш дастури умумий тан олинган халқаро стандартлар ва тизимлар, хусусан, ДМСҚ-2001 ва ДСБҲХСни қабул қилиш йўли билан олдинги мақсадларга эришишни назарда тутди.

Молиявий ахборотнинг ишончлилигини таъминлашга қўшимча равишда ДСБҲХС ва ДМСҚ-2001ни тўғридан-тўғри қабул қилиш стандартларни белгилашда харажатларни пасайтириш, бухгалтерия ҳисоби стандартларининг ўзгаришларга мослашувчанлигини таъминлаш ва ўқитиш материалларидан фойдаланиш имкониятини яхшилашга йўналтирилган.

Бухгалтерия ҳисоби стратегиясини ривожлантиришда ДСБҲХС ва ДМСҚ-2001 ўртасидаги фарқ муаммосини ҳал этиш муҳим муаммо ҳисобланади. Узоқ муддатли мақсад сифатида Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланма» (ДМСҚ-2001) га ҳам, Давлат секториди бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (ДСБҲХС) га ҳам тўлиқ мувофиқликка эришишга интилиш белгиланган. Бунда, ҳисобот бирликлари ва бозор қийматини баҳолаш бўйича ДМСҚ-2001 талаблари сингари айрим тафовутлар анча катта. Лекин

кўплаб бошқа бандлар бўйича нисбатан кичик фарқлар мавжуд.

Халқаро амалиётда бундай муаммоларни ҳал этиш билан Халқаро Валюта Фондининг (ХВФ) Давлат секторида бухгалтерия ҳисобини уйғунлаштирувчи махсус гуруҳ (ДСБХУМГ) шуғулланади. ДСБХУМГ қандай қилиб ДМСҚ-2001 билан ДСБХХС ўртасидаги фарқни камайтириш мумкинлигини ўрганиб чиқади. Муаммоларни ҳал этишнинг мазкур жараёни маълум саъй-ҳаракатлар ва вақт сарфларини талаб қилади. Дастлабки босқич сифатида Миллий ҳисобварақлар тизими (МХТ)ни ўзгартиришга уриниб кўрилади. ДМСҚ-2001 ундан кейин ўзгартирилади.

Таъкидлаш жоизки, ДСБХХС ва ДМСҚ-2001ни мослаштиришга уриниш — бу бир тарафлама жараён. Ушбу муаммо кўплаб мамлакатларнинг миллий стандартларини қамраб олганлиги туфайли бир вақтнинг ўзида ДСБХХСда ҳам, Молия ҳисоботлари халқаро стандартлари (МХХС)да ҳам бошқа давлатлар стандартларининг ҳам талабларини қондириш томонга ўзгартириш ва такомиллаштиришга эришилади. Бироқ, универсал ҳужжатни барпо этиш анча мураккаб жараён.

Ушбу фарқлар Ўзбекистонда Давлат бюджети ижросининг касса усулидан босқичма-босқич воз кечиш ва унинг Фазначилик томонидан ижро этилишига ўтиш шароитида ҳисобга олинади. Хусусан:

а) ҳисоб юритишнинг янги тамойилларига ўтиш жараёнида ҳисоблаб ёзиш усули учун ДМСҚ-2001 ва ДСБХХСга мувофиқ ахборот касса усули бўйича бажарилган молиявий ҳисоботларга изоҳларда қўшимча талқин кўринишида тақдим этилади. Ушбу талқиннинг бир қисми сифатида изоҳларда ҳисоблаб ёзиш усули учун ДМСҚ-2001 ва ДСБХХС бўйича ҳисоботлар ўртасидаги, хусусан:

- ДМСҚ-2001 бўйича давлат бошқаруви органларининг операциялари ҳақидаги ҳисобот билан ДСБХХС бўйича молиявий фаолият натижалари ҳақидаги ҳисобот;

- ДМСҚ-2001 бўйича активлар ва пассивлар баланси билан ДСБХХС бўйича молиявий аҳвол ҳақидаги ҳисобот;

- ДМСҚ-2001 бўйича бошқа иқтисодий оқимлар ҳақидаги ҳисобот билан ДСБХХС бўйича соф активлар ва сармоёдаги ҳаракат ҳақидаги ҳисобот;

• ДМСҚ-2001 бўйича давлат бошқаруви органларининг операциялари ҳақидаги ҳисобот билан ДСБҲХС бўйича пул маблағларининг ҳаракати ҳақидаги ҳисобот ўртасидаги тафовутларни аниқлаш учун таққослаш тўғрисидаги ҳисобот тақдим этилади;

б) ҳисобот бирлиги ДМСҚ-2001 бўйича давлат бошқаруви сектори (ДБС)нинг кўрсатмасига асосланади, лекин вақт ўтиши билан ДСБҲХС талабларига мувофиқ кенгайтирилади. Бироқ, давлат бошқаруви сектори қамраб олган доира ДМСҚ-2001 мос келадиган ҳисоботлар учун сақланиб қолади;

в) ҳисоб сиёсати кейинчалик ДСБҲХС талабларига асосланади. ДМСҚ-2001 бўйича йиллик жамлама ҳисоботларни тайёрлашда ҳисоб ҳақидаги ахборотга тегишли тарзда туза-тишлар киритилади. Мазкур ёндашув қабул қилинган, чунки:

• ДМСҚ-2001 билан мувофиқлашадиган ахборот ҳар йили давлат бошқаруви сектори учун тайёрланади. ДСБҲХС билан мувофиқлашадиган ахборот эса, аксинча, йил мобайнида ва йил якунида ҳам алоҳида бюджет ташкилотлари учун, ҳам жамлама ҳисобот бирлиги учун тайёрланади;

• ДСБҲХС талаблари кўпроқ Ўзбекистон Республикасида фойдаланиладиган ҳисоб ёндашувлари билан мувофиқлашади;

• молияни бошқаришнинг стандарт ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда ДСБҲХС ҳисоб талабларига амал қилиш осон;

г) ДМСҚ-2001 ва ДСБҲХСга мос келувчи ахборотни тайёрлашга кўмаклашиш учун, Ягона ҳисоб режаси ҳам ДМСҚ-2001, ҳам ДСБҲХСнинг ҳисоб ва тасниф талабларини акс эттиради;

д) ДМСҚ-2001 билан ДСБҲХС ўртасидаги кўплаб тафовутлар кўриб чиқиладиган муҳимлик мезонларини қўллаш орқали ҳисобга олинади. Масалан, айрим фарқларнинг таъсири аҳамиятли эмас (яъни катта эмас), деб ҳисоблаган ҳолда уларнинг таъсирини инкор этиш мумкин.

Стратегияни ишлаб чиқиш халқаро амалиётда қўлланиладиган бухгалтерия ҳисобини амалга ошириш стандартларининг энг нуфузли манбаларига асосланади. Бироқ, у ёки бу манбанинг база сифатида қулайлиги уларнинг мамлакатимиз шароитида қўлланилиши бўйича иерархиясини талаб қилади.

Ҳисоб сиёсати стратегиясининг лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қўллашда, ДСБҲХС муайян масалага тегишли бўлмаганда, бошқа ваколатли орфанлар қўллаган ёндашувларга эътибор қаратилади. Бухгалтерия ҳисобининг 8-халқаро стандарти «Ҳисоб сиёсати, бухгалтерия ҳисоб-китобларидаги ўзгаришлар ва хатолар» (1-ДСБҲХС «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш») қуйидаги кўрсатмаларни беради:

«Стандарт мавжуд бўлмаган ёки муайян тарзда операцияга, бошқа воқеа ёхуд шароитга мувофиқ қўлланиладиган талқин чоғида раҳбарият ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва қўллашда иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун муҳим бўлган ахборотни келтириб чиқарувчи ўз эксперт хулосасидан фойдаланади. Ушбу ахборот шу маънода ишончлики, молиявий ҳисоботлар:

- субъектнинг молиявий аҳволини, молиявий фаолияти натижаларини ва пул маблағлари оқимларини ишончли тарзда намоён этди;

- операциялар, бошқа воқеалар ва шароитларнинг нафақат ҳуқуқий шаклини, балки иқтисодий мазмунини ҳам акс эттиради;

- бетараф (яъни субъектив омиллар таъсиридан ҳоли) ҳисобланади;

- турли омиллар ва хатолар таъсирини ҳисобга олиш нуқтаи назаридан эҳтиёткор ҳисобланади;

- муҳимликнинг барча жиҳатларида тўлиқ ҳисобланади».

Юқорида келтирилган қоидаларни ифодалашда камайиб бориш тартибида қуйидаги манбаларнинг қўллаш учун қулайлиги кўриб чиқилади:

- Стандартлар ва Талқинларда ўхшаш ва ишга тааллуқли масалаларга бағишланган талаблар ва кўрсатмалар;

- «Тамойиллар»даги активлар, мажбуриятлар, фойда ва харажатларни аниқлаш, ҳисобга олиш мезонлари ва баҳолаш концепциялари.

ДСБҲХС бўйича ҳисоб ва қўлланиладиган ДСБҲХС тили турли халқаро қарашларни мувофиқлаштириш мақсадида ҳисоб юритиш сиёсатининг вариантларини тақдим этади. Масалан, айрим мамлакатлар активларни қайта баҳолашни қўллаб-қувватлайди, аини пайтда, бошқа мамлакатлар эса бунга

қарши. Бундай стандартларни қабул қилувчи кўплаб мамлакатлар молиявий ҳисоботларнинг мувофиқлашувини ва таққосланишини яхшилаш учун танловни чеклашади. 17-ДСБҲХС «Кўчмас мулк ва ишлаб чиқариш воситалари» дастлабки қийматдан (38-параграф, ҳисоб юритишнинг асосий тартиби) ва адолатли қийматдан фойдаланган ҳолда ёндашувни ёки қайта баҳолаш ёндашуви (39-параграф, ҳисоб юритишнинг рухсат этилган муқобил тартиби)ни қўллаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида ҳисоб юритиш стратегиясини ишлаб чиқишда ДСБҲХС вариантлари ДМСҚ-2001 ва ЎзР БҲМС талабларини ҳисобга олган ҳолда танланади.

Халқаро стандартлар одатда инглиз тилида чоп этилади. Таржималарнинг мос келмаслиги сабабли юзага келадиган қарама-қаршиликларга ийўл қўймаслик мақсадида халқаро амалиётда қўлланиладиган атамаларни миллий менталитетга ва ушбу таърифларнинг мамлакатимиз бухгалтерлари томонидан қабул қилинишига мослаштириш зарур. Мазкур муаммони ҳал этиш учун ПДСБҲХСнинг расмий баён этилиши ва уларни амалга киритиш санаси ўртасида одатда ўзлаштириш учун етарлича вақт берилиши лозим. Бундан ташқари, агар ДСБҲХС Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартлари (МҲХС) асосида ишлаб чиқиладиган бўлса, МҲХСнинг кўп тилдаги версиялари мавжуд.

ДСБҲХС талабларига мослаштириладиган Ўзбекистон Республикасининг давлат секторида бухгалтерия ҳисоби стандартлари ўрганиб чиқиш, мослаштириш ва тегишли органлар томонидан ижро учун қабул қилишнинг мураккаб жараёнини босиб ўтади. Ўзбекистон Республикасида қўллаш учун тасдиқланган ҳар бир ДСБҲХС қуйидаги титул варағига эга бўлади (мисол сифатида).

Ўзбекистон Республикаси давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг 12-сон стандарти: «Захиралар»

1. Асос

12-сон ЎзР ДСБҲС бевосита 2001 йил июлдаги ДСБҲХСга мувофиқ ишлаб чиқилган 12-сон «Захиралар» ДСБҲХСга асосланган(кейинги ўзгаришларсиз).

2. Хусусий секторда бухгалтерия ҳисоби стандартининг эквиваленти

12-сон ЎзР ДСБХС ва 4-сон «Товар-моддий захиралар» БҲМС 2-сон «Заҳиралар» БҲМСга тўғридан-тўғри асосланган.

3. Вариантлар

Заҳираларни аниқлаш учун FIFO усулига ҳам (биринчи бўлиб келиб тушди, биринчи бўлиб сотилди), ўртача чама-ланган усулга ҳам рухсат этилади


4. Кучга кириш санаси

Мазкур ЎзР Давлат сектори бухгалтерлик ҳисоби стандарти 201_ йилнинг 1 январидан ёки ундан кейин бошланадиган даврларда йиллик молиявий ҳисоботларга қўшимча маълумот тайёрлаш учун тўлиқ кучга кирилади.

5. Тасдиқлаш

Ушбу ЎзР Давлат сектори бухгалтерлик ҳисоби стандарти ЎзР Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланиб, рўйхатга олинади.

Ишлаб чиқиладиган Бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш стратегиясининг дастури ҳисоб тизимини ташкил этиш ва юритишга бевосита тааллуқли масалаларни ҳал этишни талаб қилади. Шу нуқтан назардан қўлланиладиган тушунчаларни луғавий чегаралаш ҳам муҳим ҳисобланади. Зарур бўлган ҳисоб сиёсатларининг бутун доирасини кўриб чиқиш махсус атамалар ва тушунчалар маълумотномасини нашр қилишни талаб этади. Бу ерда эса фақат Янги ҳисоб режаси билан киритиладиган тушунчалар билан чекланилади, чунки мавжуд тадбирлар ҳисоблаб ёзиш усули бўйича ҳисоб юритишнинг кўплаб талаблари қондирилади.



Куйидаги ДМСҚ-2001 ва ДСБҲХСнинг ҳисобот бирликлари ўртасидаги фарқни тасвирлайди.

ДМСҚ-2001 ҳисобот бирлиги институционал бирликларни ўзида мужассам этган. ДМСҚ-2001 ҳисоботлари барча давлат бирликлари ҳамда давлат бирликлари томонидан назорат қилинадиган ва молияланадиган фойда кўрмай ишловчи нотижорат ташкилотларидан таркиб топган давлат бошқаруви секторини қамраб олади. ДМСҚ-2001 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (ЎЗР МБ) ва давлат мулки ҳисобланган ёки давлат томонидан назорат қилинадиган, биринчи навбатда, тижорат фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарни (давлат корпорацияларини) давлат бошқаруви секторининг бир қисми сифатида кўриб чиқмайди.

ДМСҚ-2001 давлат бошқаруви секторига қўшимча равишда ДСБҲХС ҳисобот бирлигини қўллаш учун ЎЗР МБ ва давлат мулки ҳисобланган ёки давлат томонидан назорат қилинадиган корхоналарни Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг молиявий ҳисоботларига киритиш талаб этилади.

Ҳар қандай ҳолатда ушбу субъектлардан ахборот йиғиш тўғри форматда ва уни бирлаштириш катта вазифа ҳисобланади. Мазкур ҳисоб стратегияси ҳисоб бирлигини кенгайтириш қуйидаги иккита босқични ўз ичига олишни назарда тутди:

1) улушли иштирок усули бўйича ҳисоб. Фақат асосий оқимлар ва қолдиқлар молиявий ҳисоботларга жамланади; ва

2) тўлиқ (сатрлар бўйича) жамлаш. Бирлаштирилган субъектларнинг молиявий ҳисоботлари биргаликда сатрлар бўйича жамланади, барча мавжуд операциялар ва кичик субъектлар ўртасидаги қолдиқлар жамлаш вақтида бекор қилинади.

Тайёргарлик даражаси ва ушбу вазифаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш учун талаб этиладиган саъй-ҳаракатларни ҳисобга олган ҳолда, мазкур ҳисоб стратегияси ушбу босқичларни ўтиш жараёнининг сўнгги босқичигача қолдиради.

Ишлаб чиқиладиган стратегиянинг муҳим қисми 18-сон «Сегмент ҳисоботи» ДСБҲХСни жорий этишдан иборат. «Сегмент ҳисоботи» сегмент ҳисоботи тўғрисидаги ахборотни маълум қилишга доир қўлланмани ўзида мужассамлаштирган.

18-сон ДСБҲХСни қўллаш дастлабки босқичда ҳисоб ва ҳисоботларни қуйидагиларга бўлган ҳолда янги тамойилларда қайта англаб етишни талаб қилади:

а) республика бюджети;

б) вилоятлар бюджетлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри бюджетлари;

в) туман ва шаҳар бюджетлари.

Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида фискал марказлашган тизимдан чиқариш стратегияси ҳам ишлаб чиқилмоқда, фискал марказлашган тизимдан чиқариш стратегияси, бюджетлараро муносабатларда операцияларнинг аниқлиги масалаларини ҳал этиш билан бир қаторда, минтақалардан марказга ва, аксинча, марказдан минтақаларга молиявий маблағлар оқимларининг ортиқча ҳаракатини қисқартиришга қаратилган. «Сегмент ҳисоботи»ни юритиш стратегиясини ишлаб чиқиш ушбу соҳада юз бераётган ислохотларни акс эттиради.

Бундан ташқари, даромадлар ва ҳаражатлар ДМСҚ-2001 талабларига мувофиқ функциялар бўйича таснифланади. Сегмент ахборотини бундай маълум қилиш ДСБҲХС талабларига мос келади.

Ҳисобот бирлигига давлат мулки ҳисобланган ёки давлат томонидан назорат қилинадиган корхоналарни (давлат корпорацияларини) киритиш мақсадида янада кенгайтириш қўшимча сегмент таҳлилини талаб қилади.

Иқтисодиётни ҳўжалик юритишнинг бозор тамойилларига асосланган ҳолда ислох қилиш билан боғлиқ қонун ҳужжатларининг ривожланиши шартли активлар ва шартли мажбуриятлар каби ҳисоб юритишнинг махсус механизмларни талаб қилувчи тушунчаларни жорий этди. 19-сон «Заҳиралар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар» ДСБҲХС шартли мажбуриятлар ва шартли активларни баҳолаш ҳамда улар тўғрисидаги ахборотни маълум қилишга доир қўлланмани тақдим этади. Шартли мажбуриятлар ва шартли активлар ҳисобга олинмайди, лекин молиявий ҳисоботларга изоҳларда уларни акс эттириш лозим. Шартли мажбуриятларга қуйидагилар мисол бўлиши мумкин:

• жойлаштириш бўйича кафолатлар ва мажбуриятлар;

- талаб этилмаган сармоя (мас., Осиё Тараққиёт Банки, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банкида талаб қилиб олинмаган обуна сармояси);

- суд текширувлари ва ҳуқуқий келишмовчиликлар (мас., баҳсли солиқлар улар бўйича норозилик билдирилган ва суд даввоси бўйича процессуал ҳаракатлар амалга оширилган солиқ солиш суммаларини ўз ичига олади).

Шартли мажбуриятлар ва шартли активларни аниқлаш, нафақат оралиқда турган ишлар ҳажмини назарда тутган ҳолда, балки давлат манфатларини кўзлаб турли шартномалар тузувчи ва турли битимлар бўйича кафил сифатида иштирок этувчи давлат корпорацияларининг қўлами ва сонини ҳисобга олган ҳолда, мураккаб вазифа ҳисобланади. Бундай хилдаги битимларда иштирок этувчи давлат корпорацияларининг иқтисодий жавобгарлиги ва ваколатлари даражасини методологик жиҳатдан англаш зарур. Шунинг учун, бундай стандартларни ишлаб чиқиш ҳисобот бирлиги тушунчаларини кенгайтириш билан амалга ошириш, яъни прогноз қилинаётган давр якунида бухгалтерия ҳисобини янги стандартларга ўтказиш кўзда тутилади.

Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилиш жамият ва аҳолининг турли тоифалари, шу жумладан, мансабдор шахслар фаолиятининг кўплаб соҳаларига тааллуқли бўлди. Ислоҳ қилиш жараёнларининг жадаллашувига қараб, ҳатто ўтиш даврининг салбий таъсирларига барҳам берилганидан кейин ҳам, суиистеъмолликлар ва қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатларининг юқори хатари сақланиб қолмоқда, шунингдек, ижтимоий ва иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларини монополлаштириш муаммолари ўсиб бормоқда. Ҳисоб соҳасидаги ушбу муаммоларнинг ҳал қилиши алоқадор томонлар тўғрисидаги ахборотнинг маълум қилиниши билан боғлиқ.

Халқро амалиётда 20- сон «Алоқадор томонлар тўғрисидаги ахборотни маълум қилиш» ДСБҲХС қўлланилиб, у алоқадор томонларнинг ўзаро муносабатлари ва алоқадор томонлар билан амалга ошириладиган операциялар ҳақида маълумот берилишига доир талабларни ўзида мужассам этган. Алоқадор томонлар жумласига қуйидагилар қиради:

(а) бевосита ёки билвосита, бир ёхуд ундан кўп воситачилар орқали ҳисобот бирлигини назорат қилувчи ёки у томонидан назорат қилинувчи субъектлар;

(б) уюшган субъектлар;

(в) ҳисобот бирлигида ушбу бирликка катта таъсир кўрсатиш имконини берувчи улушга бевосита ёки билвосита эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек, уларнинг яқин қариндошлари;

(г) асосий раҳбарлар, шунингдек, уларнинг яқин қариндошлари;

(д) уларда бевосита ёки билвосита (в) ёки (г) бандларда ёритилган исталган шахсда катта улуш мавжуд бўлган ёхуд уларга бундай шахслар катта таъсир кўрсатиши мумкин бўлган субъектлар.

20-ДСБҲХСни қўллаш учун ҳисобот бирлигини қайси томонлар назорат қилиши ва унга катта таъсир ўтказишини аниқлаб олиш ҳамда улар бўйича зарур ахборотни маълум қилиш лозим.

Бухгалтерия ҳисоботининг муҳим субъекти бўлиб **Активлар** ҳисобланади. Барча иқтисодий тизимларда унинг ҳисоби жамиятнинг жамғарилган бойлиги сифатида муҳим рол ўйнайди. Уларни **Ўлчаш ва қийматини баҳолаш** алоҳида аҳамият касб этади. Асосий фондлар ва корхоналарни баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси турли услубий қўлланмаларни тасдиқлаган бўлиб, улар ҳозирги кунда фаол қўлланилмоқда. Асосий фондлар ва корхоналар ҳисобини юритиш ва уларни ҳисоботларда акс эттириш учун ДМСҚ-2001 нормативлари қабул қилинган.

ДМСҚ-2001 бўйича активлар ва мажбуриятлар жорий бозор қийматига мувофиқ равишда акс этирилиши лозим. 17-сон «Кўчмас мулк ва ишлаб чиқариш воситалари» ДСБҲХС жисмоний активлар учун дастлабки ва адолатли қийматдан (қайта баҳолашдан) фойдаланган ҳолда ёндашувларни қўллаш имконини беради. Бироқ ДМСҚ-2001 га мос келиш учун фақат адолатли қиймат бўйича ёндашувдан фойдаланишга рухсат этилади.

5-сон «Асосий воситалар» БҲМСга мувофиқ асосий воситаларни ҳар йили қайта баҳолаш талаб этилади ва ушбу жара-

ёни ижро этиш учун вариантлар тақдим этилади, хусусан: (а) белгиланган нормаларга мувофиқ активлар ва ҳудудлар гуруҳлари учун қайта баҳолаш; ва (б) мустақил баҳолаш. Индексациядан фойдаланиш варианты баҳолашнинг халқаро стандартлари талабларига ёки ДСБҲХСда фойдаланиш учун белгилаб қўйилган усулларга бир мунча зид келади, шунинг учун ўтиш вақтида ундан фойдаланиш тўхтатилади.

Ер қийматини баҳолаш стратегияси ва услубини ишлаб чиқиш ҳам маълум вазифа ҳисобланади. ДМСҚ-2001 ва ДСБҲХС актив сифатида ер таърифи, уни баҳолаш ва у бўйича ҳисоботларни талаб қилади. Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ барча ер давлатга тегишли. Демак, бюджет ташкилотлари ерни ўз баланси ҳисоботларига киритмайди. Бироқ, корхоналар ва жисмоний шахслар, масалан, фермерлар ер ижараси учун узоқ муддатли (10-50 йил) шартномаларни тузиш имкониятига эгадирлар. Ижарага олинган ернинг қиймати корхонанинг баланс ҳисоботида акс эттирилади. 13-сон «Ижара» ДСБҲХСдаги молиявий ижара таърифига мос келувчи ижарага олинган ер корхоналарнинг баланс ҳисоботларида акс эттирилади.

ДМСҚ-2001 ва ДСБҲХСга тўлиқ мос келишига эришиш учун Республикада барча ер баҳоланиши ва давлат бошқаруви органларининг баланс ҳисоботида акс эттирилиши лозим, корхоналар ва фермерлар томонидан ижарага олинган ер бундан мустасно 13-сон «Ижара» ДСБҲХСга мувофиқ давлат бошқаруви органларининг баланс ҳисоботи актив сифатида корхоналар ва фермерлар томонидан ижарага олинган ер билан боғлиқ олинадиган ижара ҳақини ҳам ўз ичига олади.¹ Ушбу катта вазифани ўтишнинг якуний босқичида бажариш режалаштирилган.

Инфратузилма активлари асосан магистрал каналларни ва бошқа тармоқ активларини (мас., сув таъминоти тармо-

¹ Ижарага берувчилар молиявий ижара бўйича ижара тўловини ўзларининг молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботларида активлар сифатида акс эттиришлари лозим. Улар ижарага соф инвестицияларга тенг бўлган сўмдаги дебиторлик қарзлари каби активларни тақдим этишлари керак (13-сон ДСБҲХС, 40-параграф).

ғини) ўз ичига олади, улар бўйича ҳисоб юритиш тартиби кўчмас мулк ва ишлаб чиқариш воситаларининг бошқа моддалариники каби бўлиши керак (17-сон «Кўчмас мулк ва ишлаб чиқариш воситалари» ДСБҲХС).

Инфратузилма активлари эгалик қилишнинг турли механизмлари ёрдамида рўйхатга олинади ва баҳоланади. Масалан, йўллар тармоқларига давлат мулки ҳисобланган корхона эгалик қилади, сув таъминоти тизимининг инфратузилмаси эса вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда жойлашган коммунал хизмат муассасалари томонидан бошқарилади. Шунинг учун инфратузилма активлари тўлиқ ҳисобот бирлиги аниқлангунга қадар тўлиқ акс эттирилмайди.

17-сон «Кўчмас мулк ва ишлаб чиқариш воситалари» ДСБҲХС ихтисослашган ҳарбий техникани актив сифатида акс эттиришни ва у бўйича эскириш (амортизация) ҳисоблаб ёзилишини талаб қилади. Аксинча, ДМСҚ-2001 ушбу жиҳозни истеъмол йили учун харажатлар таркибига киритишни талаб қилади. «ДСБҲХС бўйича ҳисоб юритиш тартиби билан мувофиқлаштириш учун Миллий ҳисоб тизими (МХТ)га, сўнгра эса ДМСҚ-2001»га ҳам ўзгартиришлар киритилади.¹ Бироқ бу масалани ҳал этиш учун вақт талаб этилади.

Ихтисослашган ҳарбий техника Мудофаа вазирлиги каби тегишли ташкилотлар томонидан уларда белгиланган тартиб ва қоидаларга мувофиқ баҳоланади ва ҳисобга олинади. Шундай қилиб, ДСБҲХС ёндашуви қўллаш учун қулай, чунки у ҳисоб юритишнинг амалдаги тартибига мос келади.

Ихтисослашган ҳарбий техника ҳисобот бериш мақсадида бирлаштирилади.

Маданий ва тарихий ёдгорликлар ҳамда миллий меърос объектлари ҳисоб юритишнинг муҳим субъектлари ҳисобланади. Миллий меърос таркибига тарихий бинолар, ёдгорликлар ва археология қазилмалар жойлари, шунингдек, музейлар, галереялар ва архивлар коллекциялари киради. 17-сон «Кўчмас мулк ва ишлаб чиқариш воситалари» ДСБҲХС маданий мерос активлари бўйича ҳисоб юритиш имконини

¹ Давлат секториди бухгалтерлик ҳисобини уйғунлаштириш бўйича махсус гуруҳ.

беради, лекин буни талаб қилмайди. Иккинчи томондан, МХТ-1993 ва ДМС тарихий ёдгорликларни аниқлаш ва баҳолашни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги миллий мерос активларининг ёзувини юритади, бироқ уларнинг қийматини баҳоламайди. Активлар таърифи ва активлар ҳисобини юритиш мезонларига мос келувчи миллий мерос активлари ўтишнинг сўнгги босқичларида баҳоланади ва ҳисобга олинади. Молиявий ҳисоботга киритиш мезонларига мос келмайдиган миллий мерос активлари молиявий ҳисоботга изоҳларда таърифланади.

Ҳисоб мажбуриятлари янги иқтисодий тизим шароитида Стратегияни ишлаб чиқишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Ҳисоб мажбуриятлари деганда ҳам бюджет ёки бошқа ташкилотларнинг у ёки бу харажатлар ва тўловларни амалга ошириш мажбуриятлари тушунилади. Ташкилотлар мажбуриятлари ичида Хизмат мажбуриятлари ёки ташкилот ходимларининг олдидаги мажбуриятлар устувор ҳисобланади. Хизмат мажбуриятлари ходимларга тааллуқли қўйидаги харажатлар билан боғлиқ мажбуриятларни ўз ичига олади:

- иш ҳақи ва окладлар (шу жумладан, иш вақтидан ташқарида бажариладиган ишга тўланадиган ҳақ ва нафақалар);
- ҳар йиллик таътил;
- касаллик варақаси бўйича тўлов;
- узоқ муддат хизмат қилганлиги учун таътил;
- пенсия ва пенсия таъминоти ҳуқуқи;
- ишдан бўшаганда бериладиган нафақа;
- меҳнат фаолиятининг якуни бўйича бошқа тўловлар;
- хизматчиларга бошқа бонуслар, масалан, бепул ёки имтиёзли тиббий хизмат кўрсатиш.

Хизмат мажбуриятларини ҳисобга олиш иккита таомилни ўз ичига олади: (а) бошқа хизмат мажбуриятларини, масалан, тўпланган ҳар йиллик таътилни баҳолаш ва ҳисобга олиш, бу ўтиш даврининг ўртасида содир бўлади ва (б) халқаро амалиётга мувофиқ Пенсия жамғармаси активлари ва мажбуриятларини баҳолаш ва ҳисобга олиш.

Фуқаролар, шу жумладан, давлат ва хусусий сектор хизматчилари учун Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармасида

ҳисобварақлар очилиб, уларга иш берувчилар ва хизматчилар тўловларни амалга оширадilar. Малакавий мезонларга мувофиқ келган тақдирда тўловлар мавжуд қолдиқлар бўйича ҳисобварақлардан амалга оширилади. Бироқ энг кам пенсия тўловлари кафолатланган.

Мазкур ҳисоб стратегияси Пенсия жамғармасининг активлари ўтишнинг дастлабки босқичларида маълум қилинишига йўл қўяди, Пенсия жамғармасининг мажбуриятларини баҳолаш ва маълум қилиш эса ўтиш даврининг ўртасигача кечиктирилади. Ҳозирги вақтда хизмат мажбуриятлари бўйича алоҳида ДСБҲХС мавжуд эмас, лекин уларнинг маълум қилиниши назарда тутилган. 19-сон «Ходимларга мукофот» БҲХС – ушбу масала бўйича кўпчилик мамлакатларда фойдаланиладиган қўлланма манбаларидан бири ҳисобланади.

Ижтимоий суғурта дастурининг ҳисоб стратегияси Ижтимоий суғурта дастурлари, масалан, қариллик пенсиялари ҳисобини юритиш тартибини ишлаб чиқишни назарда тутди. Стратегияни ишлаб чиқишда бу айирбошладан ташқари операциялар бўйича лойиҳанинг бир қисми сифатида кўриб чиқилади. Бу қонунчилик йўли билан ҳал этишни талаб қилувчи муҳим масала ҳисобланади.

Давлат секторининг бухгалтерия ҳисобини ишлаб чиқиш ва жорий этиш стратегияси даромадлар ва харажатлар ҳисоби масалаларини ҳам қамраб олади. Масалаларнинг ушбу блогида тушумлар манбаларининг кенг доирасини ўз ичига олувчи айирбошладан ташқари операциялардан олинadиган даромадлар ажратилади. Ҳозирги вақтда айирбошладан ташқари операциялардан олинadиган даромадларни аниқлаш ва ҳисобга олиш билан боғлиқ ДСБҲХС мавжуд эмас, бироқ ХВФнинг махсус гуруҳи ушбу масалани кўриб чиқади. Қуйида айирбошладан ташқари операциялардан олинadиган даромадларга айрим мисоллар келтирилади:

- солиқлар (бевосита ва билвосита);
- ҳукуматнинг марказий даражаси, бошқа даражадаги бошқарув органлари ва халқаро ташкилотлардан грантлар;
- жарималар, пенялар ва мусодара;
- йиғимлар ва ҳисобланган маблағлар (айрим йиғимлар ва ҳисобланган маблағлар айирбошлаш операцияларидан (то-

варлар, ишлар ва хизматларни тақдим этишдан) олинадиган даромадлар бўлиши ҳам мумкин;

• совғалар ва хайриялар.

Солиқлар ва айирбошлашдан ташқари операциялардан олинадиган бошқа даромадлар ҳисоблаб ёзиш усули бўйича ҳисобга олинади. Бу шуни англатадики, дебитор тўлов талабини жўнатишда пайдо бўлади ва даромад тегишлича ҳисобга олинади (солиқларни баҳолаш мунтазам, яъни ҳар ойда ёки ҳар чорақда амалга оширилади). Моддалар бўйича шарҳлаш ҳисоб юритишнинг ушбу тартиби ҳисоблаб ёзиш усулининг концепциясига жавоб беришини ҳал этиш учун амалга оширилади.

ХВФнинг махсус гуруҳи ҳам хорижий ҳукуматлар ва халқаро ташкилотларнинг грантлари бўйича ДСБҲХСни тайёрлаш жараёнини амалга оширмоқда. Мазкур стратегия ишлар самараси ўлароқ олинган ДСБҲХС тасдиқланиши биланоқ янгиланади.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодиётга интеграциялашиши жараёнларининг жадаллашуви билан миллий валюта кўрсаткичларининг ўзгариши мамлакат ташкилотлари фойдасининг ошишига ёки камайишига таъсир кўрсатади. Ташкилотларнинг бундай ҳилдаги даромадлигининг ҳисоби халқаро амалиётда ҳисоб стандартлари тизимида ўз аксини топди. 4-сон «Валюта курслари ўзгаришининг таъсири» валюта операциялари ва ташқи фаолият бухгалтерлик ҳисобига доир қўлланмани ўзида мужассам этган. Хорижий валюталар курси билан боғлиқ фойда ва зарарлар хорижий валютада тўлаш ёки олиш операциялари амалга оширилганда содир бўлади, айирбошлаш курслари эса операцияни эътироф этиш вақти билан тўлов вақти ўртасидаги даврда ўзгаради. Бундай фойда ва зарарлар хорижий операциялар билан боғлиқ қолдиқларни айирбошлашда фойдаланиладиган валюталар курсларининг ўзгариши натижасида ҳосил бўлиши мумкин.

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг таркибий қисми сифатида унинг ҳаракати бўйича ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тайёрлашнинг махсус методикасини талаб қилади. Ҳозирги вақтда, бюджет ташкилотлари бюджет ва бюджетдан ташқари маблағ-

лар бўйича ҚҚСдан озод этилган. Шунинг учун бюджет ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлари ва харажатлари ҚҚСнинг таркибий қисми учун алоҳида ҳисоб сисёати талаб этилмайди. Бироқ агар ҚҚС бўйича имтиёзлар бекор қилинмаган бўлса, у ҳолда бу ААТ учун оқибатларни келтириб чиқаради (яъни функционал имкониятлар ААТ учун ўзгармай қолади). Мисол учун, бюджет ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича молиявий ҳисоботлари Давлат солиқ кўмитасига ёки Давлат солиқ кўмитасидан Давлат божхона кўмитасига ёки Давлат божхона кўмитасидан ҳисобланадиган қолдиқлар билан ҚҚСни истисно этган ҳолда ААТ кредиторлик қарзи ҳисобварақларининг модулида алоҳида рўйхатга олинади. Шунингдек, касса даромадлари ва харажатлари бўйича ҚҚС таркибий қисми алоҳида белгиланади.

Бухгалтерия ҳисобининг янги тизимга ўтиш босқичлари нафақат моддий ўзгаришлар ҳаракатининг ҳисобини юритиш тизимидаги расмий ва миқдорий ўзгаришлар зарурлигини кўриб чиқади. Ўзгаришлар, биринчи галда моддий бойликлар ва активлар тушунчаларининг туб сифат мазмунларини қамраб олиши лозим.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан ўзгаришларни тахминан 12 йиллик даврга тақсимлаш, бу имкониятларни ишлаб чиқишни ва муҳит ўзгаришига мос келиш учун мослашувчанликни таъминлашни назарда тутати.

Куйида тақдим этилган маълумотларда тўрт босқичга гуруҳланган ўтиш ҳаракатлари вақт доираларининг лойиҳаси белгиланган. Фаолиятнинг вақт доиралари вазиятнинг ўзгариши ва тайёргарликни баҳолашга қараб анча илгарига сурилиши ёки кечиктирилиши мумкин (4.2-жадвал).

Масалан, МСФО ва ДСБҲХС мазкур ҳисоб стратегияси қамраб олган даврда ўзгариши эҳтимоли мавжуд. Бунинг устига, жорий уйғунлашув жараёни ДМСҚ-2001 ва ДСБҲХСдаги ўзгаришларга қўшилиб кетиши мумкин.

Умумий йўналишдаги молиявий ҳисоботлар дастлаб касса усули бўйича тайёрланади. Ҳисобот бирлиги касса усули учун ДСБҲХСга тўлиқ мос келиш учун ғоят тор даражада белгиланади.

Бюджет ҳисобини ривожлантириш босқичлари

Босқич ва фаолият	2006-2010	2011-2013	2014-2015	2015-2017
1	2	3	4	5
1-босқич: Тайёргарлик ишлари ва ААТни қисман жорий этиш				
1. Молия органлари ва бюджет ташкилотлари Давлат бюджетининг газна ижросига ўтади ва касса усули учун ДСБҲХСга мувофик кенг маънода бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни босқичма-босқич тайёрлайди. ДМСҚ-2001га мос келувчи бюджет таснифининг айрим унсурлари жорий этилади.	■			
2. Тизимнинг амалий имкониятларини, функционал жараёнларини ва ахборотнинг қулайлигини ақс эттириш мақсадида молия ҳисоботининг форматлари АТни конфигурациялаш, дастлабки синовлар ва авж олдириш жараёнларида такомиллаштирилади.	■			
2 босқич: Ишлаб турган ААТ				
3. Касса усули учун ДСБҲХС ва ДМСҚ-2001 таснифларига мувофик кенг маънодаги бюджет ижроси тўғрисида жамлама ҳисоботлар тайёрланади.		■		
4. ДСБҲХС ва ДМСҚ-2001 га мувофик ҳисоблаб ёзиш усули бўйича тайёрланган ахборот қўшимча маълум қилиш кўринишида тақдим этилади.		■		
5. 4-сон ДСБҲХСга мувофик ҳисобга олинadиган хорижий валюта курси билан боғлиқ фойда ва зарарлар.		■		
6. Қўшимча маълум қилиш кўринишида тақдим этилган ахборот сегмент (яъни. бюджетнинг республика, вилоят ва туман даражалари учун) таҳлилини ўз ичига олади.	•	■		

1	2	3	4	5
7. Ҳисоблаб ёзишнинг модификациялашган усули бўйича ҳисобга олинмаган айирбошлашдан ташқари операциялардан олинмаган даромадлар (мас., солиқлар).		■		
3 босқич: ДМСК-2001га мувофиқлик (ерни баҳолашни истисно этган ҳолда)				
8. Активларни қайта баҳолаш учун индексациялаш усулидан фойдаланишни тўхтатиш.			■	
9. Бюджет ташкилотлари томонидан шартли активлар ва шартли мажбуриятларнинг аниқланиши ва маълум қилиниши.			■	
10. Хизмат мажбуриятларини баҳолаш ва маълум қилиш (пенсиядан ташқари).			■	
11. Пенсия жамғармасининг активлари ва мажбуриятлари халқаро талабларга мувофиқ баҳоланади ва ошқор этилади.			■	
12. Миллий мерос активлари бўйича ахборотни баҳолаш ва маълум қилиш.			■	
4 босқич: Ҳисоблаб ёзиш усули учун ДСБҲХСга тўлиқ мос келиш				
13. Ер бўйича ахборотни баҳолаш ва маълум қилиш.				■
14. ЎЗР МБ учун улушли иштирок бўйича ҳисоб юритиш.				■
15. ЎЗР МБни тўлиқ (сатрлар бўйича) бирлаштиришни жорий этиш.				■
16. Давлат мулки ҳисобланган ёки давлат томонидан назорат қилинадиган корхоналар учун улушли иштирок усули бўйича ҳисоб юритишни жорий этиш.				■
17. Давлат мулки ҳисобланган ёки давлат томонидан назорат қилинадиган корхоналар бўйича таҳлилни киритиш учун сегмент ҳисоботи кенгайтирилади.				■

1	2	3	4	5
18. Алоқадор томонлар ахборотини маълум қилишни жорий этиш.				■
19. Қолган шартли активлар ва мажбуриятлар аниқланади ва маълум қилинади.				■
20. Давлат мулки ҳисобланган ёки давлат томонидан назорат қилинадиган корхоналарни тўлик (сатрлар бўйича) бирлаштиришни жорий этиш.				■
21. Касса усули учун ДСБҲҲС бўйича молиявий ҳисоботларни юритишни тўхтатиш.				■

Ушбу молиявий ҳисоботлар ҳисоблаб ёзиш усули учун ДСБҲҲС ва ДМСҚ-2001 талабларига мувофиқ ҳисоб ахборотининг қўшимча равишда маълум қилиниши билан тўлдирилади. 2017 йилда ҳисоблаб ёзиш усули учун ДСБҲҲСга тўлиқ мос келувчи умумий йўналишдаги молиявий ҳисоботлар касса усули учун ДСБҲҲС бўйича молиявий ҳисоботларни алмаштиради. Пул маблағларининг оқимлари бўйича ахборот ҳисоблаб ёзиш усули бўйича бажарилган молиявий ҳисоботнинг бир қисми сифатида тақдим этилади.

Ўзбекистонда бюджет ташкилотлари икки ёқлама ёзув усули бўйича ҳисоб юритишади ва дебиторлар, кредиторлар, ТМЗ, асосий фондлар (эскириш ҳисоблаб ёзиладиган) ва мажбуриятларни ўз ичига олувчи молиявий ҳисоботларни тайёрлашади. Асосий фондлар ҳарбий активларни ва инфратузилманинг айрим активларини ўз ичига олади. Шунингдек, касса усули бўйича бюджет ижроси бўйича ҳам ҳисоботлар тайёрланади.

4-боб бўйича баҳс-мунозара ва назорат учун саволлар

1. Давлат бюджетини ижро этиш жараёнида бўладиган бюджет операциялари ҳисобидан келиб чиққан ҳолда, бухгалтерлик ҳисоби неча турга бўлинади?

2. Ҳазначилик органлари қандай бухгалтерия ҳисобини юритади?

3. Бюджет ҳисобини ислоҳ қилишнинг сабаблари нималардан иборат?

4. Бюджет операцияларининг ҳисобини юритиш тизимини ривожлантириш сабаблари нималардан иборат?

5. Давлат молияси ҳисобини юритишнинг асосий йўналишларини айтиб беринг.

6. Давлат молияси ҳисобини юритишнинг ривожланиш йўналишлари нималардан иборат?

7. Мамлакатнинг бутун иқтисодиёти нечта сектордан иборат?

8. Институционал бирлик деганда нима тушунилади?

9. Давлат ва давлат бошқаруви секторини тушунтириб беринг.

10. Бухгалтерия ҳисоби амалиётидан ҳисоб юритишнинг нечта усули маълум?

11. Касса усули ва модификациялашган касса усуллари фарқини тушунтириб беринг.

12. Ҳисоблаб ёзишларнинг модификациялашган усули ва ҳисоблаб ёзиш усуллари фарқлари нималардан иборат?

13. Ҳисоблаб ёзиш жараёнларини тушунтириб беринг.

14. Бухгалтерлик ҳисобининг стратегияси нималарни ҳал этиши лозим?

15. Бюджет ва бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби қайси ҳужжатлар орқали амалга оширилади?

16. Бюджет ҳисоби ва бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби бўйича қандай халқаро стандартлар ишлаб чиқилган?

17. Давлат бюджети ғазна ижроси бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг ягона режаси нима ва унинг таркибини айтиб беринг.

18. Бюджет ҳисобини ислоҳ қилиш йўналишларининг ва Халқаро стандартларни қабул қилиш мезонларини айтиб беринг.

19. Янги Ҳисоб режаси бўйича ҳисоблаш объектлари ва алоҳида объектларнинг ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг.

20. Давлат бюджетининг ғазна ижросида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиблари нималардан иборат?

5-боб. Давлат бюджети ғазна ижросининг автоматлаштирилган ахборот тизими асослари ва уни ривожлантириш истиқболлари

5.1. Давлат бюджети ғазна ижросининг автоматлаштирилган ягона ахборот тизими ва унинг асосий мақсад ҳамда вазифалари

Бюджет тизими катта ҳажмдаги ахборот оқимлари кесипуининг маркази ҳисобланади. Бюджет жараёнининг ахборот оқимлари оқилона бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлгани ҳолда уларни соддалаштирилган тарзда қайта ишлаш ва автоматлаштириш учун бир тизимга солиниш ва тартибга келтирилишни талаб қилади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, айнан бюджет жараёнини бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимларини жорий этиш ва ривожлантириш ушбу мамлакатларда иқтисодий барқарорликни таъминлашда катта хизмат қилиб келмоқда. Шунинг учун мамлакатимиз ҳукумати томонидан бу муаммони ижтимоий-иқтисодий муҳим аҳамиятга эканлигини инобатга олиниб, давлат молиясини ахборот тизимини шакллантириш юзасидан ҳукумат қарорлари қабул қилинган ва махсус дастурлар ишлаб чиқилган.

Автоматлаштирилган ахборот тизими (ААТ) бу ахборотларни тезликда қайта ишлаш учун мўлжалланган иқтисодий-математик методлар, моделлар, дастурлар ва технологик воситалар йиғиндисидир.

Бюджет жараёнини бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари реал вақт режимда бюджет жараёни ахборот оқимларини комплекс ҳисобини олиб бориш ва иқтисодий таҳлилни ташкил этиш натижасида уларнинг ҳаққонийлигини ва тезкорлигини оширади ва тезликда тегишли оқилона бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон яратади.

Табиийки мамлакатимизда Давлат бюджети жараёнини бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш босқичма- босқич амалга оширилаётган бўлиб, бюджет жараёнини тўлиқ автоматлаштиришни, яъни реал вақт (on-line) тизимида бюджет жараёни ахборот маконини яратишни мақсад қилиб қўяди.

Агарда ахборотларни автоматлаштиришнинг биринчи босқичида молия органларида вазифаларнинг тор доирадаги айрим бўлаклари оддий кичик дастурлар яъни, сметаларни, молия режаларини ҳамда бошқа молия ҳужжатларини компьютерларда шарҳлаш ва унинг асосий мақсади қўл меҳнатини камайтиришдан иборат бўлган бўлса, иккинчи босқичда айрим вазифалардан ташкил топган йирик вазифани йиғиш ҳаракатлари дастурланган яъни, Глобал интеграциялашган ахборот тизими” (ГИАТ) ва “Ахборотни қайта ишлаш корпоратив ахборот тизими” (АҚИТ), ёки Ҳазначиликдаги биринчи “ТРЕЖЕРИ” дастурларидир. Бунда асосий мақсад, қўл меҳнати билан бир қаторда ишончсиз маълумотлар билан боғлиқ бўлган хатолар сонини камайтиришдир. Унинг асосий камчиликлари, биринчидан, бюджет жараёнининг асосий қисмлари қамраб олинмаган, дастурлар мажмуаси интеграцияланмаган, иккинчидан эскирган содда технологиялар асосида яратилган. Учинчидан уни такомиллаштиришнинг ва тўртинчидан бюджет ижросини қамраб олиш имкониятларининг йўқлиги билан изоҳланади. Шу билан бир қаторда, бюджет жараёни бошқаришни автоматлаштириш тизимини учинчи босқичида эса молиявий вазифаларнинг автоматлаштиришнинг дастурий мажмуаларини бирлаштиришни (интеграция) таъминлашдан иборатдир.

Дастурий таъминот (ДТ) бу автоматлаштирилган ахборот тизимини бошқаришнинг ҳисоблаш жараёнини самарали ташкил этиш учун мўлжалланган дастурий мажмуалар йиғиндисидир.

Бунга мисол қилиб, Ҳазначилик органларида қўлланилаётган марказлашган “Давлат бюджетининг Ҳазна ижроси”(КИГБ) махсус дастурий мажмуасини олишимиз мумкин. Бу махсус дастурий мажмуалар тўпламининг асосий имкониятларидан бири юқори технологияларга асосланган бўлиб, такомиллаштириб бориш имкониятининг мавжудлигидир.

Тўртинчи босқич эса ўз навбатида бюджет жараёни ягона ахборот маконини яратишни мақсад қилиб қўяди.

Бюджет жараёнининг ягона ахборот макони бу ягона тамомил ва умумий тартиблар асосида ташкилот ва инсонларни ахборот ҳамкорлигини таъминлаш ва уларга бўлган эҳтиёж ва талабни қондириш учун ишлайётган ахборот—телекоммуникация тизим ва тармоқлари технологияси ва бошқаруви маълумотлар банки ва базасининг йиғиндисидир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети жараёнини бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизими икки алоҳида автоматлаштирилган тизимдан иборат бўлиб, бу Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги молия органларида қўлланилаётган марказлаштирилмаган “Глобал интеграциялашган ахборот тизими” (ГИАТ) ва “Ахборотни қайта ишлаш корпоратив ахборот тизими” (АҚИТ) дастурлари бўлса, иккинчиси Ҳазначилик органларида қўлланилаётган марказлашган “Давлат бюджетининг Ҳазна ижроси” (КИГБ) махсус дастурий мажмуалар йиғиндисидир. “Глобал интеграциялашган ахборот тизими” молия органлари томонидан бюджетларни тузиш ва уларни рўйхатдан ўтказишгача бўлган ҳисоб-китобларда қисман молия органлари бухгалтериясида қўлланилаётган бўлса, бюджетларнинг ижроси билан боғлиқ бўлган ҳисоб-китоблар Ҳазначилик органлари томонидан марказлашган “Давлат бюджетининг Ҳазна ижроси” (КИГБ) махсус дастурий мажмуалар таъминоти асосида амалга оширилмоқда ва “Глобал интеграциялашган ахборот тизими”ни бюджетларнинг касса ижроси ҳақидаги ва бошқа керакли маълумотлар билан таъминламоқда.

Мамлакатимизда Давлат бюджети жараёнини ахборот маконини яратиш бу, биринчи навбатда, бюджет жараёнининг асосини ташкил этган бюджетни Ҳазна ижросини автоматлаштирилган ягона ахборот тизими билан таъминлашни талаб этади.

Бугунги кунда Давлат бюджетининг Ҳазна ижросини автоматлаштирилган ахборот тизимисиз тасаввур қилиш жуда қийин. Ҳазна тизимининг барча даражаларида бюджет ижросини бошқаришнинг истиқболли ва самарали автоматлаштирилган ахборот тизимини барпо этиш республиканинг бугун

ғазна тизими ишлашининг самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Юқори савияда автоматлаштирилган ахборот тизимига эга бўлган бюджет ижросини бошқариш тизими нафақат Давлат бюджетининг самарали ижросини таъминлашга, балки турли даражадаги молия органлари ҳамда божхона, банк, солиқ ва давлат даромадлари ва харажатлари ижроси билан боғлиқ бошқа органларнинг, шунингдек, бюджетдан маблағ олувчиларнинг Фазначилик органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишга қодир бўлиб, яқин келажакда нафақат бюджет жараёни ахборот маконини балки давлатнинг молия тизимини бошқаришнинг ягона ахборот тизими маконини яратишга имкон беради.

Фазначилик органларининг бюджет ижросига доир фаолиятини ташкил этишда бюджет ижросини регламентловчи меъёрий ҳужжатлар билан бирга автоматлаштириш жараёнлари ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Бюджет ижросини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимининг асосий мақсадлари бюджет жараёнини бошқариш самарадорлигини оширишдан иборат бўлиб, қарорлар қабул қилувчи шахсларни бюджет жараёни ижросининг улар учун зарур бўлган барча жиҳатлари ҳақидаги тўлиқ, ишончли, тезкор ва талаб этиладиган даражагача деталлаштирилган ахборот билан таъминлайди.

Шунингдек, давлат молиявий ресурсларини марказлашган тарзда тезкор бошқаришни ахборот билан қўллаб-қувватлаб, бюджет кўрсаткичларини шакллантиришнинг тўғрилиги ва тезкорлигини, бюджет ижросини прогноз қилишнинг ишончлилиги ошириб, бюджет тизимининг барча даражаларида бюджет ижроси мақсадли йўналиши ва ҳажмларининг самарали назорат қилинишига олиб келади. Бу тизим Давлат бюджети барча даражаларида бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни шакллантиришнинг тезкорлигини ошириб, унинг асосий йўналиши комплекс автоматлаштириш, барча даражадаги фазначилик ва молия органларининг ўзаро ҳамкорлигини ва уларни тезкор ахборот билан таъминлаш, асосий операцияларни автоматлаштириш, алоқа тизимларини ҳамда турли ташкилотлар ва бўлинмаларнинг бюджет жараёни

доирасида амалга ошириладиган фаолияти тўғрисидаги **маълумотларни** узатишни ташкил этади.

Шу билан бир қаторда, бюджет ижросини бошқаришнинг автоматлаштирилган ягона тизимининг жорий этилиши қуйидаги асосий вазифаларнинг ҳал этилишига йўналтирилади. Жумладан, барча даражадаги фазначиликнинг бюджетга оид **маълумотларига ишлов беришни** марказлаштириб, ҳужжатларни **қайта ишлаш, маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилишнинг талаб этиладиган тезлигини** таъминлайди. Фазна ҳисобварақларидаги қолдиқларга мувофиқ молиявий ресурсларга нисбатан бўлажак эҳтиёжларни прогноз қилади ва уларни оптималлаштиради ва бюджет жараёнининг янада самарали бошқарилишини таъминлайди. Бундан ташқари бюджет маблағларнинг мақсадли сарфланишини тезкор назорат қилиш натижасида аппарат ишининг самарадорлигини ошириб хатоларни камайтириш бадалига харажатларини қисқартиради ва давлат бошқарувининг ваколатли шахсларини давлат бюджетининг ҳолати тўғрисидаги тезкор ахборот билан таъминлаш имконини яратади.

Бюджет ижросини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими қуйидаги асосий функцияларни бажаради:

- тасдиқланган ва аниқлаштирилган бюджетдан маблағ ажратиш ва даромадлар прогнозларини ёзиш;

- ҳуқуқий мажбуриятлар, масалан, шартномаларни бошқариш;

- касса тушумлари ва тўловларини, шу жумладан, зарур банк интерфейсларини бошқариш ва касса тушумлари бўйича ёзувларни юритиш;

- рухсат этилмаган харажатларга йўл қўймаслик;

- кредиторлик (кредиторлик қарзлари ҳисобварақлари) ва дебиторлик (дебиторлик қарзлари ҳисобварақлари) қарзларини бошқариш;

- касса талабларини (тушум ва харажатлар) прогноз қилиш ва харажатларни тўлаш учун рухсатномалар чиқариш;

- банкдаги фазна ҳисобварақларини таққослаш;

- автоматлаштирилган тарзда давлатнинг активлари ва мажбуриятларини, ҳисоб-китобларини олиб бориш; молиявий ресурсларни давлат бюджетининг ягона ҳисобварағида жамлаш

(ягона ғазначилик ҳисобварағи — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ЯФҲ) ва бошқариш; бюджет ижроси бўйича барча молиявий операцияларнинг Бош ғазначилик китобида марказлашган тарзда ҳисобга олинишини таъминлаш;

- бухгалтерлик ҳисоб-китобларини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тайёрлаш;

- ички ва ташқи аудит жараёнларини қўллаб-қувватлашни таъминлаш ҳамда бюджетдан маблағ олувчиларнинг асосий воситалари ҳисобини юритиш.

Ғазначилик органлари бажарадиган вазифаларнинг хилма-хиллиги ва мураккаблиги Ғазначилик фаолият кўрсатишининг дастлабки кунларидан бошлаб ўз ишида замонавий автоматлаштирилган ахборот технологияларини қўллашга йўналтирилишини белгилаб беради. Фақат замонавий ахборот технологиялари ёрдамида бюджетни ўз вақтида ва сифатли ижро этиш мумкин. Бюджет ижроси жараёнини автоматлаштирилган ахборот тизими, Ғазначилик органларини ҳисоблаш ва ташкилий техникаларнинг стандарт воситалари билан жиҳозлаш, замонавий дастурий таъминотдан фойдаланиш ва бюджет ижроси жараёнларини автоматлаштиришни таъминловчи амалий дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Автоматлаштирилган бошқариш тизимини жорий этиш жараёнида унинг услубий базасини такомиллаштириш ва Ғазначилик органлари фаолиятини автоматлаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Ғазначиликнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини барпо этиш асосида ягона ахборот базасини яратиш, маълумотларни улардан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш талаблари ва дастурий таъминотни муайян Ғазначилик органининг шароитларига мослаштириш ётади.

Ғазначилик тизимини ривожлантириш, унинг ортиб боровчи талаблари ва молиявий имкониятлари Ғазначилик органларининг ахборот тизимларини автоматлаштиришга нисбатан ёндашувларни ўзгартиради. Ғазначилик тизимининг хусусиятлари тизимли ва амалий дастурий таъминот имкониятларидан келиб чиқади. Ғазначилик органлари фаолияти автоматлаштирилган ахборот тизимларининг имкониятлари дастурий таъминотнинг эксплуатация хусусиятларига боғлиқ,

Ўзбекистонда Ҳазначилик янги ва ривожланаётган молиявий орган ҳисобланиб, ахборот муҳитининг ҳам миқдорий жиҳатдан (ишлов бериладиган ахборот ҳажми, бажариладиган функциялар сонининг ортиши ва ҳ. к.), ҳам сифат жиҳатдан (ҳал этиладиган вазибалар функционал доирасининг кенгайиши, улар хусусиятининг ўзгариши) ривожланишини тақозо этади.

Адекват тарзда қурилган Ҳазначилик органларини бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизими маълум вақт мобайнида туб ўзгаришларсиз жадал ривожланишни таъминлашни талаб қилади. Иш ҳажмининг ортиши ва мураккаблашуви шароитида автоматлаштирилган ахборот тизимининг самарадорлигини сақлаб туриш нафақат тизимли дастурий ишланмалар захираларига, балки янада қудратли аппарат воситаларига ўтиш имкониятига эга бўлиш заруратини ҳам келтириб чиқаради.

Ҳазначилик тизимида автоматлаштирилган ахборот тизимини ривожлантириш имкониятлари иқтисодий объектларнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш ва асосий молиявий вазибаларни ҳал этишга йўналтирилган дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш билан боғлиқ. Яхлит ахборот тизимини шакллантириш учун яратилаётган тизим қуйидаги қатор тамойилларга эга. Жумладан, барча ғазначилик бўлинмалари учун ахборот базасининг ягоналиги; узоқда жойлашган турли объектлардаги фойдаланувчилар ишини қўллаб-қувватлаш; унда жараёнлар ва фойдаланувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги умумий ахборот ресурслари ҳисобидан таъминланадиган ахборот маконини шакллантириш; норматив-ҳуқуқий базанинг ўзгаришларига мослашувчанлик; норматив-ҳуқуқий база ўзгарганда тизим дастурий кодини ўзгартирмаган ҳолда тизимни қайта тўғрилаш имконияти; бир вақтнинг ўзида ишловчи фойдаланувчилар сонини ошириш имконияти; жорий этишнинг барча потенциал объектларида тизимнинг тажриба намунасидан нусха кўчириш имконияти; модуллик, яъни тизим унумдорлиги ва функционал таркибини босқичма-босқич оширишни таъминлаш.

Шунинг учун тизим ўзаро интеграциялашган алоҳида модуллардан таркиб топиши; қабул қилинган нормативлар

доирасида ошкоралик; газначилик ахборот тизимининг бошқа ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар билан интеграциялаш имконияти; очиқ архитектура билан таъминловчи ҳар қандай бошқа тизимлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятига мос келади. Ўз навбатида, тизим эҳтимолий кўшимча ишлов бериш ва интеграциялаш учун очиқ интерфейсларга эга бўлади, бу эса унда ривожланиш ва модификациялаш имконияти мавжуд бўлишини назарда тутди.

5.2. Давлат бюджети газна ижросининг автоматлаштирилган ахборот тизими(ААТ) асослари

Ахборот оқимлари. Давлат бюджети ижросининг газна тизимига ўтиш бюджет ижросининг механизмига, бюджет ҳужжатлари айланиши тизимига, ахборот оқимлари ҳаракатига ва ҳисоб-китоблар технологиясига тегишли ўзгаришларни киритиш зарурилигини назарда тутди.


Бюджет ижроси газна тизими концептуал моделини кўриб чиқамиз.

Қуйида юқори ва такомиллашган ахборот тизимига мўлжалланган давлат бюджетининг газна ижроси концептуал модули (5.1-расм) келтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида”ги қонунига мувофиқ бюджет ташкилотларининг ҳисобварақлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очиладиган ЯҒҲда жамланади. ЯҒҲга давлат бюджетининг ижросига доир барча молиявий ахборот келиб тушади, яъни солиқ тўловчилардан бюджетга барча тушумлар ЯҒҲга йўналтирилади ва дарҳол ЯҒҲ ААТда акс эттирилади. Давлат бюджети даромад ва харажат қисмларининг ижросига доир ҳужжатлар айланишининг шаклланиши ва уларни ижро этиш шартлари тўғрисидаги ахборот оқимлари ва **маълумотлар** ААТ бўйича ўтади.

ААТ дастурий мажмуа таъминоти таркибига асосан қуйидаги функционал кичик тизимлар киради: режали маблағ билан таъминлашни бошқариш; мажбуриятлар ва тўловларни бошқариш; тушумларни бошқариш; кассавий режалаштириш ва бошқариш; банк орқали бошқариш; қарзни ва қатъий

Ғазначиликнинг Концептуал модули



AT – Ахборот тизими; ҒБК – Ғазначилик бош қитоби; ПИАТ – Молия вазирлиги Глобал интеграллашган ахборот тизими; БТ – Бюджет ташкилотлари; ДМЖ – Давлат мақсадли жамғармалари; МБ – Марказий банк; ЯҒХ – Ягона ҳисобоварак; МВ – Молия Вазирлиги; МО – Молия органи

5.1-расм. Ғазначиликнинг Автоматлаштирилган ахборот тизими концептуал модули

белгиланган даромадли молиявий активларни бошқариш; Бош китобни юритиш; бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар; ахборот хизматлари; тизим маъмурчилиги; хавфсизлик ва ахборотни ҳимоялаш ва идоралараро ўзаро ҳамкорлик.

Иш куни мобайнида ААТ шаклланидиган ва ЯФХ орқали ғазначилик бўлинмалари ва банклардан келиб тушадиган тўлов ҳужжатларига узлуксиз равишда ишлов беради. ААТ келиб тушган маблағларни алоқа тизими бўйича электрон тўловлар кўринишида келиб тушувчи тўлов топшириқномалари, реестрлар, чеклар ва бошқа молиявий ҳужжатлар асосида бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар ҳисобварақларига ўтказди. Реестрлар ва тўлов топшириқномаси келиб тушган ҳолларда тўловлар бўлими маблағларни таққослаш жараёнлари асосида шахсий ҳисобварақлар ва иқтисодий тасниф кодлари бўйича тарқатади. Келиб тушган маблағларни бюджет ташкилотлари, давлат даромадлари ва мақсадли дастурлар шахсий ҳисобварақларига ўтказиш тизим томонидан автоматик тарзда амалга оширилади, бу ҳисобот ҳужжатларида ҳисобга олинади ва бир вақтнинг ўзида ҳам бюджет ташкилотлари шахсий ҳисобварақларининг ҳолатида, ҳам ЯФХда акс эттирилади. Кўчирма бўйича тўлов ҳужжатлари ва ўтказиш учун фармойишлар билан тасдиқланмаган тушумлар электрон алоқа каналлари бўйича аниқланмаган тушумлар суммалари ҳисобварағига йўналтирилади. Ушбу маблағлар йўналиши кейинчалик тасдиқланган тақдирда, улар тўловлар бўлими томонидан бюджет ташкилотлари, давлат даромадлари ва мақсадли дастурлар шахсий ҳисобварақларига ўтказилади ёки тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланмаган маблағларнинг қайтарилиши расмийлаштирилади.

Бюджет ташкилотларининг шахсий ҳисобварақларидан маблағларни чиқариб ташлаш учун тўлов топшириқномалари келиб тушган ҳолларда тизим бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш учун лимитлар, рухсатномалар мавжудлигини автоматик тарзда назорат қилади, уларни харажатлар сметаси, маблағлар ҳисобдан чиқариладиган иқтисодий тасниф кодлари бўйича ҳисобварақдаги маблағлар қолдиғи билан солиштирилади ва бюджет ташкилотларининг ҳисобварақларидан ва тегишлича ЯФХдан маблағларни чиқариб ташлаш учун тўлов топшириқ-

номасининг лойиҳасини шакллантиради. Ҳазначилик бўлинмалари бўйича бюджет ташкилотларининг ҳисобварақларига барча тушумлар, шунингдек, улар бўйича ҳар қандай ўзгаришларни ААТ орқали реал вақт режимида (On-line) жойларда кузатиш мумкин. Ўз ҳисобварағидан маблағларни сарфлаш учун бюджет маблағларининг тақсимловчиси ўзининг шахсий ҳисобварағи очилган ҳазначилик органига алоқа каналлари орқали ўзининг шахсий ҳисобварағидан маблағларни чиқариб ташлаш учун тўлов топшириқномасини ва маблағлар сарфланишининг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади.

ААТга асос қилиб олинган бюджет классификаторларини қўллаш тўловларни бюджет даромади ёки харажатининг у ёки бу моддасига боғлаш ҳамда банк тизимидан келиб тушувчи катта ахборот оқимларини қайта ишлашни автоматлаштириш имконини беради. Тўлов ҳужжатларининг таҳлилий таснифи реал вақт режимида бюджет бўйича ҳар қандай ҳисоботлар, жамламалар, кесимлар ва расшифровкаларни шакллантиришга имкон беради. ААТ давлат бюджети даромадлари ва харажатлари тушумларининг оқимини ЯҲҲда жамлаш имконини беради. Иккита оқимнинг бир ҳазначилик органининг тасарруфида бирга мавжуд бўлиши бюджетдан молиялаш жараёнини сезиларли даражада тезлаштиради. Бунда қуйи ҳазначилик органининг ҳисобварағига юқори турувчи ҳазначилик органидан пул келиб тушишини кутишга ҳожат йўқ. ЯҲҲга солиқлар ва даромадлар кўринишида маблағлар келиб тушиши давлат бюджети харажатларини молиялашни тезкор бошқариш учун барқарор базани яратади. ААТни лойиҳалаштириш ва тузишда ахборот оқимларига ишлов беришни ташкил этиш учун қуйидаги шароитларга амал қилиниши таъминланади: янада самарали ва оқилона ахборот оқимларини яратиш; ахборотнинг такрорланишига йўл қўймаслик; айниқса, электрон тўлов ҳужжатлари бўйича ахборот билан алмашишда кейинги фойдаланиш учун яроқли бўлган мавжуд ахборот оқимлари ва жиҳозлардан максимал даражада фойдаланиш; ахборот оқимларининг ишончлилигини ва мослашувчанлигини таъминлаш; барча ахборотнинг операция куни мобайнида молиявий ресурслар ва меҳнат кам сарфланган ҳолда ўтиши имкониятини

таъминлаш; тезкор бошқарув қарорларини қабул қилиш учун минтақа бўйича умумий ахборотни ягона марказда тўплаш ва қайта ишлаш имконияти.

Шундай қилиб, давлат бюджети даромадлари ва харажатлари ҳисобини юритиш бўйича ягона вакиллик ҳисобварағини бошқариш учун ААТ қошида ахборот оқимларининг ягона тизимининг яратилиши: ҳисоб-китоблар **илғор** технологиясини иқтисодий **ва ташкилий шароитларга мосташтирган ҳолда** электрон тўлов тизими ва маълумотларни узатиш тизими бўйича ахборот алмасуви билан боғловчи ахборотни қайта ишлаш ва узатиш ягона технологиясини яратиш; ЯҒҲдан харажатларни молиялаш учун ресурсларни жамлаш; давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларга даромадларнинг ўтказилишини тезлаштириш, мавжуд ҳимояланган алоқа тармоқларидан ахборотни қабул қилиш ва узатиш учун фойдаланиш имконини беради.

ААТни ташкил этишнинг асосий архитектура тамойиллари.

Ахборот тизимини яратишда дастлаб унинг таркибий тузилиши, тизим моделининг архитектураси лойиҳалаштирилади. Лойиҳада унинг мантиқий ва архитектура концепцияси кўриб чиқилади. Фазначилик ахборот тизимининг архитектураси — бу ахборот технология олдига қўйилган мақсадларни қандай қўллаб-қувватлаши модели бўлиб, у қандай танқидий фикр юритиш ва ушбу мақсадларни амалга ошириш учун тизимнинг таркибий тузилиши ахборот тизимларининг қанақа интеграциялашган тўпламларига эга бўлиши лозимлиги тўғрисидаги тасаввурни аниқ ифодалаш имконини беради. Вазирлик молиявий операцияларининг муваффақиятли бажарилиши унинг архитектурасининг ишчи, функционал ва ахборот томонлари ўрганиб чиқилишини талаб қилади. Ҳар қандай мураккаб тизимни яратишда унинг ахборот архитектураси асосий жиҳат ҳисобланади. Одатда, бундай мураккаб ахборот тизимлари ўзлари ҳам алоҳида тизим бўлиши мумкин бўлган, юқори даражада ўзаро ҳамкорлик қилувчи таркибий қисмлар йиғиндиси сифатида лойиҳалаштирилади. Архитектура мураккаб тизимнинг функционаллиги ва таркибий тузилишини лойиҳа счимларини юқори даражада очиб бериш ва шарҳловчига лойиҳа талабларининг қондирилиши, таркибий

қисмлар функционалигини тақсимлаш ва амалга ошириш тўғрисидаги саволларни бериш имконини берувчи усул сифатида белгиланган ҳолда уни тушунишни осонлаштиради. Йил сайин, ахборот тизимларининг ривожланиши ва мураккаблашувига қараб ахборот тизимининг умумий таркибий тузилиши (архитектураси) уни лойиҳалаштиришдаги марказий муаммога айланиб боради. Лойиҳалаштириш масалалари ушбу даражада ахборот тизимини юқори даражада ташкил этиш ва бошқаришни, **маълумотлар таркибини, мантиқий ва жисмоний ҳисоблаш қурилмалари** функционалиги йўналишини ва ушбу **ҳисоблаш қурилмалари ўртасидаги юқори даражадаги ўзаро ҳамкорликни ўз ичига олади**. ААТни яратишда бўлажак тизим умумий архитектурасининг турли хилларини моделлаштирувчи ишчи, функционал, ахборот ва техник инфратузилма каби унсурлардан таркиб топган архитектуранинг дастлабки дизайни ишлаб чиқилади. ААТ деталлаштиришнинг зарур даражасини таъминлаш, умуман вазирик архитектурасининг концепциясини қамраб олиш учун абстракциянинг кўплаб даражаларида моделлаштирилади. Ишчи архитектура Молия вазириликнинг мавжуд асосий архитектура тузилишини, бюджет ижроси тизимини ўзида намоён этади. Функционал архитектура фазначиликнинг асосий вазифаларини ўз ичига олган функционал кичик тизимлар ва модулларнинг таркибий тузилишини ўзида ифодалайди.

Бу тизимнинг функционал кичик тизимлари ва вазифалари, унинг концептуал модели ва архитектураси аниқлангач, ахборот архитектураси, амалий дастурий таъминот архитектураси, техник таъминот воситалари ва телекоммуникация архитектураси ғоят муҳим аҳамият касб этади. Фазначилик тизими ахборот архитектурасини ишлаб чиқишдан мақсад, республикада фазначилик тизимининг функциялари, жараёнлари ва йўналиши талаб этадиган ахборотнинг мантиқий концепциясини моделлаштиришдан иборат. Ахборот тизими архитектураси ахборот тизимлари ва инсонлар бутун ташкилот доирасида бир хил бирлашган услубда қандай ишлашини ёритади. Ахборот тизими архитектурасини ишлаб чиқиш ахборот тизимларининг таркибий тузилишини уларни ахборот тизимларини ишлаб чиқиш учун фойдали қилиш

учун етарли даражада батафсил ёритиш жараёнини ўзида намоён этади.

Ахборот тизими архитектурасини ишлаб чиқиш автоматлаштирилаётган объектнинг талабларини қондириш зарурлигидан келиб чиқиб амалга оширилади. Ахборот тизими архитектураси автоматлаштирилаётган объектнинг бизнес операцияларини бажариш учун зарур бўлган барча ахборотни белгилайди ва ушбу ахборотнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаб функцияларни қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган барча **маълумотлар** ахборот тизими архитектурасида қамраб олинади.

Ахборот тизими архитектураси — бу объект ва унинг муҳитини юксак даражада ривожлантириш концепциясидир. Ахборот тизими архитектураси ахборот тизимининг қурилиш блокларини таъминловчи таркибий қисмларнинг умумий қабул қилинган тўпамини ўз ичига олади. Мазкур қурилиш блокларини ва уларнинг тавсифи режа ечимларининг эҳтиёжларига мос келиш учун деталлаштиришнинг тегишли даражасида белгиланган.

Яхши белгиланган ахборот архитектураси **маълумотлар** алмашувини ва улардан фойдаланишни осонлаштиради, захирага олишнинг назорат қилинишини таъминлайди, ўзгаришлар таъсирини камайтиради, **маълумотларга** ишлов беришни камайтиради, **маълумотларнинг** аниқлигини оширади ва тизимларни ишлаб чиқиш самрадорлигини оширади. ААТ архитектурасини ишлаб чиқишда унинг ААТда айланувчи ахборот ҳажми, уни жойлаштириш, ташкил этиш шакллари бўйича лойиҳа ечимларининг йиғиндисини ўзида намоён этувчи ахборот таъминоти архитектурасини шакллантириш муҳим роль ўйнайди. У кўрсаткичлар, **маълумотлар**, ахборот классификаторлари ва кодификаторлари йиғиндисини, автоматик тарзда хизмат кўрсатиш учун махсус ташкил этилган унификацияланган ҳужжатлар тизимини, тегишли манбалардаги ахборот тизими массивларини, шунингдек, ахборотни сақлашнинг ишочлилиги, ахборотга ўз вақтида ишлов бериш технологиясининг сифатини таъминловчи ходимларни ўз ичига олади.

Ахборот объектлари ва улар ўртасидаги алоқалар йиғиндиси ахборот архитектурасининг асосини ташкил этганлиги боис.

ААТ технологик жараёнининг ахборот объектларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

Бошланғич маълумотлар — харажатлар сметалари, даромадлар прогнози бюджет ёйилмаси, ёйилманинг ўзгарганлиги ҳақидаги маълумотномалар, тўлов топшириқномалари, банк кўчирмалари, буюртма ва шартномалар, кредит келишувлари, қимматли қоғозлар ва ҳ.к.

Ҳисоб-китоб маълумотлари - бошланғич маълумотларни қайта ишлаш натижасида олинган маълумотлар: аниқлаштирилган бюджет ёйилмаси, молиялаштириш қолдиқлари, турли хилдаги ҳисоботлар, ҳисоб-китоб таҳлилий кўрсаткичлар, дебитор-кредиторлар, ўртачалаштирилган маълумотлар ва ҳ.к.

Норматив маълумотлар — бюджет таснифи, маъмурий-ҳудудий бўлиниш классификаторлари, бюджет ташкилотларининг реестри, бюджет ҳисрбварақларининг реестри ҳамда бюджет жараёни учун зарур бўлган тегишли тартиблар ва ҳ.к.

Технологик маълумотлар — автоматлаштирилган тизимнинг ишга яроқлилигини таъминлаш учун зарур бўлган хизматга доир маълумотлар: ҳисобга олинган фойдаланувчилар рўйхати, фойдаланувчиларнинг функционалик ва ҳаракатлар хиллари бўйича фойдаланиш ҳуқуқларининг реестри, фойдаланувчиларнинг барча ҳаракатларини қайд этиш учун журнал жадваллари ва ҳ.к.

Тизимнинг бутун фаолиятини қўллаб-қувватловчи амалий дастурий таъминот (АДТ) ахборот архитектурасининг катта қисми ҳисобланади. У ахборотга ишлов беришни автоматлаштиради ва ахборот тизимида фойдаланиладиган дастурий воситалар таркиби ва ўзаро боғлиқлиги билан белгиланади. Очиқ, халқаро стандартларга асосланган архитектура ғазначиликнинг бўлажак ахборот тизимини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш ҳамда унинг бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши учун Молия вазирлигининг эҳтиёжларига тўлиқ жавоб беради. Асосий архитектура тамойиллари — бу негиз бўлиб, улар ташкилотда консенсусга эришиш учун асосни шакллантиради ва раҳбариятни очиқ тизимларни ишлаб чиқиш учун талаб этиладиган ахборот билан таъминлайди. Асосий архитектура тамойиллари ташкилот ўзининг

кундалик фаолиятида амал қиладиган қоидалар тўплами учун ва Молия вазирлиги ААТни лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқишда амал қиладиган тамойиллар ва боғлиқ қарорлар тўплами учун асосларни белгилайди.

Тамойилларни белгиламаган ҳолда, дарҳол ўзининг ахборот ва компьютер ресурсларини моделлаштириш жараёнига ўтадиган ташкилотлар оддий ҳатога йўл қўяди. Улар асосий эҳтиёжлар қолиб, техник ечим ва технологик танловда ўралашиб қолади. Асосий архитектура тамойиллари архитектура қарорларини қабул қилиш учун асос бўладиган ишончли базани таъминлайди. Ушбу тамойиллар ташкилот миссияси ёки унинг бизнеси ривожланишига қараб тараққийлашади. Асосий архитектура тамойилларининг боғловчи, изчил тўпламини белгилаш Молия вазирлигининг мақсадларига эришиш учун ҳал қилувчи омил ҳисобланади. ААТни яратишда асосий архитектура тамойилларига амал қилиш уларга фазначилик тизими ва умуман вазирлик операция жараёнларининг архитектурасини ишлаб чиқишда ҳам амал қилишни белгилаб беради. Вазирликнинг бутун ахборот архитектураси вазирлик ва унинг алоҳида бўлинмалари стратегиясини ривожлантиришнинг энг шошилиш стратегик ва операцион эҳтиёжларига мувофиқлаштирилади.

Молия вазирлиги ўз бўлинмаларида, шу жумладан, ААТда ушбу архитектуруни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, ишга тушириш ва қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган сиёсат, стандартлар ва қўлланмаларни шакллантиради ва қабул қилинган архитектура тамойилларининг асосий мақсади қуйидагиларни таъминлашдан иборат бўлади: вазирлик ахборот технологиялари учун бирлаштирувчи концепция, умумий тамойиллар, умумий атамашунослик, умумий стандартлар; қарорлар қабул қилиш, бошқарув сиёсати учун матнлар, стратегик ва техник масалалар; вазирлик ахборот тизимларини стратегик режалаштириш ва бюджетини шакллантириш. ААТни ташкил этишда амал қилинадиган умумий архитектура тамойиллари: ахборотга ишлов беришдаги жавобгарлик, яъни ахборотга ишлов беришдаги ҳаракатлар фазначилик тизими ва Молия вазирлиги бўйича мавжуд қонунлар, буйруқлар, йўриқномалар ва норматив ҳужжатларга

бўйсунган ҳолда амалга оширилади; Молия вазирлиги ва фазначиликнинг барча ахборот тизимлари вазирликнинг ахборот тизимларининг хавфсизлиги борасидаги сиёсатига мос келитирилади; ахборот инфратузилмасининг иловалари ва таркибий қисмлари уларни назорат қилишни осонлаштириш ва меъёрлаш учун лойиҳалаштирилади ва жорий этилади; фазначилик тизимининг умумий бизнес-жараёнлари ўзаро ҳамкорликни ва кўп марта фойдаланишни таъминлаш учун бирга мавжуд бўла олишликни ҳисобга олган ҳолда жорий этилади; фазначилик тизими кичик тизимларининг ўзаро ҳамкорлигини осонлаштириш учун очиқ тизим стандартларининг боғловчи, изчил тўпламини қабул қилади; стандартларни танлаш, қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш ҳамда қабул қилинган стандартлар фазначилик тизими учун ҳам, умуман Молия вазирлиги учун ҳам фойдали бўлишини кафолатлаш учун фазначилик ахборот тизимининг бутун ҳаётий циклини кўриб чиқилади.

Шунингдек, ААТ фазначилик ахборот тизимининг лойиҳаси фазначилик тизими ҳаётий циклининг лойиҳа талаблари, хатари, харажатлари ва мурақаблигига мос келадиган методологиясини қабул қилиш; ААТ ахборот ресурсларини уларнинг йўқотилиши, улардан нотўғри фойдаланиш, рухсатсиз фойдаланиш ёки модификациялаш натижасида юзага келадиган хатар ёки зарар миқдорига мос равишда ҳимоялайди; ААТ шахсга тааллуқли ахборотнинг даҳлсизлигини ҳимоялайди; ААТ кўп томонлама ёнлашувга асосланган хавфсизлик механизмларини ривожлантиради; Молия вазирлигининг ахборот тизимлари **маълумотларни ва ахборотни бўлиш** стандартларига мос келади; **маълумотлар** – бу ҳаётий муҳим кўшма мулк, **маълумотлар** уларнинг сифатини, ўз вақтидагилигини ва бутун вазирлик бўйича фойдаланиш учун қулайлигини таъминлаш мақсадида бошқарилади ва бутун корпоратив ахборотнинг хавфсизлиги тегишли маҳфийлик даражасида таъминланади; корпоратив ҳисоблаш ресурслари ахборот технологияси бўйича сиёсатга мувофиқ ўзаро ҳамкорликка кўмаклашиш учун ўзаро боғлиқ равишда шаклланади; ААТ ахборот тизимининг архитектураси Молия вазирлиги ахборот-таҳлилий тизимининг асосий архитектура тамойил-

ларига мувофиқ лойиҳалаштирилади; ААТ ахборот тизимининг архитектураси функционалликнинг кўп сонли ярусларига эга бўлади; барча абонентларга умумий хизматларни таъминлайдиган умумий ахборот муҳити шаклланади ва жорий этилади; станциянинг барча ишчилари барча зарур серверларга эга бўлган хавфсиз коммуникация алоқалари тармоғига уланади.

Шундай қилиб, ахборот тизимининг асосий архитектура тамойиллари раҳбариятни Молия вазирлигининг мақсадларини ва ривожланиш стратегиясини белгилаш учун ахборот билан таъминлайди. У тизим таркибий қисмларига нисбатан қўйиладиган талаблар ва чекловларнинг белгиланишига, тизим архитекторлари ва лойиҳачилари билан ўзаро ҳамкорликка, тафсилларни ишлаб чиқишга ва ахборот тизимларини лойиҳалаштиришга таъсир кўрсатади. Яққол ифодаланган моделларни таъминлаган ҳолда, архитектура Молия вазирлиги даражаси ва тизимли даража концепцияларини идентификациялаш ва асослаш имконини беради.

Фазначилик органларининг локал ҳисоблаш тармоқлари. Фазначилик органларининг барча фойдаланувчилари учун ягона ахборот маконини Фазначилик органларининг локал ҳисоблаш тармоқлари (ЛХТ) яратади ва барча даражалардаги ААТ тармоқларининг узлуксиз куну тун ишлашини таъминлайди. Маршрутизаторлар ва фазначилик органларининг серверлари ЛХТнинг асосий таркибни ҳосил қилувчи унсурлари ҳисобланади. **Маршрутизаторлар локал тармоқларни ўзаро ва WAN-тармоқлар билан боғлаш имконини берувчи қурилмалардир.**

Бундай боғлаш фойдаланувчиларга локал ва тақсимланган тармоқларда **маълумотлар** ва ресурсларни бўлиш имкониятини яратади. Бунда АТ алоҳида дастурий-техник мажмуалари ишлашининг қуйидаги режимлари назарда тутилади: штат режими (узлуксиз куну тун ишлаш); марказлашган тарзда хизмат кўрсатиш режими (хизмат кўрсатиш, тўғрилаш, реконфигурация, янги таркибий қисмлар билан тўлдириш учун); автоном режими (**маълумотлар билан алмашишнинг имкони бўлмаган ҳолларда**). Фазначилик органларида ЛХТни ташкил этиш қуйидаги талаблардан келиб чиқиб шаклланади: ЛХТда уларнинг ишдан чиқиши ишнинг ишончилигига ёки

бутун тармоқнинг вақт тафсилотларига таъсир кўрсатувчи қурилмалар бўлиши мумкин эмас. Ички уланишлар схемаси тармоқ ишига таъсир кўрсатмаган ҳолда ушбу уланишларни амалга ошириш ва узиб қўйиш учун пассив бўлиши керак.

Тизимли тармоқ дастурий таъминоти (ДБ) автоматлаштирилган иш жойлари (АИЖ)да фойдаланиладиган операцион тизимлар учун етарлича “аниқ-равшан”. ЛХТнинг турли аппарат-дастурий модуллари мустақил бўлиб, кўп пафонали таркибий тузилма доирасида алоҳида таркибий қисмларни бошқаларига тегинмаган ҳолда ўзгартириш мумкин бўладиган тарзда амалга оширилади. Тармоқ паст тезликка эга бўлган жиҳозга хизмат кўрсатишни таъминлайди ва келгусида жорий этиладиган техник воситаларнинг киритилишини назарда тутди. Ҳазначилик бўлинмаларида ЛХТнинг ташкил этилиши қуйидагиларни таъминлайди: Ҳазначилик молия органлари ходимлари ва ташқи абонентларнинг коммуникацион ресурслардан унификацияланган тарзда фойдаланишини амалга ошириш; ягона аниқ мақсадга йўналтирилган бошқарув, ахборот-коммуникация ресурсларига марказдан техник хизмат кўрсатиш; on-line режимида таркибланган ахборотдан фойдаланишни ташкил этиш; электрон почта ва электрон ҳужжатлар айланишининг ягона тизимини ташкил этиш; Ҳазначилик органлари корпоратив тармоғининг интерфейслар орқали ААТ ва Ўзбекистон молия органларининг бошқа сегментлари билан ўзаро ҳамкорлиги; тармоқнинг нормал ишлашини бузмаган ҳолда ахборот-коммуникация хизматларининг таркиби ва сифатини ривожлантириш ва такомиллаштириш имконини берувчи янги аппарат-дастурий ресурсларни жорий этиш учун очилган доимий равишда ривожланувчи ва такомиллашувчи тармоқ сифатида корпоратив ҳисоблаш тармоғининг яратилишини таъминловчи функционал фаоллик; фойдаланувчиларни корпоратив ҳисоблаш тармоғига киритишнинг энг оптимал режимини таъминловчи функционалликнинг босқичма-босқичлиги ва ҳ.к.

Ҳазначилик маълумотларини узатиш телекоммуникация тизими. ААТнинг барча узоқда жойлашган фойдаланувчилари учун марказлашган ресурслардан бир вақтнинг ўзида фойдаланиш имкониятини таъминлашни, маълумотларни

узатиш телекоммуникация тизимисиз амалга ошириб бўлмайди. **Маълумотларни узатиш** телекоммуникация тизими техник воситалар ва муайян ҳудудда масофадан туриб ахборот алмашиш жараёнини ташкил этиш қоидаларининг йиғиндисини ўзида намоён этади. Мазкур тизим **маълумотларни узатиш** каналларининг ишочлилигини ошириш учун марказлашган технология бўйича **маълумотларни узатиш** тармоғи алоқа каналларининг захирага олинисини ҳам назарда тутати. Телекоммуникация тизими фазначиликнинг барча бўлинмалари ўртасида **маълумотларни узатиш** каналларининг ташкил этилишини таъминлайди. **Маълумотларни узатиш** тизими хавфсизлик ва ахборотни ҳимоялашнинг барча зарур чоратадбирларига амал қилинган ҳолда фазначилик тизими фойдаланувчиларининг ААТга on-line уланишини, шунингдек, интерфейс орқали ЎЗР МБ, ДСҚ, ДБҚ ҳамда бошқа иштирокчи вазирликлар ва ташкилотлар билан уланишни ҳам таъминлайди.

ААТ функционал тизимларининг ишлашини таъминлаш мақсадида юқори тезликда ишловчи оптик-тола алоқа каналларидан шунингдек, ААТ марказий ахборот ресурсидан фойдаланишда ҳимояланган шифрланган **маълумотларни узатиш** канали режимидан ва бунга тегишли ҳимоялаш синфини таъминловчи сертификатланган крипто ҳимоялаш фойдаланилади. Телекоммуникацион тизим бутун мамлакат бўйича фазначиликнинг барча ҳудудий фойдаланувчиларининг ААТ ресурсларидан бир вақтнинг ўзида фойдаланиши имкониятини яратади. ААТ ресурсларини ташқаридан (Интернетдан ёки узоқда жойлашган бошқа объектлардан) рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоялаш учун тармоқли ҳимоялаш воситалари (тармоқлараро экранлар) ва бошқа замонавий технологиялар ҳамда ахборотни ҳимоялаш воситаларидан ҳам фойдаланилади.

Фазначилик тизимида бюджет жараёнининг барча асосий иштирокчиларини қамраб олган телекоммуникация тизими: фазначилик органларининг банклар, солиқ, божхона органлари ва бошқа идоралар билан ўзаро ташкилий, ахборот ва технологик ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш; бюджетни бошқариш умумий жараёнида муайян ижрочилар функция-

сини алоҳида ажратган ҳолда бюджетни шакллантириш ва ижро этиш жараёнида иштирок этувчи ташкилотларда ҳужжатлар айланишининг ягона ахборот-технологик тизимини шакллантириш; тайёрланадиган ва бюджет жараёнининг иштирокчилари ўртасида айланувчи шаклланган ва таркибланган ҳужжатлар улушини сезиларли даражада ошириш; молиялаш, тезкор ҳисоботларни тайёрлаш учун топшириқномаларни тайёрлаш муддатларини тезлаштириш; бюджет даромадлари оқимларининг ҳисобини юритишни марказлаштириш ва ушбу оқимларни оптималлаштириш; харажатларни молиялаш учун бюджетдан йўналтириладиган молиявий ресурслар оқимини тартибга келтириш; бюджет, тилхат, кассавий режалар, молиялаш ва молиялашнинг умумий ҳажми учун топшириқномаларни ўзаро назорат қилиш ва оптимал бошқарув қарорини қабул қилиш учун бюджет жараёни тўғрисидаги ахборотни тезкор тақдим этиш имконини беради.

Шунингдек, Ҳазначилик функционал алоқа ва **маълумотларни узатиш** тизими қуйидаги вазифаларнинг ҳал этилишини таъминлайди: Ҳазначиликнинг барча узоқда жойлашган бўлинмалари учун on-line режимида бюджет ахбороти ягона марказлашган **маълумотлар** базаси билан ишлаш имконияти; Ҳазначиликнинг барча узоқда жойлашган бўлинмалари учун on-line режимида фармойиш, норматив ва ахборот **маълумотларидан фойдаланиш** имконияти; on-line режимида бошқарувнинг юқори даражаларига тезкор ҳисоботларни тақдим этиш; банк, солиқ, божхона ва бошқа тизимлар билан интеграциялашиш; марказий сервер орқали ДТ янги версияларини тезкор янгилаш; Ҳазначилик сайти орқали фойдаланувчилар даражасида Ҳазначилик ахборотининг бошқа истеъмолчилари (Олий Мажлис, Сенат, Вазирлар Маҳкамаси ва б.)нинг Ҳазначилик ахборотидан **фойдаланиш** имконияти.

ААТ телекоммуникация инфратузилмасини яратиш қуйидаги йўналишлар бўйича Ҳазначилик органлари **маълумотларни узатиш** телекоммуникация тизимининг ҳар томонлама ишлаб чиқилган концептуал моделини тузишни талаб қилади: Ҳазначиликнинг турли ағпарат-дастурий мажмуаларини интеграциялаш; нафақат электрон ҳужжатларни узатишни, балки уларга ишлов бериш (ҳисобга олиш, сақлаш,

ҳужжатларни жамоавий ишлаб чиқиш технологияси ва ҳ.к.)ни автоматлаштиришни ҳам ўз ичига олувчи электрон ҳужжатлар айланиши кичик тизимни ва қулай график муҳитни яратиш; юқори унумли техник ва дастурий воситалардан фойдаланиш, замонавий уч пағонали архитектурани жорий этиш асосида иловаларни ишлаб чиқиш; ахборотни қайта ишлаш ва узатишда хавфсизлик ва маълумотларни криптографик ҳимоялашни таъминлаш ва корпоратив ҳисоблаш тармоғини тузиш асосида ААТ доирасида ягона ички ахборот муҳитини яратиш.

5.3. Ҳазначилик Ахборот тизимининг дастурий таъминоти

Ҳазначилик тизимининг асосий хусусиятлари ва имкониятлари тизимли ва дастурий таъминот имкониятларидан келиб чиқади. ААТ имкониятлари дастурий таъминотнинг эксплуатацион хусусиятларига боғлиқ. ААТ дастурий таъминоти (ДТ) ҳазначилик тизимининг функциялари ва вазифаларини амалга оширувчи ва техник воситалар мажмуаларининг барқарор ишлашини таъминловчи дастурлар йиғиндисини ўз ичига олади. ДТ таркибига умумтизим ва махсус дастурлар, шунингдек, дастурий таъминот воситаларини қўллашга доир инструкторив-методик материаллар ва уни ишлаб чиқиш ҳамда ААТ ҳаёт циклининг бутун даври мобайнида кузатиш билан шуғулланувчи персонал киради. ААТ дастурий таъминотининг таркиби тизимли ДТ, функционал амалий ДТ, диагностик ДТ ва дастурий ҳужжатларни ўз ичига олади. Тизимли ДТ таркибига инсталляциялаш ва ишчи станцияларнинг кейинги фаолият кўрсатишини таъминловчи UNIX, WINDOWS тармоқ операцион тизими, СУБД, иш ўринларининг фаолият кўрсатишини таъминлаш учун INTERNET EXPLORER операцион тизими ва бошқалар киради. Функционал амалий ДТ таркибига функционал вазифаларнинг бажарилишини таъминловчи дастурлар ва қуйда келтириладиган кичик тизимлар киради. Диагностик ДТ таркибига ААТни текшириш комплекс тести, дастурлар ва кичик тизимлар фаолият кўрсатишининг тўғрилигини текшириш имкониятини таъминловчи назорат мисо-

ли, шунингдек, техник воситалар етказиб берувчилари ёки ишлаб чиқаруви заводлар томонидан улар билан биргаликда етказиб бериладиган ААТ техник воситалар мажмуининг тест дастурий таъминоти киради. Умумтизим дастурий таъминот жумласига фойдаланувчиларнинг кенг доирасига мўлжалланган ва ҳисоблаш жараёнини ташкил этиш, тез-тез учраб турадиган вазифаларни ҳал этиш ва ахборотга ишлов бериш учун белгиланган дастурлар киради. Улар компьютерларнинг функционал имкониятларини кенгайтириш, ҳисоблаш ишларининг навбатма-навбатлигини режалаштиришни автоматлаштириш, **маълумотларга** ишлов бериш жараёнини назорат қилиш ва бошқариш, шунингдек, дастурчилар ишини автоматлаштириш имконини беради. Махсус дастурий таъминот муайян функционал йўналишдаги ААТни яратишда ишлаб чиқиладиган дастурлар йиғиндисини ўзида намоён этади. У функционал вазифаларни ҳал этишда **маълумотларни ташкил этиш ва уларга ишлов бериш учун амалий** дастурлар пакетларини ўз ичига олади.

ААТ тизимли ва амалий дастурий таъминотининг умумий таркиби қуйидаги талаблардан келиб чиқиб шаклланади:

- газначилик фаолиятининг бошқарув цикли бюджет жараёнини бошқариш бўйича фаолиятнинг тўртта турини ўз ичига олади – режалаштириш, ҳисоб юритиш, назорат ва таҳлил;

- ҳисоб юритиш ва назорат қилиш вазифаларини ҳал этиш ҳисоб тизимлари (транзакция, рўйхатга олиш, OLTP - тизимлар) томонидан таъминланади;

- режалаштириш ва таҳлил қилиш жараёнларини қўллаб-қувватлаш таҳлилий тизимлар (OLAP - тизимлар) томонидан таъминланади;

- интеграциялаш роли барча тизимлар учун ягона бўлган норматив ахборот ва ҳужжатлар айланиши жараёнлари зиммасига юклатилади.

Операцион муҳит таркибига қуйидагилар кириши керак: дастурларнинг бажарилишини бошқаришни таъминловчи ва режалаштириш, киритиш-чиқаришни бошқариш, **маълумотларни** бошқаришга қодир бўлган дастурий воситаларни ўзида намоён этувчи операцион тизимлар. Қуйидаги операцион тизимлар тавсия этилади:

- Windows NT , UnixWare хилидаги тармоқ операцион тизимлар;

- Unix операцион тизими;

- кўп марта фойдаланиладиган реляцион маълумотлар базасини бошқариш тизими (СУБД ORACLE).

Фазначиликнинг адекват тарзда тузилган автоматлаштирилган ахборот тизими муайян вақт мобайнида радикал модификацияларсиз жадал ривожланишни таъминлайди. Фазначилик органлари қўйи бўғинлардан то минтақавий ва юқори даража бошқарув аппаратиғача ахборот ва амалий дастурий маҳсулотларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш имконини бериш учун иерархик тузилмага эга бўлади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, ААТ дастурий мажмуи таъминоти қўйидаги функцияларни бажаради: ЯҒҲдаги давлат бюджетининг даромад қисми бўйича ахборотни йиғиш, ҳисобини юритиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва сақлаш; давлат бюджетига маблағлар келиб тушиши тўғрисидаги долзарб ва ишончли ахборотни олиш ва тасдиқланган бюджет асосида давлат бюджетининг ижроси бўйича харажатларни амалга ошириш; юқори турувчи органларга бюджет ижроси бўйича тезкор маълумот тусидаги, статистик ва таҳлилий ахборотни бериш; ҳисобот, ҳисоб ва тўлов ҳужжатларини шакллантириш; бошқа идоравий ахборот тизимлари билан ўзаро алоқа ўрнатиш ва бюджет ижроси тўғрисидаги ахборот билан алмашиш; давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш операциялари. Ушбу органларда жорий этиладиган амалий дастурий маҳсулотлар функционал вазибалар ва тегишли таркибий бўлинмаларда ҳал этиладиган автоматлаштирилган иш ўринларининг вазибаларига мувофиқ модул таркибига эга бўлган дастурий мажмуаларга бирлаштирилади. Мазкур органларда жорий этиладиган амалий дастурий маҳсулотлар қўйидаги талаблардан келиб чиқиб шаклланади: функционаллик — амалий соҳанинг жараёнлар ва фойдаланувчилар томонидан бажариладиган функцияларга мос келишининг зарур даражаси; мослашувчанлик — тизимнинг ўзига хос жиҳатларга тўғрилаш ва янги версияларга ўтиш имконияти; қувват — тизимнинг тезкорлиги, катта ҳажмдаги ахборотга ишлов бериш имконияти, барқарорлик, жуғрофий жойлашу-

видан қатъий назар барча фойдаланувчилар учун сўровларга жавоб бериш вақти; фойдаланишнинг қулайлиги – фойдаланишнинг осонлиги (“қўш ва ишла” тамойили бўйича), ҳужжатларнинг мавжудлиги; модуллиқ – нисбий мустақил қисмлар-модуллар кўринишида АДТни ташкил этиш, умумий модуллардан фойдаланиш имконияти; хавфсизлик – хатоларга қарши барқарорлик, назорат остида фойдаланиш ва тизимнинг ахборот хавфсизлиги; самарадорлик – фойдаланувчининг сўровларига жавоб бериш учун энг кам вақт. Дастурий мажмуа ғазначилик органларининг автоматлаштирилган ахборот тизими воситаси сифатида бюджет вазифаларининг биргаликда ҳал этилишини таъминлайди, шунингдек, бошқарув аппаратини ахборот билан қўллаб-қувватлайди ва солиқ, банк, бюджет ва ғазначилик тизимларида ахборотнинг изчиллигини таъминлайди.

ААТнинг алоҳида функционал кичик тизимларини Молия вазирлиги интеграциялашган бошқарув ахборот тизимининг таркибий қисмлари сифатида кўриб чиқиш талаб этилади. ААТ функционал кичик тизимлари дастурларни яратиш модуль тамойилида амалга оширилади ва мамлакатда умумий молиявий вазиятнинг умумий ҳолатини акс эттириши, унинг ялпи таҳлил қилинишини таъминлаши, прогноз баҳоларини тайёрлашда ёрдам бериши, қарорларни жамоавий ва яқка тартибда қабул қилиш жараёнларини қўллаб-қувватлаши, бюджет ижросининг ҳисобини юритиш, назорат қилиш ва жамлашни таъминлайди. Бундай кичик тизимлар фаолият кўрсатишининг асосини ғазначиликнинг функционал вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган дастурий таъминот ташкил этади. ААТ дастурий мажмуи таркибига қуйидаги функционал кичик тизимлар киради:


- Ғазначилик бош китоби;
- Бюджет рухсатномаларини бошқариш;
- Мажбуриятлар ва тўловларни бошқариш;
- Бюджетнинг даромад тушумларини бошқариш;
- Режалаштиришни ва пул маблағларини бошқариш;
- Банк операцияларини бошқариш;
- Молиявий активлар ва қарзни бошқариш;
- Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни бошқариш;
- Ҳисобварақлар режаси ва бюджет таснифи.

ААТ дастурий мажмуи таркибига қуйидаги таъминловчи кичик тизимлар киради:

- Хавфсизлик ва ахборотни ҳимоялаш;
- Ахборот хизматлари;
- Бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш учун интерфейс;
- ва тизимнинг ривожланишига қараб бошқа кичик тизимлар — электрон ҳужжат айланиш электрон ҳокимият, электрон тижорат ва ҳ.к.

ААТ дастурий мажмуи даромадлар ва харажатлар, давлат бюджети ҳисобини юритиш ва ҳисоботлари, шу жумладан, амалдаги бюджет таснифи бўйича кундалик ахборотни киритиш ва тўплаш ҳамда бюджет ижросига доир норматив кўрсаткичларни тартибга солиш жараёнининг тўлиқ автоматлаштирилишини таъминловчи ўзаро боғлиқ дастурий модуллар ва кичик тизимлар кўплигини ўзида намоён этади. Бундан ташқари, тизим амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзларни ҳам ҳисобга олиши ва турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширади. Тизимдаги ҳар кунлик иш баланс, белгиланган норматив ҳисоботлар ва тўлов ҳужжатларининг босмадан чиқаришга узатилиши билан якунланади. Дастурий мажмуани тузишнинг асосида минтақалардан барча фойдаланувчиларга **Ягона Маълумотлар** Базасидан фойдаланиш ва бир вақтнинг ўзида ундаги **маълумотларга** ишлов бериш имкониятини таъминловчи марказлашган тизим ёндашуви ётади. **Маълумотларга** ишлов беришнинг бундай технологиясини қўллашда барча фойдаланувчиларга ҳисоб-китоб **маълумотларининг** ягона базалари, норматив-маълумот ахборот ва бошқа **маълумотлардан** фойдаланиш имконияти тақдим этилади. Марказлашган тизим қуйидагиларни назарда тутати: бюджет даражаси ва вазначилик бўлинмасидан қатъи назар ахборотни **Ягона Маълумотлар** Базасида сақлаш; ҳисоблаш қувватларини бир жойга тўплаш; on-line режимида ишлаш; юқори малакали хизмат кўрсатувчи техник ходимлар; юқори ўтказиш қобилиятига эга бўлган алоқа каналининг мавжудлиги. On-line режимидаги дастурий модуллар ўзаро ва турли даражадаги вазначилик органларининг фаолият кўрсатиши жараёнида тўпланадиган барча ахборотни

қўллаб-қувватловчи ААТ марказий Ягона Маълумотлар Базаси билан ахборот алоқасини қўллаб-қувватлайди. Бундан ташқари, ААТ бошқа идораларнинг шунга ўхшаш ахборот тизимлари билан ўзаро алоқани қўллаб-қувватлайди (5.2-расм).



5.2-расм. Ҳазначилик автоматлаштирилган ахборот тизимининг бошқа тизимлар билан ўзаро ҳамкорлиги схемаси

МВ – Молия вазирлиги марказий аппарати, ВМБ – вилоят молия бошқармалари, ТМБ – туман молия бўлимлари, МФ – Марказий ҳазначилик, ВФ – вилоят ҳазначилиги, ТФ – туман ҳазначилиги, ДБК – Давлат божхона қумитаси, ТДБО – территориал давлат божхона органлари, ДСК – Давлат солиқ қумитаси, ВДСБ – вилоят давлат солиқ бошқармалари ТДСИ – туман давлат солиқ инспекциялари, ЯФХ – ягона ҳазна ҳисобварағи, ХТХ – ҳазначилик транзит ҳисобварағи, ТБ – тижорат банклари.

ААТ барча молиявий жараёнларни бирлаштириш, ҳазначилик органларини бошқариш даражасини ошириш имконини беради. Фақат ана шундай тизим ҳазначиликдаги мавжуд барча функционал ва ахборот алоқаларини адекват тарзда акс эттириш билан бирга, ҳазначилик органи ҳолатининг тўлиқ, кўп аспекти кўринишини шакллантириш имконини


беради. Бундай тизим ҳар қандай даражадаги маълумотлардан фойдаланиш имкониятини яратади ва бу билан нафақат барча зарур ахборотни тақдир этади, балки ғазначиликнинг ишини кераклича деталлаштирган ҳолда назорат қилиш имконини беради. Молиявий жараёнларнинг тўлиқ акс эттирилиши ААТни бошқарувнинг ўрта ва юқори бўғинларида оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш, бошқарув жараёнини иқтисодий вазиятларни моделлаштириш ва прогноз қилиш базасига қўйиш муаммосига яқинлаштиради. ААТ турли конфигурациялар ва кичик тизимларни жорий этиш имкониятини таъминлайди. ААТ қўйидаги қўшимча модуллар ва кичик тизимлардан фойдаланиш имконини беради: электрон почта; криптографик ҳимоя; рақамли имзони бажариш воситалари; вирусга қарши дастурлар; тармоқларда маълумотлар базаларини захирага нусха олиш тизими. ААТ корпоратив ахборот тизимининг тармоқ платформасини танлаш жиҳозлаш, бошқариш ва қўллаб-қувватлаш, инструментлар ва операцион тизим, дастурларни ишлаб чиқиш, ишга тушириш ва уларни тарқатишни автоматлаштириш харажатларини ўз ичига олувчи энг муҳим параметрларни, шунингдек, нарх/унумдорлик нисбатини таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

Шунинг учун ҳам Ғазначилик органларини ташкил этиш билан бир вақтнинг ўзида яъни 2006 йилда Молия вазирлиги буюртмасига биноан “ФИДО-БИЗНЕС” компанияси томонидан бюджет ғазна ижросининг «Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси» (КИҒБ) дастурий мажмуаси ишлаб чиқилди.

Бу дастурий мажмуанинг асосини ягона ахборот базаси ҳамда маълумотларга марказлаштирилган тарзда ишлов бериш ташкил қилади. У Ғазначиликнинг марказлаштирилган автоматлаштирилган ахборот тизимларини барпо этишнинг асоси ҳисобланиб, юқорида кўрсатилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди. Ишлаб чиқилган (КИҒБ) дастурий мажмуа таъминоти чизмаси 5.3-расмда келтирилган.

Дастурий мажмуа бюджет даромадларининг ҳисобини юритиш ва харажатларини тўлашнинг (бюджетдан ташқари давлат жамғармалари ҳам) узлуксизлигини таъминлаш учун Ғазначилик, Ғазначиликнинг вилоят бошқармалари ва туман

Ғазначилик ахборот тизими



5.3-расм. Давлат бюджети газна ижроси ахборот тизими (Ғазначилик дастурий мажмуаси)

(шаҳар) бўлимлари ишини автоматлаштириш учун мўлжалланган.

Давлат бюджетининг фазначилик ижроси » дастурий мажмуи иерархия даражалари ва функционал йўналиш бўйича қуйидаги қисмларга:

- Марказий даража;
- Вилоят даражаси (вилоятлар, Тошкент ш., Қорақалпоғистон Республикаси);
- Туман даражасига (туманлар ва шаҳарлар) бўлинади.

Ҳар бир даража бўлинма фаолиятининг йўналиши бўйича ўзининг функционал вазифалар мажмуига, яъни муайян функционал вазифаларни бажарувчи дастурий воситаларга эга ва қуйидаги функцияларни бажаради:

1) бюджет ташкилотлари харажатларининг ҳисобини ва сметаларини юритиш;

2) бюджет ташкилотлари билан товарлар (ишлар ва хизматлар) етказиб берувчилари ўртасида тузилган шартномалар ҳисобини юритиш;

3) тушумлар ва тўловлар тўғрисидаги ахборотни йиғиш, ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш ва сақлаш, бюджет ижросининг бухгалтерлик ҳисобини юритиш;

4) бюджет ташкилотларининг очилган шахсий ҳисобварақлари ҳисобини юритиш;

5) Фазначилик органлари томонидан амалга ошириладиган шахсий ҳисобварақлардаги операциялар ҳисобини юритиш;

6) бюджет ташкилотларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолатининг мониторингини юритиш;

7) харажатларни тўлаш учун рухсатномаларни шакллантириш ва ҳисобини юритиш;

8) бюджетнинг йиғма таҳлилий ва бирлаштирилган ҳисоботларини юритиш;

9) меъёрий-маълумот базасини юритиш;

10) операция куни;

11) даромадлар ва харажатларни кассавий режалаштириш.

Олинган ахборот асосида Фазначилик бўлинмалари қуйидаги функционал вазифаларни ҳал этади:

- маблағлар келиб тушиши ва барча бюджетлар ва ташкилотларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари харажатларининг динамикасини бевосита назорат қилиш;

• касса режалари ва қарз олиш режаларини тузиш мақсадида маблағлар тушумларининг динамикасини прогноз қилиш.

Шунингдек, бу дастурий мажмуа таъминотида қўйидаги асосий дастурий мажмуалар мавжуд.

Бюджет ташкилотлари харажатларининг ҳисобини ва сметаларини юритиш вазифалари дастурий мажмуа таъминоти. Бу дастурий мажмуа бюджет ташкилотларининг сметалари тўғрисидаги ахборотни ва уларга киритилган ўзгаришлар ҳисобини юритишни ўз ичига олади. Хусусан, ушбу вазифалар кейинги ўзгартиришларни киритиш учун бюджетларни блокировка ёки разблокировка қилиш, шунингдек, бюджет таснифи доирасида молиялаш манбалари, ҳудудлар, боблар, бўлимлар, параграфлар доирасида бюджет ташкилотларининг бир неча шахсий ҳисобварақларини шакллантириш билан боғлиқ бўлиб, бу бир вақтнинг ўзида бир нечта сметаларни юритиш имконини беради.

«Бюджет ташкилотлари билан товарлар (ишлар ва хизматлар) етказиб берувчилари ўртасида тузилган шартномалар ҳисобини юритиш, тўлов мажбуриятлари ҳисобини юритиш» вазифалари дастурий мажмуа. Бу дастурий мажмуа таъминоти иқтисодий тасниф моддалари доирасида харажатларнинг гуруҳи бўйича шартномалар ҳисобини юритиш имконини беради. Бу мажмуа мажбуриятлар ва тўловларни бошқариш бўйича функционал имкониятларнинг тўлиқ тўпламини ўзида намоён этиб, бу ёзувни юритиш ва мажбуриятларга доир ахборотни ўзгартириш, мавжуд сметадан ортиқча мажбуриятлар киритилишининг олдини олиш, етказиб берувчилар бўйича ахборотни рўйхатга олиш ва юритиш, ҳисоб-фактуралар ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ёзиш, барча турдаги тўловлар бўйича тўлиқ ахборотни ёзиш ва юритиш, шунингдек, юридик (шартнома, контракт ва бошқа) мажбуриятлар бўйича молиявий (тўлов) мажбуриятлар ҳисобини юритишга имкон беради.

«Тушумлар ва бюджет маблағларининг сарфланиши мониторинги» вазифалар мажмуаси. Бу дастурий мажмуа қўйидаги функцияларни амалга ошириш имконини беради:

ХТР ларни шакллантириш ва улар билан ишлаш;

• бюджет ташкилотларининг тўлов ҳужжатлари ва чекларини шакллантириш ва улар билан ишлаш;

- ғазна ҳисобварағига тушумларни шакллантириш ва улар билан ишлаш, тушумларни қайтариш ҳисобини юритиш;
- бюджетлараро ва ихтиёрий тўлов ҳужжатларини шакллантириш ва улар билан ишлаш;
- узоқда жойлашган бюджет ташкилотларига хизмат кўрсатилишини ташкил қилиш;
- маблағларни қайта тақсимлаш;
- бюджетдан ташқари маблағлар ва б.

«Бухгалтерия ҳисоби» вазифалар мажмуаси. Бу дастурий мажмуа бюджет ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш имконини бериш баробарида қуйидаги функцияларнинг бажарилишини таъминлайди:

- бюджетнинг ғазна ижроси бухгалтерлик ўтказмаларини киритиш;
- ғазна ҳисобварақларини юритиш;
- бюджет хабарномалари ҳисобини юритиш;
- бухгалтерия китобларини юритиш;
- молиявий йилни ёпиш операцияларини бажариш учун қўшимча даврнинг юритилишини таъминлаш.

«КИГБ» дастурий мажмуа таъминотини қолган дастурий мажмуалари, яъни «Операция куни, Ҳисоботлар ва Давлат бюджети бирлаштирилган ҳисоботлари, Кассани режалаштириш, Бюджет ташкилотлари ва шахсий ҳисобварақлар, Меъёрий-маълумот базасини юритиш» кўрсаткичлар бўйича ахборотни юритиш билан боғлиқ бўлиб, у бюджет ғазна ижросининг автоматлаштирилган тизими вазифаларининг бажарилишини таъминлайди. Бундан ташқари бу дастурнинг афзалликларидан у юқори технологиялар асосида яратилган бўлиб, доим такомиллаштириб бориш имкониятини беради.

5-боб бўйича баҳс-мунозара ва назорат учун саволлар

1. Автоматлаштирилган ахборот тизими (ААТ) нима?
2. Давлат бюджети ғазна ижросининг автоматлаштирилган ягона ахборот тизимининг асосий мақсад ҳамда вазифалари нималардан иборат?

3. Бюджет ижросини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимининг асосий функциялари нималардан иборат?
4. Бюджет жараёнининг ягона ахборот макони нима?
5. Бюджети жараёнини бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш неча босқичдан иборат?
6. Глобал интеграциялашган ахборот тизими” (ГИАТ) ва “Ахборотни қайта ишлаш корпоратив ахборот тизими” (АҚИТ) нима?
7. Дастурий таъминот деганда нима тушунилади?
8. Ахборот оқимлари нималардан иборат?
9. ААТни ташкил этишнинг асосий архитектура тамойиллари нималардан ташкил топган?
10. Ахборот тизими архитектураси дейилганда нима тушунилади?
11. Фазначилик органларининг локал ҳисоблаш тармоқлари дейилганда нима тушунилади?
12. Фазначилик маълумотларини узатиш телекоммуникация тизими нима?
13. Фазначиликнинг автоматлаштирилган ахборот тизимининг дастурий таъминоти нима?
14. Фазначиликнинг автоматлаштирилган ахборот тизимининг дастурий таъминоти ташкил этиш талаблари нималардан иборат?
15. Фазначиликнинг автоматлаштирилган ахборот тизимининг дастурий таъминоти қандай функцияларни бажаради?
16. Фазначиликнинг автоматлаштирилган ахборот тизимининг дастурий таъминоти қандай кичик тизимлардан ташкил топган?
17. Фазначилик автоматлаштирилган ахборот тизимининг бошқа тизимлар билан ўзаро ҳамкорлигини тушунтириб беринг.
18. ААТ қандай қўшимча модуллар ва кичик тизимлардан фойдаланиш имконини беради?
19. “Давлат бюджетининг Фазна ижроси”(КИГБ) махсус дастурий мажмуа таъминоти деганда нима тушунилади?
20. (КИГБ) дастурий мажмуа таъминоти қандай модуллардан ташкил топган?

ИЛОВАЛАР

1-илова

Бюджет даромадлари ва харажатлари касса режаларини тузиш

Сўмдаги касса режаси. Сўмдаги касса режаси касса даромадлари ва харажатларининг қуйидаги тоифалари прогнозларини ўз ичига олиши зарур:

Х – харажатлар; Д – даромадлар.

• Тўловлар:

Х1 Меҳнат ҳақи; Х2 Ижтимоий таъминот; Х3 Инфратузилма; Х4 Фоизлар; Х5 Бошқа жорий харажатлар; Х6 Капитал харажатлар; Х7 Қарзни қайтариш; Х8 Молия воситаларини харид қилиш;

• Тушумлар:

Д1 Акциз; Д2 ҚҚС; Д3 Жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқ; Д4 Юридик шахсларнинг фойдасидан (даромадларидан) олинadиган солиқ; Д5 Ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиғи; Д6 Бошқа солиқлар; Д7 Фоизлар ва дивидендлар; Д8 Бошқа жорий даромадлар; Д9 Капитал даромадлар; Д10 Қарз мажбуриятларини чиқариш;

Д11 Молия воситаларини сотиш; Ушбу тоифаларни аниқлашдан асосий мақсад қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

• уникал ҳаракат моделига эга бўлган даромадларнинг йирик турларини ажратиш;

• прогноз тоифаларининг сони ҳаддан зиёд бўлмаслигини таъминлаш. Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб тоифалар сони нинг 20 тадан кўп бўлиши ортиқчалик қилиши мумкин; тоифаларнинг самарали уйғунлашувини, яъни сўмдаги касса режасини прогноз қилиш лаёқатини таъминлаш. Масалан, 99,9 фоиз аниқлик билан прогноз қилиниши мумкин бўлган тўловларнинг 1 фоизини ташкил қилувчи ажратилган тоифалар тескари натижаларга олиб келиши мумкин.

Тушумлар тоифаларининг сони тўловлар тоифалари сонидан кўп бўлиши мумкин, чунки тўловлар тоифаларининг катта

қисмини маблағ ажратиш жараёнида назорат қилиш оқибатида прогноз қилиш анча осон. Фазначилик бюджет ташкилотлари ва Марказий банк билан маслаҳатлашиб, сўмдаги касса режаси тоифаларини таҳлил қилади ва зарур ҳолларда ушбу тоифаларга ўзгартиришлар киритади.

Касса прогнозлари тоифаларига тузатишлар киритиш масаласи одатда молия йилининг охирида кўриб чиқилади.

Валютадаги касса режалари. Фазначилик бюджет ташкилотлари ва Марказий банк билан маслаҳатлашгач, валютадаги касса режаларининг тоифасини аниқлайди. Валютадаги касса режаларининг тоифалари сўмдаги касса режаларининг тоифаларига қараганда анча содда бўлиши керак, чунки улар прогноз қилиш бўйича кам саъий-ҳаракатларни талаб қилади. Фазначилик харажатларнинг сўмдаги сметаларидан ҳамда Х1, Х2, Х3, Х5 ва Х6ларни прогноз қилиш учун асос сифатида тўловлар муддатлари ва тўловлар устуворлиги стратегиялари билан бирга даромадларнинг тегишли сўнгги прогнозларидан фойдаланиши мумкин.

Харажатларнинг сўнгги аниқлаштирилган сметалари ва даромадларнинг сўнгги прогнозлари молия йилининг қолган даври учун тўловларни прогноз қилиш учун фойдаланилади. Ҳали у учун даромадлар ва харажатлар ёйилмаси аниқланмаган жорий молия йили тугаганидан кейинги давр учун жойлардаги молия органлари (ўрта муддатли бюджет стратегиясига киритилган кейинги молия йили учун прогноз қилинаётган бюджетни ҳисобга олган ҳолда) жорий молия йили учун сўмдаги харажатлар сметалари моделдан келиб чиқиб, кейинги молия йили учун сўмдаги харажатлар сметаларининг тегишли қисмини ҳисоблаб чиқишлари зарур. Қарзни тўлаш ва белгиланган даромадни келтирувчи молия воситаларини харид қилиш бўйича сўмдаги тўловларни прогноз қилиш вазифаси ҳам Фазначилик зиммасига юклатилади. Бошқа молиявий воситалар (масалан, акциялар) харидларини прогноз қилиш ва тегишли аниқликлар киритиш молия органлари зиммасига юклатилади. Фазначилик Х4, Х7 ва Х8ларни прогноз қилиш учун ушбу прогнозларни бирлаштириши ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан қарзни тўлашни прогноз қилишда фойдаланиладиган фоизлар ставкалари ва алмашув курслари бўйича маслаҳатлашиши лозим.

Фазначиликнинг қарзни тўлаш мажбуриятлари бўйича маълумотлари Марказий банкнинг ички қарз тўғрисидаги маълумотлар базаси билан солиштирилиши керак, чунки МБ ички қарз бўйича

Фазначиликнинг молиявий агенти функциясини бажаради. Ички қарзни тўлашни ва молиявий воситалар харидларини прогноз қилиш такрорланиб турувчи жараён ҳисобланади, чунки маблағ жалб қилиш бўйича операциялар даромадлар ва харажатларни прогноз қилишнинг натижаси ҳисобланади. Фазначилик сметаларида валютадаги харажатлардан ҳамда тегишли тўловлар тоифаларини прогноз қилиш учун асос сифатида тўловлар муддатлари ва тўловлар устуворлиги стратегиялари билан бирга даромадларнинг тегишли сўнгги прогнозларидан фойдаланади.

Валютадаги даромадларнинг ойлик прогнозлари ва харажатлар сметаларидаги валютадаги харажатлар молиявий орган томонидан белгиланади.

Сметалардаги сўнгги аниқлаштирилган валютадаги харажатлар ва тушумларнинг сўнгги прогнозлари молия йилининг қолган даврида учун тўловларни прогноз қилиш учун фойдаланилиши лозим. Ҳали у учун сметаларда валюталардаги даромадлар ва валютадаги харажатлар прогнозлари қилинмаган жорий молия йили тугаганидан кейинги давр учун молия органлари (ўрта муддатли бюджет стратегиясига киритилган кейинги молия йили учун прогноз қилинаётган бюджетни ҳисобга олган ҳолда) жорий молия йили учун ҳисоблаб чиқиш механизmidан келиб чиқиб кейинги молия йили учун валютадаги даромадларнинг ва валютадаги харажатларнинг тегишли прогнозларини ҳисоблаб чиқишлари керак. Қарзни тўлаш ва белгиланган даромадни келтирувчи молия воситаларини харид қилиш бўйича валютадаги тўловларни, шунингдек, чет эл валютасида бошқа молиявий воситалар (масалан, акциялар) харидларини прогноз қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юклатилади. Фазначилик ушбу прогнозларни бирлаштиради. Молия органлари (Молия вазирлиги, вилоятлар молиявий муассасалари, туманлар ва шаҳарлар молия бўлимлари) молия йили учун даромадлар прогнозидан даромадларнинг тегишли тоифалари (Д1, Д2, Д3, Д4, Д5 ва Д6) бўйича прогнозларни чиқаради ва уларни Фазначиликка топширади. Ҳали у учун даромадлар прогнози аниқланмаган жорий молия йили тугаганидан кейинги даврга молия органлари, ўрта муддатли бюджет стратегиясига киритилган кейинги молия йили учун прогноз қилинаётган бюджетни ҳисобга олган ҳолда, жорий молия йили учун Д1, Д2, Д3, Д4, Д5 ва Д6 прогноз таркибидан келиб чиқиб, кейинги молия йили учун прогнознинг тегишли қисмини ҳисоблаб чиқишлари зарур. Молия

органлари Д8 ва Д9ни прогноз қилиш учун асос сифатида солиқдан ташқари тушумлар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланади.

Молия органлари солиқдан ташқари тушумларни молия йили учун даромадлар прогнозидан чиқаради ва уларни Ҳазначиликка топширади. Солиқдан ташқари тушумлар солиқ, фоизалар, дивидендлар, қарз мажбуриятларини чиқариш ва молиявий воситаларни (масалан, депозитлар, қарзлар, облигациялар ва акцияларни) сотишдан фарқ қилувчи тушумларни қамраб олади. Солиқдан ташқари тушумлар уларни жорий молия йилининг қолган даври учун прогноз қилиш мақсадида фойдаланилади. Ҳали у учун солиқдан ташқари тушумлар аниқланмаган жорий молия йили тугаганидан кейинги давр учун молия органлари (ўрта муддатли бюджет стратегияси даврида киритилган кейинги молия йили учун прогноз қилинаётган бюджетни ҳисобга олган ҳолда) жорий молия йили учун солиқдан ташқари тушумларни ҳисоблаб чиқиш механизмидан келиб чиқиб, даромадларнинг ва валютадаги харажатларнинг тегишли прогнозларини ҳисоблаб чиқишлари керак. Қарзни тўлаш ва белгиланган даромадни келтирувчи молия воситаларини харид қилиш бўйича валютадаги тўловларни, шунингдек, чет эл валютасида бошқа молиявий воситалар (масалан, акциялар) харидларини прогноз қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юклатилади. Ҳазначилик ушбу прогнозларни бирлаштиради. Молия органлари (Молия вазирлиги, вилоятлар молиявий муассасалари, туманлар ва шаҳарлар молия бўлимлари) молия йили учун даромадлар прогнозидан даромадларнинг тегишли тоифалари (Д1, Д2, Д3, Д4, Д5 ва Д6) бўйича прогнозларни чиқаради ва уларни Ҳазначиликка топширади. Ҳали у учун даромадлар прогнози аниқланмаган жорий молия йили тугаганидан кейинги даврга молия органлари, ўрта муддатли бюджет стратегиясига киритилган кейинги молия йили учун прогноз қилинаётган бюджетни ҳисобга олган ҳолда, жорий молия йили учун Д1, Д2, Д3, Д4, Д5 ва Д6 прогноз таркибидан келиб чиқиб, кейинги молия йили учун прогнознинг тегишли қисмини ҳисоблаб чиқишлари зарур. Молия органлари Д8 ва Д9ни прогноз қилиш учун асос сифатида солиқдан ташқари тушумлар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланади.

Молия органлари солиқдан ташқари тушумларни молия йили учун даромадлар прогнозидан чиқаради ва уларни Ҳазначиликка топширади. Солиқдан ташқари тушумлар солиқ, фоизалар, дивидендлар

дендлар, қарз мажбуриятларини чиқариш ва молиявий воситаларни (масалан, депозитлар, қарзлар, облигациялар ва акцияларни) сотишдан фарқ қилувчи тушумларни қамраб олади. Солиқдан ташқари тушумлар уларни жорий молия йилининг қолган даври учун прогноз қилиш мақсадида фойдаланилади. Ҳали у учун солиқдан ташқари тушумлар аниқланмаган жорий молия йили тугатанидан кейинги давр учун молия органлари (ўрта муддатли бюджет стратегияси даврида киритилган кейинги молия йили учун прогноз қилинаётган бюджетни ҳисобга олган ҳолда) жорий молия йили учун солиқдан ташқари тушумларни ҳисоблаб чиқиш механизмидан келиб чиқиб, кейинги молия йили учун солиқдан ташқари тушумларнинг тегишли қисмини ҳисоблаб чиқади. Солиқдан ташқари тушумлар қамраб олмаган фоизлар, дивидендлар, қарз мажбуриятларини чиқариш ва молиявий воситаларни сотишдан олинмаган сўмдаги тушумларни прогноз қилиш вазифаси Фазначилик зиммасига юклатилади. Солиқдан ташқари тушумлар қамраб олмаган бошқа молиявий воситалар сотувларини прогноз қилиш молия органига юклатилади.

Фазначилик Д7, Д10 ва Д11ларни прогноз қилиш учун ушбу прогнозларни бирлаштиради. Фазначилик қарз мажбуриятларини чиқаришдан келадиган тушумлар тўғрисидаги маълумотларни Марказий банкнинг ички қарз тўғрисидаги маълумотлари билан солиштириши керак, чунки МБ ички қарз бўйича Фазначиликнинг молиявий агенти функциясини бажаради.

2-илова

Давлат сектори учун чиқарилган ва қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари (ДСБҲХС)

Касса усули учун «Касса усули бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш чоғидаги молиявий ҳисоботлар» ДСБҲХС давлат бошқаруви органлари ва давлат бошқаруви субъектлари учун улар томонидан назорат қилинадиган барча касса тушумлари, тўловлар ва қолдиқлар бўйича ҳисобот бериш ҳамда улар номидан учинчи шахсларга тўланган суммалар ҳақидаги ахборотни маълум қилиш талабини ўзида мужассам этган. У изоҳларда, масалан, актлар, мажбуриятлар, учинчи шахслар томонидан бошқариладиган операциялар ҳақида, шунингдек, бюджетда назарда тутилган суммалардан ошиб кетган-кетмаганлик тўғрисидаги ахборотнинг тақдим этилишини таъминлайди.

1-сон «**Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш**» ДСБҲХС молиявий ҳисоботларни тақдим этиш, унинг таркиби бўйича тавсиялар ва ҳисоблаб ёзиш усулидан фойдаланган ҳолда тайёрланган молиявий ҳисоботларнинг мазмунига нисбатан қўйиладиган энг кам талаблар юзасидан қатор умумий хулосаларни ўзида муҳассамлаштирган.

2-сон «**Пул маблағларининг ҳаракатлари тўғрисида ҳисоботлар**» ДСБҲХС пул маблағларининг ҳаракати ҳақидаги ҳисоботлар орқали субъектнинг пул маблағлари ва пул маблағларининг эквивалентларидаги ретроспектив ўзгаришлар тўғрисида ахборот тақдим этилишини талаб қилади, унда ушбу давр мобайнида операцион, инвестицион ва молиявий фаолиятдан олинган пул маблағларининг оқимлари таснифланади. Пул оқимлари тўғрисидаги ахборот фойдаланувчиларга давлат секторининг субъекти қай тарзда ўзига ўз фаолиятини молиялаш учун зарур бўлган пул маблағларини топиши ва ушбу пул маблағлари қандай усулда фойдаланганлигини аниқлаш имконини беради.

3-сон «**Даврда мобайнидаги соф фойда ёки зарар, фундаментал хатолар ва ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар**» ДСБҲХС фавқулодда моддаларни таснифлаш ва маълум қилишни, шунингдек, молиявий ҳисоботларнинг айрим моддаларини алоҳида маълум қилишни талаб этади. Шунингдек, у бухгалтерия баҳоларидаги ўзгаришлар, ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар ва фундаментал хатолардаги тузатишлар ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

4-сон «**Валюта курслари ўзгаришларининг таъсири**» ДСБҲХС хорижий валютадаги операциялар ва ташқи фаолият ҳисобини юритиш билан шуғулланади. 4-сон ДСБҲХС қандай айирбошлаш курсдан фойдаланишни ҳал этиш ва молиявий ҳисоботларда айирбошлаш курслари ўзгаришларининг молиявий таъсирини қандай ақс эттириш талабларини қўяди.

5-сон «**Қарзлар бўйича харажатлар**» ДСБҲХС қарзлар бўйича харажатлар ҳисобини юритиш тартибини белгилашни ва, асосан, қарзлар бўйича чиқимларни харажатлар сифатида зудлик билан ҳисобга олишни талаб қилади. Бироқ Стандарт муқобил усул сифатида квалификация қилинадиган активни харид қилиш, қуриш ёки ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган қарзлар бўйича чиқимларни капиталлаштиришга руҳсат беради.

6-сон «**Жамлама молиявий ҳисобот ва назорат қилинадиган субъектларга инвестициялар ҳисобини юритиш**» ДСБҲХС барча назорат қилинадиган субъектлардан барча назорат қилинадиган

субъектларни оддий асосда билаштирувчи жамлама молиявий ҳисоботлар тайёрлашни талаб қилади. Стандартда, шунингдек, давлат секторига татбиқан назорат концепцияси батафсил ёритилган бўлиб, молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун назоратнинг мавжудлигини аниқлаш бўйича тавсиялар мужассамланган.

7-сон «**Уюшган субъектларга инвестициялар ҳисобини юритиш**» ДСБҲХС уюшган субъектларга барча инвестициялар улушли иштирок усули бўйича ҳисоб юритишни қўллаган ҳолда бирлаштирилган молиявий ҳисоботларда ҳисобга олинлигини ва тақдим этилишини талаб қилади. инвестициялар фақат яқин келажакда фойдаланиш мақсадида келиб тушиши ва сақланиши ҳолатлари бундан мустасно. Ушбу ҳолатларда хариднинг ҳақиқий қиймати бўйича ҳисоб юритиш усулидан фойдаланилади.

8-сон «**Қўшма фаолиятда иштирок этганлик тўғрисида молиявий ҳисоботлар**» ДСБҲХС давлат секторининг субъектлари иштирок этадиган қўшма корхоналарда ҳисоб юригишининг асосий тартиби сифатида мутаносиб маълумотни белгилайди. 8-ДСБҲХС, шунингдек, эҳтимолий муқобил вариант сифатида қўшма корхоналарда улушли иштирок усули бўйича ҳисобга олиш имконини беради.

9-сон «**Айирбошлаш операцияларидан олинadиган ялли даромад**» ДСБҲХС айирбошлаш операцияларидан ҳосил бўладиган ялли даромадни ҳисобга олиш шартларини белгилаб, бундай даромадни олинган ёки олинлиши кутилаётган қоплаш маблағларининг адолатли қиймати бўйича ўзгартиришни талаб қилади ва ҳисоб ахборотини маълум қилишга нисбатан қўйиладиган талабларни ўзида мужассам этган.

10-сон «**Гиперинфляция шароитидаги молиявий ҳисоботлар**» ДСБҲХС описўваёт характеристику экономики в условиях гиперинфляция шароитида иқтисодий тавсифлайди ва бундай шароитда ишловчи субъектлардан молиявий ҳисоботларни қайта кўриб чиқишни талаб қилади.

11-сон «**Пудрат шартномалари**» ДСБҲХС пудрат шартномаларини таърифлайди, бундай шартномалар натижасида юзага келган ялли даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш учун талабларни белгилайди ва ҳисоб ахборотини ошкор этиш учун маълум талабларни қўяди.

12-сон «**Захиралар**» ДСБҲХС захираларни таърифлайди, харидларнинг ҳақиқий қиймати бўйича ҳисобга олиш тизимига мувофиқ захираларнинг (шу жумладан, бепул ёки ноинал қиймати бўйича

тақсимланадиган захираларнинг) ўзгаришларига нисбатан талабларни белгилайди ва ҳисоб ахборотини маълум қилиш бўйича талабларни ўзида мужассамлаштирган.

13-сон «**Ижара**» ДСБҲХС тегишли ҳисоб сиёсатини қўллашни ҳамда молиявий ва операцион ижарага нисбатан ҳисоб ахборотини маълум қилишни талаб этади.

14-сон «**Ҳисобот санасидан кейинги воқеалар**» ДСБҲХС субъектлар ҳисобот санасидан кейин юз берган воқеаларни киритиш учун ўз молиявий ҳисоботларига ўзгартиришларни қачон киритиши зарурлигини; субъектлар молиявий ҳисоботлар тақдим этиш учун тасдиқланиши лозим бўлган санага нисбатан, шунингдек, ҳисобот санасидан кейин юз берган воқеалар учун ахборотни маълум қилишни белгилаб беради.

15-сон «**Молиявий воситалар: ахборотни маълум қилиш ва тақдим этиш**» ДСБҲХС баланс ва блансдан ташқари воситалар ва уларнинг молиявий ҳолат, фаолиятнинг самарадорлиги ва давлат бошқаруви секторининг субъекти ёки давлат секторининг исталган бошқа субъект учун муҳимлиги бўйича тавсиялар беради.

16-сон «**Кўчмас мулкка инвестициялар**» ДСБҲХС кўчмас мулкка киритилган инвестициялар ҳисобини юритиш тартибини ва ахборотни маълум қилишга нисбатан қўйиладиган тегишли талабларни белгилайди.

17-сон «**Кўчмас мулк ва ишлаб чиқариш воситалари**» ДСБҲХС кўчмас мулк ва ишлаб чиқариш воситаларининг ҳисобини юритиш масалаларини ёритади, шу жумладан, активларни ҳисобга олиш, уларнинг ҳисоб қийматини белгилаш ва улар билан боғлиқ амортизацияларни ҳисоблаб ёзиш вақтини белгилайди.

18-сон «**Сегмент ҳисоботлари**» ДСБҲХС давлат бошқаруви секторининг субъекти ёки давлат секторининг исталган бошқа субъектнинг ўзига хос фаолияти бўйича ҳисоботларда молиявий ахборотни тақдим этиш тамойилларини белгилайди.

19-сон «**Захиралар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар**» ДСБҲХС захиралар, шартли мажбуриятлар ва шартли активларни белгилайди, шунингдек, захиралар ҳисобга олиниши лозим бўлган, уларни қандай ўзгартириш керак ва улар билан боғлиқ қандай ахборотни маълум қилиш зарур бўлган ҳолатларни аниқлайди. Стандарт, шунингдек, фойдаланувчиларга уларнинг ҳусусияти, вақти ва суммалари ҳақида билиб олиш имкониятини бериш мақсадида шартли мажбуриятлар ва шартли активлар тўғрисидаги

маълум ахборотни молиявий ҳисоботларга изоҳларда ҳам акс эттирилишини талаб қилади.

20-сон «**Алоқадор томонлар ҳақидаги ахборотни тақдим этиш**» ДСБҲХС назорт мавжуд жойда алоқадор томонлар билан ўзаро муносабатлар тўғрисидаги ҳамда маълум шароитда субъект ва у билан алоқадор томонлар ўртасидаги операциялар тўғрисидаги ахборотнинг ҳам маълум қилинишини талаб этади. Бундай ахборот ҳисобот бериш ва ҳисобот бирлигининг молиявий аҳволини ва фаолиятининг самарадорлигини тушунишни осонлаштириш учун зарур. Ҳисобот бирлигини қайси томонлар назорат қилишини ёки унга кўпроқ таъсир ўтказишини аниқлаш алоқадор томонлар ҳақидаги ахборотни, шунингдек, ушбу томонлар билан операциялар тўғрисида ошкор этиш лозим бўлган ахборотни маълум қилишга тааллуқли принципиал масала ҳисобланади.

3-илова

Ўзбекистон республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги қонуни

(Маъжур Қонун ЎзР ОМ 26.08.2004 й. 665-П-сон қарорига мувофиқ 2006 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилган ва маъжур Қонунга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган, яъни ЎзР 17.12.2007 й. ЎРҚ-130-сон Қонуни, ЎзР 06.04.2009 й. ЎРҚ-204-сон Қонуни)

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармаларининг) ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг ғазна ижроси (бундан буён матнда Давлат бюджетининг ғазна ижроси деб юритилади) соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бош-

қача қондалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қондалари қўлланилади.

3-модда. Давлат бюджети газна ижросининг асосий принциплари

Давлат бюджети газна ижросининг асосий принциплари кассанинг ягоналиги ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишнинг ягоналигидан иборат.

4-модда. Давлат бюджетининг газна ижроси

Давлат бюджетининг газна ижроси Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона газна ҳисобварағига киритишдан, шунингдек Давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисобварақдан тўлашдан иборат.

5-модда. Давлат бюджетининг газна ижроси муддатлари

Давлат бюджетининг газна ижроси молия йили мобайнида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган кўшимча вақт даврида амалга оширилади.

6-модда. Ҳазначилик

Давлат бюджетининг газна ижроси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган махсус ваколатли молия органи ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлардаги ҳудудий бўлинмалари (бундан бўён матнда Ҳазначилик деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

7-модда. Ҳазначиликнинг асосий вазифалари

Ҳазначиликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Давлат бюджетининг касса ижроси;

Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;

Давлат бюджети маблағларини бошқариш, ягона газна ҳисобварағини ва ҳудудий газна ҳисобварақларини юритиш;

бюджет маблағлари олувчининг товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) билан тузилган шартномасини, шунингдек буюртмачининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузилган шартномасини мажбурий рўйхатдан ўтказиш;

Давлат бюджетда қайси юридик ёки жисмоний шахслар учун маблағлар назарда тутилган бўлса, ўша юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига биноан тўловларни амалга ошириш;

Давлат бюджети газна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва ҳисоботни тузиш;

Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикасининг кафолатларини ижро этиш.

Ўзбекистон Республикасига келаётган барча турдаги, шу жумладан номоддий шаклдаги инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини тўлиқ ва тизимли ҳисобга олиш.

8-модда. Ҳазначиликнинг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари

Ҳазначилик ўз зиммасига юклатилган вазифаларни давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажаради. Мазкур органлар ва ташкилотлар Давлат бюджетининг касса ижросини амалга оширишда, унинг маблағларини бошқаришда, Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга оширишда Ҳазначиликка кўмаклашишлари шарт.

Ҳазначилик билан давлат солиқ, божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари Давлат бюджетининг газна ижроси соҳасидаги маълумотларни қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда алмашиб турадилар.

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари Ҳазначиликка тақдим этиладиган маълумотларнинг тўғрилиги ва асослилиги учун жавобгар бўладилар.

9-модда. Ҳазначиликнинг банк ҳисобварақлари

Ягона газна ҳисобварағи Ҳазначилик томонидан бошқариладиган махсус банк ҳисобварағи бўлиб, бу ҳисобвараққа Давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритилади. Ягона газна ҳисобварағидан Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг харажатлари тўланади, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари амалга оширилади.

Ягона газна ҳисобварағи белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Ҳазначилик томонидан очилади.

Ҳазначилик Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва ўзга банкларда бошқа банк ҳисобварақлари очиш ҳуқуқига эга.

Ҳазначиликнинг банк ҳисобварақларидан маблағларнинг сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқариллишига йўл қўйилмайди.

10-модда. Давлат бюджети даромадларини ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларини ҳисобга киритиш

Давлат бюджетига тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар ягона ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар тегишинча республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари даромадларида акс эттирилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ягона ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар мазкур ташкилотларнинг даромадларида акс эттирилади.

Давлат бюджетига чет эл валютасида тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек бюджет ташкилотларининг чет эл валютасида тушадиган бюджетдан ташқари маблағлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, Ҳазначиликнинг банкдаги валюта ҳисобварақларига киритилади.

11-модда. Солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини қайтариш

Ҳазначилик юридик ва жисмоний шахсларга улар томонидан ортиқча тўланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона ғазна ҳисобварағидан ёки Ҳазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан қайтарилишини амалга оширади.

12-модда. Давлат бюджетининг харажатларини амалга ошириш

Давлат бюджетининг харажатлари ягона ғазна ҳисобварағи ёки Ҳазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан белгиланган муддатларда ва тегишинча республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджет, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг қолдиқлари доирасида амалга оширилади.

13-модда. Маблағларни суднинг қарорига биноан ўтказиш, дотациялар ва ссудаларни ўтказиш

Маблағларни суднинг қарорига биноан ўтказиш, дотациялар ва ссудаларни ўтказиш ягона ғазна ҳисобварағидан ёки Ҳазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан Давлат бюджетига маблағлар назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг банк ҳисобварақларига Ҳазначилик томонидан ўтказилади.

14-модда. Давлат бюджети маблағларини бошқариш

Фазначилик ягона газна ҳисобварақларидаги ва Фазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидаги Давлат бюджети маблағларини уларни Давлат бюджетининг харажатларини белгиланган муддатларда амалга ошириш учун йўналтириш, шунингдек Давлат бюджети бўш маблағларини банк депозитлари ва бошқа активларга вақтинча жойлаштириш ҳамда улар ҳисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетга, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига бюджет ссудалари бериш йўли билан бошқариб боради.

15-модда. Давлат бюджети газна ижросининг бухгалтерия ҳисоби

Давлат бюджети газна ижросининг бухгалтерия ҳисоби Фазначилик томонидан, шунингдек давлат солиқ ва божхона хизмати органлари, бюджет ташкилотлари ҳамда давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан Давлат бюджети газна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг ягона режаси ва бюджет таснифи асосида ташкил этилади ҳамда амалга оширилади.

Давлат бюджети газна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг ягона режаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

16-модда. Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Фазначилик томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Фазначилик томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар молия органларига тақдим этилади.

17-модда. Низоларни ҳал қилиш

Давлат бюджетининг газна ижроси соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

18-модда. Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
26.08.2004 й. № 664-II

И. Каримов

Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида” ги қонуни (кўчирмалар)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари

Ушбу Қонун:

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тузилиши ва уни бошқариш асосларини;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини (бундан бўён матнда Давлат бюджети деб юритилади) тузиш принциплари ва унинг тузилмасини;

Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тартибини;

Давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш ва унинг харажатларини амалга ошириш принципларини;

Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни;

Давлат бюджетни маблағлари билан операцияларни амалга ошириш жараёнида ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат қилиш тартибини белгилайди.

2-модда. Бюджет тизими тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Бюджет тизими тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

айланма касса маблағи метъери - молия йилида республика бюджети Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобварақларида туриши мумкин бўлган пул маблағларининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган энг кам миқдори; (ЎЗР 17.12.2007 й. ЎРҚ-130-сон Қонуни таҳриридаги хат боши)

бюджет жараёни - Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижросини назорат қилиш, ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўз-

аро муносабатларнинг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган жараёни;

бюджет дотацияси - ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошқа маблағлар етишмаган тақдирда қуйи бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шarti билан ажратиладиган пул маблағлари;

бюджетдан маблағ ажратиш - қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Давлат бюджетидан бюджет ташкилотларига ҳамда бошқа бюджет маблағлари олувчиларга ажратиладиган пул маблағлари;

бюджет профицити - муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет харажатларидан ортиқ бўлган суммаси;

бюджет ссудаси - юқори бюджетдан қуйи бюджетга ёхуд республика бюджетидан резидент-юридик шахсга ёки чет эл давлатига қайтариш шarti билан ажратиладиган маблағ;

бюджет субвенцияси - қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда муайян мақсадларга сарфлаш шarti билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шarti билан ажратиладиган пул маблағлари;

бюджет сўрови - бюджет таснифи бўйича тушумларни шакллантириш ва бюджетдан маблағ ажратиш тўғрисидаги сўров;

бюджет ташкилоти - зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилоти;

бюджет тақчиллиги - муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган суммаси;

бюджет трансферти - бюджетдан юридик ёки жисмоний шахсга бевосита ёхуд ваколатли орган орқали ажратиладиган қайтарилмайдиган пул маблағлари;

Давлат бюджети - давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади;

давлат ички қарзлари - давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси;

давлат мақсадли жамғармалари - Давлат бюджети таркибида жамлантириладиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиши нормалари ва шартлари, шунингдек шу маблағларидан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади;

давлат ташқи қарзи - давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси;

давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш - активларни ички манбалардан (резидент-юридик ва жисмоний шахслардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари вужудга келиши;

давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш - активларни хориж манбаларидан (чет эл давлатларидан, норезидент юридик шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши;

давлат қарзи - давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси;

маҳаллий бюджет - Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади;

молия йили - биринчи январдан ўттиз биринчи декабр куни охиригача бўлган вақтни ўз ичига олувчи давр;

республика бюджети - Давлат бюджетининг умумдавлат ҳусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади;

Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети - Давлат бюджетининг Қорақалпоғистон Республикаси пул маблағлари

жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, бюджетда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

II. Бюджет тизимини бошқариш

4-модда. Бюджет тизими

Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди.

Молия йилига мўлжалланган барча даражадаги бюджетларни шакллантириш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва уларнинг ижроси ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси - сўмда амалга оширилади.

5-модда. Бюджет тизимининг асосий принциплари

Бюджет тизимининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

бюджет таснифи тизими, ҳисоб-бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги;

бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилишига мувофиқлиги;

турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;

Давлат бюджети баланслилиги;

давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларини йўналишлари (моддалари) бўйича режалаштириш;

Давлат бюджети харажатларини бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағлар доирасида ва харажатлар сметаларида кўрсатилган мақсадларда амалга ошириш; барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Давлат бюджети лойиҳаси ишлаб чиқилишини ташкил этади ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этади;

Давлат бюджетининг ижросини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва давлат бошқаруви бошқа органларининг Давлат бюджетини ижро этиш борасидаги ишларини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

давлат мақсадли жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди;

Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғига киритади; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

7-модда. Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари:

тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни қабул қилади, шунингдек уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар миқдорларини белгилайди, маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар беради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимлар:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар лойиҳаларини тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари қабул қилиши учун тақдим этади ҳамда уларнинг ижроси тўғрисида ҳисоботлар тузади;

бюджетга тушумлар тўлиқ ва ўз вақтида тушиши ҳамда бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланилиши устидан назоратни ташкил этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлайди;

Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи тартибини белгилайди ҳамда улар устидан назоратни амалга оширади;

республика бюджети харажатларини амалга оширади;

бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини рўйхатдан ўтказиши;

бюджет маблағлари олувчиларнинг Давлат бюджети маблағларидан фойдаланишини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек умуммажбурий тусдаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

III. Давлат бюджети

9-модда. Давлат бюджети тузилмаси

Давлат бюджети:

республика бюджетини;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади.

Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари жамланади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини ҳамда республикага (Қорақалпоғистон) бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

Вилоятнинг бюджети вилоят бюджетини, вилоятга бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

Туманларга бўлинадиган шаҳарнинг бюджети шаҳар бюджетини ва шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларини ўз ичига олади.

Туманга бўйсунадиган шаҳарлари бўлган туманнинг бюджети туман бюджетини ва туман бўйсунувдаги шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

10-модда. Бюджет таснифи

Бюджет таснифи Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек унинг тақчиллигини молиялаштириш манбаларини гуруҳлашдан иборатдир.

Бюджет таснифи Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини тизимга солиш учун фойдаланилади ва у бюджет маълумотлари халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан қиёсланишини таъминлайди.

Бюджет таснифи:

Давлат бюджети даромадларининг таснифини;

Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан, ташкилий ва иқтисодий таснифини;

Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифини ўз ичига олади.

Давлат бюджети даромадларининг таснифи қонун ҳужжатларига мувофиқ уларни турлари ва манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади.

Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан таснифи давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро этиладиган асосий вазифалар бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборат бўлади.

Давлат бюджети харажатларининг ташкилий таснифи бюджетдан ажратиладиган маблағлар уларни бевосита олувчилар ўртасида тақсимланишини акс эттирувчи хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбирлар турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборат бўлади.

Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи тўловларнинг иқтисодий вазифаси ва турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборат бўлади.

Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи тақчилликни молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади.

Бюджет таснифи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

11-модда. Давлат бюджети даромадлари

Давлат бюджети даромадлари:

1) қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

2) давлатнинг молиявий ва бошқа активларининг жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар;

3) қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;

4) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

5) резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига тушадиган тўловлар;

6) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шакллантирилади.

12-модда. Давлат бюджети харажатлари

Давлат бюджети харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағ ажратиш доирасида қуйидагича амалга оширилади:

1) бюджет маблағлари олувчиларнинг жорий харажатлари шаклида;

2) жорий бюджет трансфертлари шаклида;

3) капитал харажатлар шаклида:

асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;

чет элда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олишга;

давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олишга;

давлат захираларини вужудга келтиришга;

4) капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари шаклида;

5) резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига бериладиган бюджет ссудалари шаклида;

6) давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари шаклида;

7) давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар шаклида;

8) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

13-модда. Бюджетлар ўртасида тақсимланган маблағларни даромадлар ва харажатлар жумласига киритиш

Давлат бюджети тузилмасига кирадиган бюджетлар ўртасида қайси бюджетлардан йўналтирилаётган бўлса, улар учун харажат ҳисобланадиган, айти бир вақтда қайси бюджетларга бориб тушаётган бўлса, улар учун даромад ҳисобланадиган маблағлар қуйидаги шаклда тақсимланиши мумкин:

бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари (тасдиқланган миқдорлар доирасида);

бюджет ссудалари ва уларнинг қайтарилиши;

ушбу Қонунга ва тегишли йил учун қабул қилинган Давлат бюджетига мувофиқ амалга ошириладиган бошқа ўзаро ҳисоб-китоблар.

14-модда. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш

Давлат бюджети тақчиллиги:

давлат томонидан ички ва хориждан маблағларни жалб қилиш;

республика бюджети маблағларининг молия йили бошланишидаги қолдиқлари;

қонунларга мувофиқ бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

15-модда. Республика бюджети даромадлари

Республика бюджети даромадлари:

1) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги ва нормативлар асосидаги умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар;

2) қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар бўйича давлат молиявий ва бошқа активларининг жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар;

3) қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;

4) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

5) резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига берилган тўловлар;

6) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шакллантирилади.

16-модда. Республика бюджети харажатлари

Республика бюджети харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағ ажратиш доирасида қуйидагича амалга оширилади:

1) республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағи олувчиларнинг жорий харажатлари шаклида;

2) жорий бюджет трансфертлари шаклида;

3) капитал харажатлар шаклида:

асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;

чет элда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олишга;

давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олишга;

давлат захираларини вужудга келтиришга;

4) капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари шаклида;

5) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари шаклида;

6) резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига бериладиган бюджет ссудалари шаклида;

7) давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари шаклида;

8) давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар шаклида;

9) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

17-модда. Республика бюджети тақчиллигини молиялаштириш

Республика бюджети тақчиллиги:

давлат томонидан ички ва хориждан маблағларни жалб қилиш; республика бюджети маблағларининг молия йили бошланишидаги қолдиқлари;

қонунларга мувофиқ бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

18-модда. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари:

1) қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга йўналтириладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

2) қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар;

3) қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ давлат мулки объектларини жойлаштириш, фойдаланишга беришдан олинган даромадлар;

4) қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;

5) юқори бюджетлардан бериладиган бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари;

6) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

7) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шакллантирилади.

19-модда. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағлар ажратиш доирасида қуйидагича амалга оширилади:

1) Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг жорий харажатлари шаклида;

2) жорий бюджет трансфертлари шаклида;

3) капитал харажатлар шаклида:

асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;

давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олишга;

4) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

20-модда. Давлат мақсадли жамғармалари

Давлат мақсадли жамғармаларига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси; Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг махсус ҳисобварағи; Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси; (Давлат мақсадли жамғармаларини тузиш, жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йилдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йилдаги “Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тўғрисида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелдаги “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси молиявий органлари ва нархни шакллантириш тизимини бошқаришнинг ташкилий тузилишини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ -244 -сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги «Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 414- сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 апрелдаги «Давлат молиясининг ислоҳ қилиш лойиҳасини тайёрлаш чоралари тўғрисида»ги 144- сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги «Хўжалик органларининг бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 610—сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий мак-

роиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ -532 -сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил “Давлат бюджетининг газна ижросини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 594-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил “Халқ таълими муассасаларининг молиявий-иқтисодий таъминотини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

16. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1993. - 23 б.

17. Каримов И.А. Ўзбекистон: иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. - 11 б.

18. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1997. - 326 б.

19. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Тошкент: Ўзбекистон 1997. -188 б.

20. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ зарур. -Тошкент: Ўзбекистон, 2002. - 195 б.

21. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. -Тошкент: 16т. Ўзбекистон, 2007. -219 б.

22. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси, Вазирлар маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи – 2007 йил 31 август.

23. Каримов И.А.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий –иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи газетаси. 2008й. 9 февраль.

24. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009й.

25. Акперов И.Г. и др. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации. Учеб.пособие. -М.: КНОРУС, - 2002, 2009.

26. Америка Кўшма Штатларининг Федерал бюджет тизими: Шакллантириш, мувофиқлаштириш ва ижро этиш тамойиллари. -Т.: Фан, -2004й.

27. Быкова Н.И. Особенности казначейской системы в ведущих странах мира. -Санкт-Петербург: 2000. -186с.

28. Быкова Н.И. Экономические основы функционирования казначейской системы. -Санкт-Петербург:СПб. 2000.

29. Баранова К.К. Бюджетный федерализм и местное самоуправление в Германии. -М: Дело и сервис, 2000. - 235с.

30. Бюджетная система Российской Федерации. // Учеб. пособие под ред. М.В. Романовского, О.В. Врублевской. 2-е изд. -М.: Юрайт, 2000.- 615с.

31. Бюджетный кодекс Российской Федерации. - М.: ЭКМОС, 2000. -128с.

32. Бисенте Монтесинос. Бюджетная и учетная реформа органов государственного управления в Испании. // Журнал по составлению бюджета ОЭСР. 2002.

33. Врублевская О.В., Иванова Н.Г. Казначейская система исполнения бюджета: Учеб. пособие. -Санкт-Петербург: 2000. -187с.

34. Государственный бюджет о подготовки до исполнения // Министерство экономики, финансов и планирования. -Париж: 1995.

35. Дроздов О.И. Технология казначейского исполнения федерального бюджета по расходом. -М: 2001. -172с.

36. Казначейская система исполнения бюджета. Учеб. пособие / Под общ. ред. Врублевской О.В., Ивановой Н.Г. - СПб., 2000. - 148с.

37. Маклева Г.И. Основные концепции основных изменений в бюджетном учете Российской Федерации; «Реформирование бюджетного учета и отчетности в Российской Федерации. Место и роль финансовых органов субъектов РФ в процессе реформирования» (сборник материалов регионального рабочего совещания).

38. Маклева Г.И. Бюджетный учет и отчетность в РФ и его совершенствование // Финансы. -М: 2002. -№2. -С.22-24.

39. Международные и российские стандарты бухгалтерского учета: Сравнительный анализ, принципы трансформации,

направления реформирования» / Под ред. С. А. Николаевой. -М: Аналитика. -Пресс. 2001.

40. Нормативная база бухгалтерского учета: Сборник официальных материалов // Предисловие и составление А. С. Бакаева. -М.: Изд-во Бухгалтерский учет, 2000.

41. Принципы организации казначейского исполнения Государственного бюджета // Д.Кучкаров, Т.Эшназаров, и др. Издательский дом «Мир экономики и права», 2005.

42. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 14 март 2002 йил ў- сон билан рўйхатга олинган “Давлат бюджетини гузиш ва ижро этиш тўғрисида”ги қоида.

43. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 18 июнда 1828-сон билан рўйхатга олинган Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида низом.

44. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 10 апрелда 1560-сон билан рўйхатга олинган Қорақалпоғистон Республикаси. вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджети ижросининг молия органларида бухгалтерия ҳисоби бўйича йўриқнома.

45. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 19 ноябрда 2157-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетиди турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида низом.

46. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 17 июнда 2112-сон билан рўйхатга олинган Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш тартиби тўғрисида низом.

47. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 21 майда 1475-сон билан рўйхатга олинган Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низом.

48. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 26 апрелда 2101-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ғазна ижроси бухгалтерия ҳисобининг ягона счёғлар режаси. •

49. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 22 декабрда 2169-сон билан рўйхатга олинган бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома.

50. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 16 сентябрда 2007-сон билан рўйхатга олинган Давлат бюджетининг фазна ижроси* қоидалари.

51. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 5 декабрда 1746-сон билан рўйхатга олинган Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида юритиш қоидалари.

52. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари.

53. Эшназаров Т. Фазначилик тизими муносабатлари. -Тошкент: -Фан. 2008 -303 б.

54. Эшназаров Т., Кучкаров Т, Абдурахимов Д. Фазначилик органлари ходимлари учун «Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш» дастурлар мажмуасидан фойдаланиш бўйича услубий қўлланма.// Тошкент: 2006.

55. Эшназаров Т., Назаров С., Мерзлов Ю. «Казначейство по общим требованиям обеспечения информационной безопасности.» // Инструкция пользователей программного комплекса. Тошкент: 2006. – С.7.

56. Эшназаров Т. Основные направления совершенствования учета исполнения государственного бюджета. //Ж. Экономическое обозрение. -Т: 2007.-№10.-С. 24-25.

57. Эшназаров Т. Фазна ижроси ҳураёини автоматлаштириш //Ж. Жамият ва бошқарув. -Т: 2008. -№ 2.-Б. 42-44.

58. Эшназаров Т. Особенности кассового планирования и управления денежными средствами Государственного бюджета в Узбекистане. // Ж. Экономика и финансы., -М.: 2008. -№ 6. -С. 54-57.

59. Эшназаров Т. Фазна тизими. // Ж.Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -Т: 2008. -№7.-Б. 34-35.

60. Стандарты государственного учета во Франции.

61. Councilors Guide to Local Government Finance: 1996 Revised Edition. London: The Chartered Institute of Public Finance and Accountancy, 1996.

62. P.V. Spahn, W. Foettinger "Germany"// "Fiscal Federalism in Theory and Practice" - Papers, prepared by the staff of the IMF. - Washington: IMF, 1997.

63. A. Hashim, AH International bank for reconstruction and development. World bank technical paper. № 505: Treasury reference model / AH Hashim, Bill Allan, 2001.

64. Strauss Kahn, Dominique. Rapport dePOSE par le Gouvernement pour le debat d'orientation budgetaire / Pres. au nom de Lionel Fospin par Dominique Strauss Kahn et Christian Sautter. —(Бюджетная политика Франции 1990-2002 гг. Отчет), 1999- 112с.

65. Ali Hashim, Bill Allan «Treasury reference model», World Bank & IMF, March. 2001.

66. Allen Schick, Robert Keith, Edward Davis. Manual on the Federal Budget Process. CRS Report for the Congress. 1991.

М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши.....	3
1-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МОЛИЯСИ ТИЗИМИДАГИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР ВА ҲАЗНАЧИЛИК ИНСТИТУТИ	
1-боб. Ўзбекистон Республикаси давлат молияси тизимидаги ислохотлар ва чет эл тажрибалари	
1.1. Давлат молияси соҳасидаги институционал ислохотлар ва янги тизимларни шакллантиришнинг муҳим йўналишлари.....	6
1.2. Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизimini ташкил этиш зарурати.....	22
1.3. Давлат Молиясини бошқариш тизимида ғазначилик институтини ташкил этиш.....	33
1.4. Чет мамлакатларда ғазначилик тизимининг ташкил этилиши.....	46
2-боб. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ғазна ижроси	
2.1. Давлат бюджети ғазна ижросининг моҳияти.....	66
2.2. Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети ғазна ижросининг тамойиллари.....	80
2.3. Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизimini жорий этиш босқичлари.....	93
2-БЎЛИМ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ҲАЗНА ИЖРОСИ МЕХАНИЗМЛАРИ, АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТИЗИМИ ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	
3-боб. Кассавий режалаштириш ва давлат бюджети ижросини бошқариш	
3.1. Кассавий режалаштириш ва Давлат бюджети пул маблағларини бошқаришнинг аҳамияти.....	113

3.2. Давлат бюджети ижросининг даромадлари ва харажатларини кассавий режалаштириш.....	135
3.3. Пул маблағларини бошқариш.....	165
4-боб. Ҳазначилик тизими шароитида давлат сектори ҳисоби тизими ва уни жорий этишнинг концептуал асослари	
4.1. Давлат сектори ва бюджет ҳисобини такомиллаштириш асослари.....	181
4.2. Давлат бюджети ғазна ижросининг ҳисобини қуришга нисбатан методологик ёндашувлар ва Давлат бюджети ғазна ижроси ҳисобининг Ягона ҳисоб режаси.....	197
4.3. Бюджет ҳисобини ривожлантириш стратегияси ва бошқичлари.....	215
5-боб. Давлат бюджети ғазна ижросининг автоматлаштирилган ахборот тизими асослари ва уни ривожлантириш истиқболлари	
5.1. Давлат бюджети ғазна ижросининг автоматлаштирилган ягона ахборот тизими ва унинг асосий мақсад ҳамда вазифалари.....	239
5.2. Давлат бюджети ғазна ижросининг автоматлаштирилган ахборот тизими(ААТ) асослари.....	246
5.3. Ҳазначилик Ахборот тизимининг дастурий таъминоти.....	260
Иловалар.....	272
Фойдаланилган адабиётлар.....	296

Т.Ш. ЭШНАЗАРОВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲАЗНАЧИЛИК
ТИЗИМИ АСОСЛАРИ**

*(Давлат бюджетининг ғазна ижроси, унинг механизмлари,
бухгалтерия ҳисоби ва автоматлаштирилган ахборот тизими)*

Мухаррир: *E.Bozorov*

Бадий муҳаррир: *M.Odilov*

Компьютерда саҳифаловчи: *A.Ro'ziyev*

Nashr lits. AI № 174, 11.06.2010. Bosishga ruxsat 02.11.2012da berildi.

Bichimi 60x84¹/₁₆. Ofset qog'oz. Times garnituras.

Shartli b.t. 17,5. Nashr-hisob t. 18,1. Adadi 250 dona.

Buyurtma 269

Tel. (+99871) 234-76-05

«IQTISOD-MOLIYA» nashriyotida tayyorlandi.

100084, Toshkent, Kichik halqa yo'li ko'chasi, 7-uy.

«KO'HI-NUR» MChJ bosmaxonasi.

100097, Toshkent sh., Bunyodkor shox ko'chasi, 44.

25000

ISBN 978-9943-13-343-3



9 789943 133433